

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти**

**ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА  
СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ  
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**



**ТОШКЕНТ – 2017**

Мазкур тўплам Фан ва технологиялар агентлигининг лойиҳаси - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида амалга оширилаётган **2016-1-12 “Демократик жамиятни ривожлантириш шароитида суд орқали ҳимоянинг процессуал шакл ва воситаларини такомиллаштириш”** мавзусидаги инновациятадқиқот лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида олиб борилаётган **“Қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг назарий-методологик масалалари”** мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида тайёрланган.

**Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. – Тошкент, “Noshirlik yogdusi”. 2017. – 330 б.**

**Масъул муҳаррир:** **Юридик фанлар доктори, профессор М.М.Мамасиддиқов**

**Таҳрир ҳайъати:** ю.ф.д., проф. **О.Окюлов**  
ю.ф.н., проф. **Ф. Мухамедов**  
ю.ф.н., доцент **М.А.Тиллабаев**  
ю.ф.д., доцент **М. Миракулов**

**Муҳаррирлар:** **Р.С.Қосимов, М.З.Иброхимов**

Мазкур тўпланда Юристар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курсларининг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари, тадқиқотчилар, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари ҳамда бошқа ҳуқуқшунос мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган мақолалари ўрин олган.

Тўплам фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, фуқаролик ишлари, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судьялар, судьяликка номзодлар, прокуратура ходимлари, адвокатлар, нотариуслар, юриспруденцияга, хусусан, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий процессуал ҳуқуқ соҳасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

© Юристар малакасини ошириш маркази, 2017.

© Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2017.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси  
қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланади**

**1-БОБ. ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ - МАМЛАКАТИМИЗДА ҚОНУН  
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА  
ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

**М.М.МАМАСИДДИҚОВ,  
юридик фанлар доктори, профессор**

**Ҳаракатлар стратегияси: қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда  
суд-ҳуқуқ ислоҳотларини такомиллаштиришдаги туб бурилиш**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳ этилиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди.

Конституциямизда судларнинг мустақиллигини кафолатловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан батамом холи этиш имконини берувчи “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан қабул қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Бироқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг замона ўртага қўяётган талаблари ва ривожланишнинг стратегик устувор вазифалари ҳозирги кунда бошқа соҳаларда бўлаётгани каби суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада

ислоҳ қилишни, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этмоқда эди. Шу маънода Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон**<sup>1</sup> мамлакатимизни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш мақсадини кўзда тутди.

Маълумки, ўз фуқароларининг келажаги учун қайғурадиган ва уларнинг фаровон ҳаёт кечиришини мақсад қилган ҳар бир давлат фуқаролари олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда ўз ривожланиш истиқболларини аввалдан режалаштиради, бунинг учун тегишли мақсадлар ва вазифаларини белгилаб олади. Бинобарин, **Стратегия** – барқарор ва мувозанатли ривожланишни таъминлашга йўналтирилган, ўз ичига ўрта ва узоқ муддатли мақсад ва вазифалар тизимини мужассам этувчи аниқ режалаштириш ҳужжатидир.

Чуқур ва пухта ўйланган, узоқни кўзловчи муҳим стратегик ҳужжат бўлмиш **Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси** давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадини кўзда тутди.

2017 йилнинг 8 феввалида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” (ушбу матнда бундан буён Давлат дастури деб юритилади) тасдиқланди.

Мавриди келганлиги боис Ҳаракатлар стратегиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишида ҳам ўзига хос маъно мужассам эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Аввало**, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловолди жараёнида келгуси фаолият дастури билан чиқади, фуқаролар билан учрашади, уларнинг муаммолари билан яқиндан танишади, мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда шу асосда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишга, ижтимоий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларига

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасиниянада ривожлантириш бўйичаҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

оид муаммоларни ҳал қилишга ва мамлакат ривожланишининг йўналишларини белгилашга қаратилган мақсадли режаларни шакллантиради.

**Қолаверса,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Президент давлат бошлиғи ҳисобланади ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Шундай экан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга қаратилган дастурларда давлат ҳокимиятининг ҳар уч тармоғи вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари, хўжалик юритувчи субъектлар, илмий-тадқиқот марказлари масъул шахслар сифатида назарда тутилган.

Ҳаракатлар стратегияси бешта устувор йўналишлардан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Дарҳақиқат, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштирмасдан, қонун устуворлигини таъминламасдан ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилмасдан туриб иқтисодиётни ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Иқтисодиёт ривожланиши эса ўз навбатида ижтимоий масалаларни самарали ҳал этилишига замин яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада кўтаришга хизмат қилади. Давлат дастури лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси порталида умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан кейин келиб тушган таклиф, тавсия ва мулоҳазалар асосида кўриб чиқилиб, унинг 41 та бандига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Таъкидлаш жоизки, Давлат дастури билан белгиланган **320 та** тадбирдан **60 дан** ортиғи **II йўналиш** бўлмиш **“Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”**да назарда тутилган. Унда хусусан:

**2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш;**

**2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;**

**2.3. Маъмурий жавобгарлик, жиноят тўғрисидаги, фуқаролик ва хўжалик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;**

**2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;**

**2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;**

**2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган.**

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, бироқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг замонавий талаблар ва халқаро стандартлар асосида кафолатларини кучайтиришга зарурат сезилмоқда эди. Зеро, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминламай туриб, асосий мақсад – одил судловни амалга ошириш, пировардида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга эришиб бўлмайди.

Шу маънода Давлат дастурида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг энг илғор, замонавий механизмларини жорий этиш назарда тутилаётгани ғоятда аҳамиятлидир.

**Биринчидан,** Давлат дастурининг 54-бандида қонун ҳужжатлари билан **судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва сўнг муддатсиз даврини белгилаш** назарда тутилди.

Судья лавозимида бўлишнинг ушбу тартиби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва қоидаларига, одил судлов стандартлари талабларига тўла мувофиқ келади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясидан ташқари судларнинг мустақиллигига бағишланган, Европа даражасидаги нуфузли ҳужжат Европа Иттифоқи Вазирлар қўмитасининг Судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги (94)12-Тавсияларида ҳам судьялар мустақиллигининг муҳим принципларидан бири бўлган алмаштириб бўлмаслик принципи ўз ифодасини топган. Зотан ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда судьянинг қонунда назарда тутилган ҳолларда нафақага чиққунига қадар ваколат муддати кафолатланган бўлиши, яъни қонун билан белгила-ниши лозимлиги назарда тутилган. Судьяни лавозимга доимий тайинлаш фақат у интизомий жавобгарликка ёки жиноий жавобгарликка тортил-ганда ёхуд ўз судьялик вазифасини бажара олмай қолганда тугатилиши мумкин. Муддатидан аввал нафақага чиқишга фақат судьянинг илтимоси ёки тиббий асосларга кўра, йўл қўйилади.

Шунингдек, судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик муддати белгиланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Нега деганда, бу судьядан зиммасига юклатилган вазифани намунали ва виждонан бажаришни талаб этиши билан бир қаторда лавозимига кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши учун рағбатлантирувчи қоида ҳам ҳисобланади. Судья ўз вазифаларини намунали адо этгач, кейинчалик ўн йилга ва ҳатто муддатсиз даврга сайланиши ёки тайинланиши назарда тутилди.

Давлат дастурида назарда тутилган мазкур тадбирни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда 2017 йилнинг 13 апрелида матбуотда эълон қилинган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал

ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига судьянинг ваколат муддати ва уни ҳисоблаш тартибини белгиловчи янги 63<sup>1</sup>-модда киритилиб, унда судья биринчи марта беш йиллик муддатга, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда тайинланиши ёки сайланиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.<sup>2</sup>

**Иккинчидан**, Давлат дастурида **судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёш**ни, яъни туман ва вилоят судлари судья лавозимларини 65 ёшгача, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судлари судьялари лавозимларини – 70 ёшгача белгилаш назарда тутилди. Бу эса, судьянинг ўз-ўзидан умрбод муддатга ушбу вазифага тайинланиши ёки сайланиши каби нотўғри талқинга барҳам беради. Бинобарин, одил судлов стандартларига доир машҳур **Венеция комиссиясининг** тавсияларида ҳам судьяларни то нафақага чиққунга қадар судьялик лавозимида бўлишининг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Дарҳақиқат, судья лавозимида бўлишнинг ушбу тартиби судьяларнинг мустақиллигини кафолатлаш билан бир қаторда мамлакатимизда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, суд тизимини қори малакали, етук, одил судлов соҳасида катта тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва бенуқсон обрў-эътиборли судьялар билан тўлдиришга, уларнинг бой тажрибаларидан кенг фойдаланишга ҳамда барқарор судьялар мактабининг яратилишига замин яратади. Қолаверса, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият органлари таъсиридан холи бўлишига хизмат қилади.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёш

ни белгиловчи янги 66<sup>1</sup>-модда киритилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари учун судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёш

ни, бошқа судларнинг судьялари учун олтмиш беш ёш

ни ташкил этиши, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа судларнинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши судьянинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкинлиги, судья пенсия ёшига етганда ёки пенсияга чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа

<sup>2</sup>“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 17 апрель, 15-сон, 242-модда.

асослари бўлган тақдирда, пенсияга чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолиши каби муҳим нормалар назарда тутилди.<sup>3</sup>

**Учинчидан**, Давлат дастуридагисуд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги чора-тадбирлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича **олий малака комиссияси** негизида суд ҳокимияти органи сифатида **Судьялар олий кенгаши**(ушбу матнда бундан буён – Кенгаш деб юритилади) ташкил қилиш, Кенгаш таркибининг камида ярмини судьялар ҳисобидан шакллантириш ва унга суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга доир бир қатор ваколатлар берилишининг назарда тутилгани бўлди.

Бу борадаги ўрганиб чиқилган халқаро стандартларда, масалан, **Венеция комиссияси** тавсияларида ҳам судьяларни тайинлайдиган орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши лозимлиги кўзда тутилган. Шу мақсадда мазкур Тавсияларда, масалан, мустақил Судьялар кенгаши тузилиши, мазкур Кенгашнинг ҳеч бўлмаганда ярми сайланган судьялардан иборат бўлиши, шунингдек, корпоративчиликдан қочиш ва мувозанатни сақлаб туриш мақсадида судьялар кенгашининг бошқа аъзолари парламент томонидан сайланиши, улар адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамиятининг вакилларидан иборат бўлиши таъкидланган.

Бу борада айрим хорижий давлатлар амалиёти ҳам ўрганилди. Жумладан, Болгарияда Судьялар Олий кенгаши 25 нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига Олий кассация суди раиси, Олий маъмурий суд раиси ва Бош прокурор киритилган. Қолган аъзолар эса 15 йиллик юридик стажга эга бўлган юқори профессионал ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган ҳуқуқшунослардан иборат. Испанияда суд ҳокимиятининг Бош кенгашига раисликни бир вақтнинг ўзида Олий трибунал раиси амалга оширади, Кенгашнинг 12 аъзоси барча суд инстанцияларининг судьялари ва магистратлари ичидан, 4 аъзо Конгресс депутатлари тавсияси билан, яна 4 аъзо Сенатнинг тавсияси билан, 15 йиллик юридик стажга эга бўлган адвокатлар ва таниқли ҳуқуқшунослар орасидан сайланади. Қозоғистонда Судьялар олий кенгаши Олий суд Раиси, Олий суднинг уч нафар судьяси, Бош прокурор, Парламент палаталарининг биттадан вакили, яъни Сенат аъзоси ва Мажлис депутати ҳамда Адвокатлар ассоциацияси раисидан иборат таркибда белгиланган. Украинада 2016 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган “Одил судловнинг Олий кенгаши тўғрисида”ги қонунда мазкур кенгашнинг мақоми, ваколатлари, фаолият асослари ва тартибига оид муайян нормалар тажассум топди.

---

<sup>3</sup> “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017. 17 апрель, 15-сон, 242-модда.



Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4966-сонли Фармон<sup>4</sup> қабул қилиниб, унда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш зарурлиги, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси аниқ ҳуқуқий мақомга эга бўлмаганлиги ва фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширганлиги, чекланган ваколатларга эга бўлганлиги алоҳида таъкидланган. Мазкур Фармон билан судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашигаасос солинди ва унда Кенгашнинг асосий вазифалари белгиланди.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва 2017 йилнинг 7 апрелида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги<sup>5</sup> ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунлар<sup>6</sup> билан Судьялар олий кенгашининг ҳуқуқий мақоми Конституция ва қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур Кенгашининг фаолиятига оид нормалар “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунда тўлиқ ўз ифодасини топди.

**Тўртинчидан,** Давлат дастурининг 58-бандида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан **маъмурий судларни ташкил этиш** орқали судларни янада ихтисослаштириш масалалари ўрин олган.

Маълумки, судларнинг ихтисослашуви судга тааллуқли ишларни ўз вақтида, сифатли кўриш ва ҳал этиш, одил судловнинг самарадорлигини оширишдаги муҳим омиллардан биридир. Биринчи Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан мамлакатимизда судларни ихтисослаштириш бўйича дастлабки қадам қўйилган. Фармонга мувофиқ, 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017. 27 февраль, 8-сон, 109-модда.

<sup>5</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-426-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 10 апрель, 14-сон, 213-модда.

<sup>6</sup> “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-427-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 10 апрель, 14-сон, 214-модда.

судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судлари ташкил қилинган эди.<sup>7</sup>

Мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш зарурати эса қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1) маълумки, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тобора либераллаштириш сиёсати изчил давом эттирилиб, айрим қонунбузарлик ҳолатлари жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилмоқда.

2) маълумотларга қараганда, судларда кўрилаётган фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, 2016 йилда фуқаролик ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишларнинг сони 278.156 тани, жиноят ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда ҳукм чиқарилган жиноят ишларининг сони 45.294 тани ташкил қилган бўлса, жами кўриб тамомланган маъмурий ишлар 433.637 тани ташкил этган.

3) фуқароларнинг давлат бошқарувига оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш;

4) давлат бошқарув органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштириш.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги юқорида қайд этиб ўтилган 4966-сонли Фармонида 2017 йилнинг 1 июнидан эътиборан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш назарда тутилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, шунингдек туман (шаҳар) маъмурий судларининг намунавий тузилмалари тасдиқланди. Бу эса ўз навбатида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар томонидан кўриш ва ҳал этишнинг процессуал тартибини белгилашни тақозо этар эди.

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги 4966-сонли Фармонининг ижросини

---

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон.

таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>8</sup> билан Фуқаролик процессуал кодексига “Маъмурий судларда суд ишларини юритиш” деб номланган 2<sup>1</sup>-модда киритилиб, унда маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, ушбу Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги кунда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда, мутахассислар томонидан миллий процессуал қонун ҳужжатлари ва ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибаси чуқур таҳлил қилинмоқда.

**Бешинчидан,** Давлат дастурининг 58-бандида суд аппаратини мустақамлаш чора-тадбирлари ҳам назарда тутилган. Унга кўра, судьяларни одил судлов билан бевосита боғлиқ бўлмаган вазифалардан озод қилиш мақсадида судлар тизимида **судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш** назарда тутилди.

Судьялар ёрдамчиси лавозимининг таъсис этилиши судьяларнинг иш билан бандлигини мақбуллаштиришга, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, судья ёрдамчилари лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган шахсларнинг лойиҳа топилиши ва уларга фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, низосиз талаблар бўйича суд буйруқларини чиқариш каби вазифаларнинг юклатилиши келажақда мамлакатимизда судьялар захирасини шакллантириш, судьялик лавозимларига тавсия этиш учун энг яхши номзодларни танлаш имконини беради.

Шу ўринда хорижий тажрибага мурожаат қилсак, масалан, АҚШда суд ёрдамчиларининг асосий вазифаси ҳуқуқий масалалар бўйича суд ҳужжатларини тўплаш, процесс иштирокчиларининг суд залига келишини таъминлаш ва судьянинг бошқа топшириқларини бажаришдан иборат экан. Германия суд тизимида эса судьянинг ёрдамчиси судьялар томонидан одил судловни амалга оширилишини таъминлашга

---

<sup>8</sup> "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги УРҚ-428-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 17 апрель, 15-сон, 242-модда.

кўмаклашишдан ташқари айрим тоифадаги ишлар, хусусан, мерос, кадастр ишлари, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ ишлар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга экан. Австрия, Дания ва Эстония каби давлатларда судья ёрдамчиси суд буйруқларини чиқариш каби ваколатларга ҳам эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги 4966-сонли Фармонида амалдаги суд мажлиси котиби лавозимини тугатиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимларини киритиш, уларга тегишли равишда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг 10 - 12 ва 8-разрядларини белгилаш назарда тутилди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқиляётган янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексда, Иқтисодий процессуал кодексда ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда судья ёрдамчисининг ваколатлари белгиланмоқда.

**Олтинчидан, Давлат дастурида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш** бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган. Зеро, судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиришда, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлашда, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш, суд муҳокамаси иштирокчиларининг электрон шаклда хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятининг яратилишида унинг алоҳида ўрни бор. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишлари бўйича республика судларида кўриб тамомланган фуқаролик ишлари ҳажмининг йилдан йилга кўпайиб бораётгани, бунинг натижасида судда иш кўриш бўйича судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳажми ортиб бораётгани фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этаётган эди.

Муқаддам фаолият кўрсатган Олий хўжалик судининг бу борадаги фаолиятига тўхталадиган бўлсак, мазкур суднинг расмий веб-сайти замонавий талабларга мувофиқлаштирилиб, унда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиладиган янги “Электрон кутубхона” дастурий таъминоти ишга туширилган. Унга тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида фойдаланадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари, суд амалиёти умумлашмалари, суд ҳужжатлари ва уларнинг намуналари жойлаштирилган.

Олий хўжалик суди ва барча қуйи хўжалик судлари фаолиятини бирлаштирган ягона электрон база ишга туширилган. Натижада судларга даъво аризалари, аризалар, шикоятлар ва илтимосномаларнинг келиб тушиши, муддатида рўйхатга олиниши, судьялар томонидан

чиқарилаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва жўнатилиши, суд муҳокамаларининг бошқа кунга қолдирилиши, статистика ҳисоботлари ҳаққонийлиги, суд қарорларининг ижро этилиши ҳамда суд фаолиятига оид бошқа маълумотларни Олий ҳўжалик судида электрон тармоқ орқали мониторинг ва назорат қилиб бориш имконияти кенгайган.

2014 йилнинг 1 сентябридан эътиборан суд мажлисларининг видео-конференцалоқа режимида ўтказилиши тадбиркорлик субъектлари учун кўплаб қулайликлар яратган, аввало, сарф-харажатлар кескин камайган, ортиқча вақт йўқотиш ҳамда оворагарчиликларнинг олди олинган.

Бироқ мамлакатимизда судларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида **Давлат дастурининг 65-бандида:**

*- судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш;*

*- судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш;*

*- суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) кабилар назарда тутилди.*

Давлат дастурида назарда тутилган **судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш** тартибининг жорий қилиниши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши билан бир қаторда суд тизимида юз бериши эҳтимоли бўлган коррупция аломатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, халқаро даражадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг объектив бўлиши судьяларнинг мустақиллигини кафолатловчи муҳим принциплардан бири эканлиги эътироф этилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият давлатларда суднинг раҳбарлари судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш масалаларига умуман аралашмайди. Мазкур масала автоматлашган тизим орқали махсус ишлаб чиқилган техник дастурлар орқали бажарилиб, бу билан суд маъмуриятида фаолият кўрсатадиган техник ходим шуғулланади.<sup>9</sup>

Европа Иттифоқига аъзо айрим давлатларда, масалан, Австрия ва Латвияда суд ишларини тақсимлаш электрон тартибда амалга

<sup>9</sup> Макарова О.В. Некоторые проблемы укрепления гарантий независимости судей // Журнал российского права, 2008, N 5.

оширилса, Германияда суд ишларини алифбо тартибида тақсимлаш амал қилар экан.<sup>10</sup>

Судьялар ўртасида ишларни тақсимлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш, хусусан, ишларни тақсимлашнинг автоматик тартибини жорий қилиш:**а)** ишларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги ахборотларни олиш ва судьялар ўртасида ишларни тенг тақсимлаш имконини беради;**б)** ишларни тақсимлашда субъектив омилларнинг олдини олади;**в)** келиб тушган ишни расмийлаштиришдан то уни судьяга беришгача бўлган вақтни анчагина қисқартиради. Бу эса суд ходимларининг тезкорлигини оширади ва ишлар ўз вақтида кўрилишини таъминлайди;**г)** судьянинг юритувида бўлган ишни қайси босқичда эканлигини, ишни кўриш муддатларига риоя қилинаётган-қилинмаётганлигини осонгина назорат қилиш имконини беради; **д)** суд раисининг ишларни тақсимлаш ва уни тегишли журналга расмийлаштиришга кетадиган талайгина вақти тежалишига олиб келади.<sup>11</sup>

Шу ўринда Давлат дастурида назарда тутилган **суд қарорларини чоп этиш тартибини** жорий қилишнинг афзалликлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур тартиб орқали суд фаолиятига оид ахборот олиш имконияти яратилади, бу эса ўз навбатида суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айна шу иш бўйича судга қилинаётган муурожаатларнинг олдини олади. Суд қарорларини чоп этиш тартибининг жорий қилиниши судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги принципи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Зеро, суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди.

Суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларининг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши моҳият эътибори билан демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидан биридир.

Суд қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд қарорлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар бўлган тақдирдагина тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанциялари ва маъмурий судлар қарорларини тарқатишнинг самарали механизмлари яратилган, бу борада “Legifrance. gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий

<sup>10</sup> Рекомендации по более широкому применению международных стандартов в области прав человека в процессе отправления правосудия в Республике Беларусь / ПРООН. –Минск: 2009. -14 с.

<sup>11</sup> Автоматическое распределение дел: компьютер в роли председателя. [http://usd.krd.sudrf.ru/modules.php?name=press\\_dep&op=4&did=16](http://usd.krd.sudrf.ru/modules.php?name=press_dep&op=4&did=16)

ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида ҳуқуқнинг барча манбалари, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан бемалол танишиш мумкин.

Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш тажриба мавжуд бўлиб, қизиқарли суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, “Лондон Таймс” газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни чиқадиган “Лоу Таймс” газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишланади.

Суд фаолиятининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталадиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имконияти яратилган. Суд қарорларини электрон шаклда ҳам, чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўпلام сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.

Шунингдек, Давлат дастурида электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди (73 ва 82-бандлар).<sup>12</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>13</sup> ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши бу соҳада илмий тадқиқот ишларини янада долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Бинобарин комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг белгиланиши мамлакатимиз процессуал ҳуқуқ соҳалари олдида одил судлов ҳужжати саналмиш суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг ҳамма учун

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Респуб-ликасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли қарори // [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3327998](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3327998)

очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жадал суръатлар билан жорий этиш муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да назарда тутилган мазкур чора-тадбирларни самарали амалга оширилишида бу борада ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, хорижий давлатлар тажрибасида процессуал қонунчиликка ахборот технологияларни жорий этишнинг шакл ва услублари билан боғлиқ амалий нуқтаи назардан бирмунча қизиқарли бўлган масалалар мавжуд.

Шунинг учун процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар олдида қуйидаги назарий вазифалар туради:

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда техник воситалардан фойдаланиш доирасини аниқлаш (белгилаш);

- амалдаги фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш қоидаларини техниканинг “тажовузи”дан ҳимоя қилиш ва унинг таъсир доираси чегарасини белгилаш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда электрон далиллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, уларга судлар томонидан баҳо беришда эътиборга олинадиган масалаларни тадқиқ этиш;

- судьялар ўртасида ишларни электрон тақсимлаш мезонлари ва тартибини шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш давомида техника воситаларидан фойдаланишдаги чегаралар ва бу билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш, масалан, қачон суд фаолияти давомида фуқароларнинг процессуал ҳаракатлари ўрнини техника ютуқлари билан алмаштириш мумкинлиги ҳамда қайси ҳолларда бу кутилган натижани ва самарани бериши мумкинлиги билан боғлиқ мезонлар шулар жумласидандир.

**Еттинчидан, Давлат дастурида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш масаласига алоҳида ўрин берилиб, ўндан ортиқ чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2017 йилнинг II чорагида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди. Давлат дастурига мувофиқ ишлаб**



чиқилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун шу йил 12 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Унга кўра, янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун тасдиқланди.<sup>14</sup> 6 боб, 38-моддадан иборат янги таҳрирдаги қонуннинг энг муҳим янгиликлари қуйидагилардан иборат бўлди: унинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлди; ундан мурожаатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб чиқарилди; жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг оммавий қабулларини ташкил этилиши мумкинлиги мустақамлаб қўйилди; қонунда оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, жумладан, давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкинлиги қайд этилди; Халқ ва виртуал қабулхоналар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, уларнинг асосий вазифалари, Президент Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Президентнинг Виртуал қабулхонаси томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш каби масалалар қонунан тартибга солинди; давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга ошириши белгиланди ва ҳ.к.<sup>15</sup>

Давлат дастурида жорий йилнинг I-чорагида барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш белгиланди. Ҳозирга қадар деярли барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналари ишга тушурилди.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари веб-сайтлари орқали ўз соҳа фаолиятининг йўналишлари бўйича “Онлайн маслаҳат” рукнининг ташкил этилиши, жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи миқдорини камайтириш белгиланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

<sup>14</sup>“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-378-сон Қонуни (Янги таҳрири) // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 18 сентябрь, 37-сон, 977-модда.

<sup>15</sup>Батафсил қаранг: Миракулов М.М. Мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатлари кучайтирилди // <http://uza.uz/oz/laws/review/murozhaat-ilish-u-u-i-kafolatlari-kuchaytirildi-20-09-2017>

**Саккизинчидан, Давлат дастурида фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Давлат дастурида:**

- хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низолар бўйича судга мурожаат қилишдан аввал эътирозни мажбурий тақдим этиш тартибини ўрнатиш;

- фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш;

- даъвогар томонидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган бўлса, қонун ёки шартномада эса мазкур тоифадаги низолар учун бундай тартиб назарда тутилган бўлса, даъвони қабул қилишни рад этиш тартибини киритишга қаратилган чоратадбирлар назарда тутилган.

Низоларни судга қадар ҳал этишга қаратилган тартиб-таомилларнинг қонунҳужжатларида белгиланиши судлардаги мавжуд иш юктамаларининг камайтирилишида муҳим ўрин эгалласа-да, бироқ мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида низоларни дастлаб суддан ташқари ҳал қилиш шартини назарда тутувчи норма мавжуд эмас. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, масалан, ГФРнинг Фуқаролик процессуал қонунлар тўплами айрим тоифадаги ишлар бўйича низони судга қадар ҳал этишнинг мажбурийлигини белгилайди. Унга кўра, даъвогар судга даъво аризаси билан биргаликда яраштирувчи орган томонидан берилган, тарафларнинг низони ҳал этиш учун қилган ҳаракатларисамарасиз бўлганлигини тасдиқловчи гувоҳномани тақдим этиши шарт. Бельгияда суд тарафларга келишмовчиликни муқобил ҳал этиш механизми ёрдамида бартараф этишни таклиф қилиши шартлиги, Испания ва Италияда эса судья тарафларни ярашув тартиб-таомилига мурожаат қилишга қаратилган барча чораларни кўришга мажбур эканлиги белгиланган. Греция қонунчилиги бўйича ҳам агар тарафлар низони ўзаро ҳал этиш бўйича яраштирув тартиб-таомилини қўлламаган бўлсалар, суд даъвони қабул қилмайди.

**Давлат дастурининг 79-бандида** фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, медиация мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олган, бетараф учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро муроса — ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Бетараф учинчи шахс — медиатор аслида судья ҳам, арбитр ҳам

эмас, вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор қабул қилмайдиҳам. Ҳакамлик судидан у айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

Американинг 1000 дан ортиқ корпорациялари ўртасида олиб борилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, улардан 88 фоизи охириги уч йил давомида медиацияни қўллаб келган, 81 фоизи медиацияни суд тартиб-таомилига қараганда қулай эканлигини қайд этган, 59 фоизи низода иштирок этувчилар ўртасида шериклик алоқаларини сақлаб қолиш имкони яратилганлигини таъкидлаган.

Бир сўз билан айтганда, низоларини судгача ҳал этиш тартибини белгиловчи махсус қонун - “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш, шу орқали одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим усуллари билан биридир.

Ўз навбатида мазкур қонун лойиҳаси умумий қоидалар, медиаторларнинг ҳуқуқий ҳолати ва медиациянинг амалга оширилишини таъминловчи ташкилотлар, медиацияни ўтказиш ва яқунловчи қоидаларга бағишланган бобларга ажратилиши лозим.

Лойиҳанинг “Умумий қоидалар” деб номланган биринчи бобида медиацияни қўллаш доираси, мазкур Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар, медиациянинг мақсади ва медиацияни ўтказиш принципларига бағишланган нормалар назарда тутилиши керак.

Лойиҳанинг “Медиаторлар реестри” деб номланган иккинчи бобида медиаторларнинг реестрини юритиш тартиби, шартлари, медиаторлар ташкилотини профессионал медиаторлар реестрига киритиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан профессионал бўлмаган медиаторларни реестрга киритиш ҳамда реестрдан чиқаришга доир нормалар белгиланиши таклиф қилинади.

Лойиҳанинг “Медиаторларнинг ҳуқуқий ҳолати ва медиациянинг амалга оширилишини таъминловчи ташкилотлар” деб номланган учинчи бобида медиаторларга нисбатан қўйиладиган талаблар, медиаторнинг, медиация тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, медиаторни рад этиш, медиациянинг амалга оширилишини таъминловчи ташкилотлар, медиаторларнинг малакасини ошириш масалаларига доир нормалар белгиланиши лозим.

Лойиҳанинг “Медиацияни ўтказиш” деб номланган тўртинчи бобида медиацияни ўтказиш тартиби, медиацияни ўтказиш жойи ва вақти, медиацияни ўтказиш тили, шартлари, медиация шартномасининг шакли ва мазмуни, медиацияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар иштирокидаги фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги медиациянинг хусусиятлари, жиноий судлов ишларини юритиш жараёнида ўтказиладиган медиациянинг хусусияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан медиация ўтказиш хусусияти, оила муносабатлари

соҳасидаги медиациянинг хусусияти, медиациянинг тугатилиши ҳамда низони (келишмовчиликни) бартараф этиш бўйича келишув масалалари ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тўққизинчидан**, Давлат дастурида адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг барча босқичида кенгайтириш, шу жумладан адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ташаббуси механизмларини белгилаш масалалари ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларининг кўрилишида адвокатнинг ролини кучайтириш мақсадида:

адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизмини аниқ белгилаб бериш;

судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартибини аниқлаштириш;

фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштирокини кенгайтириш;

суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш белгиланмоқда.

Ундан ташқари, адвокатура институтини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

- адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бериш;

- адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш;

- адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларидан солиқолиш тизимини мақбуллаштириш;

- адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириш;

- адвокатлик лицензияси амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тугатишнинг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

- адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш;

- тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш назарда тутилди.

**Унинчидан**, Давлат дастурида суд-ҳуқуқ ислохотларининг ажралмас қисми сифатида юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини ҳамда **юридик таълимни, юридик кадрларни**

**қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни** янада такомиллаштириш масалалари ҳам ўрин олган. Дарҳақиқат, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштирамай туриб жамиятда қонунийликни таъминлаб бўлмайди, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишда самарадорликка эришиб бўлмайди.

Давлат дастурида бу соҳадаги замонавий талаблардан келиб чиқиб юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талабларини ишлаб чиқиш назарда тутилди. Судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, хорижий амалиёт ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, ўқиш ва амалиёт ўташ даврини узайтириш орқали судьяликка номзодларни тайёрлашга янги талаблар қўйилади.

Шунингдек, суд амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича мунтазам равишда тадбирлар ўтказиш шаклида судьяларнинг малакасини ошириш назарда тутилди.

Давлат дастурида юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида жумладан қуйидагилар назарда тутилди:

- Тошкент давлат юридик университетининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатларини кенгайтириш;

- Университетнинг жамоатчилик бошқарув органи — Ҳомийлик кенгашини тасдиқлаш, унинг таркибига суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходимларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим ва тадқиқот муассасаларининг вакилларини киритиш, унинг зиммасига университетни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга, халқаро ҳамкорликни кучайтиришга, ўқув жараёни шакллари ва методларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш вазифаларини юклаш;

- халқаро суд ва арбитражларида иштирок эта оладиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган юридик кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

- юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида етакчи халқаро ташкилотлар, халқаро таълим муассасалари, илмий тадқиқот муассасалари, маслаҳат марказлари, олим ва мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйиш.

Таъкидлаш жоизки, Давлат дастурида назарда тутилган мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2932-сонли Қарори билан ўз амалий натижасини кўрсатди. Хусусан, мазкур Қарор билан юридик кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, Тошкент давлат юридик университетида (ушбу матнда бундан буён ТДЮУ деб юритилади) ўқув жараёнини ташкил

этишнинг замонавий усуллари жорий қилиш, ёшларнинг олий юридик таълим олишларига кенг имкониятлар яратишни таъминлаш мақсадида ТДЮУни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасига адлия вазири ўринбосари - Тошкент давлат юридик университети ректори лавозими киритилди, ТДЮУнинг янгиланган ташкилий тузилмаси тасдиқланди, ТДЮУ Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази ташкил этилди, ТДЮУ Васийлик кенгаши ташкил этилди ва унинг таркиби тасдиқланди, ТДЮУга профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилган қатор ҳуқуқлар берилди ва ҳ.к.<sup>16</sup>

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш қандай бораётганлиги ҳақида аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилиш ишлари амалга оширилди. Жойларда 6 мингга яқин учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида телекўрсатув ва чиқишлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, навбатдаги ислоҳотларни сифатли ва олдиндан режалаштириш учун 2017 йил якунлари бўйича эришилган натижаларни чуқур ўрганиш ва пухта таҳлил қилиш тақозо этилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Ф-5024-сонли Фармойиши айтилиши ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат сифатида навбатдаги ислоҳотларни олдиндан, сифатли режалаштирган, чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.<sup>17</sup>

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2932-сонли Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 15 май, 19-сон, 335-модда.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижалари ҳақида аҳоли ва жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, шунингдек, 2017 йилда мамлакатни ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилиш ва 2018 йилги навбатдаги ислохотларни режалаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш мақсадида мазкур Фармойиш билан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда қуйидаги вазифалар юкланди:

- 2017 йилнинг август-сентябрь ойлари давомида статистикага оид ва бошқа маълумотларни йиғиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва барча даражадаги давлат органлари фаолиятининг натижаларини ўрганиш, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, илмий доира вакиллари ва хорижий мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари, сўровлар, эксперт ва жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш орқали Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш яқунлари тизимли таҳлил қилинишини;

- мамлакатни ривожлантириш яқунларини ҳисобга олган ҳолда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси” ахборот-таҳлилий шарҳи 2017 йил 1 декабрга қадар муддатда нашр этилиши ва тарқатилишини;

- Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган Давлат дастури лойиҳасига киритиш учун тақдим этиладиган долзарб таклифларнинг тайёрланиши, йиғилиши ва умумлаштирилишини, уларнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссияга 2017 йил 10 ноябрга қадар муддатда кўриб чиқиш учун киритилишини таъминлаш.

Мазкур Фармойиш билан шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган Давлат дастури лойиҳасига киритиладиган таклифлар фақат кенг жамоатчилик билан дастлабки муҳокама қилингандан кейин кўриб чиқилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Ф-5024-сонли Фармойиши талабларидан келиб чиқиб тайёрланган мазкур мақолалар тўпламида чоп этилаётган мақолаларда ҳам Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган

Давлат дастури лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган таклифлар ўрин олган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда шу асосда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизни янада ривожлантиришга, қонун устуворлиги ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва қоидалари, одил судлов стандартларини кенг даражада ўзида ифода этган, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган ҳужжат сифатида она диёримизни янада ривожлантиришга замин яратади.

**М.А. ТИЛЛАБАЕВ,**  
**Директор Центра повышения квалификации**  
**юристов, к.ю.н., доцент**

### **Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития в 2017–2021 годах – «дорожная карта» по модернизации и обновлению страны**

В 2017 году Узбекистан вступил в качественно новый этап своего независимого развития. За годы независимости Узбекистан достиг колоссальных успехов в социально-экономическом и политико-правовом развитии.

В целях коренного повышения эффективности проводимых демократических реформ, создания условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, реализации приоритетных направлений по модернизации страны и либерализации всех сфер жизни был принят Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>18</sup>.

Указом Президента Республики Узбекистан утверждены:

**во-первых,** Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах;

**во-вторых,** Государственная программа по реализации Стратегии действий в Год диалога с народом и интересов человека.

Для определения стратегических и приоритетных направлений развития страны в предстоящие пять лет создана Национальная комиссия по реализации Стратегии действий во главе с Президентом Республики Узбекистан.

Следует отметить, что проект Стратегии действий был опубликован в сети Интернет и прошел широкое общественное обсуждение среди широких слоев населения с использованием новых информационных

---

<sup>18</sup> См.: Собрание законодательства Республики Узбекистан, 13 февраля 2017 г., № 6, ст. 70.



технологий. В обсуждении приняли активное участие и международные эксперты, а также представители дипломатического корпуса, аккредитованного в Ташкенте. В частности, по итогам общественного обсуждения проектов на портале «Система оценки воздействия актов законодательства» поступило более 1300 предложений и отзывов, на основе которых пересмотрен 41 пункт Государственной программы «Год диалога с народом и интересов человека».

В период 23-27 января 2017 года в г. Ташкенте были организованы медиа-неделя и международный «круглый стол», в которых приняло участие свыше 1300 специалистов и экспертов, представителей общественности, СМИ, дипломатического корпуса и международных организаций, а также крупных зарубежных инвесторов, осуществляющих свою деятельность в Узбекистане.

**Цель Стратегия действий** – коренное повышение эффективности проводимых реформ, создание условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, модернизации страны и либерализация всех сфер жизни.

«Стратегия действий» предусматривает реализацию целого комплекса мероприятий по следующим пяти приоритетным направлениям.

**Первое направление: Совершенствование государственного и общественного строительства**, направленное на дальнейшее усиление роли парламента и политических партий в углублении демократических реформ и модернизации страны, реформирование системы государственного управления, развитие организационно-правовых основ государственной службы, совершенствование системы «Электронное правительство», повышение качества и эффективности государственных услуг, практическую реализацию механизмов общественного контроля, усиление роли институтов гражданского общества и средств массовой информации.

**Второе направление: Обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы**, направленное на укрепление подлинной независимости судебной власти и гарантий надежной защиты прав и свобод граждан, совершенствование административного, уголовного, гражданского и хозяйственного законодательства, повышение эффективности системы противодействия преступности и профилактики правонарушений, полную реализацию принципа состязательности в судебном процессе, совершенствование системы оказания юридической помощи и правовых услуг.

**Третье направление: Развитие и либерализация экономики**, направленные на дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, модернизацию и интенсивное

развитие сельского хозяйства, продолжение институциональных и структурных реформ по сокращению присутствия государства в экономике, дальнейшее усиление защиты прав и приоритетной роли частной собственности, стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства, комплексное и сбалансированное социально-экономическое развитие регионов, районов и городов, активное привлечение иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы страны путем улучшения инвестиционного климата.

**Четвертое направление: Развитие социальной сферы,** направленное на последовательное повышение занятости и реальных доходов населения, совершенствование системы социальной защиты и охраны здоровья граждан, повышение социально-политической активности женщин, реализацию целевых программ по строительству доступного жилья, развитию и модернизации дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктур, развитие сферы образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, совершенствование государственной молодежной политики.

**Пятое направление: Обеспечение безопасности, международного согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики,** направленные на укрепление независимости и суверенитета государства, создание вокруг Узбекистана пояса безопасности, стабильности и добрососедства, укрепление международного имиджа страны.

«Стратегия действий» является «дорожной картой» Узбекистана по выполнению Целей устойчивого развития ООН и реализуется в 5 этапов, каждый из которых предусматривает утверждение отдельной ежегодной Государственной программы по ее реализации в соответствии с объявляемым наименованием года.

В целях реализации «Стратегии действий» уже приняты законодательные и организационные меры по обеспечению верховенства закона и подлинной независимости суда. Так, в рамках «Стратегии действий» уже приняты:

- законы об изменениях и дополнениях в Конституцию Республики Узбекистан;

- Конституционный закон «О Конституционном суде Республики Узбекистан» (новая редакция);

- Закон «О противодействии коррупции»;

- Закон «О Высшем судейском совете»;

- Закон «О распространении правовой информации и обеспечении доступа к ней»;

- Закон «Об Уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства»;

- внесены изменения и дополнения в Уголовный, Уголовно-процессуальный, Гражданско-процессуальный, Хозяйственно-процессуальные кодексы, направленные на дальнейшую либерализацию судебно-правовой системы.

2017 год в Узбекистане объявлен **«Годом диалога с народом и интересов человека»**. В целях совершенствования работы с обращениями физических и юридических лиц созданы Народные приемные Президента Республики Узбекистан во всех регионах страны, внедряются новые механизмы и эффективные методы для налаживания постоянной обратной связи с населением, решения волнующих людей проблем.

При работе с обращениями населения широко используются современные информационно-коммуникационные технологии, в частности, вот уже восемь месяцев функционирует Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан. За это время из поступивших 1,2 млн. обращений 94% рассмотрены.

Данные шаги послужили основанием для принятия новой редакции Закона «Об обращениях физических и юридических лиц», в котором закреплена правовая статус института Народных приемных и Виртуальной приемной Президента Республики Узбекистан. Кроме того, в законодательство, правоприменительную практику вводятся такие новые формы обращений, как обращения, поступившие через телефоны доверия, по «горячей линии» государственных органов и других организаций, посредством видеоконференцсвязи, через официальный веб-сайт, виртуальную приемную и другие.

Узбекистан первым из государств Центральной Азии создал **систему национальных институтов по правам человека**, который включает парламентского Омбудсмана и Национальный центр по правам человека.

В рамках реализации Стратегии действий парламент Узбекистана принял закон, направленный на дальнейшее совершенствование правового статуса парламентского Омбудсмана, который закрепляет механизмы организации деятельности региональных представителей Уполномоченного, предоставляет право обращения в Конституционный суд, а также в суды с исками в защиту прав граждан.

В настоящее время в Узбекистане создается новый внесудебный механизм защиты прав предпринимателей – Бизнес омбудсман. В августе т.г. парламент принял соответствующий закон, в разработке которого принимали участие и представители национальных институтов по правам человека, институтов гражданского общества.

Кроме того, законодательно закреплены права парламентского Омбудсмана и Бизнес-омбудсмана на обращение в суды с заявлениями и исками в интересах заявителей без уплаты государственной пошлины.

Одним из важнейших шагов стало объединение Верховного суда и Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан в единый высший орган судебной власти в сфере гражданского, уголовного, административного и экономического судопроизводства — Верховный суд Республики Узбекистан<sup>19</sup>.

В рамках реформирования судебно-правовой системы:

- **образованы административные суды** Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента, районных (городских) административных судов;

- преобразована система военных судов из состава Вооруженных Сил Республики Узбекистан в **систему Верховного суда Республики Узбекистан**;

- на базе хозяйственных судов Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента образованы **экономические суды** Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента, а также созданы

71 межрайонный, районный (городской) экономические суды, которым подведомственно рассмотрение дел в первой инстанции.

Кроме того, законодательно введены следующие новеллы:

- **упразднена** не соответствующей сущности отправления правосудия практика **направления судами уголовных дел на дополнительное расследование**,

- расширено применение института «Хабеас корпус» (экзгумация трупа, арест почтово-телеграфных отправок), введена мера пресечения как **домашний арест**;

- сокращены сроки **предварительного задержания до 48 часов**, а также сроки предварительного следствия **до 7 месяцев**;

- из системы уголовного наказания исключен арест и в качестве нового вида уголовного наказания введены **обязательные общественные работы**, которые заключаются в принудительном привлечении осужденного к выполнению бесплатных общественно полезных работ;

- исключен из уголовно-процессуального законодательства института дознания, который фактически дублирует институт доследственной проверки.

Образован Департамент по обеспечению деятельности судов при Верховном суде Республики Узбекистан, основными задачами которого является организация работы по материально-техническому и финансовому обеспечению деятельности судов, а также подготовка предложений по ее совершенствованию.

---

<sup>19</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 21 февраля 2017 г. №УП-4966 «О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан»

В 2017 году принят **Закон “О противодействии коррупции”**, который направлен на предотвращение и профилактику правонарушений коррупционного характера, расширение участия в данном процессе полномочных органов, органов самоуправления граждан, институтов гражданского общества, средств массовой информации и населения. Кроме того, утверждена Государственная программа по противодействию коррупции на 2017–2018 гг., создана Республиканская межведомственная комиссия по противодействию коррупции.

Конституцией страны и специальным законом усовершенствован механизм подбора и утверждения кадров при формировании судейского корпуса путем образования **Высшего судейского совета Республики Узбекистан**, большинство членов которого состоит из числа судей.

Новый совет получил конституционный статус, который служит важной конституционной гарантией независимого и эффективного осуществления советом возложенных на него задач. Таким образом, Высший судейский совет наделен широкими полномочиями. Эти нормы соответствуют требованиям Венецианской комиссией Совета Европы.

Теперь судьи военных судов, судов областей и города Ташкента, председатели и судьи межрайонных, районных, городских судов будут назначаться и, в случаях, предусмотренных законом, освобождаться от должности Советом по согласованию с Президентом Республики Узбекистан. Эта норма закона повысила и укрепила авторитет Совета.

Кроме того, **предусмотрено назначение судей первоначально на 5-летний, на второй срок – на 10 лет, затем – на бессрочный период.**

Внедрена практика проведения каждым судьей открытого диалога с населением на местах как минимум раз в месяц, предоставления судьями информации о своей деятельности в местных Кенгашах народных депутатов.

**Принят Конституционный закон «О Конституционном суде»**, в котором четко определены сроки полномочий и требования к кандидатам в судьи. Предусматривается повышение возрастного ценза кандидата в судьи с 30 до 35 лет и закрепление предельного возраста пребывания в должности судьи — 70 лет, как правило.

Добавлены и субъекты, обладающие правом внесения вопросов в Конституционный суд, – Кабинет Министров и Уполномоченный Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсман).

Постановлением Президента от 30.08.2017г. №ПП–3250 утверждена **Программа по внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий на 2017–2020 гг.**, который нацелен обеспечение открытости, прозрачности и оперативности деятельности судов, повышение качества судопроизводства и уровня доступа населения к правосудию,

искоренение фактов волокиты, бюрократизма и злоупотреблений со стороны работников судов.

Следует отметить, что данные меры направлены на реализацию **рекомендаций Совета по правам человека и договорных органов ООН по итогам рассмотрения национальных докладов Узбекистана.**

Все большую роль в обеспечении прав человека играют институты гражданского общества. Сегодня в Узбекистане функционирует более **8700** неправительственных организаций, **2239** – религиозных организаций, **1400** - средств массовой информации. Эти цифры наглядно свидетельствуют о той роли, которую играют гражданские институты в жизни узбекского общества.

Большое внимание придается профилактике преступлений, особенно среди молодежи, и в этой связи приняты ряд законов, созданы межведомственные органы. Совершенствуется механизмы парламентского и общественного контроля за соблюдением прав человека.

Начиная с 2017 г. узбекские парламентарии ежемесячно выезжают в регионы для осуществления системного контроля за ходом рассмотрения обращений и решения проблем граждан, а также анализа деятельности органов исполнительной власти.

Кроме того, внедряется **система отчетности перед населением руководителей органов прокуратуры, внутренних дел, хокимов всех уровней.** Согласно введенным законодательным новшествам к основным полномочиям областного, районного и городского Кенгаша народных депутатов законом отнесено заслушивание отчетов прокуроров, отчетов руководителей территориальных подразделений Министерства внутренних дел Республики Узбекистан, органов управления, здравоохранения, районных (городских) медицинских объединений, центральных районных многопрофильных поликлиник.

Кроме того, в соответствии с поправками в законодательство о государственной власти на местах вводится система предоставления хокимами области, района, города отчетов о своей деятельности органам самоуправления граждан. В соответствии с законом впредь утверждение в должности инспекторов профилактики будет осуществляться решением районного (городского) Кенгаша народных депутатов.

По инициативе ряда общественных и государственных организаций создан негосударственный Центр «Стратегия развития», который занимается общественным мониторингом за реализацией Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годах, а также Государственной программы «Год диалога с народом и интересов человека».

В его функции входит оказание содействия в подготовке проектов ежегодных программ по Стратегии действий, осуществление системного

общественного мониторинга хода ее реализации и широкое информирование об этом, изучение мнений и предложений населения, выработка предложений по ним.

Реализация Стратегии действий станет мощным импульсом для поступательного движения Республики Узбекистан по пути реформирования и модернизации страны, построения правового и демократического государства с развитой рыночной экономикой, сильного гражданского общества, обеспечения верховенства закона, безопасности и правопорядка, неприкосновенности государственных границ, межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе.

**М.М.МИРАКУЛОВ,**  
юрисконсульт доктори, доцент

### **Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлагани қайд қилинган. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва ажралмас белгиси бўлиб қонун устуворлиги ҳисобланади.

Қонун устуворлиги халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан бевосита боғлиқ принципдир. Чунки халқ ҳокимияти деганда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода халқ иродасининг ифодаси бўлган, фуқароларнинг парламентга сайлаб қўйган вакиллари орқали ёки ўзлари томонидан бевосита референдум орқали қабул қилинган қонунлар халқ ҳокимиятчилигининг натижаси, мажозий қилиб айтганда меваси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади, аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат.

БМТ Бош котибининг таърифига кўра қонун устуворлиги барча шахслар, муассасалар ва давлат ҳамда хусусий тузилмалар, шу жумладан давлатнинг ўзи, оммавий равишда қабул қилинган ва барча томонидан тенг равишда ижро қилинадиган, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ бўлган қонунлар асосида фаолият кўрсатиб, қонун нормалари суд органлари томонидан мустақил татбиқ этиладиган бошқарув принциpidир.

Европа Кенгашининг Венеция комиссияси фикрига кўра, қонун устуворлиги деганда ҳар бир фуқаронинг қонунга мувофиқ ҳокимият ваколатига эга бўлган ҳар қандай шахс томонидан ўзига нисбатан муносиб, тенг ва оқилона муносабатда бўлинишга, шунингдек уларнинг

қарорларини мустақил ва холис судларда, одил суд муҳокамасида эътироз билдириш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқини назарда тутадиган аниқ ва барқарор ҳуқуқий тизим тушунилади.

Қонун устуворлиги принципига формал ва мазмуний ёндошувлар мавжуд бўлиб, формал ёндошувчилар фақатгина масалаларни қонун асосида ҳал қилиш, қонун асосида бошқариш, қонун бўйича одил судлов – деб тор таъриф берадилар, мазмуний ёндошув тарафдорлари эса ҳар қандай қонун эмас, балки ҳуқуқни моҳиятини ташкил қилувчи адолат, тенглик, эркинлик принципларига мос келувчи қонунгина устувор бўлиши лозим – деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси қонун устуворлигини мазмуний ёндошувига нисбатан “ҳуқуқ устуворлиги” тушунчасини қўллашни тавсия қилади.

Бундан ташқари халқаро ҳужжатларда қонун устуворлигини асосий элементлари сифатида қонун ижодкорлигини шаффоф, ҳисобдорлик ва демократик жараёни қамраб олган қонунийликка асосланиши; ҳуқуқий аниқлик; ўзбошимчаликни тақиқланганлиги; мустақил ва холис одилсудловнинг очиқлиги; шунингдек маъмурий ҳужжатлар устидан суд назоратининг ўрнатилганлиги; инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва камситмаслик ҳамда қонун олдида тенглик ҳисобланади.

World Justice Project лойиҳаси қонун устуворлигининг ҳар йилги дунё бўйича индексини давлат ҳокимияти ваколатларининг чегараланганлиги, коррупциянинг мавжуд эмаслиги, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик ҳолати, фундаментал ҳуқуқларга риоя қилиниши, ҳукуматнинг очиқлиги, ҳуқуқни қўллаш, фуқаролик ишлари бўйича одил судлов, жиноят ишлари бўйича одил судлов кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгилайди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур норматив-ҳуқуқий ва ташкилий институционал асослари шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боби Конституция ва қонуннинг устунлиги деб номланиб, мазкур боб Конституциямизнинг Асосий принциплар бўлимида жойлашган. Назариядан маълумки, принцип деганда раҳбарий қоидалар назарда тутилади. Агар Конституциянинг бошқа бўлимлари ўртасида қандайдир тушунмовчилик келиб чиқадиган бўлса, масала назарияга кўра асосий принципларга таянилиб ҳал қилиниши керак. Шу маънода қонун устуворлигининг Асосий принциплар бўлимида жойлаштирилганлиги мамлакатимизда мазкур принципга улкан аҳамият берилаётганидан далолатдир.

Конституциянинг мазкур бобидаги ҳамда бошқа нормаларида мустаҳкамланган қоидаларни таҳлил қилиш қуйидаги фикрларни чиқаришга олиб келади: биринчидан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Иккинчидан, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва



қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Учинчидан, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эгаллиги, қонуности ҳужжатлар қонун асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилиниши, қонунлар энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шартлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилиши кабилар белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари мамлакатимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Авваламбор бу Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили ҳисобланиши, қонунларнинг бажарилиши устидан парламент, жамоатчилик ва идоравий ҳамда адлия органларининг назорати ўрнатилганлиги, Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриши, суднинг фаолияти қонун устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назорати мустаҳкамланганлиги, ташкилотларда юридик хизматлар фаолияти йўлга қўйилганлиги кабиларда бевосита намоён бўлади.

Қонунчилигимизда ҳуқуқий экспертиза, қонун ҳужжатларини таъсирини баҳолаш тизими, мониторинг, идоравий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш каби ҳуқуқий воситалар ҳам белгиланган бўлиб, булар ҳам қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим элементларини ташкил этади.

Кўплаб қонунларда қонун устуворлиги, қонунийликни таъминлаш фаолиятининг асосий принциплари, вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилган. Масалан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун 2-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қонун устуворлигини таъминлаш келтирилган. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи

назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Ички ишлар органларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғидаги ўзининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) оқлаш учун хизмат манфаатларини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни, юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф талаблари, буйруқлари ва фармойишларини ёки қонунга мувофиқ бўлмаган бошқа бирор-бир ҳолатни рўкач қилиши мумкин эмас. Ички ишлар органларининг ходимларига кимнидир ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга бевосита ёки билвосита қизиқтириш, кўндириш, ундаш тақиқланади – деб белгиланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 2-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш белгилаб ўтилган. Мазкур қонуннинг 5-моддасида қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади – деб қайд этилган.

Прокуратура органларининг мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун 19-моддасида мустаҳкамланган.

Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 7-бандида қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган жамият ва давлат қурилиши соҳасида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорининг 1-бандида давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги Қарорида давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига ҳар йили кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича ишлар тўғрисида

юримдик хизматнинг ҳисоботини эшитиш бўйича шахсий жавобгарлик юкланган.

Бундан ташқари, қонун устуворлигини нафақат давлат органларида, балки ҳар бир маҳаллада таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси тўғрисида низомда жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг тегишли ҳудудда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан ҳамкорликда қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилинишини, ҳудудда тартиб ўрнатишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига кўмаклашиш вазифасини бажаришлари қайд этилган.

Айни вақтда қайд этиш жоизки, Президентимиз 2016 йил 7 декабрдаги Конституцияқабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур. Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда. Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

... Бу борадаги ишларни ташкил этишда, авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур, деб ҳисоблайман" деган эдилар.

Қонун устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим масалалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Шу маънода савол туғилади: қонун устуворлиги шахсга, жамиятга, давлатга нима беради? Нега бутун дунёда мазкур принципга жуда катта эътибор берилади?

Қонун устуворлиги шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини монеъликсиз амалга ошириш, ўз ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонунан кафолатланганлиги туфайли тинч, осойишта, хотиржам, ҳеч қандай ташқи таъсирлардан, зўравонлик ва ўзбошимчалиқдан қўрқмай яшаш имкониятини беради.

Қонун устуворлиги шунингдек шахсга унинг учун мажбурий бўлган мазкур ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида унинг ўзи ёки сайлаб қўйган вакиллари орқали иштирок этиш, давлат бошқарувида таъсир ўтказиш, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлайди.

Агар жамиятда қонун устуворлиги таъминланмаса одамларда нафақат бугунги, балки эртанги кунга ҳам ишонч йўқолади, адолат, тенглик, эркинликка риоя қилинмайди, ким зўр бўлса шунинг гапи мажбурий бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилади, бундай жамиятни ҳар қандай онгли одам тарк этиш чораларини қидиради, бундай маконда қабоҳат ва залолат ҳукм суради. Қонун устуворлиги таъминланмаган жамиятда иқтисод ҳам ривожланмайди, иқтисодий ислохотлар ҳам самара бермайди. Чунки ҳеч ким қонун ишламаган жойга ўз мулкани, самоясини киритишни ҳохламайди.

Қонун устувор бўлган давлатда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланади, ҳокимиятнинг шахсга таъсири чегараланади, инсон ҳуқуқлари ҳимояланади, мулк ҳуқуқига риоя қилинади, одил судлов мустақил бўлиб, самарали амалга оширилади.

Мамлакат иқтисоди барқарор ўсиши учун тадбиркорларда, чет эллик инвесторларда мулк ҳуқуқи қонун билан кафолатланган бўлиши лозим. Нобель мукофоти соҳиби Амартия Сен инсоннинг асосий ҳуқуқлари кафолатланганлиги инсонларни ҳақиқатдан озод қилади, уларни имкониятларини кенгайтиради ва бу мамлакат фаровонлигини ошишига хизмат қилади – деб ҳисоблайди.

Шунинг учун ҳам турли халқаро ташкилотлар, тадқиқот марказлари томонидан тузиладиган рейтингларда қонун устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. Жумаладан The World Justice Project халқаро ноҳукумат ташкилоти дунё бўйича ҳар йили махсус “Қонун устуворлиги индекси юритади. “Трансформация индекси”, “Бертельсман халқаро фонди”, Жаҳон банки томонидан юритиладиган “Давлат бошқаруви сифати индексларида қонун устуворлиги фаровонликни таъминловчи кўрсаткичлардан бири сифатида қайд этилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда қонун устуворлиги кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам шунга мутаносиб равишда юқори бўлмоқда. Қонун устуворлиги иқтисодий ўсиш суръатларига самарали таъсир ўтказмоқда.

Айни вақтда қайд этиш жоизки қонун қачон устувор бўлади, қачонки одамларда ва давлат хизматчиларида шундай онг шакллансаки, у ёки бу ҳолатга дуч келсалар, бу масалада қонунда нима белгиланган – деган қараш, агар қонун бўлмаса, уни яратиш ва ташаббус қилиш чоралари кўрилса қонун устуворлиги бўлади. Агар фуқаролар ҳам давлат

хизматчилари ҳам фаолиятларида қонунга эҳтиёж сезмасалар, қонунни ижросини таъминлашнинг соатдек механизми, тизими шаклланмас экан, қонун устуворлигини тасаввур қилиш қийин.

Қонун устувор бўлиши учун қонун нормаларини нафақат давлат хизматчилари, балки фуқаролар ҳам яхши билишлари лозим бўлади. Қонунга таянишни ўзига мақсад қилиб олган фуқаролар сони қанча ошса, шунча қонун устуворлигини таъминлаш даражаси ошади. Фуқаролар нафақат ўзлари, балки бошқаларни ҳам қонунга риоя этишлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширсалар, бу йўналишда ихтисослашган фуқаролик жамияти институтлари кўпайса, қонун устуворлиги муҳити шаклланади. Халқимизда мавжуд “Қарс икки қўлдан чиқади” деган мақол айнан қонун устуворлиги учун ҳам мос келади. Бунинг учун ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим тўғри ташкил этилган бўлиши лозим. Фуқароларга худди тиббиётда бирламчи тиббий ёрдам бепул бўлганига ўхшаб, бирламчи юридик ёрдамни бепул ташкил этишга оид масалани кўриб чиқиш лозим. Бунинг учун “Бепул ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш лозим. Бундай номдаги қонун МДХнинг деярли барча мамлакатларида қабул қилинган.

Қонун устуворлиги таъминланиши учун қонунларни сифатини ошириш, уларни қабул қилишда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш, қонунларда ҳаётимиздаги реал муаммолар ечимини топиши, одамларнинг кундалик мақсад ва эҳтиёжларини қонун нормаларига сингдириш лозим. Чунки мутахассисларнинг таъкидлашларича, қонуннинг обрўси, нуфузи унинг нақадар тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга эканига боғлиқдир.

Бу йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳам ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Айниқса ҳафтанинг ҳар пайшанбаси профилактика куни этиб белгиланганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки барча давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланганлиги қонун устуворлигини таъминлашда муҳим қарор бўлди.

Қонун устуворлигини таъминлашда ташкил этилаётган маъмурий судлар, қабул қилиниши режалаштирилаётган маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлиги жамиятда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланишини, инсон ҳуқуқлари ҳимояланишини, мамлакат иқтисоди барқарор ўсиши учун тадбиркорларда, чет эллик

инвесторларда мустаҳкам ишончни шаклланишининг мустаҳкам гаровидир.

## **2-БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СУДНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ, СУД ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Х.Т. МАМАТОВ,  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директорининг биринчи  
ўринбосари, юридик фанлар доктори,  
профессор в.б.**

### **Суд-ҳуқуқ соҳасидаги конституциявий ислоҳотларнинг янги босқичи**

Давлатважамиятҳаётинингбарчажабҳаларида, шужумладанинсонҳақ-ҳуқуқлариваэркинликларинингкафолатисифатидаадолатлисуд-ҳуқуқтизиминишакллантиришборасидаислоҳотларизчилаамалгаоширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда “судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон, яъни умуминсоний қадриятлар ва умум эътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги-янги қонунлар яратилди. Уларнинг асосига қонунийлик, демократизм, одиллик, инсонпарварлик, жинсий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойиллари қўйилди”.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришдир. Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳамда мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, у мамлакатимиз биринчи Президенти Ислам Каримовнинг доимий диққат марказидаги масалалардан бири эди. Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш мавзуси И.Каримов нутқларида такрор-такрор таъкидлаб

келинди. Ушбу фикрни асослашда қуйидагиларга мурожаат этиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ислон Каримов шундай деб таъкидлаган эди: “Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир”.

“Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган, деб билиши керак. Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони, деб билиши керак”. Ушбу ғояларни рўёбга чиқариш учун судлар қонундан оғишмай иш тутишлари, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, бу йўлдан собитқадамлик билан қатъий боришлари ва шу асосда халқнинг ишончини қозонишлари зарур бўлади.

Шу билан бирга, суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини муттасил такомиллаштириб бориш зарур. Бунда суд ва судьяларнинг ҳокимиятни бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунушини таъминлаш лозим. Ушбу ҳуқуқий асос, ўз навбатида, демократизмни, холисликни, суднинг ҳаммабоп бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши зарур. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий кимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим.

Мазкур масалалар бўйича фикр юритар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев қуйидаги ташаббусни илгари суради: “Конституция-мизда олий кадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз... Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир. Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча мартаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди”.

“Суд - одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг родини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Суд-ҳуқуқ



тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир”.

Айнан шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган иккинчи йўналишида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноий, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил 6 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, судьялар корпусини янада мустаҳкамлаш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларига мувофиқ конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, фаровонлигига хизмат қилиши билан бир қаторда тизимда мавжуд камчилик ва бўшлиқни бартараф этишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятнинг бош мақсади инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган суд ҳокимиятининг олий органи иккита эканлиги, яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги муайян камчиликларга сабаб бўлаётган эди. Биринчидан, суд тизимини бошқариш функцияларининг такрорланишига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан, амалдаги тузилма ягона суд амалиётини, хизмат вазифаларининг оқилона тақсимланишини таъминлаб бермаётган эди.

Мазкур конституциявий ўзгартишлар мамлакатимизда суд тизимини янада чуқур ислоҳ қилиш, демократлаштириш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш учун асос яратди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Яна бир янгилик, суд тизимида иқтисодий ва маъмурий судлар тузилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий, маъмурий судларини, шунингдек, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларини ҳамда туман, шаҳар маъмурий судларини ташкил этишни назарда тутувчи ушбу конституциявий ўзгаришлар мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий, иқтисодий ва бозор ислоҳотларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириб, хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик фаолиятини судда ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланади. Жумладан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, давлат органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигига, қарорлари устидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг берган мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли бўлган турли даражадаги маъмурий судларнинг тузилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини ҳамда сифатини жиддий оширади.

Конституциянинг 80-моддаси 2-4 бандларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини ва Олий хўжалик судини сайлаш ваколати белгиланган эди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги замонавий ўзгаришлар, жумладан, мамлакатимизда Олий суд ва Олий хўжалик судларининг бирлаштирилиши, мутлақо янги институт, яъни конституцион мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши муносабати билан конституция-мизнинг юқоридаги нормаларига муайян ўзгартиришлар киритилиб, ушбу бандларга асосан Олий Мажлис Сенати тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, раис ўринбосари ва судьяларини, Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш ҳамда Судьялар олий кенгаши раисини тайинлаш ваколатига эга эканлиги белгиланди.

Конституциянинг 81-моддаси 7-қисмида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида мамлакат Президенти, Бош вазир, Вазирлар маҳкамасининг аъзолари, мамлакат Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки Бошқарувининг раиси

иштирок этишлари мумкин деб белгиланган нормага тегишли ўзгартириш киритилди. Мазкур ўзгартиришга кўра эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида мамлакат Президенти, Бош вазир, Вазирлар маҳкамасининг аъзолари, мамлакат Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши раислари, Бош прокурори, Марказий банки Бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Конституциянинг 83-моддасида мамлакатимизда Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган саккизта субъект, яъни мамлакат Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокурор санаб ўтилган эди. Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судларининг суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилганлиги муносабати билан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар таркибидан олий хўжалик суди чиқарилди.

Конституциянинг 93-моддаси 13 бандига кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этиши назарда тутилган эди. Эндиликда эса ушбу банд Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси, раиси ўринбосари ва судьялари, Олий суд раиси, раиси ўринбосарлари ва судьялари, Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади тарзида ўзгартирилди.

Шу модданинг 14-бандига кўра Президент вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этиши назарда тутилган эди. Мазкур 14-бандга киритилган ўзгартиришларга кўра эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимига биноан вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоларини қонунга мувофиқ тасдиқлайди.

Конституциямизга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча бевосита суд мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг нуфузини оширишга қаратилган. Жумладан, Конституциянинг 111-моддасига асосан суд-ҳуқуқ тизимида янги

институт – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши жорий этилиб, унга Конституциявий институт мақоми берилмоқда. Зеро, келгусида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.

Бу ўзгаришларнинг яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Олий Мажлис Сенати томонидан тайинланади, Кенгаш аъзолари эса қонунга мувофиқ давлат раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мазкур институтга конституциявий мақом берилиб, унинг нуфузи оширилишидан мақсад, келгусида мазкур тузилма инсон тақдири билан боғлиқ ўта масъулиятли вазифаларга номзодларни танлаш ва уларни судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг ушбу жараёндаги иштирокини кенгайтириш ҳамда юқори малакали судьялар корпусини шакллантиришдек ўта муҳим вазифаларни бажаради. Зеро, суд ўз қарори билан кўплаб инсонлар ҳаётини ҳал қилади, тақдирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу масалага ҳар томонлама масъулият билан ёндашиш Кенгаш олдидаги асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Конституцияга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилишга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, мамлакатда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга асос бўлади.

Бундан ташқари, Конституциянинг 107-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси суд тизимида фаолият юритувчи судьяларнинг фаолият муддати беш йилдан иборат эди. Эндиликда эса Конституциянинг 12-моддаси 4-қисмига асосан судьяларнинг ваколат муддати қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 63<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди. Унга кўра судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда. Бу ўзгартишлар мамлакатда адолатли, демократик суд

тизимини жорий этишга оид халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, суд – инсоният бутун цивилизация даврида кашф этган низоларни ҳал этишнинг, мутаносиб жазо тайинлашнинг самарали воситаси, энг ноёб ижтимоий ҳодиса ва маънавиятимизнинг ютуғидир. Қиёсий таъбир жоиз бўлса, шифокор – инсон вужудидаги касалликни даволаса, суд – жамият вужудидаги қусур-касалликларни даволайди. Беморга – ширин сўз даво бўлса, жабрланувчи ва судланувчига – адолатли сўз даркор бўлади. Суднинг етуклиги ва маҳорати эса қонун асосида ана шу адолатли сўзни айтишда намоён бўлади.

**А.Р.АКИЛОВ,**  
**доктор юридических наук, профессор кафедры**  
**«Уголовно-процессуальное право»**  
**Академии МВД Республики Узбекистан**

### **Суть и значение судебно-правовых реформ, заложенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах**

В настоящее время в стране идёт активная законотворческая работа по внедрению в жизнь Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан (далее – Стратегия действий).

Важность и знаменательность этой инициативы мною видится в том, что впервые в практике нашей страны на всенародное обсуждение были вынесены не инициативы по конституционной реформе, а проект решения главы государства, который хочет соотнести предполагаемые к принятию в ближайшие пять лет стратегические меры по развитию страны с волеизлиянием народа. Это является ярким свидетельством стремления недавно избранного Президента управлять страной демократическими методами.

Кроме того, значимость Стратегии действий видится и в следующих обстоятельствах.

Во-первых, избранные Президентом пять направлений, безусловно, являются наиболее приоритетными направлениями дальнейшей модернизации и либерализации страны, внутренней политики государства на ближайшую перспективу.

Во-вторых, Стратегия действий, на мой взгляд, является логическим продолжением Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, на основе

которой осуществлялись реформы и преобразования в общественно-политической и социально-экономической сферах жизни в течение 2011-2016гг.

В-третьих, представленный руководителем республики документ, по своему содержанию, является стратегией, а не концепцией, программой мер, планом первоочередных задач или другим видом программного документа. Это проявляется в том, что в проекте обозначены стратегические направления внутренней политики государства, подлежащие реформированию и модернизации, а не перечень конкретных мер, подлежащих реализации в краткосрочной или долгосрочной перспективе, чем характерны другие вышеперечисленные программные документы.

В этой связи, хотелось особо отметить, что Стратегия действий, с учетом признанной в науке классификации стратегий государства, может быть охарактеризована как социально эффективная стратегия, обеспечивающая устойчивый рост экономики, целом, и благосостояния каждого гражданина, в частности, а также достижение полной занятости населения, отсутствие (минимизацию) инфляции и справедливое распределение доходов.

С учетом важности и значимости данного документа для дальнейшего развития нашей республики, а в конечной итоге, и судьбы каждого из нас, хотелось высказать ряд своих соображений, предложений и рекомендаций, которые, на мой взгляд, позволят с помощью Стратегии решить ряд актуальных, с моей точки зрения, проблем в различных сферах жизни общества и государства.

Первое, о чем хотелось бы, сказать – это мерах по совершенствованию системы государственного и общественного строительства. Здесь предлагается обеспечить дальнейшее усиление роли Олий Мажлиса, политических партий в углублении демократических реформ и модернизации страны, путем:

1) усиления роли Олий Мажлиса в системе государственной власти, дальнейшее расширение его полномочий в решении важнейших задач внутренней и внешней политики страны, а также в осуществлении парламентского контроля за деятельностью исполнительной власти.

Достижение этой цели, на мой взгляд, возможно реализацией следующих первоочередных мер:

во-первых, принять меры, направленные на укрепление статуса отечественного парламента, с одной стороны, и депутатов и сенаторов, с другой. Для этого необходимо:

- в соответствии с принципом разделения властей, приравнять статус палат Олий Мажлиса к статусу Кабинета Министров, а депутатов и сенаторов – к статусу министров, а руководителей палат – к статусу Премьер-министра, как это имеет место в большинстве развитых демократических стран и во всех западноевропейских государствах. При

этом, только лишь приравнивание статуса не приведет к ожидаемому результату. Для усиления роли Олий Мажлиса в системе государственной власти, дальнейшего расширения его полномочий в решении важнейших задач внутренней и внешней политики страны, а также в осуществлении парламентского контроля над деятельностью исполнительной власти необходимо наделить членов парламента соответствующим вспомогательным штатом (помощники, секретари, референты, эксперты), без чего, как показывает западная парламентская практика, невозможно эффективно и действенно достигнуть заявленные в проекте Стратегии цели относительно парламента;

- создать при Олий Мажлисе институты, которые бы занимались организационным и информационно-аналитическим обеспечением деятельности депутатов, сенаторов и парламентских органов. К числу одного из таких институтов можно было бы отнести действующие Аппараты палат Олий Мажлиса, однако они с момента их создания противятся (причем, безуспешно) выполнению этих функций

во-вторых, принять законодательные меры по внедрению механизмов, обеспечивающих обязательное участие палат, комитетов и комиссий, а также депутатов и сенаторов Олий Мажлиса в принятии высшим органом исполнительной власти - Кабинетом Министров решений по решению важнейших задач внутренней и внешней политики страны. При этом, такое участие не должно ограничиваться предоставлением депутатам и сенаторам, палатам и их органам лишь совещательного голоса. В некоторых случаях, по примеру зарубежной практики, палаты могли бы быть наделены такими правами, как правом наложения вето либо приостановления проекта какого-либо решения правительства, вынесения по нему резолюции порицания, а также наложения финансовой санкции – приостановления финансирования какого либо мероприятия, планируемого к принятию правительством;

в-третьих, принять меры по усилению роли Олий Мажлиса в осуществлении парламентского контроля за деятельностью исполнительной власти. Как показывает практика стран с эффективным и действенным парламентским контролем, это возможно только лишь путем наделения субъектов парламентского контроля организационно-кадровыми и материально-техническими возможностями, достаточными для осуществления одним депутатом, сенатором или группой парламентариев контрольных функций за деятельностью огромнейшего аппарата Кабинета Министров и многочисленных органов исполнительной власти с многотысячным штатом сотрудников. Кстати, именно по принципу разумной достаточности в западных странах из государственного бюджета выделяются средства для депутатов и сенаторов для найма именно ими (а не другими, например, Аппаратами

палат парламента) необходимого им количества вспомогательного штата сотрудников.

2) коренного повышения качества законотворческой деятельности, направленного на усиление влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ. Достижение этой цели представляется, в том числе и путем:

- постепенного перехода к практике принятия законов прямого действия с постепенным сокращением числа видов нормативно-правовых актов (по закону о нормативно-правовых актов – 10, а фактически – намного больше, принимая во внимание, что таковыми, на самом деле, являются, помимо конституционных законов, распоряжений правительства, различные инструкции, положения, протокольные решения, телефонограммы (например, Центрального банка или Министерства финансов и многое другое). В развитых демократических странах существуют, от силы, 2-3 вида актов, которым предоставлено право вводить нормативно-правовые нормы, т.е. государственные предписания общеобязательного характера;

- искоренения практики разработки и принятия законов, которые повторяют содержание действующих подзаконных актов. Такая практика дискредитирует законы, снижает их влияние на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ, а главное – подрывают их авторитет не только среди чиновников, но и в глазах рядовых граждан;

- разработки и утверждения на законодательном уровне правил написания законов – так называемых правил законодательной техники, общепризнанных в развитых демократических странах, среди которых наиболее эффективными являются:

а) простота и ясность написания текста для всех, без исключения, категорий граждан (включая школьников);

б) включение в текст закона только норм, предписывающих выполнять либо не выполнять конкретные государственные предписания;

в) изложение текста закона исключительно в единственном числе, для точности его применения в правоприменительной (судебной) практике;

г) категорический запрет на использование в тексте закона слов и словосочетаний, не создающих обязательных к исполнению норм: различных преамбул, комментирующих либо разъясняющих положений, непонятных тезисов и положений, отсылочных норм, а также словосочетаний, признаваемых в западной практике как свидетельство низкой правовой культуры законодателей (таких слов, как «иные», «другие», непонятные словосочетания, типа «установленные актами законодательства», «предусмотренные законом» и т.д.), т.к. они, по их мнению, создают условия для интерпретации чиновниками содержания



закона по своему усмотрению (как они его понимают), злоупотребления ими предоставленной им властью и совершения коррупционных действий.

3) развития политической системы, усиление роли политических партий в жизни государства и общества, формирование среди них здоровой конкурентной среды.

В этом вопросе предлагается:

- создание условий и возможностей для создания инициативными группами граждан негосударственных некоммерческих организаций, которые могли бы заниматься различными политико-правовыми исследованиями, стратегическим анализом, политическим прогнозированием, оказанием содействия политическим партиям в эффективном, а главное, цивилизованном использовании различных политтехнологий;

- изменить закрепленный в законе статус политической партии как общественной организации на статус института политической системы;

- предоставить политическим партиям большую организационную и идеологическую свободу действий, в том числе и в выборе своего электората (даже если они будут повторяться у нескольких политических партий), предвыборной платформы как самой партии, так и выдвигаемых ими кандидатов в различные эшелоны власти.

4) обеспечение подлинной независимости судебной власти, повышение авторитета суда, демократизация и совершенствование судебной системы.

Здесь важным представляется инициатива главы государства о поэтапном введении института пожизненного назначения на должности судей, с предварительным прохождением кандидата на этот срок пятилетнего, а затем и десятилетнего срока нахождения на должности судьи. В этом вопросе наиболее актуальным, на мой взгляд, представляется вопрос, по каким основаниям будет решаться вопрос о переназначении судьи на следующий срок. В зарубежной практике этот вопрос решается одинаково не только по отношению к судьям, но и ко всем другим государственным служащим: по критериям определения эффективности их деятельности. Причём, несколько критериев определения эффективности работы судьи в зарубежной практике непосредственно связаны с идеей, которую неоднократно озвучивает глава нашего государства по отношению к государственным чиновникам: начиная от хокимов, кончая министрами, заместителями премьер-министра. Это связь с народом, их открытость и доступность для простого гражданина, постоянная забота и проявление уважения к их правам и законным интересам.

Реализация мер, предусмотренных в Стратегии действий, безусловно, приведет к решению многих актуальных проблем, стоящих на пути дальнейшего реформирования и модернизации нашей страны.

Одна из таких проблем – это институциональное оформление в Республике Узбекистан представительной (законодательной) власти в качестве одной из традиционных ветвей государственной власти.

С момента приобретения независимости наша страна выбрала путь построения демократического правового государства на основе принципа разделения властей. В результате, в настоящее время в республике полностью в классическом виде сформировались лишь две ветви государственной власти: исполнительная и судебная, у которой имеются все присущие ветви государственной власти признаки:

- иерархия органов: высший орган государственной власти и нижестоящие органы, с учетом административно-территориального деления;

- система государственной службы и аппарат государственных служащих, финансируемая из государственного бюджета.

Однако эти признаки отсутствуют у представительной ветви власти, у которой имеется, фактически, один высший орган государственной власти – Законодательная палата Олий Мажлиса, которая по всем параметрам соответствует органу государственной власти. Другие органы представительной власти: Сенат Олий Мажлиса, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов, а также их депутаты не носят признаков, присущих, соответственно, государственным органам и государственным служащим.

С учетом того, что наша страна имеет уже более чем двадцатипятилетнюю историю развития, предлагаю включить в проект Стратегии в качестве одной из мер (действий) первого приоритетного направления развития Узбекистана на ближайшую перспективу окончательное завершение формирования системы представительных (законодательных) органов в качестве одной из ветвей государственной власти.

Вторая проблема – это коренное реформирование судебно-правовой системы.

Это касается, в первую очередь, системы уголовного правосудия или уголовного процесса, которая, к сожалению, несмотря на переход нашей страны на абсолютно новую формацию общественно-политического и социально-экономического развития страны – от коммунистического строя с управляемой экономикой к демократическому правовому государству с рыночной экономикой, не претерпела коренных изменений и преобразований.

Так, нам в наследство от бывшего СССР остался институт административной юстиции (включающий в себя Кодекс об административной ответственности, с закрепленными в нем административными правонарушениями, и органы и суды, их рассматривающие), который совершенно отличается от административной юстиции развитых демократических стран – это два совершенно разных института. Если в

зарубежных демократических странах предметом административной юстиции являются нарушения порядка управления, администрирования (отсюда и название), то в постсоветских республиках – мелкие преступления, мисдиминоры, такие, как мелкое хулиганство, оскорбление, клевета, нанесение легких телесных повреждений и др. Если в западной административной юстиции к административной ответственности могут быть привлечены только должностные лица, администрация (отсюда и название), а рядовые граждане - не могут по понятию, то в постсоветской административной юстиции к ответственности привлекаются, в основном, граждане. Если в зарубежных странах административные дела рассматривает самостоятельно обособленная система административной юстиции (суды, комиссии и др.) со специально обученными судьями, то в республиках бывшего Союза – суды по уголовным делам, которые не обучены специфике рассмотрения дел этой категории (порядку, процедуре, формам и методам управления и администрирования, всей огромной правовой и внутриведомственной нормативной базе по этому вопросу).

Этот вопрос приобретает особую актуальность в связи с начавшейся разработкой новой редакции Кодекса об административной ответственности и инициированными Президентом Республики Узбекистан мерами по формированию административных судов.

Нам всем необходимо, наконец-таки осознать, что административная юстиция единственно придуманный цивилизацией эффективный и действенный институт защиты рядовых граждан от беззакония власти, должностных лиц, администрации, а его наличие в настоящее время мировым сообществом признается в качестве обязательного условия наличия демократии в той или иной стране.

Другим наследием прошлого режима является существующая практика, когда один и тот же орган занимается и поимкой преступников, и расследованием совершенных ими преступлений, и перевоспитанием преступников в колониях (органы внутренних дел), а другой – сам возбуждает уголовные дела, сам осуществляет расследование, при этом осуществляя надзор за самим собой, сам поддерживает обвинение в суде (прокуратура).

Еще одним «атавизмом» коммунистического строя является оставшаяся нам в наследство деятельность Министерства юстиции, которая за прошедшие годы так и не перешла к выполнению свойственных ей классических функций. Хотелось бы в этой связи напомнить, что этимологическое происхождение латинского слова «justitia» восходит от понятия «правосудие», т.к. Юстиция - это римская богиня правосудия. По этой причине в абсолютном большинстве зарубежных стран Министерство юстиции вбирает в себя досудебные органы правосудия: полицию, органы расследования, гособвинителей,

различные контролирующие и административные (в нашем понятии) органы.

Все эти обстоятельства требуют коренного пересмотра основного содержания деятельности и функций Министерства юстиции.

Насущным и неотложным представляется решение проблемы о законодательном закреплении и институциональном обособлении в самостоятельно функционирующую систему института ювенальной юстиции – в западных странах самостоятельной системы государственных органов и неправительственных организаций, специально обученных навыкам осуществления профилактики, предупреждения, расследования, судебного разбирательства и пенитенциарного исправления неправомерного поведения и правонарушений, совершенных несовершеннолетними, а также их социальной адаптации и социальной реабилитации. Справедливости ради отметить, что такие государственные органы (в отличие от неправительственных организаций) в Узбекистане существуют. Поэтому надо, только лишь, во-первых, принять закон «О ювенальной юстиции»; во-вторых, институционально обособить эти органы (комиссия и инспекция по делам несовершеннолетних, центры по оказанию социально-правовой помощи несовершеннолетним, спецшколы и спецколледжи закрытого типа, следователи и судьи, рассматривающие дела о преступлениях несовершеннолетних, колонии для несовершеннолетних, центры социальной адаптации и социальной реабилитации) в самостоятельную систему органов и организаций, с подчинением их, например, Министерству юстиции; в-третьих, во всех высших учебных заведениях внедрить специализацию специалистов по ювенальной юстиции (социальные работники, психологи, воспитатели, инспектора профилактики, специалисты по раскрытию преступлений несовершеннолетних, следователи и судьи, специализирующие, соответственно, на расследовании и рассмотрении дел этой категории, пенитенциарные работники, специальные сотрудники, обученные навыкам осуществления социальной реабилитации и социальной адаптации несовершеннолетних); в-четвертых, создать необходимые условия (в том числе и стимулирующие) для формирования разветвленной сети общественных организаций, занимающихся многочисленными правовыми проблемами несовершеннолетних.

И, наконец, еще одной проблемой, требующей безотлагательного решения, является внедренный в 2008 году институт выдачи судами по уголовным делам санкций на заключение под стражу подозреваемых и обвиняемых лиц, который соотносится многими с институтом «Хабеас корпус».

Сразу замечу, что внедренная у нас практика санкционирования судами по уголовным делам заключения под стражу граждан никакого отношения к общепризнанному в международном праве и используе-

тому в развитых демократических странах институту «Хабеас корпус» (или, как его чаще называют «Хабеас корпус акт») не имеет. В развитых демократических странах под институтом «Хабеас корпус акт» понимается практика обязательного изучения специальным органом судебной власти законности осуществленного полицией или прокурором задержания или ареста (аналог нашего института содержания под стражей) граждан. В случае признания задержания или ареста обоснованным этот орган выдает ордер, разрешающий дальнейшее содержание задержанного или арестованного лица под стражей.

Из этой трактовки можно сделать несколько выводов.

Первый – задержанием и арестом лиц, подозреваемых в совершении преступлений, в западной практике как занимались, так и по-прежнему занимаются полиция и прокуроры.

Второй – институт «Хабеас корпус» входит в полномочия не суда по уголовным делам, а специальных органов, входящих в судебную ветвь власти (магистраты, жюри, следственные судьи и др.), которые применяют этот институт не только к задержанию или аресту, но и к другим действиям полиции и прокуроров, которые могут ущемить либо нарушить права, свободы и законные интересы граждан в ходе уголовного процесса (прослушивание телефонов, просмотр корреспонденции, предъявление обвинения и др.).

Третий – эти специальные органы не занимаются рассмотрением и разрешением уголовных дел по существу.

Таким образом, был создан опасный прецедент, когда один и тот же судья по уголовным делам вначале санкционировал заключение лица под стражу, а затем рассматривал уголовное дело в отношении этого лица по существу.

В этой связи, было бы целесообразным передать функцию рассмотрения вопроса о «Хабеас корпус», например, вновь создаваемым административным судам.

Все эти и другие меры, заложенные в Стратегии действий, безусловно, будут способствовать приближению нашей страны к стандартам демократии и правового государства, признанным в цивилизованном мире.

**Ш.АБДУҚОДИРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгаши аъзоси,**  
**юридик фанлар номзоди**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий**  
**кенгашининг ҳуқуқий мақоми**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Конституция-мизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз. Бу борада яқинда қабул қилинган Фармон ижросини таъминлаш биринчи даражали вазифамиздир. Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим”<sup>20</sup> деб таъкидлаган эдилар.

Президентимиз Ш.Мирзиёев йиғилишлардаги нутқлари ва марузаларида бир неча бор таъкидлаганларидек, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда кечаги кун билан яшаб бўлмайди, бугунги кунда суд инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муқаддас санаб, уларни давлат томонидан кафолатланишига, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга хурмат руҳида тарбиялаш кўмаклашадиган, қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тўғри тушунтира оладиган, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлайдиган, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, “оқни оқ ва қорани қора” дейдиган, керак бўлса, ҳеч иккиланмасдан айби йўқ одамга оқлов ҳукми чиқара оладиган, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик билан курашадиган, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантирилиши лозим.

Шу жиҳатдан олиб қараганда мазкур вазифаларни амалга ошириш ва закон талабларига жавоб берадиган, халқ билан мулоқотни амалга ошириб, инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган янги суд ходимлари корпусини шакллантириш мақсадида давлатимизда бу соҳада мутлақо янги тизим - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилишини тақозо этди.

Мамлакатимизда янги конституциявий тузилма – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди ва ўз фаолиятини бошлади. Ушбу Кенгаш судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг фаолияти асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон

---

<sup>20</sup>Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон овози. 2016. 8 декабрь.

Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ 4850-сонли, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли, “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги ПФ 4966-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини шакллантириш тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ 5006-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида”ги 2017 йил 4 майдаги ПҚ 2951-сонли Қарори билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ 4850-сонли Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланиши ва давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни очиқ-ошкора танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли Фармони билан мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгиланган бўлиб, “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” этиб белгиланган иккинчи устувор йўналишда бир қатор суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш назарда тутилдики, шулардан бири - қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган эди.

“Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 21 февралдаги ПФ 4966-сонли Фармонда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тугатиш ва судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиши белгиланган эди.

2017 йил 6 апрель кунги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига киритилган ўзгартишга кўра Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига конституциявий мақом берилиб, унда *“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади”* деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган 6 та боб ва 38 та моддадан иборат “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунида Кенгашнинг фаолияти белгилаб берилди. Кенгаш ўз фаолиятини қонунийлик, мустақиллик, коллегиялик, холислик, ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги ва очиқлик принциплари асосида амалга оширадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини шакллантириш тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ 5006-сонли Фармони билан кенгаш таркиби шакллантирилди.

Жами 21 нафар кишидан иборат таркибда, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилган. Қонунга кўра қуйидагилар ушбу Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш;



судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьяларни касбий тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ваколатларга эга: судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантиради; судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади; вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ҳамда раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади; ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайди; Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қонунга мувофиқ хулосалар (тақдимномалар) киритади; судьяларни уларнинг ваколатлари муддати даврида ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига ўз аризаларига асосан Судьялар олий малака ҳайъ-атининг тавсиясига кўра қайтадан тайинлайди; судьяларни Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига ўз аризаларига асосан Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра қайтадан тайинлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар

киритади; Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланадиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (таклифлар) киритади; қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимидан озод қилади; Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳулосалар киритади; судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади; судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади; судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан ҳулоса беради; суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўриб чиқиши учун киритади; судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини текширади, судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари ҳисоботларини эшитади; жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир муурожаатларини кўриб чиқади; судьяларнинг фаолиятини уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганади; Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлайди; судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди; судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади; судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий фазилатлари ва касбий сифат даражасини ўрганиш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламентини тасдиқлайди ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасига 2017 йил 12 апрелдаги Қонун билан киритилган ўзгартишларга кўра судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши

принципларига қатъий мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Судьялар олий кенгашининг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан белгиланган бўлиб, унга кўра Кенгаш тузилмаси кенгаши раиси, раис ўринбосари сифатида Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази директори, Кенгаш котибидан иборат жами 21 та Кенгаш аъзолари, шундан 8 таси жамоатчилик асосида, 3 та шўъба ва 1 та инспекция, яъни “Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси”, “Судьялар касбий тайёргарлигини ташкил этиш шўъбаси”, “Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўъбаси” ва “Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси” ҳамда ижро аппарати, молия-хўжалик бўлимидан иборат.

Илгариги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси билан янги ташкил этилган Судьялар олий кенгашининг фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, комиссия гарчи ўз фаолиятини низом асосида олиб борган бўлса-да, иккита бўлимдан ташкил топган аъзоларининг барчаси профессионал судьялардан шакллантирилган деб бўлмасди, асосан судья кадрларни танлаш ва тавсия этиш билан шуғулланган. Судьялар олий кенгаши фаолияти эса алоҳида махсус қонун билан тартибга солиниб, 4 та бўлимдан иборат доимий аъзолари, шундан 11 таси профессионал судья кадрлардан шакллантирилган ва доимий асосда иш олиб боради, Кенгаш бевосита судьяликка номзод кадрларни захирасини имтиҳон асосида шакллантиришдан бошлаб, уларни касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш ҳуқуқига эга эканлиги каби қатор жиҳатлари билан мутлақо фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида”ги 2017 йил 4 майдаги ПҚ 2951-сонли қарорида эса Судьялар олий кенгаши фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш асослари ва тартиби белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчиликка киритилган янги ўзгартиришлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя

қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантиришга қаратилгани билан ғоятда муҳимдир.

Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек “Буларнинг барчаси ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади”.<sup>21</sup>

Бу ўзгартишлар судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айланишига, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлашга, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**М.М.МАМАСИДДИҚОВ,  
Юридик фанлар доктори, профессор**

### **Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс: у қандай бўлиши керак?**

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг 13 апрелида матбуотда эълон қилинган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш назарда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни ишлаб чиқиш замирида маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани мустаҳкамлаш мақсади

---

<sup>21</sup> Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон овози. 2016. 8 декабрь.

мужассам. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши белгиланган.<sup>22</sup> Қолаверса, мазкур Кодекснинг қабул қилиниши фуқароларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурати билан боғлиқдир.

Маълумки, Конституциямизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикояти суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилиши белгиланган. Ўз навбатида Фуқаролик процессуал кодексида “Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш” деб номланган 3-кичик бўлим бўлиб, ҳозирги кунда ҳам маъмурий судлар томонидан ушбу тоифадаги ишларни кўриш тартибини белгилаб келмоқда.

Бироқ янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларнинг қабул қилиниши билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни судда кўриш тартибига оид нормалар Фуқаролик процессуал кодексидан чиқарилиб, янада такомиллаштирилган ҳолда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексдан ўрин олади. Шундай экан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида эътибор бериш лозим бўлган айрим долзарб ва муҳим масалаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мазкур Кодекс лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда, мутахассислар томонидан миллий процессуал қонун ва ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибаси чуқур таҳлил қилинмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, маъмурий ҳуқуқ соҳаси ривожланган кўплаб хорижий давлатларда маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (маъмурий процессуал кодекс) амал қилмоқда.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2016.

Шу ўринда тан олиш керакки, маъмурий процесс билан фуқаролик процесси ўртасида ўхшашликлар кўп. Шу нуқтаи назардан фуқаролик процессуал қонунчиликдаги нормалар судда маъмурий ишларни юритиш учун “андоза” (модель) вазифасини бажариши ҳам мумкин. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига “Маъмурий судларда суд ишларини юритиш” деб номланган янги 21-модданинг киритилиши ва унда маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилиши назарда тутилганлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Бироқ мамлакатимиз Конституциясида фуқаролик, жиноий ва иқтисодий суд ишларини юритиш билан бир қаторда маъмурий суд ишларини юритиш алоҳида соҳага ажратилганлиги, қолаверса, маъмурий процесс бошқа суд ишларини юритишда ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриши Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинишини тақозо этади. Судда маъмурий ишларни юритишнинг фуқаролик процессидан ажратиб турадиган муҳим жиҳати - унда бир тарафда албатта мансабдор шахс (давлат бошқаруви органи) қатнашишидир. Фуқаролик-процессуал муносабатларда эса ҳар иккала томонда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи фуқаролар-мулкдорлар иштирок этиши мумкин. Маъмурий суд ишларини юритишда мансабдор шахслар хусусий шахс сифатида эмас, балки ўзи фаолият кўрсатаётган идора, ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этади. Шикоятчи низолашаётган хатти-ҳаракат ҳам ушбу шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида талқин этилади. Бир сўз билан айтганда, маъмурий суд ишларини юритиш ўзида бир тарафда фуқаро, иккинчи тарафда эса мансабдор шахс (ижро ҳокимияти органи) ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус процессуал тартибини белгилайди.

Судда маъмурий процесс давлат бошқаруви соҳасида одил судловни амалга оширишнинг муҳим усули ва воситаси сифатида намоён бўлади. Шундай экан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс – ўзида, биринчидан, маъмурий ҳуқуқ нормаларини, иккинчидан, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган фуқаролар шикоятларини судда кўриш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи нормалар тизимини бирлаштирган ягона қонун ҳужжати бўлиши керак.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ҳақида сўз юритишдан аввал унинг номланиши юзасидан айрим фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчиман.

Маълумки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994 й.), Фуқаролик процессуал кодекси (1997 й.) ва Хўжалик процессуал кодекслари (1997 й.) амал қилади. Конституция-мизнинг 110-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди

фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши эса судда ушбу ишларни юритиш тартибини белгиловчи процессуал кодексларни қабул қилишга асос бўлган ва қонун ижодкорлари ушбу кодексларнинг номланишида бир хил ёндашувга тўхталган. Қолаверса, барча процессуал кодексларда (ЖПКнинг 1-моддаси, ФПКнинг 2-моддаси ва ХПКнинг 4-моддаси) суд ишларини юритиш тартиби ушбу Кодекс билан белгиланиши, суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекслардан иборат эканлиги ҳақидаги нормалар мустаҳкамланган. Шундай экан, миллий қонунчилик амалиёти ва тажрибасидан келиб чиқиб, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни Маъмурий процессуал кодекс деб номлаш ва унда маъмурий суд ишларини юритиш тартиби ушбу Кодекс билан белгиланиши, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат эканлиги ҳақидаги нормалар белгиланиши таклиф қилинади.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, бу борадаги қонун ҳужжатлари, масалан, Озарбайжон, Грузия, Эстония, Қирғизистон каби давлатларда Маъмурий процессуал кодекс, Латвияда Маъмурий процессуал қонун деб номланади. Ҳозирги кунда қўшни Қозоғистонда қизгин муҳокама бўлаётган шундай кодекс ҳам Маъмурий процессуал кодекс деб юритилмоқда.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексимизнинг биринчи бўлими мазкур Кодексда жамланган маъмурий-процессуал нормаларнинг мақсад ва вазифаларини акс эттирувчи умумий қоидаларни ўзида ифода этиши лозим. Мамлакатимиз процессуал қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мазкур бўлим “Умумий қоидалар” деб номланиши ва унда маъмурий суд ишларини юритишнинг юртимиз суд тизимида тутган ўрни очиқ берилиши лозим. Мазкур бўлимда судда маъмурий процесснинг муҳим ва ажралмас принципларидан бўлмиш – тарафларнинг тортишуви, тараф-ларнинг тенг ҳуқуқлиги, ошкоралик, бевоситалик ва оғзакилик, малакали юридик ёрдам билан таъминлаш каби принципларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бинобарин, маъмурий судларда ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – ушбу процесда фуқаро ёки тадбиркорнинг давлат органи билан ўзаро тортишиш имкониятига эга бўлишидир.

Бўлимда, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида маъмурий процессуал қонун ҳужжатларининг татбиқ этилишини осонлаштириш, қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш мақсадида маъмурий процессуал қонун ҳужжатларида қўлланиладиган атамалар ва юридик тушунчаларнинг таърифини бериш таклиф этилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига кўра, зарур

ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилиши, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкинлиги кўрсатилган.<sup>23</sup> Маъмурий процессуал қонунчиликда қўлланиладиган атамалар ва юридик таърифлар тезауруси (бирор тилнинг мукамал луғати)нинг берилиши мазкур қонунчиликни ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда одил судлов самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айрим хорижий давлатлар маъмурий процессуал қонунчилигида асосий атама ва таърифларга тушунча бериб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Украина Маъмурий суд ишларини юритиш кодексининг 3-моддасида, Латвия Маъмурий процессуал қонунининг 1-моддасида, Қирғизистон Маъмурий процессуал кодексининг 3-моддасида уларда қўлланиладиган асосий атамалар ва таърифларга тушунчалар бериб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилик тажрибаси ва амалиётида ҳам қонун ҳужжатларида, шу жумладан, кодексларда юридик, техника ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари бериб келинмоқда. Хусусан, Бюджет кодексининг 3-моддасида, Божхона кодексининг 15-моддасида ушбу Кодексларда қўлланиладиган асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари берилган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда унда қўлланилган асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари кўрсатилиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун нормалари турлича шарҳланишини истисно этади ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини осонлаштиради ҳамда судлар томонидан қонунларни бир хилда қўлланилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумотларга қараганда, судларда кўриладиган фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ишларнинг сони кўпчиликти ташкил этмоқда. Масалан, 2016 йилда фуқаролик ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда кўрилиб ҳал қилув қарори чиқарилган ишларнинг сони қарийб 280 мингга, хўжалик судларида кўрилган ишларнинг сони 336 мингдан ортиқни, жиноят ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда ҳукм чиқарилган жиноят ишларининг сони 45 мингдан ортиқни ташкил қилган бўлса, ўша йили жами кўриб тамомланган маъмурий ишларнинг сони қарийб 433 мингдан ортиқни ташкил этган. Ундан ташқари, Давлат дастурида таъкидланганидек, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судларнинг ва хўжалик судларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиши натижасида улар ваколатига тегишли бўлган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг маъмурий судлар ваколатига берилиши маъмурий

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 12-сон, 333-модда.



ишларнинг сонини янада ортишига олиб келиши мумкин. Шундай экан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда низоларни судга қадар ҳал этиш, иш юритишни соддалаштиришга хизмат қилувчи буйруқ тартибида иш юритиш каби институтларни киритиш таклиф қилинади.

Таъкидлаш керакки, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 80-бандида жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, фуқаролик ва хўжалик низоларини, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш тадбирлари назарда тутилган. Ишларни судга қадар ҳал этиш суд ишларини юритишнинг бошқа турлари каби маъмурий суд ишларини юритишда ҳам муҳим. Бу борада ривожланган давлатлар маъмурий процессуал қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, ГФР ва Голландияда маъмурий судларда ишларни кўришнинг мажбурий шартларидан бири судга қадар шикоят қилинаётган ҳужжатга нисбатан эътироз бериш ҳисобланади. Бундай эътироз ушбу ҳужжатни қабул қилган органга ёки ушбу органнинг юқори турувчи инстанциясига берилади. Мазкур органларнинг эътироз юзасидан чиқарилган қароридан ушбу маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилиши талаб этилади.

Низони судга қадар ҳал этиш тартиби амал қилувчи давлатларда маъмурий судлар томонидан шикоятларни қаноатлантириш даражаси юқори эмас. Масалан, Голландияда 2015 йилда район судлари низони судга қадар ҳал этиш таомилдан ўтган 30 фоизга яқин ишлар бўйича шикоятларни қаноатлантирган.

Францияда маъмурий органнинг қарори устидан судга қадар эътироз билдириш тартибининг мажбурий тусга эга эмаслиги маъмурий судлар иш ҳажми йилига ўртача 10 фоизга ортиб боришига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида бир қатор салбий оқибатларни, хусусан, иш кўриш муддатларининг чўзилиши каби ҳолатларни келтириб чиқарган. Масалан, 2011 йилда биринчи инстанция судида одатдаги ишларни маъмурий трибуналларда кўриш муддати икки йилни, апелляция инстанциясида эса бир йилу икки ойни ташкил қилган.

Маъмурий ишларни судга қадар ҳал этиш тартибининг белгила-ниши, биринчидан, шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тез фурсатларда ҳимоя қилинишини ҳамда ноқонуний қабул қилинган қарорлар уни қабул қилган орган ёки юқори турувчи орган томонидан вақтида бекор қилинишини таъминлайди. Иккинчидан, қонун бузилишининг олди олинади. Учунчидан, судьялар иш ҳажми-нинг камайишига, охир-оқибатда эса одил судловнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида соддалаштирилган иш юритишнинг муҳим шаклларида бири бўлмиш суд буйруғи институти имкониятларидан фойдаланиш судьялар иш ҳажмининг камайишида ҳамда маъмурий ишлар бўйича одил судловнинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Давлат дастурининг 58-бандида қайд этилганидек, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судларнинг ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этилиши фуқаролик ва иқтисодий судларнинг ваколатига тааллуқли бўлган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган айрим тоифадаги ишларни, хусусан, буйруқ тартибида юритиладиган айрим ишларни маъмурий судлар ваколатига берилишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб-лар юзасидан суд буйруғини чиқариш ваколати маъмурий судларга ўтказилиши лозим.

Ўрганилган айрим давлатлар маъмурий процессуал қонунчилигида маъмурий судлар томонидан суд буйруқларини чиқариш назарда тутилган. Хусусан, 2015 йилда қабул қилинган Россия Федерацияси Маъмурий суд ишларини юритиш кодексига 2016 йилнинг апрель ойида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилдики, унга кўра, маъмурий судларнинг мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш бўйича келиб тушган аризалар асосида суд буйруғи чиқариш ҳуқуқи назарда тутилган. Мазкур Кодексида суд буйруғига тааллуқли нормалар, хусусан, суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризани тақдим этиш, ушбу аризининг шакли ва мазмуни, суднинг ушбу аризани қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш асослари ва тартиби, суд буйруғини чиқариш тартиби ва унинг мазмуни, суд буйруғини бекор қилиш, суд буйруғини беришга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш жоизки, жисмоний ва юридик шахслар иштирокидаги оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ихтисослашган маъмурий судлар томонидан тўғри ва ўз вақтида ҳимоя қилинишини таъминлашда қабул қилинажак Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс муҳим ўрин тутди. Маъмурий одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати сифатида мазкур Кодексининг қабул қилиниши фуқароларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга маъмурий суд ишларини юритиш судларнинг маъмурий ҳуқуқ соҳасида одил судловни амалга ошириш функциясини бажариш, давлат бошқаруви органларининг фуқаролар ва ташкилотларга дахлдор

бўлган хатти-ҳаракатларининг, қарорларининг қонунийлиги устидан суд назоратини амалга ошириш имконини беради.

**З.ХЎЖАМУРОТОВ,**

**фуқаролик ишлари бўйича  
Термиз туманлараро суди судьяси**

**Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва маъмурий судлар  
ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги чегарасини белгилаш  
муаммолари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини эълон қилиш билан бирга, қатор янги ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлади. Бу эса мамлакатимизда шахс эркинлигини тўлиқ кафолатлаш, бу йўналишдаги ишларни ҳар томонлама кучайтириш борасида улкан қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Конституциямизнинг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятлари кенгаётганини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қонунчилигида ҳар бир шахснинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли экани, шу билан бирга, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан бирга ваколатли давлат органлари, муассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, фуқароларнинг мурожаатини судларда кўриб чиқиш тартиби ва муддати Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Фуқаролик-процессуал кодекси, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор

муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда истиқлолдан кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан бутунлай воз кечилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини эълон қилди, қатор янги ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш қўйилган масалаларни тизимли, изчил ва босқичма-босқич ҳал этиш орқали амалга оширилди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли ислохотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар самараси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканида, бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий принципга қатъий риоя этилиши мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар орасида асосий ўринни эгаллайди.

Мана шу ишларни изчил давом эттириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4850-сонли Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур Фармон билан: а) суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш; б) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш; в)

одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг мутлақо янги даврини бошлаб берди ва мазмун-моҳияти ҳамда кўлами жиҳатидан ўзгача аҳамият касб этди.

Фармонда одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш юзасидан тарихий ўзгаришлар назарда тутилган. Мазкур Фармонга асосан 2017 йил 1 июндан бошлаб давлатимизда маъмурий судлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 28-29 март кунлари бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган Қонунлар ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ривожига ўзининг алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-428-сонли “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқли ишларнинг чегараси белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга кўра, маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

Тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, бундан қонунда бундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар мустасно, фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли.

Маъмурий судларга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлидир.

Бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилган тақдирда, бу талабларнинг ҳаммаси фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади.

Бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, маъмурий судга тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилган тақдирда, бу талабларнинг ҳаммаси фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади.

Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қуйидагилар киради:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар бўйича;

2) сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича;

3) нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар бўйича;

4) прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича;

5) ваколатли органнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган аризалари бўйича;

6) давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризалар бўйича ишлар.

Жисмоний ёки юридик шахс зиммасига бирор бир ғайриқонуний мажбурият юклатилишига ёки унинг ғайриқонуний равишда бирорбир жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) судга шикоят қилиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар жумласига киради.

Жисмоний ёки юридик шахснинг шикояти давлат органи ва бошқа орган жойлашган ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги маъмурий судга берилади.

Жисмоний ёки юридик шахс ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсунув тартибидаги юқори турувчи органлар, мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар жисмоний ёки юридик шахснинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берган кундан эътиборан бир ой ичида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган жисмоний ёки юридик шахс ёхуд унинг вакили, шунингдек жисмоний шахснинг илтимосига биноан тегишли равишда ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин.

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

жисмоний ёки юридик шахсга ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан уч ой;

жисмоний ёки юридик шахс юқори турувчи органдан, мансабдор шахсдан шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки шахс ўзининг шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин.

Суд шикоятнинг асосли эканлигини аниқласа, шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) ғайриқонуний деб топади, жисмоний ёки юридик шахснинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди, унга нисбатан қўлланган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини бошқа йўллар билан тиклайди.

Агар суд шикоятга сабаб бўлган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонуний, жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаган деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан шикоят бериш билан боғлиқ бўлган ишларни юритиш ФПКнинг 27-бобида белгиланган қоидаларга асосланади. Булардан ташқари, 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 1996 йил 19 июлдаги қарори билан тартибга солинади.

Бу ҳуқуқий меъёрларда шикоят қилиш учун асослар ва бошқа қоидалар ўз ифодасини топган. ФПКнинг 269-моддасида шу туркумдаги ишлар юзасидан шикоят бериш тартиби кўрсатилган. Бу қоидада фуқаро ўзининг ҳуқуқларини ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга мурожаат қилишга, агар юқори идора, мансабдор шахс шикоятни бир ой муддатда кўриб чиқмаса ёки шикоятга рад жавоби берилган бўлса, фуқаро шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўла олади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар ФПКнинг 148-149-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Шикоят бериш ҳуқуқ манфаатлари поймол қилинган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига асосан ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин.

Шикоят қилиш турли соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, боласидан алоҳида яшаётган ота ёки она, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга эканлиги, агар ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар бўлган тақдирда уларга ахборот беришни рад этилганда манфаатдор шахс рад этиш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги белгиланган.

Кучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат куришга эришиш учун барчанинг Конституция нормаларига мувофиқ яшаши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларга қатъий риоя қилишига эришиш зарур. Шу туфайли амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатидан жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Шу муносабат билан ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.

**И.М.САЛИМОВА,**

**Тошкент давлат юридик  
университети докторанти**

### **Судларнинг ваколатини белгилашда тааллуқлилик институтининг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 58-бандида судларни янада ихтисослаштириш, шу жумладан фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судларнинг ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш белгиланган эди.

Ушбу банд ижроси юзасидан 2017 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан, 2017 йил 1 июндан мамлакатимиз суд тизимида қатор муҳим ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан:



Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди;

ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ушбу Фармонни амалиётга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–428-сон Қонуни билан “Судлар тўғрисида”ги Қонун, Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, ушбу Қонун билан 2017 йил 1 сентябргача Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси топширилди.

Юқорида қайд этилганидек, республикамызда айна пайтда фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судларнинг ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш орқали маъмурий судлар ташкил этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раис, судья, судья катта ёрдамчиси, девонхона мудир, туман (шаҳар) маъмурий судлари эса раис, судья, судья катта ёрдамчисидан иборат таркибда ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳамда иқтисодий судларнинг иш ҳажми нисбатан камайишига, суд ишларини юритишни янада мақбуллаштиришга, профессионал судьялар таркибининг шаклланишига, ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига, одил судловнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Бироқ, маъмурий судлар биз учун янги ҳуқуқий институт эканлиги, шунингдек фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судлари ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан ташкил этилганлиги, ушбу судларга тааллуқли ишларнинг доирасини белгилашда бир қатор мунозарали ҳолатларни келтириб чиқаради. Масалан, амалиётда иқтисодий низолар аксарият ҳолларда бир неча ҳуқуқий низолар билан комплекс тарзда вужудга келиши мумкин. Жумладан, тадбиркорлик субъекти фаолиятини комплекс текшириш

натижасида бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашга доир, банкротлик, кредиторлар ва дебиторлар ўртасидаги низолар, давлат органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар аниқланиши мумкин. Бир-бири билан ўзаро боғлиқ, аммо, турли ихтисослашган судлар ваколатига кирувчи ушбу низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бағоят мураккаб ҳисобланади. Ушбу вазиятларнинг олдини олиш мақсадида процессуал қонунчилигимизда<sup>24</sup> бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганида, ёки бир-бири билан боғлиқ, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, маъмурий судга тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганида, бу талабларнинг ҳаммаси фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши кераклиги ва аксинча ўзаро боғлиқ, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар иқтисодий судда кўрилиши кераклиги тўғрисида норма белгиланган. Бироқ, суд амалиётида ушбу норма низоларни ҳал қилишда самарали ечим бўла олмади. Чунки ушбу нормани қўллаш процессуал муддатларга таъсир қилиб, ишларнинг тўхтатилишига, ишни бир суддан бошқа судга ўтказилишига, ишни кўриш кейинга колдирилишига, суд қарорларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини самарали ҳимоя қила олмади. Шунинг учун судларни ихтисослаштириш жараёнида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар ваколатига тааллуқли ишлар доирасини тўғри ва аниқ белгилаш зарур.

Юридик адабиётларда судларнинг ваколатлари “компетенция” сўзи билан ифодаланади ва “компетентли суд” деганда бир вақтда унга тааллуқли ва судловлигига тегишли бўлган низони кўриб ҳал қилишга ваколатли суд тушунилади.<sup>25</sup> Бу ўз навбатида суднинг ваколати “тааллуқлилиқ”, “судловлилиқ” элементларидан иборат эканлигини кўрсатади. Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг барчасида “Тааллуқлилиқ” ва “Судловлилиқ” параграфларини ўз ичига олган “Иқтисодий судларнинг ваколатлари”, “Маъмурий судларнинг ваколатлари”, “Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ваколатлари” деб номланган алоҳида боб киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, айтиш мумкин ушбу процессуал институтлар низони

<sup>24</sup>Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 9-сон; Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. 23-моддаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 9-сон, 234-модда.

<sup>25</sup> Арбитражный процесс: учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Издание третье, исправленное и дополненное. Под ред. М.К. Треушников. ОАО Издательский Дом "Городец", 2007. – 47 с.

айнан қайси суд ва суд тизимининг қайси бўғини кўришга ваколатли эканлигини белгилаб беради. Шунинг учун тааллуқлилик ва судловлиликка оид нормаларнинг тегишли битта бобда бирлаштирилиши процессуал нормаларни тизимлаштиришга ва суд амалиётида тўғри қўлланилишига хизмат қилади. Шунингдек, судларнинг ваколатларимоҳиятини тўлиқ очиб беради. Бундай амалиёт Россия Федерацияси<sup>26</sup>, Беларусь<sup>27</sup> ва Тожикистон<sup>28</sup> процессуал қонунчилигида ўз аксини топган.

Бундан ташқари, тааллуқлилик институтининг ҳуқуқий моҳияти ва ўзига хос белгиларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки юқорида қайд этганимиздек, айнан ушбу институт судларнинг ваколат доирасини белгилаб беради. Тааллуқлилик деганда низоларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилотига юклатилганлиги тушунилади. Тааллуқлиликни белгилашда низо вужудга келадиган соҳа, низоли ҳуқуқий муносабатнинг хусусияти ва субъектив таркиби муҳим аҳамият касб этади. Чунки, айнан ушбу мезонлар иқтисодий судларга тааллуқли ишларни чегараловчи мезонлар бўлиб хизмат қилади. Масалан, низо иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши учун:

биринчидан, иқтисодиёт соҳасида, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида вужудга келган бўлиши;

иккинчидан, иқтисодиёт соҳасидаги муносабатлардан келиб чиққан бўлиши;

учинчидан, юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасида вужудга келган бўлиши лозим.

Процессуал соҳада тааллуқлилик институти ўзига хос турларга бўлинади. Бироқ, айрим юридик адабиётларда барча соҳа учун умумий бўлган тааллуқлиликнинг қуйидаги учта: суд, маъмурий, жамоавийтури фарқланади. Суд бўйича тааллуқлилик низоларнинг умумий юрисдикция судларига, арбитраж (хўжалик, иқтисодий) судларига тааллуқлилигини назарда тутди. Жамоавий тааллуқлилик низоларнинг ҳакамлик судларига, денгиз арбитраж комиссияларига, ташқи савдо арбитраж комиссияларига тааллуқлилигини белгилайди.<sup>29</sup>

<sup>26</sup> Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации от 24 июля 2002 г. N 95-ФЗ // [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_37800/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/)

<sup>27</sup> Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь от 15 декабря 1998 года № 219-З. Глава 5. Компетенция суда, рассматривающего экономические дела. (статьи 39 - 53). <http://kodeksy.by/hpk>

<sup>28</sup> Экономический процессуальный кодекс Республики Таджикистан // [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=21131](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=21131)

<sup>29</sup> Вандышев В.В., Дернова Д.В. Арбитражный процесс. Учебное наглядное пособие. –СПб. 1999. Стр 36.

Қонун билан муайян турдаги ишларни кўриб ҳал қилиш истисно тариқасида фақатгина бир орган ваколатига ёки бир неча орган ваколатига берилишига қараб тааллуқлилиқ махсус ва кўп турдаги турга бўлиниши мумкин<sup>30</sup>. Махсус тааллуқлилиқ юридик адабиётларда мустасно тааллуқлилиқ деб ҳам юритилади. Махсус тааллуқлилиқда юқорида қайд этилганидек қонунда низони кўриб ҳал қилиш тўғридан-тўғри муайян органга юклатилган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Хўжалиқ процессуал кодексининг 23-моддасига асосан ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар хўжалиқ судларининг ваколат доирасига киритилган бўлса, Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар фақатгина фуқаролик судлари ваколатига киритилган.

Кўп турдаги тааллуқлилиқ қонун билан низони ҳал қилиш ваколати берилган бир неча юрисдикцияли органларни танлаш имкониятининг мавжудлигига қараб, шартномавий, императив ва альтернатив турларга бўлинади.

Шартномавий тааллуқлилиқ тарафларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Императив тааллуқлилиқда қонун билан белгиланган кетма-кетликда иш бир неча юрисдикциявий органлар томонидан кўриб ҳал этилади. Императив тааллуқлилиқ судгача низоларни талабнома юбориш тартибида ёки маъмурий тартибда ҳал қилиш лозим бўлган тақдирда вужудга келади. Альтернатив тааллуқлилиқ деб манфаатдор шахснинг ўз хошишига кўра низони ҳал қилишни сўраб қонун билан назарда тутилган тегишли органларга мурожаат этиши тушунилади. Бунда альтернатив тааллуқлилиқ қоидаларига мувофиқ, низони судсиз ҳал қилишни сўраб тегишли органга мурожаат этиш манфаатдор шахсни судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Тааллуқлилиқ институтига тўхталар эканмиз, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқишда низоларнинг тааллуқлилиги масаласида ҳам мунозаралар давом этаётганини қайд этиб ўтишимиз даркор. Масалан, тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларнинг маъмурий судларга ёки иқтисодий судларга тааллуқлигини белгилашда турли хил қарашлар мавжуд. Бу борада алоҳида иқтисодий судлар ва маъмурий судлар ташкил этилган хорижий давлатлар тажрибаси ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Маъмурий судлар ташкил этилган МДХга аъзо давлатларнинг айримларида ушбу турдаги ишлар маъмурий судларнинг иш юритувида тааллуқлилиги белгиланган бўлиб, илмий ва ҳуқуқий адабиётларда ушбу ҳолат қуйидагича изоҳланади. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш

---

<sup>30</sup> Ефимова В.В. Арбитражное процессуальное право. Учебное пособие. – Саратов. – С. 28-30.

тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда бир тараф сифатида албатта назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи туради. Ушбу орган ўз назорат вазифаларини амалга оширишда муайян қонунбузилганлиги ҳолатини аниқласа ва бунинг учун тадбиркорлик субъектига муайян чора кўриш учун асос мавжуд деб топса, маъмурий судларга мурожаат қилади. Бундан келиб чиқадики, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соф маънода маъмурий муносабатлардан келиб чиқади ва улар маъмурий судларнинг иш юритувига тегишли бўлиши керак.

Ғарбий Европанинг аксарият давлатларида эса бундай ишлар иқтисодий судлар (арбитражлар) ваколатига берилган. Уларда шаклланган ҳуқуқ доктринасига кўра, ҳуқуқий таъсир чораларининг деярли барчаси илгари назорат қилувчи органлар томонидан бевосита қўлланилган бўлиб, бундай чора уларни қўллаш ваколатининг судларга ўтказилишидан кўзланган мақсад тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат. Бинобарин, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашдан асосий мақсад тадбиркорни жазолаш эмас, балки уни давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–428-сон Қонунида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ишлар иқтисодий судлар ваколатига қолдирилди. Бироқ, бизнинг фикримизча, келгусида ушбу турдаги ишларни ҳам маъмурий судлар иш юритувига бериш керак. Чунки, маъмурий суд судьяси давлат органларининг ўз ваколати доирасида ҳаракат қилган ёки қилмаганлигини баҳолашда иқтисодий судларга нисбатан кўпроқ тажрибага эга бўлади. Қолаверса, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ва давлат органининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар айтиб бериш ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида тез-тез пайдо бўлиб туради.

Шу билан бирга, давлат органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш деганда уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳам ҳақиқий эмас деб топиш масаласи қонунчиликда очиқ қолмоқда. Фуқаролик кодексининг 12-моддасида ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида бундай ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги айтилган. Бироқ, суд амалиётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш амалиёти мавжуд эмас.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодекси 279-моддасида мустаҳкамланган фуқаролик судлари томонидан алоҳида иш юритиш тартибидан кўриладиган ишлар доирасини қайта кўриб чиқиш ва улардан хусусанқуйидагиларни:

- шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги;

- шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларни кўришни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Чунки, ушбу тоифадаги ишлар алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг процессуал хусусиятларига тўлиқ жавоб бермайди. Иш алоҳида тартибда кўрилиши учун низо бўлмаслиги ва ушбу тоифадаги ишларда фақат бир тараф – аризачи(манфаатдор) шахс иштирок этиши талаб этилади. Бундай процессуал хусусият шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ёки сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёхуд шахснинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда кузатилмайди. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

**биринчидан**, ушбу муассасаларга шахс ғайриихтиёрий тартибда ўз хоҳиш-иродасига қарши равишда жойлаштирилади. Демак, ушбу тоифадаги ишларда низо мавжуд бўлади.

иккинчидан, ушбу тоифадаги ишларда иккита тараф иштирок этади. Яъни, бир тараф – психиатрия муассасасига ёки сил касаллигига қарши кураш муассасасига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиладиган ёки ётқизилган шахс бўлса, иккинчи тараф сифатида психиатрия муассасаси ёки сил касаллигига қарши кураш муассасаси иштирок этади.

учинчидан, психиатрия муассасаси ёки сил касаллигига қарши кураш муассасасига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиладиган ёки ётқизилган шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини қай тартибда ҳимоя қилади деган ўринли савол туғилади. Бунда у ўз ҳуқуқларини тегишли психиатрия муассасаси ёки сил касаллигига қарши кураш муассасасининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан шикоят тартибида судга мурожаат қилсагина ҳимоя қила олади. Шундай экан, ушбу тоифадаги ишларни Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга киритиш ва маъмурий судлар ваколатига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Тааллуқлиликини белгилаш бўйича хорижий тажриба ва илмий қарашлардан келиб чиқиб, ушбу институтни янада такомиллаштириш зарурлигини англаш қийин эмас. Шу сабабли, келгусида мазкур соҳада қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**биринчидан**, Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг барчасида “Тааллуқлилики” ва “Судловлилики” параграфларини ўз ичига олган “Иқтисодий судларнинг ваколатлари”, “Маъмурий судларнинг ваколатлари”, “Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ваколатлари” деб номланган алоҳида боб киритиш таклиф этилади;

**иккинчидан**, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ишларни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш мақсадга мувофиқ;

**учинчидан**, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда давлат органларининг норматив-ҳуқуқий хусусиятга ёки индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ишларни кўриб чиқишнинг бир биридан фарқ қиладиган аниқ ҳуқуқий механизмларини белгилаш зарур;

**тўртинчидан**, Фуқаролик процессуал кодекси 279-моддасида мустақамланган фуқаролик судлари томонидан алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар доирасини қайта кўриб чиқиш ва улардан қуйидаги ишларни кўришни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш таклиф этилади:

шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;

шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши, ишончимиз комилки, ишларнинг тааллуқлилигини белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга, шу орқали фуқаролар ва тадбиркорларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Дж.И.САФАРОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Юридик таъминлаш бошқармаси Ҳуқуқий  
экспертиза бўлими бошлиғи, ю.ф.н., доцент**

**Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация  
технологияларини жорий этиш – қонун устуворлигини таъминлаш  
ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши**

Ўтган йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустақамлаш, судларни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, фуқароларнинг Конституциямиз ва амалдаги қонунчиликда мустақамлаб қўйилган суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларининг амалий ифодасидир.

Айтиш керакки, судьялар таркибини сифат жиҳатидан янада мустақамлашга сезиларли таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақида сўз борганда, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация

технологияларини жорий этиш масаласига алоҳида тўхталиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш билан бир қаторда улар фаолиятига замонавий, демократик давлатлар тажрибасига тўлиқ мос бўлган ахборот коммуникация технологияларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш ҳамда судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юкланган эди. Ушбу топшириқ асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги 346-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 17 банддан иборат олти бўлимдан ташкил топган 2012-2014 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилинди.

Дастурга асосан судлар фаолиятини компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Дастурда хусусан, электрон суд жараёнини, шу жумладан суд жараёнларини видео-, аудио қайд этишни, шунингдек суд жараёнлари стенографиясининг янги турларини ташкил этиш, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақлаш бўйича “Судлар фаолияти” ва “Суд ҳужжатлари” ахборот тизимларини яратиш, маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали Олий судга даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга мурожаат қилиш имконияти берилиши, иқтисодий судларнинг қарорларини мажбурий тартибда эълон қилиниши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда судларнинг веб-ресурсларини модернизациялаш, маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини бериш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш билан боғлиқ бир қатор масалалар самарали жорий этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Ахборот-таҳлил бўлими тузилди; суд амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган статистик ҳисоботлар юритишнинг такомиллаштирилган, соддалаштирилган шакллари ва тартибини жорий этиш; янги тузилаётган судларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва тизимлари билан таъминлаш каби масалалар ўз аксини топди.

Фуқаролик процессуал кодексига 2015 йил 10 июнда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида фуқаролар фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, судлар эса чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ва бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Умумий юрисдикция судлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида”ги қарори билан фуқаролик ишлари бўйича судларга ҳужжатларни “E-SUD” электрон судлов ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда топшириш бўйича низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида эса, ушбу масалага янада кенгроқ эътибор берилди ҳамда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш белгиланди. Фармон билан шунингдек, электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шунингдек одил судловга эришишнинг илғор механизмларини кенгроқ жорий этиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Юқоридаги Фармон асосида тасдиқланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури 18-бандида 2017 йилнинг 4-чорагида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари, ахборот-коммуникация технологияларини,

шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш кўзда тутилди.

Қолаверса, Дастурнинг 32-бандида электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам белгилаб қўйилган. Шубҳасиз бу ташаббусларнинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш доирасида республикани ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилик учун очиқлиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан судлар фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳолатини танқидий ўрганиш ҳамда суд тизими фаолияти самарадорлигини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида ҳам Марказнинг функцияларидан бири сифатида судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш белгиланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши ушбу ислохотларни янги босқичга кўтарди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи – қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг олти та устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, улардан биринчиси – суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришдир. Ушбу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар

мажмуидан бири бу – судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 65-бандида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш. Хусусан: судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш; судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш; суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) каби чора-тадбирлар белгиланган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу янгиликлар шубҳасиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ҳамда судлар фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда “электрон одил судлов” институтининг жорий этилиши келгусида ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, ишнинг боришини интернет орқали кузатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, видеоконференция орқали суд муҳокамаларида иштирок этиш имконини беради ҳамда суд харажатларини камайтириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар учун қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қилади.

**А.ИБРАГИМОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти**  
**Қуйичирчиқ туманлараро суди судьяси**

### **Судларда ахборот технологияларнинг жорий қилиш қулайликлари**

Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга мурожаат қилаётгани ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ошаётганидан далолат беради. Бу жараёнда замон талабларига мос суд-ҳуқуқ амалиётида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ҳужжат айланишини электрон шаклга ўтказиш суд ишларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан

қарорлар чиқариш жараёнини тезлаштириш, шунингдек қоғоз сарфини камайтириш имконини беради.

Шу муносабат билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар судларни тўлиқ ахборотлаштириш учун зарур шароит яратаётгани ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизда электрон судловни татбиқ этишни жадаллаштириш имконини беради.

Қайд этиш жоизки, ушбу йўналишда муайян ишлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифалари белгиланган бўлиб, бу уларнинг иш самарадорлигини ошириш, одил судловнинг барча учун очиқ-ошкоралик принципини ҳаётга тўла татбиқ этишни назарда тутган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирларига оид қарорида ҳам суд ходимларини компьютер ва офис техникаси билан тўлиқ таъминлаш, судларнинг локал тармоғини бирлаштирадиган корпоратив тармоқни ташкил қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, тизимлаштириш ҳамда сақлаш бўйича “Суд фаолияти” ва “Суд ҳужжатлари” тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган эди. Судга электрон шаклда мурожаат қилиш имконини берадиган веб-ресурсларни модернизация қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу борада муқаддам фаолият кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди фаолияти эътиборга лойиқ бўлиб, унинг расмий сайтида ҳужжатларни қабул қилиш, суд ишлари иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга электрон шаклдаги суд ҳужжатларини юбориш имконини берадиган “Электрон қабулхона” очилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Фуқаролик судлов ишини ислоҳ қилиш: **самарали** судлов маъмурчилиги” Лойиҳаси ўз самарасин бермоқда. Тошкент вилоятининг фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди мамлакатимиздаги илк “E-SUD” электрон судлов тизими мувафақиятли ишлаб келмоқда. Ушбу тизим аҳоли, адвокатлар ва суд органлари ходимлари учун катта қулайликлар яратди.

“E-SUD” электрон судлов тизими судлар фаолияти ҳақида ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, тизимлаштириш, сақлаш, даъво аризалари, илтимоснома ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш ва жўнатиш, фуқаролик ишлари жараёнини шахсан судга бормасдан ахборот тизими орқали кузатиш, суд иши иштирокчиларига турли хатлар

юбориш, корпоратив электрон почтага эга бўлиш, электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур тизим судьялар ва суд ходимларига фуқаролик суди фаолияти тўғрисида статистика ва бошқа ҳисоботлар тузишни автоматлаштиришда ёрдам беради.

“E-SUD” электрон судлов тизими қулайлиги ва ишончилиги билан эътиборга молик, бу тизим суд ходимлари, адвокатлар ва фуқаролар учун ҳам жуда фойдалидир. Тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, кўпгина аризалар электрон суд тизими орқали келиб тушмоқда. Яқин келажакда ушбу тизим Ўзбекистоннинг барча суд босқичларида ишга туширилиши муқаррар.

Экспертларнинг фикрича, одил судловнинг очиқ-ошкоралиги ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш электрон судлов тизимини жорий қилишнинг асосий самарасидир. Бу принципларни ҳаётга татбиқ этиш суд ахборотидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борадаги жамоатчилик фикри, шубҳасиз, судлар иши самарадорлигини, суд тизими ходимлари масъулиятини оширади, суд ҳокимияти нуфузининг юксалишига хизмат қилади.

Суд жараёнларини бошқариш бўйича ишончли электрон тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш самарали, замонавий ҳамда ҳисоб берувчи суд тизимини шакллантиришда муҳим технологик асос бўлиб хизмат қилади, бу судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва суд иши томонлари зиммасидаги юкни енгиллаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда суднинг барча босқичлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш учун зарур чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда судлар фаолиятига электрон судловни жорий этиш амалдаги қонунчиликнинг қатор процессуал нормаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Юқори технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш баробарида ҳуқуқий шарт-шароитларни такомиллаштириш аҳолининг барча қатламлари учун ахборотдан тенг фойдаланиш имконияти таъминланган ахборот жамиятини шакллантириш, давлат тузилмаларининг ўзаро ва фуқаролар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш имконини беради. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутиши лозим. Зеро, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги судлар фаолиятининг очиқлиги ва сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

**О.НИШОНОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти**  
**Боёвут туманлараро суди судьяси**

## Судда фуқаролик ишларини кўришда видеоконферендалоқа тизимини жорий этиш масалалари

Мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳамда қатъият билан одимлаётган мамлакатимизда фуқароларнинг судларга мурожаатлари кун сайин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг мустаҳкам кафолатлаб қўйилгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ана шу ҳуқуқий кафолатлардан самарали фойдаланиш учун юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, жамиятимизнинг тобора янгиланиб бориши ва жадал тараққий этиши, юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг кенг татбиқ қилиниши туфайли фуқароларимизнинг хусусий мулк эгаси бўлиши учун қулай имкониятлар юзага келди. Натижада бугунги кунда ҳамюртларимиз уй-жой ва транспорт воситалари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, турар-жой ва нотурар-жой бинолари, корхона ва фермер хўжаликлари каби қонун билан тақиқланмаган кўплаб турдаги мулкларнинг эгасига айланди. Бу, ўз навбатида, хусусий мулкни тасарруф этишга тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида судларга мурожаатларининг ортишига олиб келди.

Табиийки, фуқароларнинг судга мурожаатлари ошиб бораётган бир вақтда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Агар бу борадаги хорижий амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги вақтда Жанубий Корея, Малайзия каби давлатлар суд тизими фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ўтган даврда бу борада муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>31</sup> ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштирда муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур Дастурга асосан судлар

---

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.

фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида<sup>32</sup> қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасига маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, бунда электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконферендалоқадан фойдаланишни суд кенгроқ жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Айтиш керакки, ҳозирда суд мажлисларини видеоконферендалоқа режимда ўтказиш амалиёти иқтисодий судларда самарали қўлланилиб келинмоқда. Суд мажлисларини видеоконферендалоқа режимда ўтказилиши хўжалик ишини кўраётган суд мажлисига қатнашиши лозим бўлган бошқа ҳудудда жойлашган суд иштирокчилари шу судга келмасдан ўзлари жойлашган ҳудуддаги иқтисодий суднинг биносига келиб видеоконферендалоқа тизими орқали суд процессида иштирок этишларига имкон яратилганлиги, соҳадаги бу янгилик тадбиркорлик субъектларига жуда катта қулайлик яратилганлиги, эндиликда бошқа вилоятдаги суд мажлисига бориш, бунинг учун сарф-харажат қилиш, ортиқча вақт йўқотиш каби ташвишлар деярли барҳам топганлиги, ўз ўрнида қайд этиш керак.

Шу маънода фуқаролик процессида ҳам суд мажлисларини видеоконференция режимда ўтказишни белгилаш суд процесси иштирокчилари ўзлари жойлашган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда, видеоконферендалоқа орқали бошқа ҳудудларда ўтказилган суд процесларида қатнашишларини таъминлайди ва таҳлилий уларнинг салмоқли маблаглари тежаб қолинишига эришилади.

Агар бу борада хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик процессида суд мажлисларини видеоконференция режимда ўтказиш бўйича яхши тажриба тўпланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Австралида видеоконференция режими орқали фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисларини ташкил этиш учун 2010 йил 1 июлдан бошлаб eLodgment21 тизими ишга туширилган бўлиб, бу тизим тун-у кун

---

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони //

ишлайди ва процесс иштирокчиларининг қандайдир сабабларга кўра суд процесларида иштирок этмасликларини олдини олади.<sup>33</sup>

Буюк Британия фуқаролик процессида исботлашнинг асосий воситалари гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳисобланиб, гувоҳнинг кўрсатувлари ёзма тарзда ва оғзаки шаклда суд мажлисларида берилиши мумкин (trial). Шунингдек, суд гувоҳлардан кўрсатувларни видео-конференция режими орқали беришга рухсат бериши мумкинлиги Англии фуқаролик процесси қоидаларининг 32-қисмида белгиланган<sup>34</sup>.

Россия Федерациясида ҳам 2013 йил 26 апрелдан бошлаб фуқаролик суд ишларида видеоконференция режими қўлланилиб келинмоқда<sup>35</sup>. Россия Федерациясида суд мажлисларини видеоконференция режимида ўтказишда қатнашувчи процесс иштирокчилари аниқ белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин.

Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисларида видеоконференция режимини қўллашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини тезкор, қулай ва муқобил таъминлашга шароит яратиш;
- фуқаролик ишларини соддалаштирилган тартибда кўриш механизминини кучайтириш;
- суд харажатларини камайтириш;
- судни ўзига хос бўлмаган функциялардан ҳоли этиш;
- исботлашни тўлиқ амалга ошириш ва далилларни тақдим қилиш мажбуриятини тўсқинликларсиз амалга ошириш.

Албатта, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш амалдаги процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексини ишлаб чиқиш жараёнида суд мажлисларини видеоконферендалоқа тизимида ўтказишни назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида мазкур киритилаётган ўзгаришларда қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш лозим ҳисобланади:

Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўриладиган бўлса видеоконференция режимидан фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигини белгилаш зарур. Бу борада айтиш керакки, Хўжалик процессуал кодексини иш суднинг ёпиқ мажлисида кўриладиган бўлса видеоконференция режими қўрилмаслиги белгиланган.

<sup>33</sup>Сечкарук В.С. Современные проблемы развития электронного правосудия в России я в мире. // Дипломный проект ЭФСПБГУ 2011. с.16

<sup>34</sup>Grainger T.,Fealy M. The Civil Procedure Rules in action. Second Edition. L., Sydney: Cavendish P.Ltd, 2013. - P. 100 -102.

<sup>35</sup>Федеральный закон от 26.04.13 № 66-ФЗ «О внесении изменений в Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации»// zakon.ru



Суд мажлисини видеоконферендалоқа режимда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мажбуриятини тарафлар бирига юклашни белгилаш керак.

Фуқаролик судининг видеоконферендалоқа режимдаги мажлисида иштирок этиш шартлари билан боғлиқ нормаларни белгилаш лозим. Ушбу нормани белгилашда қуйидаги таклифни инобатга олиш тавсия этилади:

“Ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари видеоконферендалоқа режимдаги суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Шахсларнинг видеоконферендалоқа режимдаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларга, фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига ҳамда уларнинг бундай мажлисда иштирок этишига қўмақлашадиган тегишли фуқаролик судига юбориладиган ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги суд ажримида кўрсатилади.

Видеоконферендалоқа режимдаги суд мажлисини ўтказишга қўмақлашадиган ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари вакиллари ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар, шунингдек суд мажлисида тақдим этилган ёзма далиллар ишни кураётган фуқаролик судига юборилиши таъминланади”.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик суд ишларини кўриб чиқишда видеоконференция режимини қўллашни жорий этиш фуқаролик суд иши юритуви тезкорлигини янада кучайтириш ва қулайлигини ошириш, суд процесси иштирокчилари харажатларини ва суд чиқимларини камайтиришга қаратилган чораларни амалга оширишга хизмат қилади.

Энг асосийси, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг изчил жорий қилиниши, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини тубдан кенгайтиради.

### **3-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**Д.Ю.ХАБИБУЛЛАЕВ,  
ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва ҳўжалик-  
процессуал ҳуқуқи кафедраси мудири,  
юримдик фанлар номзоди, доцент**

#### **Фуқаролик процессуал қонунчилиги: эришилган ютуқлар ва такомиллашув сари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига бир қатор қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон ва “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонларининг қабул қилиниши келгусида фуқаролик процессуал қонунчилигининг кўплаб институтларини, хусусан одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, назорат тартибида иш юритиш, сиртдан иш юритиш, суд қарорларини ижро этиш, фуқаролик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши (2017 йил 29 март) муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг кассация, назорат тартибида иш юритишга оид бир қатор нормаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, фуқаролик иши бўйича суд қарорлари устидан кассация шикоятини бериш (протести келтириш) муддати 1 йилдан олти ойга, назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза бериш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартилди. Бу эса фуқароларга низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш, судларда йиллаб овора бўлиб юриши олдини олиш, ўз навбатида суд қарорларининг барқарорлигига эришиш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга олиб келди. Шунингдек, вилоят миқёсидаги судлар томонидан фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколатлари бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича ваколати

ҳамда назорат тартибида кўриб чиқувчи инстанцияларнинг бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинди.

Шунингдек, юқоридаги фармонларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2017 йил 22 апрелдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига янги 2<sup>1</sup>-модда ҳамда 31-32, 264, 266-271-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Бунинг натижасида 2017 йил 1 июндан бошлаб маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Эндиликда маъмурий судларга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлидир. Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар алоҳида янги ташкил этиладиган маъмурий судлар томонидан фуқаролик процессуал қонунчилиги нормалари асосида кўриб чиқилади.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг одил судловга монеликсиз эришишини таъминлаш, судлар фаолиятига ахборот технологияларини янада самарали татбиқ этиш, суд қарорларини ижро этишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш мақсадида келгусида фуқаролик процессуал қонунчилигига яна қатор қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда мазкур Стратегияни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига кўра жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи миқдорини камайтириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлайди.

Чунки, ҳозирда жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари”га кўра, давлат божи қуйидаги миқдорда тўланади:

<b>Даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг:</b>	
20 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида;
20 дан 40 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида;

40 дан 80 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 15 фоизи миқдорида;
80 бараваридан кўп бўлганда	даъво баҳосининг 20 фоизи миқдорида;

Юқоридаги жадвал тарзида берилаётган давлат божи ставкаларидан кўриниб турибдики, жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилганида тўлайдиган давлат божи миқдори даъво баҳосига қараб ошиб борада. Бу эса, уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқига монелик қилмоқда. Шунинг учун ҳам келгусида давлат божи миқдорларини камайтирилиши ушбу тўсиқларни бартараф этилишига, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат қилиш имконини оширишга олиб келади.

Ҳозирги кунда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августда “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>36</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сон Қарори<sup>37</sup> қабул қилинганлиги суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этишда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб хўжалик судларига ҳамда 2015 йилдан эътиборан фуқаролик судларига мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этиши имконияти яратилди.

Бироқ, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида ҳозиргача амалга оширилган ишларни етарли деб бўлмади. Шу боисдан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида 2017 йилнинг III чорагида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди:

**1. Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш.** Бу ўз навбатида, ишларнинг судьялар ўртасида тенг ва ҳолисона тақсимланиши, айти пайтда суд

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4459-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2012 . 3 август, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 . 31-сон, 355-модда.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 10 декабрдаги 346-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. 50-сон, 560-модда.

раисининг мазкур ишга муайян вақтини тежаш имконини беради. Ушбу тизим айна вақтда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судида йўлга қўйилган бўлиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Олдимизда турган асосий вазифалардан бири эса ушбу тизимни республикамиз миқёсида йўлга қўйишдан иборат.

**2. Судларда ахборот ўз вақтида электрон тарзда алмашину-вини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш.** Сўнгги йилларда фуқаролик ва хўжалик судларига ахборот тизими орқали электрон шаклда мурожаат қилиш ва хўжалик судлари мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имкони яратилгани қувонарли ҳолат, албатта. Бу борада суд статистикаси маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, хўжалик судлари томонидан 2014 йилда 1083та, 2015 йилда 5237та 2016 йилда 5732та суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилган.<sup>38</sup> Лекин замонавий ахборот коммуникацион технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани ҳамда судларда иш ҳажмининг юқорилиги судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини яна кенгроқ жорий этишни талаб этмоқда. Бу борада судга мурожаат келиб тушганидан токи ҳужжат бўйича қарор қабул қилиниб ижрога етиб боргунча бўлган барча босқичларни автоматлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса судларда электрон тарзда ахборот алмашинувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш орқали амалга оширилади.

**3. Суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, барча суд қарорларини шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари).** Ушбу ишлар, табиийки, барча суд қарорларининг электрон базаси шаклланишига, йиллар давомида уни тўлиқ сақланишига, суд қарорларини шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан чоп этиш орқали, аҳолини суд қарорлари билан таништириб боришига, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, турли хил қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга, айниқса жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармонида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 21 февралдаги

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг ОХС.UZ расмий сайти

ПФ–4966-сон Фармонида белгиланган вазифалар бўйича келгусида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш:

- 1) судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайди;
- 2) судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради;
- 3) судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштиришни ва сақланишини таъминлайди;
- 4) фуқаролар ва ташкилотларнинг электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятини яратиб, уларнинг ортиқча харажатлар қилишининг олдини олади;
- 5) электрон воситалар орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини яратади;
- 6) суд иш юритуви билан боғлиқ почта харажатлари ва бошқа харажатларни қисқартиради;
- 7) суд иш юритувини электрон шаклда олиб бориш суд қарорлари ва бошқа керакли ҳужжатларни дарҳол қабул қилиб олиш ёки узатиш, шунингдек судларда қоғозсиз ҳужжат айланишини жорий этишимконини беради;
- 8) суд иш юритувида электрон архивлаш тизимини йўлга қўйиш имконини беради.

Мамлакатимизда суд қарорларини ижро этишнинг процессуал механизмларини мукамаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Бироқ, ҳозирги кунда суд қарорларини ижро этишда фуқаролик процессуал қонунчиликдаги айрим муаммолар, бўшлиқларни мавжудлиги сезилиб қолмоқдаки, бу ҳол ушбу соҳадаги процессуал нормаларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4850-сон Фармони билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг еттинчи устувор йўналиши Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига келгусида:

давлат фойдасига мулкый ундирувлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда судьяларнинг даъвони таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини;

суд ҳал қилув қарорининг ижро этиш тартиби ва усулини белгилаш қисмида суд ҳал қилув қарорига қўйиладиган, унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайдиган талабларни;

судлар томонидан ижро ҳужжатларини юбориш муддатларини;

давлат бюджетига ундирувлар бўйича ижро варақаларини фақат суд ижрочиларига беришни назарда тутадиган ягона тартибни;

суд ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини тушунтириш, ўзгартириш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, иш юритишни тўхтатиб туриш, ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш тартибини белгилаш йўли билан ижро ишини юритиш устидан суд назорати механизмларини (кўриб чиқиш муддатлари, суд таркиби, суд муҳокамаси тартиби, чиқариладиган ҳал қилув қарорининг шакли);

суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб ижро этиш асослари ва уларнинг энг кўп муддатларини;

коммунал қарздорлик бўйича суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг кенгайтирилган рўйхатини (қарзни узиш тўғрисидаги талаб, коммунал тармоқдан узиб қўйиш далолатномаси, истеъмолчи билан тузилган шартнома, қарздор томонидан эътироф этилган қарздорлик ҳисоб-китоби, кўчмас мулк эгаси тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар);

хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорларини эътироф этиш ва ижро этишнинг аниқ процессуал тартибини (судловга тегишлилик, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, суд муҳокамаси тартиби, қарорни эътироф этиш ва унинг ижросини рад қилиш асосларини) назарда тутувчи ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш белгилаб қўйилди. Жумладан, суд ижрочиларининг штат бирлигини кўпайтириш ва суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш, судлар томонидан ижро ҳужжатларини ижрога юбориш муддатларини белгилаш бўйича ҳам аниқлик киритиш ва ижро ишлари юритиш устидан қаттиқ суд назоратини ўрнатиш бўйича ҳам тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда. Ҳозирда суд ҳужжатлари ижрога юборилганидан сўнг, унинг ижроси қандай бўлди, ижро этилганми йўқми, ижро иши тугатилдими ёки тўхтатилдими деган масала бўйича судларда ҳеч қандай маълумот юритилмайди. Шу сабабли суд қарорларининг ижросини таъминлаш, уларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш мақсадида келгусида ижро ишлари устидан суд назоратини амалга ошириш бўйича Фуқаролик процессуал кодексига тегишли ўзгартишлар киритиш тақозо этилади. Бу эса ўз навбатида судьяларнинг ўзлари чиқарган қарорлари ижроси таъминланиши устидан масъулиятини оширади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунининг 4-моддасида

биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилганлиги ҳам келгусида фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал механизми янада такомиллашувига, фуқароларнинг суд орқали ишончли ҳимояланиш кафолатларини кучайтиришга, судьяларнинг чинакам, ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга, одил судлов даражаси ошишига ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқлашувига олиб келади.

**Ш.С.ЮСУПОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти**  
**Андижон туманлараро судининг судьяси**

### **Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилик тизимини такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам босқичма-босқич ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди. Ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда.

2017 йилга келиб суд-ҳуқуқ тизими ривожланган мамлакатларнинг амалиётида синалган тажрибалардан ўз миллий қонунчилигимизга мос келадиган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш ва замон талабидан келиб чиқиб, туб ислохотларни амалга ошириш зарурати юзага келди.

Дастлабки йиллардан бери шаклланиб келиб, ўзининг ривожланиш босқичини янги поғонасига келган суд тизимимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлари асосида янги суд тизимини ташкил этиш ўз аксини топди.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида янги суд тизими жорий этилиб, яъни Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ягона суд тизимининг Олий органи деб эътироф этилди, унинг тузилмаси тубдан янгиланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги



Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти марказий аппаратининг тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларининг тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг намунавий тузилмаси, Туман (шаҳар) маъмурий судларининг намунавий тузилмаси, Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг намунавий тузилмаси, Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмаси, Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг намунавий тузилмаси, Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг намунавий тузилмаси, Туманлараро туман (шаҳар) иқтисодий судларининг намунавий тузилмаси, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари тасдиқланди.

Ўтган йиллар давомида судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштиришга зарурат юзага келди. Бинобарин, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси аниқ ҳуқуқий мақомга эга эмас эди, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириб, чекланган ваколатларга эга эди.

Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг икки олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келмоқда эди.

Ҳарбий суд судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига киритилганлиги, адлия органлари томонидан умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тартиби суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилига мувофиқ келмас эди.

Суд тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги судьяларнинг ўз хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини бермаётган эди, бу эса ушбу тизимни ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштиришни талаб этаётган эди.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида юқорида қайд этилган Фармон билан:

Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг 21 нафар бўшаётган ижро аппарати штат бирлиги Кенгашга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарлари Кенгашнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бўлди.

Ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туман (шаҳар), туманлараро судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилиши белгиланди.

Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асоси вазифасини ўтамоқда. Бироқ айни вақтда умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпчиликни ташкил этиши суд орқали ҳимоянинг барча учун қулай ва самарали усулларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг тизимини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш, амалиётга татбиқ этилишининг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонининг иккинчи устувор йўналиши сифатида “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” қилиб белгиланди.

Юқоридаги ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг бир қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни билан 2017 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий судига юклатилди. Шундай экан янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексини ишлаш жараёнида унинг тизимини жаҳон мамлакатлари тажрибасида синалган қоидалар билан тўлдириш мақадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги кунда амалда бўлиб турган Фуқаролик процессуал кодекс ҳам анча мукамал тарзда ишлаб чиқилган, бироқ янги суд тузилмаси ташкил этилиши муносабати билан Кодекс қоидалари албатта янги тузилмага мослаштирилиши керак. Шундан келиб чиқиб, келгусида ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қуйидаги қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- даъво ариза (ариза)ни қабул қилишда амалдаги ФПКнинг 149-моддасига илова қилинадиган ҳужжатларни аниқ кўрсатиш ва судга қадар низони ҳал қилиш чораларини кўрганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни илова қилиш;

- ФПКни умумий ва махсус қисмларга ажратиш;

- суд буйруғи тартибида ишлаш механизминини тегишли идораларга ўтказиш масаласини ҳал этиш;

- ишга тиклаш билан боғлиқ низоларни кўриш мудатини 20 кундан бир ойга узайтириш, мансабдор шахснинг юридик шахсга етказилган зарарни тўлиқ миқдорда қоплаш каби қоидаларни киритиш;

- қандай ишлар фуқаролик судларига тегишли эканлиги доирасини аниқ кўрсатиш;

- фуқаролик ишларини кўришда тарафлар келишув битимига эришган тақдирда давлат божидан қисман озод қилишни назарда тутувчи қоидаларни киритиш;

- ФПКнинг 110-111-моддаларига асосан давлат божини тўлашдан озод қилиш, кечиктириш масаласига ойдинлик киритиш;

- фуқаролик ишини иш юритишдан тугатиш доирасини кенгайтириш.

**М.М. МАМАСИДДИҚОВ,  
ю.ф.д., профессор.**

**С.Дж.ДЖОЛДАСОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти  
бош илмий ходими, ю.ф.н., доцент**

### **Корпоратив низоларни судда кўриш ва ҳал этиш тартибини такомиллаштириш масалалари**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда иқтисодий либераллаштириш, бошқарувнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди ва айтиш жоизки, шу йўналишдаги иқтисодий ислохотлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Хусусан, 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга, саноат маҳсулоти ҳажмлари 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,4 фоизга, хизматлар 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.<sup>39</sup>

Эришилган бундай ютуқлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кенгайтириш мақсадида процессуал қонунчиликда судларда корпоратив низолар бўйича иш юритиш тартиб-таомиллари белгиланди. Таҳлиллар судларда корпоратив низоларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, 2014 йилда ушбу тоифадаги ишлар 4 837 тани, 2015 йилда 7 262 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич қарийб икки бараварга кўпайиб 13 293 тани ташкил этган.<sup>40</sup>

Корпоратив низоларнинг суд амалиётида тобора кўпайиб бораётганлиги ўз навбатида ушбу тоифадаги ишларни судлар томонидан тўғри, ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш билан боғлиқ миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни тақозо этмоқда. Мазкур масала, айниқса,

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш пайтида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ, суд фуқаронинг мулкӣ аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳам ҳақли бўлади. Бундан ташқари, суд ёки судья ҳам, айрим ҳолларда, фуқароларнинг мулкӣ аҳволига қараб, агар тўловларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд унинг миқдорини камайтириш имконияти бўлмаса, уни давлат фойдасига ундириладиган давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли.

ФПКнинг 110-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, фақатгина жисмоний шахс давлат божини тўлашдан озод қилиниши мумкин. Давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек уларнинг миқдорини камайтириш эса жисмоний шахсларга нисбатан ҳам, юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Судлар тарафлардан бири фойдасига ундирилиши лозим бўлган суд харажатларини тўлашдан даъвогар ёки жавобгарни озод қилишга ҳақли эмасликларини назарда тутишлари керак. Ушбу қоида мазкур шахслар суд харажатларини давлат фойдасига тўлашдан озод этилган ҳолларда ҳам татбиқ этилади. Солиқ кодексининг 328-моддаси ва 336-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, судларга бериладиган аризалардан давлат божи ариза берилгунга қадар тўланади. Шунга кўра фуқаролик ишлари бўйича тарафларни суд харажатларини тўлашдан озод қилиш масаласи судья томонидан даъво аризасини қабул қилиш вақтида, зарур ҳолларда эса ҳал қилув қарори чиқаришда ҳал қилинади.

Даъвогар бож тўлашдан озод этилган тақдирда, агар даъво қаноатлантирилса, бож даъвонинг ундирилган миқдорига мувофиқ жавобгардан (агар у бож тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат фойдасига ундирилади.

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарор асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисоб-варақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарадилар. Ўз навбатида, давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Давлат божи суммасини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарорининг 12-бандида тушунтириш берилишича, давлат божини қайтариш ФПКнинг 119 ва Солиқ кодексининг 342-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади. Бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтарилади. Қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Бож судьянинг ажрими асосида, агар бож бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, молия органлари томонидан қайтарилади.

Агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлади.

Суд иш бўйича ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд харажатларини тақсимлаш масаласини ҳам ҳал қилиши талаб этилади. Акс ҳолда ФПКнинг 214-моддасига мувофиқ, суд қўшимча ҳал қилув қарори чиқаришига тўғри келади.

Умумий қоидага кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради (ФПКнинг 116-моддаси). Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Масалан, судга даъвогар Г.Ибодова жавобгар Б.Равшановга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундиришни сўраган дейлик.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, даъвогар томонидан дастлаб судга даъво ариза тақдим қилиш вақтида тўланган давлат божи жавобгардан даъвогар фойдасига ундирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, судларда даъво ишларини ФПКда белгиланган талаблар асосида кўриш, фуқароларнинг моддий аҳволини ҳар томонлама ўрганиш, ишларни қонуний ва адолатли, ўз вақтида ва тўғри кўрилишини таъминлаш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончи ортишига сабаб бўлади, бу эса судларнинг фаоиятига юксак вазифа юклайди.

**Ж.КАРИМОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Самарқанд шаҳар суди судьяси**

**Фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш  
жараёнида тўланадиган давлат божи миқдорини камайтириш:  
аҳамияти, омили ва тартиби**

Бугунги кунда мамалакатимизни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар тубдан янгича қиёфа касб этмоқда. Бунда айниқса Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг миқёсли ўзгартиришларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек судларнинг ўз фаолиятини мукамал юритишида ва уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутди. Мазкур чора-тадбирлардан бири жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи миқдорини камайтиришнинг назарда тутилганлигидир.

Давлат божи ўзи нима ва у қайси қонун ҳужжатларида белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 103-моддаси, Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги қароридан фуқаролик ишлари бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат экани белгиланган. Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг XVII бўлими, ФПКнинг ўнинчи боби, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги ва 1993 йил 19 августдаги “Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида”ги қарорлари билан тартибга солинади.

Суд фуқаронинг мулкӣ аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли. Бундан ташқари, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган бундай харажатларни тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтиришга ҳам ҳақли. Суд бу масалани ҳал этишда уларнинг мазкур харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи асослар (масалан, иш ҳақи ва бошқа даромади, маблағи мавжудлиги, унинг эғалигида бўлган мулкларнинг сони ва қиймати, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари

борлиги ва ҳ.к.партўғрисида маълумотлар) мавжудлигини текширади. Асосли сабаб бўлгандагини суд харажатларини тўлашдан озод қилишга қаратилган ажрим қабул қилиши мумкин.

Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 110-111- моддаларида кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда давлат божини судьялар томонидан тўлашдан озод қилишда, камайтирилишида ёки кечиктирилишида аниқ бир амалиёт йўқ, чунки фуқаронинг мулкӣ аҳволи тўғрисида маълумот олиш жуда ҳам қийин.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарорида давлат божи ставкалари белгиланган бўлиб, унга кўра даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида, 20 дан 40 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида, 40 дан 80 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 15 фоизи миқдорида, 80 бараваридан кўп бўлганда даъво баҳосининг 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади. Яъни агар даъво баҳоси 20 миллион сўм бўлса, даъвогар ариза топширишда 4 миллион сўм давлат божи тўлаши лозим. Давлат божи миқдори даъво баҳоси кўпайган сари кўпайиб бормоқда. Бу юридик ёки жисмоний шахсларнинг судга давлат божидан озод қилиш ёки давлат божини кечиктириш тўғрисидаги кўплаб аризалар билан мурожаат қилишига олиб келмоқда.

Давлат божи миқдорларини ҳисоблаш бошқа давлатларда қай аҳволда эканлигига бир назар солсак.

Масалан, Россия Федерациясида даъво аризаларидан даъво баҳосирублгача - даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида, аммо 400 рублдан кам бўлмаган миқдорда, даъво баҳоси 20.001 рублдан 100-0,00 рублгача - 800 рубль ҳамда 20.000 рублдан ошган миқдорининг 3 фоизи миқдорида, даъво баҳоси 100.001 рублдан 200.000 рублгача - 3.200 рубль ҳамда 100.000 рублдан ошган миқдорининг 2 фоизи миқдорида, даъво баҳоси 200.001 рублдан 1.000.000 рублгача - 5.200 рубль ҳамда 200.000 рублдан ошган миқдорининг 1 фоизи миқдорида, даъво баҳоси 1.000.000 рублдан ортиқ - 13.200 рубль ҳамда 1.000.000 рублдан ошган миқдорининг 0,5 фоизи амморублдан ортиқ эмас.

Шунингдек Латвия давлатининг Фуқаролик процессуал кодексида ҳам шунга ўхшаш тартибда давлат божи ундирилади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги давлат божи миқдорида даъво баҳосига қараб ўсиб боради ва даъво баҳосига нисбатан кўп миқдорни ташкил этади.

Бу ҳолатни бошқа давлатларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, Буюк Британияда даъво баҳоси 300 паундгача бўлса 35 паунд, 300 паунддан 500 паундгача бўлса 50 паунд, 500 паунддан 1500 паундгача бўлса 80 паунд, 1500 паунддан 3000 паундгача 115 паунд, 3000 паунддан 5000

паундгача 205 паунд, 5000 паунддан 10000 паундгача бўлса 455 паунд, 10000 паунддан 200000 паундгача бўлса 5 фоиз миқдорида, 200000 паунддан юқори бўлса 10000 паунд давлат божи ундирилади. Фоизда кўриб чиқсак даъво баҳоси ошган сайин ундириладиган давлат божининг миқдори фоизи камайиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мулкый низолар бўйича ундириладиган давлат божи миқдорини куйидагича белгилаш таклиф этилмоқда:

Даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваригача бўлган талаблар - даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 30 бараваригача бўлган талаблардан - энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараварининг 10 фоизи ҳамда даъво баҳосининг 10 бараваридан ошган қисмининг 7 фоизи, даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 60 бараваригача бўлган талаблар бўйича - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараварини 7 фоизи ҳамда даъво баҳосининг 30 бараваридан ошган қисмининг 5 фоизи, даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 60 бараваридан 100 бараваригача бўлган талаблар бўйича - даъво баҳосининг 60 баравари миқдорида, 5 фоизи ҳамда даъво баҳосининг 60 бараваридан ошган қисмининг 4 фоизи, даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан ортиқ - даъво баҳосининг 100 бараварини 4 фоизи ҳамда даъво баҳосининг 100 бараваридан ошган қисмининг 2 фоизи миқдорида белгилаш лозим.

Шунингдек сиртдан кўрилган фуқаролик ишларини бекор қилиб қайтадан кўриш тўғрисидаги аризалардан ҳам давлат божи ундириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Амалдаги қонунчиликка кўра даъвогар жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат этишда давлат божи тўловидан озод этилган. Аммо жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан бирга фуқаролар маънавий зарарни ҳам ундиришни сўрашади. Шунинг учун қонунчиликка ўзгартириш киритиб, фуқароларни жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат этишда давлат божидан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 110-111-моддаларида суд томонидан фуқарони суд харажатларидан озод қилиш ҳамда тарафларни суд харажатларини тўлашини кечиктириши, бўлиб-бўлиб тўлашини ва миқдорини камайтириши ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур норма Россия Федерацияси ва Латвия Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Аммо мамлакатимиз қонунчилигида давлат божидан озод қилиш, давлат божини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва камайтириш қандай тартибда амалга оширилиши кўрсатилмаган. Қонунчиликка қўшимчалар киритиб, фуқаро давлат божидан озод қилиш, давлат божини кечик-

тириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва камайтириш тўғрисидаги ариза тақдим этганида қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди: солиқ идорасидан даромади тўғрисидаги маълумотлар, ишсиз сифатида рўйхатга олинганлиги ва ишсизлик нафақаси олаётганлиги тўғрисида маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг нусхаси, ҳақиқатда ҳеч қаерда ишламаётганлиги тўғрисида, пенсия миқдори тўғрисидаги маълумотнома, солиқ идораларидан унинг номида қандай кўчар ва кўчмас мол-мулк борлиги тўғрисида маълумотнома, оиласининг таркиби ҳамда қарамоғида неча киши борлиги тўғрисида маҳалладан маълумотнома, оила аъзоларининг даромади тўғрисида маълумотлар, ногиронлиги тўғрисида маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар.

Фуқаролар мазкур ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни судга тақдим этишдан олдин ариза нусхасини солиқ идорасига тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ҳам ариза билан бирга тақдим этишлари лозим.



## **4-БОБ. МАЪМУРИЙ, ЖИНОЯТ, ФУҚАРОЛИК ВА ХЎЖАЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**М.М.МАМАСИДДИҚОВ,  
юридик фанлар доктори, профессор,**

**Х.А.КУЧҚАРОВ,  
ТДЮУ докторанти**

### **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати, омиллари ва асосий йўналишлари**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид мутлақо янги қонунлар қабул қилина бошланди. Булар энг аввало Асосий қонунимиз - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи ва иккинчи қисми) ва бошқалардан иборат. Шу муносабат билан фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчиликни ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришга объектив зарурат пайдо бўлди.

1997 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди. Унда фуқаролик процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, биринчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг етакчи принциплари, хусусан тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, судда иш кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги, фуқаролик ишларининг якка тартибда кўрилиши каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилди, суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтига жиддий равишда ўзгартишлар киритилди, шунингдек одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш, буйруқ тартибида иш юритиш институтлари жорий этилди.

Жамиятимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, замондошларимизнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш, суд тизимининг қонунчилик асосларини халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига мувофиқлаштириш, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни соддалаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинганлигига 20 йилдан ошган Ўзбекистон

Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўтган давр ичида 19 мартаба қабул қилинган қонунлар билан қатор муҳим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Бугунги кунда фуқаролик процессуал қонунчиликда мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам таянчи ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асоси вазифасини ўтамоқда. Бироқ айтилиши вақтда умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпчиликти ташкил этаётгани, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган кафолатларини таъминлаш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда принципларни ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқариш зарурати суд орқали ҳимоянинг барча учун қулай ва самарали усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилик тизимини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг ҳаётга мукамал татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишни** тақозо этади.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқни қўллаш амалиёти мутахассисларидан ташқари илмий жамоатчилик, процессуалчи олимлар томонидан ҳам мазкур Кодекснинг янги таҳририни ишлаб чиқишга зарурат юзага келганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва мазкур Фармонга илова сифатида тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг<sup>83</sup> қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда муҳим омил вазифасини бажарди.

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг<sup>84</sup> ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017

жорий йилнинг 13 апрелида матбуотда эълон қилинган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилди.<sup>85</sup>

Амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқиш, янги таҳрирда қабул қилинадиган Фуқаролик процессуал кодексининг мазмуни кенг жамоатчилик ўртасида қизиқиш уйғотиши табиий. Зеро, фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишлари, судда фуқаролик ишларини мазмунан кўриш ва ҳал қилиш тартиби мазкур Кодекс билан белгиланган процессуал нормалар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунос олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан янги таҳрирда қабул қилинадиган мазкур Кодексда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини ривожлантириш, фуқаролик процесси иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафлар ўртасида низони ўзаро келишув орқали яқунлашга қаратилган тартиб-таомилларни кучайтириш, суд мажлисларини видеоконференцалоқа орқали ўтказиш каби йўналишларга эътибор бериш кераклиги юзасидан кўпгина таклифлар ва тавсиялар илгари суриб келинмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни тайёрлаш жараёнида алоҳида эътибор берилган, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган асосий йўналишларга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг сони кейинги пайтларда кўпчиликни ташкил этмоқда. Агар биргина 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича барча судларда биринчи инстанцияда кўрилган фуқаролик ишларининг сони 146044 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 244432 тани ташкил этган. Шунингдек,

---

йил 21 февралдаги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 27 февраль, 8-сон, 109-модда.

<sup>85</sup> “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-428-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи. 2017. 13 апрель.

2016 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судида кўриладиган фуқаролик ишлари ва чиқарилган суд буйруқларининг сони **523.602** тани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилнинг биринчи ярмига келиб **571.648** тани ташкил этган. Бу эса фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди судьяларининг иш юкламалари йилдан-йилга ортиб боришига олиб келмоқда. Масалан, 2016 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди судьясининг ўртача ойлик иш ҳажми **113,2** тани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилнинг биринчи ярмига келиб **142,8** тани ташкил этган.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг барчаси фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликка **судда мазмунан кўриладиган низоли ишлар бўйича ҳам соддалаштирилган иш юритишнинг процессуал тартибларини жорий этишни тақозо этади.** Хусусан, айрим тоифадаги низоли, бироқ даъво миқдори муайян суммадан юқори бўлмаган талаблар учун, шунингдек даъво баҳосидан қатъи назар, даъвогар томонидан тақдим этилган, жавобгарнинг пул мажбуриятларини ва шартнома бўйича қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган даъво аризалари бўйича соддалаштирилган иш юритишга оид нормаларни янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига киритиш, бизнингча мақсадга мувофиқ бўлади. Соддалаштирилган иш юритиш тартибига кўра, юқорида кўрсатилган ишлар бўйича даъво аризаларига илова қилинадиган ҳужжатлар судга ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат шаклида тақдим этилади. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги суд ажримида даъво аризаси бўйича жавобгарга ёки бошқа манфаатдор шахсларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун 15 иш кунидан иборат муддат белгилайди. Тарафлар суд белгиланган муддат ичида арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича ўз тушунтиришларини ва нуқтаи назарлари баён этилган асосли важларини ишни кўраётган судга ва ўзаро бир-бирларига жўнатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Далиллар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат тамомлангач, судья тарафларни чақирмасдан туриб ишни соддалаштирилган тартибда кўришга киришади. Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён этилган тушунтиришлар, эътирозлар ёки важларни текшириб, белгиланган муддат ичида келиб тушган далиллар асосида ҳал қилув қарорини қабул қилади. Ҳозирги кунда бу каби амалиёт ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ, ГФР, қўшни Қозоғистон Республикаси ФПКда амалда бўлса, айрим давлатларда (Россия) мазкур масала қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан муҳокама қилинмоқда.

Судда мазмунан кўриладиган низоли ишлар бўйича соддалаштирилган иш юритишнинг процессуал тартибларини жорий этишда ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида **тарафлар ўртасида келишуев битимини тузиш** орқали иш юритишни тугатишга эришиш муҳим

аҳамият касб этади. Фуқаролик процессининг муҳим босқичи сифатида фуқаролик ишларини судда кўриш учун тайёрлашнинг муҳим жиҳатларидан бири тарафларнинг келишув битими тузиш орқали фуқаролик ишларини иш судда мазмунан кўрилгунига қадар тугатишга имкон яратиб беришидадир. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим судьялар ФПКнинг 159-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ишни судда кўриш учун тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига эътибор бермайдилар ва бунинг натижасида ушбу босқичда суд томонидан келишув битими тасдиқланган ишларнинг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Масалан, 2014 йилда суд томонидан келишув битими тасдиқланган ишларнинг сони 115 тани, 2015 йилда 87 тани, 2016 йилнинг 9 ойида эса бу кўрсаткич 53 тани ташкил этган.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига етарлича эътибор бермасликнинг асосий сабабларидан бири Фуқаролик процессуал кодексининг 159-моддасида тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек сўроқлаш муддати ўз ифодасини топмаганлигидадир. Ўз навбатида ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида махсус суд мажлислари ўтказилишининг тартиби ва механизмини назарда тутувчи нормаларнинг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига киритилиши ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида келишув битимларини тузиш ҳолатлари кўпайишига, фуқаролик ишларини суд мажлисларида мазмунан муҳокама қилмасдан, ишларни тўғри ва қисқа муддатларда кўриш ва ҳал қилинишини таъминлашга, турли хил оворагарчиликларнинг ҳамда ортиқча суд харажатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Қатор хорижий давлатларнинг ўрганилган Фуқаролик процессуал кодексига “Дастлабки суд мажлиси” деб номланган алоҳида моддалар мавжуд бўлиб, унга кўра, дастлабки суд мажлислари ишни судда кўришга тайёрлаш босқичининг таркибий қисми ҳисобланади, тарафлар томонидан ушбу босқичда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш каби мақсадларни кўзлайди.

Қолаверса, тарафлар ўртасида низони ўзаро келишув битими тузиш орқали яқунлашга ишни судда кўришга тайёрлаш босқичидагина эмас, фуқаролик процессининг барча босқичларида эришиш мақсадида қонунчиликда **тарафлар ўртасида ярашув таомилларини ўтказишнинг аниқ процессуал механизмини белгилаш** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аксарият хорижий давлатларнинг Фуқаролик процессуал кодексига тарафлар ўртасида ярашув таомилларини ўтказиш шакллари, тартиби ва механизмларига бағишланган моддалар алоҳида бобларда жойлаштирилган. Хусусан, Қозоғистон ФПКнинг 17-бобида тарафларни яраштириш, келишув битимини тузиш, унинг шакл ва мазмуни, келишув битимининг суд томонидан тасдиқланиши, келишув битимининг ижро

этилиши, низоларни (келишмовчиликларни) медиация тартибида ҳал этиш, бу ишнинг тартиби ва ижроси, низоларни партисипатив таомил асосида ҳал этиш, бундай ишни амалга ошириш тартиби ва унинг ижросига доир нормалар белгиланган.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш судьялар сонини кўпайтириш орқали, шунингдек суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш эвазига ҳам тезлашади.

**Суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шакллари жорий этишнинг муҳим йўналишларидан яна бири тарафларни низоли ишни ўзаро келишув битими тузиш орқали яқунлашга рағбатлантирувчи нормаларни Фуқаролик процессуал кодексига киритиш ҳисобланади.**

Суд мажлисига қадар низоларни келишув битими тузиш орқали ҳал этишнинг афзалликларини жумладан, Германиядаги мавжуд “Суд харажатлари тўғрисида”ги Низомда мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўрамиз. Унга кўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида ўзаро келишув битими тузишга келишиб олсалар ва ушбу келишув суд музокараларига қадар амалга оширилган бўлса, у ҳолда тарафлардан суд харажатлари ундирилмайди, ўлка ёки федерал судларда келишув битимига эришилса, суд харажатларининг ярми ундирилади. Бу эса мазкур Низом тарафлар ўртасида келишув битими тузилишида рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариб келаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, Россия Федерациясининг 2002 йил 24 июлдаги Арбитраж процессуал кодекси 141-моддасида агар тарафлар ўртасида келишув битими тузилган бўлса (суд ҳужжатини ижро этиш босқичида тузилган келишув битимларидан ташқари), федерал бюджетдан даъвогарга унинг томонидан тўланган давлат божининг тенг ярми қайтариб берилиши белгилаб қўйилганлиги ҳам тарафларни келишув битими орқали иш юритишни тугатишга даъват этувчи муҳим чоралардан бири ҳисобланади. Шундай экан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига тарафларни низоли ишни ўзаро келишув битими тузиш орқали яқунлашга рағбатлантирувчи нормаларни киритишга эътибор бериш лозим.

Мамлакатимиз **Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш заруратларидан ва унинг муҳим йўналишларидан яна бири** - ҳуқуқни қўллаш амалиётида фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг татбиқ этилишини осонлаштириш, шу мақсадда қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтиришдир. Айнан ушбу процессуал механизмларнинг кучайтирилиши фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишга хизмат қилади. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида бу борада қўлланиладиган атамалар ва юридик тушунчалар таърифларини бериш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига кўра, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилиши, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бинобарин, фуқаролик процессуал қонунчиликда қўлланиладиган атамалар ва юридик таърифларнинг берилиши мазкур қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда одил судлов самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айрим хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида асосий атама ва таърифларга тушунча бериб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Беларусь Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддаси “Мазкур Кодексда қўлланиладиган асосий атамалар ва уларнинг таърифи” деб номланиб, унда Кодексда қўлланиладиган асосий атамалар ва таърифларга тушунчалар берилган.

Мамлакатимиз қонунчилик тажрибаси ва амалиётида ҳам қонун ҳужжатларида, шу жумладан, Кодексларда, хусусан, Бюджет кодексининг 3-моддасида, Божхона кодексининг 15-моддасида ушбу Кодексларда қўлланиладиган асосий тушунчалар юридик, техника ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари бериб келинмоқда.

Янги таҳрирда қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ҳам унда қўлланилган асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари кўрсатилиши қонун нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича шарҳланишини истисно этади ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини осонлаштиради ҳамда судлар томонидан қонунларни бир хилда қўлланилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, судларга тааллуқли, фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпчиликни ташкил этиши, ўз навбатида фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳамда унинг процессуал нормаларини тартибга солувчи тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчиликнинг тизимини такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш ҳамда қўлланишда қулайлик яратиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексининг “Умумий қоидалар” бўлимида назарда тутилган айрим нормаларни, хусусан, “Суд қарорлари ва баённомалари” деб номланган 2-бобни, “Иш юритишни тўхтатиб туриш” деб номланган 7-бобни, “Аризани кўрмасдан қолдириш” деб номланган 8-бобни ҳамда “Иш юритишни тугатиш” деб номланган 9-бобни Кодекснинг “Биринчи инстанция судида иш юритиш” деб номланган II-бўлимига ўтказиш таклиф қилинади. Шунингдек, “Суд қарорлари ва баённомалари” деб

номланган 2-бобдаги масалалар мазмунан бир-биридан фарқланишини эътиборга олиб алоҳида-алоҳида бобларда (“Суд баённомалари”, “Суд қарорлари”) назарда тутилиши таклиф қилинади.

Бу каби қонунчилик амалиёти талайгина хорижий давлатларнинг (Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон ва бошқ.) фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида учрайди.

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда судловга тааллуқлилик қоидаларининг Фуқаролик процессуал кодексида тўлақонли ифода топиши ва бир тизимга келтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида турдош судловга тааллуқлилик, яъни судларга тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва субъектлар таркибига қараб фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланишига доир нормалар белгиланмаган. Фақатгина мазкур Кодекснинг 285<sup>1</sup>-моддасида турдош судловга тааллуқлиликка оид биргина норма мустақамлаб қўйилганхолос.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига бериши белгиланган. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тааллуқли бўлган ишларнинг аниқ рўйхати мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида мавжуд эмас.

Фуқаролик процессуал кодексида низолашилаётган сумманинг миқдорига қараб ҳам турдош судловлилик қоидаларини белгиланиши айтилган. Турдош судловлилик қоидаларини бу хилда белгиланиши хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида кўп учрайди. Хусусан, Италия Фуқаролик процессуал кодексининг 7-моддасига кўра, мировой судлар\* 2 582, 28 евродан кўп бўлмаган миқдордаги низоларни кўришга ҳақли бўлади, Германияда участка судлари 5 000 евродан кўп бўлмаган миқдордаги низоларни, Австрияда туман судларига 10 000 евродан ортиқ бўлмаган мулкый талаблардан келиб чиқадиган низоли ишларни, Швейцария Конфедерациясида мировой судлар 500 Fr (франк) гача бўлган миқдордаги низоли ишларни кўриш ваколатига эга.

---

\* майда ишларни тарафларни келиштирув асосида кўрувчи ва ҳал қилувчи судлар.



Шундай қилиб, фуқаролик процессуал қонунчиликда турдош судловлилик қоидаларининг белгиланиши: *биринчидан*, судьяга муайян тоифадаги фуқаролик ишининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини таҳлил қилиш учун бор эътиборини жамлаш имконини беради ва бу ўз навбатида, сифатли суд қарорлари қабул қилишнинг муҳим омили бўлиб қолади; *иккинчидан*, судлар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олади; *учинчидан*, бир мунча мураккаб бўлган фуқаролик ишларининг якка судья томонидан эмас, балки юқори инстанция судларида ҳайъат таркибида кўрилиши иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорлари қабул қилинишини таъминлашга хизмат қилади; *тўртинчидан*, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қайси суд инстанциясига мурожаат қилишни билмай сарсон бўлиб юришларининг олди олинади; *бешинчидан*, судлар ўртасида судловлилик борасида низолашувларга бутунлай чек қўйилади ва юқори инстанция судларининг қўйи турувчи судлар ваколатига тегишли бўлган ишларни кўриши ёки аксинча, қўйи турувчи судларнинг юқори инстанция судининг ваколатига берилган ишларни кўриши каби ҳолатларга барҳам беради.

Суд ишларини тўғри, ўз вақтида кўриш ва ҳал этишни таъминловчи процессуал чораларни ривожлантириш, фикримизча янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак. Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни назарда тутати (ФПКнинг 4-моддаси). Фуқаролик процессуал қонунчиликда фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари белгилаб қўйилган бўлса-да, республика судлари томонидан фуқаролик ишларини кўриш муддатларига риоя қилиниш амалиётини умумлаштириш натижалари судда ишларни маълум қисми белгиланган муддатларни бузиб кўрилатганлигини кўрсатмоқда. Судьялар аризаларни қабул қилишда ҳуқуқий муносабатнинг характерини, улар билан тартибга солинадиган ҳуқуқ мезонларини ҳамма вақт ҳам тўғри аниқламайди ва натижада даъво асоси, исботлаш воситалари, ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Фикримизча, буларнинг ҳаммаси далилларни тўплаш, тегишли шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун ишни кўришни бошқа кунга қолдиришга ва фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларини бузилишига олиб келади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 6-моддаси 1-бандида кўрсатилишича, ҳар бир инсон ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ишларни одилona ва ошкора суд муҳокамасида оқилona муддатда олиб борилиши ҳуқуқига эга. Шундай экан, фикримизча, кўрилишида процессуал муддатлар бузилган фуқаролик ишлари бўйича тарафлар ва учинчи шахслар, агар ўзларига етказилган зарарни ундириш

масаласиникўтарсалар, бу масаланикўриб чиқиш ҳам ҳозирги кунда муҳим ҳисобланади.

Хорижий давлатларнингбу борада ўрганилган қонунчилиги шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерациясида “Суд ишларини оқилона муддатда кўриш ва суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этиш ҳуқуқи бузилганлиги учун тўлов ундириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексига “Суд ишларини оқилона муддатда кўриш ва суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этиш ҳуқуқининг бузилганлиги учун тўлов ундириш тўғрисидаги ишларни кўриш” деб номланган 27.1.-боб киритилган.

Эндиликда суд процессида тарафлар ёки мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар бўлиб ҳисобланган фуқаролар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, ташкилотлар, шу жумладан чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар суд ишларини оқилона муддатда кўриш ва суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этиш ҳуқуқининг бузилганлиги учун тўлов ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу хилдаги аризалар манфаатдор шахслар томонидан охириги суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой муддат ичида берилиши мумкин. Шунингдек, агар иш кўриш муддати уч йилдан ошиб кетса ва муқаддам манфаатдор шахс иш кўришни тезлаштириш ҳақида ариза билан мурожаат қилган бўлса, бу хилдаги аризалар билан суд ишини юритиш тугалланмасидан туриб ҳам мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланди.

Шу ўринда суд муҳокамасининг оқилона муддати масаласини аниқлаш жараёнида судлар фуқаролик ишининг ҳуқуқий ва фактик мураккаблигини, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ўзини тутиши, ишни судда ўз вақтида кўриш мақсадида амалга оширилган суд ҳаракатларининг етарли ва самаралилигини эътиборга олади. Шу ўринда судьяни алмаштириш, ишнинг турли инстанцияларда кўрилиши билан боғлиқ ҳолатлар суд ишларини оқилона муддатда кўрилмаслигига асос бўлиб ҳисобланмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Шундай экан, мамлакатимиз судлари томонидан ҳам фуқаролик ишларини қонунда белгиланган муддатларда кўрилишини таъминловчи механизмларни ривожлантириш, ишни қонунда белгиланган муддатларни бузиб кўриш ҳолатларига қарши чора-тадбирлар белгилаш масаласи ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида судда фуқаролик ишини қўзғатишга ваколатли шахс сифатида суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья белгиланган. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддасига кўра, аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади. Фуқаролик иши қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради. Кўриб турганимиздек, мазкур моддада судья томони-

дан аризани қабул қилиш ва ишни қўзғатиш муддати кўрсатилмаган. Аризани қабул қилиш Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддасида кўрсатилган муҳим процессуал ҳаракат ҳисобланади ва мазкур ҳаракатни амалга ошириш учун қонунда албатта муддат белгиланиши лозим. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш учун процессуал муддат белгиланган бўлиб, унга кўра, судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради (116-модда). Таъкидлаш керакки, муқаддам мазкур Кодекснинг 116-моддасида ушбу муддат ўн кунни ташкил этар эди. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилнинг 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ушбу муддат қисқартирилган ва беш кун қилиб белгиланган эди.

Бу борада ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси, хусусан, Беларусь Фуқаролик процессуал кодексининг “Иш қўзғатиш” деб номланган 244-моддасига кўра, даъво аризаси бўйича иш қўзғатиш масаласини судья ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан ҳал этилиш, агар аризани қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, судья юқорида кўрсатилган муддатда ишни қўзғатиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақида ажрим чиқариши белгилаб қўйилган. Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 133-моддасида эса, судья судга ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида уни иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал қилишга мажбурлиги, биринчи инстанция судида иш қўзғатишга асос бўладиган аризани иш юритувга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқариши белгиланган.

Шу ўринда, таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг фуқаролик ишлари бўйича судьялари (жами 38 нафар) ўртасида олиб борилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аксарият судьялар мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддасига фуқаролик ишини қўзғатиш ҳақидаги ажрим ариза судга келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай чиқарилиши ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаган.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини қўзғатишнинг аниқ муддатини кўрсатилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароит яратишга имкон беради.

Фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, судга мурожаат қилган шахснинг суд орқали ҳимояланишига қулай шарт-

шароит яратиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида **янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексини ишлаб чиқишда** ишни судда кўришга тайёрлаш босқичини такомиллаштириш, ушбу босқичда тарафлар ўртасида ўзаро электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, уларни суд мажлисига қадар иш бўйича ўзаро келишувга эришишларини таъминлашга қаратилган процессуал механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни кучайтириш таклиф қилинади.

Зеро, ишни судда кўришга тайёрлашга қаратилган барча процессуал ҳаракатларнинг бажарилиши иш кўришни ҳадеб кейинга қолдирмаслик, бир ёки икки суд мажлисини ўтказиш орқали қонунда белгиланган муддатларни бузмаган ҳолда ишни судда мазмунан кўриш ва ҳал қилишнинг муҳим кафолатига айланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида ҳам ишни кўришга тайёрлашда йўл қўйилган камчиликларни ҳамма вақт ҳам судда кўришда тўлдириб бўлмаслиги ва бу тўлиқ текширилмаган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори чиқаришга олиб келиши, натижада бундай ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида бекор қилиниши, хатто бу каби ҳал қилув қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган ҳолатларида ҳам ишни судда кўришга тайёрлаш жараёни юзаки олиб борилганлиги ёки умуман бу жараён ўтказилмаганлиги ҳолатлари ҳам учраб қолаётганлиги таъкидланган.

Маълумки, иш учун муҳим аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш, тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш, айниқса, тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш эҳтимолининг мавжудлигини аниқлаш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш ишларини амалга оширишда судья томонидан ишни тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлашнинг аҳамиятикатта. Амалдаги ФПКнинг 159-моддаси “Ишни тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш” деб номланади ва ушбу моддада ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар назарда тутилган.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига етарлича эътибор берилмайди, янада аниқроқ қилиб айтганда, ФПКнинг 159-моддаси судьялар томонидан деярли қўлланилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири мазкур моддада тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек сўроқлаш муддати ўз ифодасини топмаган. Ушбу моддада судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида келишув битимини тасдиқлаш ҳақида ажрим чиқариши мумкинлиги ҳақида норма киритилмаган. Бу эса ишни

судда кўришга тайёрлаш босқичида судья томонидан тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали иш юритишни тугатишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш механизмлари тўлиқ тартибга солинмаганлигини англатади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали фуқаролик ишларини тугатишнинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, янги таҳрирдаги ФПКда ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари сифатида “тарафлар ўртасида келишув битими тузишга қаратилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши”нинг назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қолаверса, ФПКга “Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида дастлабки суд мажлисини ўтказиш” деб номланган моддани киритиб, унда дастлабки суд мажлисини ўтказиш тартиби ва механизмларининг назарда тутиш ўз навбатида иш учун муҳим аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш имконини беради, тарафларга ўзларининг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиқ тушуниб етишларига, мазкур босқичда келишув битимларини тузиш орқали иш юритиш тугатилишига олиб келади. Бу эса фуқаролик ишларини суд мажлисларида мазмунан муҳокама қилмасдан, ишларни тўғри ва қисқа муддатларда кўриш ва ҳал қилинишини таъминлаш, ҳар хил оворагарчиликлар ҳамда ортиқча суд харажатлари олдини олинишига хизмат қилади.

Амалдаги ФПКнинг 160-моддасида ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган 10 та ҳаракат назарда тутилган.

Таъкидлаш керакки, аксарият хорижий давлатларнинг ўрганилган фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати нисбатан кенг ва батафсил берилган. Масалан, ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар сони Беларусь Республикаси ФПКнинг 262-моддасида 19 та, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 165-моддасида 16 та, Россия Федерацияси ФПКнинг 150-моддасида 14 та, Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 168-моддасида 13 тани ташкил этади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар қамровининг кенглиги: а) ишни судда кўришга тайёрлаш босқичига алоҳида эътибор берилганлиги; б) ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида дастлабки суд мажлисини ўтказишга оид нормалар белгиланганлиги билан изоҳланади.

Хусусан, мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли равишда Қозоғистон ФПКнинг 165-моддасида судья ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича бир қатор ҳаракатларни амалга ошириши назарда тутилган. Улар даъво аризаси қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ва даъвогар талабларини асослантирувчи, илова қилинаётган ҳужжатларнинг нусхаларини

юбориши ёки топшириши, шунингдек жавобгар зиммасигадаъвогар талабларига ва ушбу талабларга асос қилиб кўрсатилаётган иловадаги далилларга нисбатан ўзининг ёзма фикрини қонунда белгиланган муддатда тақдим этиш мажбуриятини юклаши; агар жавобгар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар даъво аризага илова қилинган ҳужжатларни олмаганликлари ҳақида судни хабардор қилсалар, суд уларни ушбу ҳужжатлар билан судда таништириш чорасини кўриши, агар ушбу шахсларнинг топшириш ҳақидаги илтимосномаси бўлса, у ҳолда суд кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхаларини топшириш мажбуриятини даъвогарга юклаши; тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, тақдим этилган процессуал ҳужжатлар ва ўзаро низолашаётган тарафлар ҳолати бўйича тушунтириш беришни таклиф қилиши; тарафларга суд томонидан белгиланган муддатда далилларни тақдим этмаганлик ва процессни асоссиз чўзганликнинг мазкур Кодексда назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши; тарафларга низони келишув битими тузиш орқали ҳал қилиш, низони (келишмовчиликни) медиация тартибида ҳал қилиш тўғрисидаги келишув ёки партисипатив таомил асосида низоларни ҳал қилиш ёхуд арбитраж орқали низоларни ҳал этиш учун муружаат қилиш ва унинг оқибатларини тушунтириши мумкин ва ҳ.к.

Беларусь Республикаси ФПКнинг 262-моддасида судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида амалга оширадиган процессуал ҳаракатлари сифатида тарафларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, шу жумладан, суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида низони келишув битими тузиш ёки медиацияни қўллаш орқали ўз ихтиёрлари билан ҳал этиш, ёки ҳакамлик судларида низони ҳал қилиш ҳуқуқи, шунингдек ушбу ҳаракатларнинг оқибатини тушунтириш; видеоконференцалоқа тизимини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш; зарур ҳолларда ажрим чиқариш орқали дастлабки суд мажлисини ўтказиш, унинг вақти ва жойи ҳақидаги масалани ҳал қилишини кўрсатиш мумкин.

Россия Федерацияси ФПКнинг 150-моддасида судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида амалга оширадиган процессуал ҳаракатлари сифатида тарафларга низони келишув битими тузиш орқали ҳал қилиш, низони (келишмовчиликни) медиация тартибида ҳал қилиш тўғрисидаги келишув ёки партисипатив тартиб-таомил тартибида низоларни ҳал қилиш ёхуд арбитраж орқали низоларни ҳал этиш учун муружаат қилиш ва унинг оқибатларини тушунтириши; ишни соддаштирилган иш юритиш тартибида кўришга ўтказиш масаласини ҳал этиш; мазкур Кодекснинг 152-моддасида назарда тутилган ҳолларда дастлабки суд мажлисини ўтказиш, унинг вақти ва жойи ҳақидаги масалани ҳал қилиш кўрсатиб ўтилган.

Хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни судда кўришга тайёрлаш босқичидаги яна бир муҳим масала - даъво

аризаси юзасидан жавобгарнинг фикр-мулоҳазаси тақдим этилишидир. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалда бўлган Хўжалик процессуал кодексининг 119-моддасида ҳам ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини ишда иштирок этувчи шахсларга фикр-мулоҳазанинг ҳамда уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз Хўжалик процессуал кодексига жавобгар томонидан даъвогарнинг даъво аризасига нисбатан берилган фикр-мулоҳазаларни судга юбориш муддати сифатида иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддат кўрсатилган. Қолаверса, ушбу муддат ичида фикр-мулоҳазани судга тақдим этиш ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқи сифатида белгиланган. Бироқ Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 166-моддасида кўрсатилишича, жавобгар даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини, шунингдек фикр-мулоҳазасининг ва унга илова қилинаётган ҳужжатларнинг нусхаларини даъво аризасининг нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай судга топшириши белгиланган. Судья эса ўз навбатида ушбу фикр-мулоҳаза ва унга илова қилинаётган ҳужжатларнинг нусхаларини уч иш кун ичида даъвогарга ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга топширади.

Фикримизча, жавобгарнинг даъво аризаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тақдим этиш тартибининг процессуал қонунчиликда белгиланиши ишни судда кўришга тайёрлашнинг асосий мақсади бўлмиш фуқаролик ишини вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишга хизмат қилади. Қолаверса, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг тез фурсатларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди, турли хил овозагарчиликлар ва ортиқча суд харажатлари олди олинади.

Дарҳақиқат, келажакда янги таҳрирда ишлаб чиқилиши мўлжалланаётган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бир тизимга келтириш, уларнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаш ҳамда амалга ошириш механизмларини фуқаролик процессуал қонунчиликка жорий қилиш мақсадида, биринчидан, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида дастлабки суд мажлисини ўтказиш тартибини белгилаш, иккинчидан, судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида амалга оширадиган ҳаракатларининг батафсил рўйхатини назарда тутиш, учинчидан, жавобгарнинг даъво аризаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини иш судда

кўрилгунига қадар тақдим этиш тартибини фуқаролик процессуал қонунчиликда мужассам топтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Д.Ю.ХАБИБУЛЛАЕВ,**  
**Юридик фанлар номзоди, доцент**

### **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари судларнинг одил судловни амалга оширишдаги холислиги ва мустақиллигининг кафолатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон ва “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонларининг қабул қилиниши юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришда, одил судловни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Мазкур фармонларда фуқаролик суд ишларини юритишда одил судловни амалга ошириш сифатини янада яхшилаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси илгари сурилганлиги, ўз навбатида ҳуқуқшунос олимларнинг олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўз навбатида фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш жараёнларида вужудга келаётган муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан мунтазам равишда чуқур тадқиқ этиб боришни ва юридик фанлар олдидабу борада кўндаланг бўлиб турган муаммоларни ҳал қилишнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шу боисдан фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал механизмларини тартибга солувчи фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларимизни хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этиш, уларнинг мақбул жиҳатларини аниқлаб, унинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шахсларни суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш ҳозирги куннинг муҳим талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал



кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижаларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси юклатилди.

Бу эса, ўз навбатида мазкур кодекс лойиҳасини тайёрлашда дастлаб унинг тузилиши, тизимига эътибор қаратишни ҳамда янги процессуал институтлар билан тўлдиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги амалдаги Фуқаролик процессуал кодексини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, унда айрим процессуал институтлар кетмакетликда тизимлаштирилмаган. Масалан, судга тааллуқлилик институти билан судловга тааллуқлилик институти бошқа бўлимларда берилган. Ваҳоланки ушбу институтлар ўзаро бир бир билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар умумий қоидалар бўлимида бир бобда берилиши мақсадга мувофиқ. Чунончи, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-боби ҳам, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-боби ҳам “Тааллуқлилик ва судловлилик” деб номланган<sup>86</sup>. Шунингдек, Кодексимизнинг “Процесс иштирокчилари” деб номланган 5-боби ҳам процесс иштирокчиларини тўлиқ қамраб олмайди. Масалан, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслардан гувоҳ, эксперт, мутахассислар ва уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар “Далиллар” деб номланган 6-бобда ўз аксини топган. Бу эса ўз навбатида турли чалкашликларга олиб келади, айниқса ушбу мавзуларни ўрганишда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Фикримизча, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Процесс иштирокчилари” деб номланган бобига одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслардан гувоҳ, эксперт, мутахассислар ҳақидаги ва уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида қўшимча ва қайта экспертизалар билан боғлиқ нормалар “Судда иш кўриш” деб номланган 17-бобда берилган бўлса, комиссиявий ва комплекс экспертизалар билан боғлиқ нормалар “Далиллар” деб номланган 6-бобда ўз аксини топган. Фикримизча, қўшимча ва қайта экспертизалар билан боғлиқ нормаларни ҳам “Далиллар” деб

---

<sup>86</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>.

номланган 6-бобга ўтказиш экспертизанинг барча турларини бир тизимга келтиради ва уларни мантиқан тўғри тизимлаштиришга олиб келади. Бу борада бошқа давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини қарайдиган бўлсак, экспертизанинг барча турларига оид нормалар, масалан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Исботлаш ва далиллар” деб номланган 7-боби, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг “Исботлаш ва далиллар” деб номланган 6-бобида берилган<sup>87</sup>.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда суд мажлисларини: аудио ёки видео ёзувларга ёзиб олиш; видеоконференцалоқа режими орқали ўтказиш ҳар томонлама қулай бўлиб, суднинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг вақтини тежашда, турли хил сарф-харажатларнинг олдини олишда ҳамда юқори инстанцияларда иш бўйича суд процессларини қонуний, асосли, адолатли ўтказилганлигини текширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ривожланган давлатларда етарли тажриба тўпланган, хусусан, Германия Фуқаролик процессуал кодексининг 128а-моддасида “Суд судда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ҳолатидан келиб чиқиб уларнинг оғзаки кўрсатмалари ва тушунтиришларини расм ва овоз трансмиссияси орқали баён қилишга рухсат беради” дейилган<sup>88</sup>. Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 155<sup>1</sup>-моддасида “Суд мажлиси раиси ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига асосан ёки ўз ташаббуси билан суд мажлисини видеоконференция усулида олиб бориши мумкин”лиги, Япония Фуқаролик процессуал кодексининг 215<sup>3</sup> - моддасига кўра “агар гувоҳлар ва экспертлар бири-биридан узоқ жойда яшаса, уларнинг тушунтиришларини билиш учун овоз ва расм трансмиссияси асосида алоқа ўрнатилиши мумкин”лиги тўғрисида қоида мустаҳкамланган<sup>89</sup>. Шу боисдан, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий судлар амалиётида қўлланиб келинаётган суд мажлисларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш бўйича ижобий тажрибаларга оид ҳуқуқий нормаларни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида олиб бориш фуқаролик суд процесси учун инноватив ёндашув ҳисобланади. Видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини олиб бориш фуқаролик ишларини судда кўриш тезлигини оширади, суд ишларини кўришда очиқ-ошкораликни янада мустаҳкамлайди, суд харажатлари камайишига ва фуқароларда судларга бўлган ишончни мустаҳкамлашига олиб келади.

<sup>87</sup>Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>;Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>.

<sup>88</sup><http://www.gesetze-im-internet.de> [Zivilprozessordnung \(ZPO\) / Гражданское процессуальное уложение, перевод на английский, engl. Übersetzung.](http://www.gesetze-im-internet.de)

<sup>89</sup>Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Японии. <https://ravenousintl.jimdo.com/>

Одил судловни амалга оширишда принциплар фуқаролик процессуал қонунчилиги мазмунига сингдирилган асосий кўрсатмалар тариқасида, одатда одил судловни сифатли, тартибли амалга ошириш, фуқаролик процесси иштирокчилари хатти-ҳаракатларини талаб этилган мақсадга йўналтириш, иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш, қонуний, адолатли ва асослантирилган қарор чиқариш вазифаларига хизмат қилади.

Принципларни суд амалиётига тўлақонли жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонларининг қабул қилиниши фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларини, хусусан, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ва уларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтиришда, одил судлов сифатини оширишда ҳамда судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришда, судьяликка қўйилган талабларнинг самарали тизимини жорий этишда муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик суд ишларини юритиш принципларинизоларни бевосита судлар томонидан кўриб ҳал қилишда асосий раҳбарий қоидалар сифатида марказий ўрин тутганлиги боис, уларни суд амалиётига татбиқ этиш талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасида фуқаролик суд ишларини юритиш принципларини алоҳида боб сифатида бериш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир фуқаролик суд ишларини юритиш принципларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида принциплар яхлит бир тизимга солинмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят процессуал кодексида эса принциплар алоҳида боб сифатида бир тизимга солинган. Шунингдек, айрим хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини қиёсий ўрганилишда шу нарса маълум бўлдики, принципларнинг Фуқаролик процессуал кодексида алоҳида боб сифатида тизимлаштирилган. Масалан, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг иккинчи боби “Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари”, Латвия Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг биринчи боби “Фуқаролик процессининг принциплари”, Эстония Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг биринчи боби “Иш юритишнинг умумий принциплари”, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси-нинг иккинчи боби “Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ва принциплари” деб номланади<sup>90</sup>. Юқоридагилардан келиб

---

<sup>90</sup>Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://pravo.kulichki.com>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Латвия. <http://cld.privatelaw.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Эстонии. <https://www.juristaitab.ee>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>.

чиқиб, фикримизча, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига “Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари” деб номланган алоҳида бобни киритиш ва унга фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳозирда мавжуд принципларини, хосиятан шахсий ҳаёт ва хусусий мулк дахлсизлиги, ишда иштирок этувчи шасхларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиш каби янги принципларни киритиш айна муддао бўлур эди.

Фуқаролик процессуал қонунчиликда принципларни алоҳида боб сифатида берилиши, биринчидан, принципларни қонунчиликда муайян тизимга солади, иккинчидан, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг умумий қисмини ўрганишда қулайлик яратади, учинчидан, суд амалиётида ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш йўналишларини ва йўл-йўриқларини белгилаб беради, тўртинчидан, талабалар учун мазкур мавзу бўйича махсус курсларни ўқитишни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда суд амалиётида айрим ҳолатларда умумий қоидалардан махсус нормаларнинг устунлиги тан олиними фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари бузилишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, ҳуқуқ нормалари умумий қоидалар, принциплар асосида ривожланади ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри татбиқ этишга йўналиш кўрсатади. Шу сабабли фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларини суд қарорларини бекор қилиш асослари сифатида “Фуқаролик суд ишларини юритишда фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларига риоя қилмаслик, уларни қўпол тарзда бузиш суд қарорларининг бекор бўлишига олиб келади” қабалидаги ҳуқуқий нормани киритиш мақсадга мувофиқдир.

Янги таҳрирда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципини ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 8-моддаси “Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги” деб номланади. Унга кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Лекин мазкур моддада тарафларнинг қайси жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги масала четда қолган. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи фактик тенгликда эмас, балки процессуал тенгликда намоён бўлади. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи фуқаролик процесси у ёки бу иштирокчисининг ҳуқуқий ҳолати унинг шахси, ижтимоий келиб чиқишига қараб эмас, балки фуқаролик процессидаги ҳуқуқий мақомига қараб аниқланади. Шундай экан, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципига моддий-ҳуқуқий жиҳатдан эмас, балки процессуал нуқтаи назардан ёндашиш керак. Чунки бу тенг ҳуқуқлилиги тарафларнинг процессуал маънодаги тенглигида яққол намоён бўлади. Бу процессуал маънодаги тенглик тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тенг фойдаланишида кўринади. Масалан, Ўзбекистон

Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасига асосан даъвогар даъво қўзғатиш, жавобгар қарши даъво бериш, даъвогар даъводан бутунлай ёки қисман воз кечиш, жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олиши мумкин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасига кўра, даъво талаблари қаноатлантирилган тақдирда суд харажатлари жавобгардан, аксинча даъво талаблари қаноатлантирилмаганида суд харажатлари даъвогардан ундириб берилади, агар арз қилинган талаб қисман қаноатлантирилган бўлса суд харажатлари тарафлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланади. Бундан ташқари тарафлар суд қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят беришлари, процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш ҳуқуқига эга.

Демак, суд амалиётида тарафларнинг процессуал тенглигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 8-моддасида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги эмас, балки **процессуал** тенг ҳуқуқлигини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Суд амалиётида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг махсус принципларидан тарафларнинг тортишуви принципи исботлаш ва далилларни текшириш, аниқлаш, иш юзасидан аниқ бир тўхтамга келишда муҳим ўрин тутаяди.

Бир қарашда тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишувчанлиги айнан бир принцип сифатида қаралади. Бироқ, мазкур принциплар ўзаро узвий боғлиқ бўлган фуқаролик процессининг махсус, мустақил принципларидир. Чунки, процессда тарафларнинг процессуал тенглигини таъминламасдан туриб уларнинг том маънодаги тортишувини амалга ошириб бўлмайди.

Тортишув принципининг ривожланиши фуқаролик процессида далиллар ва исботлаш жараёнини кучайтиради. Унга кўра, тарафлар ўз ҳуқуқларива манфаатларини ҳимоя қилишда судга далилларни тақдим штиб, шу далиллар асосида ўз талабларини асослаб берадилар. Лекин, тортишув принципини ҳаётга тўлақонли киритиш учун суд процессига малакали мутахассисларни, яъни адвокатларни жалб қилиш тақозо этилади. Бу борада айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги айнан қайси тоифадаги ишлар бўйича адвокат иштирок этиши шартлигини, шунингдек суд томонидан тарафларга адвокат тайинланиши мумкин бўлган ҳолатлар мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасида, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 67-моддасида адвокат иштирок этиши шарт бўлган фуқаролик ишлари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>91</sup>.

Ушбу масала Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 4-боби 78-моддасида процессда адвокат тарафнинг вакили сифатида мажбурий иштирок этиши белгиланган. Унга кўра, ландгерихтах ва бошқа юқори турувчи инстанция судларида тарафлар адвокат орқали иштирок этади,

<sup>91</sup>Гражданский процессуальный кодекс Республики Азербайджан. <http://www.wipo.int>.

судда фаолият олиб бориш, ишни юргизиш ва тарафларни таништириш ваколати адвокат орқали амалга оширилади. Оилавий ишларда тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар судда ишда иштирок эта оладиган адвокатлар орқали таништирилади<sup>92</sup>.

Фуқаролик ишларида тортишув принципини амалда таъминлаш юзасидан адвокат иштирокининг самарадорлигини ошириш, ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатилишини кафолатлаш мақсадида фуқаролик ишларида шартнома бўйича вакил сифатида адвокат иштирок этиши шарт бўлган ишлар рўйхатини фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйиш ўринлидир.

Зеро суд-ҳуқуқ ислохотларининг олдида турган асосий вазифа фуқаролик процессида тортишув принципини, тарафларнинг суд процессидаги роли, далиллар тўплаш ва тақдим этиш борасида ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, бу борада уларга тенг имкониятлар беришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг 8та тури кўрсатилган бўлса, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 262-моддасида шундай ишларнинг 11та тури, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 361-моддасида 9та тури, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 305-моддасида 11та тури кўрсатилган<sup>93</sup>. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексиде кўрсатилган алоҳида иш юритиш тартибиде кўриладиган ишлардан фарқли равишда хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация), фуқаролик ҳолати далолатномаларидаги хатоликларини аниқлаш тўғрисидаги ишлар, нотариал ҳаракатлар ёки уларни бажаришни рад этиш юзасидан шикоятлар бўйича ишлар, кўчар ашёни эгасиз деб топиш ва эгасиз кўчмас ашёни давлат мулки деб топиш тўғрисидаги ишлар ҳам белгиланган. Назаримизда, вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги ишни бизда ҳам алоҳида тартибиде кўриладиган ишлар тоифасига киритиш вақти етиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилишича, вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексиде мазкур турдаги ишларни қандай тартибда кўришнинг процессуал механизми ва тартиби

<sup>92</sup>.Zivilprozessordnung (ZPO) / Гражданское процессуальное Уложение, перевод на английский, engl. Übersetzung. <http://www.gesetze-im-internet.de>.

<sup>93</sup>Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://pravo.kulichki.com>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Азербайджан. <http://www.wipo.int>.

кўрсатилмаган. Бошқа давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида эса, масалан Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 262-моддасида, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 361-моддасида вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) алоҳида тартибда кўриладиган ишлар турларига киритилган. Ҳамонки, Суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсадларидан бири фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришни ҳорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда хориж қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка киритишдан иборат экан, алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларни қатор кенгайтириб бориш давр талабидир. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасида кўрсатилган ҳуқуқий нормани суд амалиётига татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда тайёрланаётган Фуқаролик процессуал кодексига **“вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация)”** алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган иш турлари сирасига киритилса ҳамда мазкур ишлар бўйича ариза бериш ва уни кўриш тартиби, ариза бўйича суднинг ҳал қилув қарори каби ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этган “Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация)” деб номланган алоҳида боб киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу иш турининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилиши фуқароларнинг моддий қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари судлар томонидан тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон Фармони билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг еттинчи устувор йўналиши “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш”га бағишланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига келгусида:

давлат фойдасига мулкий ундирувлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда судьяларнинг даъвони таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини;

суд ҳал қилув қарорининг ижро этиш тартиби ва усулини белгилаш қисмида суд ҳал қилув қарорига қўйиладиган, унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайдиган талабларни;

судлар томонидан ижро ҳужжатларини юбориш муддатларини;

давлат бюджетига ундирувлар бўйича ижро варақаларини фақат суд ижрочиларига беришни назарда тутадиган ягона тартибни;

суд ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини тушунтириш, ижро усулини (тартибини)ўзгартириш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, иш юритишни тўхтатиб туриш, ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш тартибини белгилаш йўли билан ижро ишини юритиш устидан суд назорати механизмларини (кўриб чиқиш муддатлари, суд таркиби, суд муҳокамаси тартиби, чиқариладиган ҳал қилув қарорининг шакли);

суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб ижро этиш асослари ва уларнинг энг кўп муддатларини;

коммунал қарздорлик бўйича суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг кенгайтирилган рўйхатини (қарзни узиш тўғрисидаги талаб, коммунал тармоқдан узиб қўйиш далолатномаси, истеъмолчи билан тузилган шартнома, қарздор томонидан эътироф этилган қарздорлик ҳисоб-китоби, кўчмас мулк эгаси тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар);

хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорларини эътироф этиш ва ижро этишнинг аниқ процессуал тартибини (судловга тегишлилик, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, суд муҳокамаси тартиби, қарорни эътироф этиш ва унинг ижросини рад этиш асослари) назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларнимужассам топтириш мўлжалланган.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш белгилаб қўйилганлиги боис суд қарорларини ижро этиш масалаларини илмий-назарий таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг суд қарорларини ижро этишни таъминлашга оид нормаларини такомиллаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этиб, давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 206-моддаси бешинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд қарорини ижро этиш масаласи ҳақида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Ҳолбуки, Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 204-моддасида, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг **226-моддасида**, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 306-моддасида, Эстония Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 445-моддасида суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини аниқ белгилаши лозим, дарҳол ижро этишни зарур деб топса шундай қилинишини, яъни ижросини таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида **суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатиш белгилаб қўйилган**<sup>94</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 206-

<sup>94</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>; Гражданский



моддасининг бешинчи қисмини, бизнингча, қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби, **суд ҳал қилув қарорининг ижро этиш тартиби ва муддати, агар дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарори бўлса уни ижро этиш тартиби кўрсатилиши лозим**”.

Ҳозирги кунда суд амалиётида ижро варақасининг дубликатини бериш бўйича муурожаатлар кўп учрайди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида ижро ҳужжатлари сифатида суд буйруғи ҳам кўрсатилган. Суд буйруғи йўқотилган тақдирда у бўйича дубликат бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 374-моддасида кўрсатилмаган. Шунингдек, мазкур нормада ижро ҳужжати дубликатини бериш тўғрисида кимлар судга ариза бериши, аризани бериш муддати ва уни кўриб чиқиш муддатлари кўрсатилмаган.

Бу борада бошқа давлатларнинг процессуал қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 430-моддаси, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 242-моддаси “Ижро варақасининг ёки суд буйруғининг дубликатини бериш” деб номланган бўлиб, ушбу масала юзасидан кимлар ариза бериши, ариза бериш муддатлари ва уларни кўриб чиқиш муддатлари тўлиқ кўрсатилган.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Кодексининг мазкур моддаси номини ўзгартириш ва унинг матнини тўлдириш вақти келди. Шу маънода суд қарорларини ижро этишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш мақсадида хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 374-моддасини “**Ижро варақасининг ёки суд буйруғининг дубликатини бериш**” деб номлаб, модданинг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: “Ижро варақасининг ёки **суд буйруғининг** асл нусхаси йўқотилган тақдирда, суд қарори **ёки суд буйруғини** чиқарган суд **ундирувчининг ёки суд ижрочисининг аризасига кўра** ижро варақасининг ёки суд буйруғининг дубликатини бериши мумкин. Шунингдек, моддани қуйидаги таҳрирдаги янги иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

**Ижро ҳужжатининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза судга ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати тугагунига қадар берилиши мумкин.**

**Агар ижро ҳужжати ижро этиш вақтида йўқотилган бўлса ва бу ҳақда ундирувчига ижрога топшириш муддати ўтганидан кейин маълум бўлса, ижро ҳужжати дубликатини бериш тўғрисидаги ариза судга ундирувчига ижро ҳужжати йўқолганлиги маълум бўлган кундан бошлаб бир ой ичида берилиши мумкин.**

**Суд ижро ҳужжатининг дубликатини бериш тўғрисидаги аризани у судга топширилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд мажлисида кўриб чиқади.**

Хулоса ўрнида айтганда янги таҳрирда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида процессуал институтларни мантиқан кетма-кетликда тизимлаштириш, уни янги процессуал институтлар, ҳуқуқий нормалар билан бойитиш, турли такрорийликлар, қарама-қаршилиқларни келтириб чиқарувчи ҳуқуқий нормаларни чиқариб ташлаш, ўз навбатида фуқаролик процессуал қонунчилигини умум-эътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқлашувига ҳамда одил судлов самарадорлигини оширишнинг процессуал механизмлари янада мустақамланишига олиб келади.

**Ш.Н.АҲАДОВ,  
фуқаролик ишлари бўйича  
Жиззах туманлараро суди судьяси**

### **Фуқаролик процессуал кодекси тузилишини такомиллаштириш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба**

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларию хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисо-диётни ривожлантиришга, халқ тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустақамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан батамом воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Республикамызда ислохотлар изчиллик билан, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди ва улар амалда қўлланиб қелинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда”<sup>95</sup>.

Айнан шунинг учун ҳам давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш ўртага қўйилган масалаларни тизимли, изчил ва босқичма-босқич ҳал этиш орқали амалга оширилди.

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, қолаверса бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлати-мизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда принципларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси турар эди.

Мазкур вазифани амалга оширишнинг кўзлаб аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат

---

<sup>95</sup> Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 15-16.

органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбатлар ҳамда муҳокамалар олиб борилди, амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди ва қилинмоқда.

Келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ишлаб чиқилдики, у билан:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонига асосан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди;

Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловолди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди;

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишидан бири Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш дастурида назарда тутилган қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Судьялар олий кенгаши тузилди, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилиб, маъмурий ва иқтисодий судлар ташкил этилди.

Сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қўйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва

юримдик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги - тўғрисидаги мурожаатлар, хабарлар вақтида эътиборга олинишини ва ҳал қилинишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Энди, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга бир мунча кенгроқ тўхталсак:

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар самараси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканида, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий принципга қатъий риоя этилиши мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар орасида марказий ўринни эгаллайди.

Мана шу ишларни изчил давом эттириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрь куни қабул қилинган **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ 4850-сонли Фармони билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари бўлиб қолди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги **“Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мутлақо янги даврини бошлаб берди.

Фармонда одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича тарихий ўзгаришлар назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 28-29 март кунлари бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган Қонунлар ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги

ислоҳотлар ривожда ўзининг алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

Хусусан, 2017 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикасининг **“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда, судлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлиги ошишига, энг муҳими, аҳолининг одил судловга бўлган ишончи ортишига хизмат қилади. Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида айнан шу мезон асосий ҳисобланади.

Ушбу Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги, Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ҳамда Фуқаролик-процессуал кодексларига бир қатор муҳим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳам қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”**ги ЎРҚ 426-сонли Қонунига мувофиқ, Конституциянинг 80-моддаси 4-банди, 81-моддаси еттинчи қисми, 83-моддаси, 93-моддаси биринчи қисми 13 ва 14-бандлари, 107-моддаси биринчи қисми, 110-моддаси биринчи қисми ва 111-моддаларига суд тизимидаги ўзгаришлар ва Судьялар олий кенгаши тузилганлиги билан боғлиқ янги нормалар киритилди.

Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судини ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини бирлаштириш, маъмурий ҳамда иқтисодий судларни ташкил этиш тўғрисидаги қоидалар 2017 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилиши кўрсатилган.

Барчамизга маълумки, биринчи Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, жаҳонда “ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш йўлининг рационал мағзи жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион – тадрижий равишда ислоҳ этишни назарда тутди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юқорида қайд этилган ривожланиш йўлининг узвий давоми бўлиб, ислоҳотларни айнан белгиланган вақт давомида амалга оширишни таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сонли Фармонигаасосан суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлардастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда белгиланган чора-тадбирлар ҳозирги кунда қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш орқали амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч,янги омил бағишлайди.

Кучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат қуришга эришиш учун барчанинг Конституция нормаларига мувофиқ яшаши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларга қатъий риоя қилишига эришиш зарур. Шу туфайли ҳам амалга ошириладиган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатидан жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эса мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.

Маълумки, бошқа ҳуқуқ соҳаларида бўлгани каби фуқаролик ҳуқуқида ҳам процессуал муддатлар муҳим ўрин тутди. Бу,жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда риоя этилиши лозим бўлган муддатлар бўлиб, унга амал қилмаслик тарафлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Шу боис ҳар бир процессуал ҳаракатга доир қатъий муддатлар қонунчилигимизда белгиланган. Аммо ҳаёт уларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик ишлари бўйича айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг аниқ муддати назарда тутилмаган. Шу билан бирга, белгиланган айрим муддатларни қайта кўриб чиқиш зарурати ҳам мавжуд.

Фуқаролик ишларида тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишнинг тугатилишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар тарафларни мурасага келтириш ва низоларни самарали ҳал қилишнинг муҳим воситаларидан бири келишув битими эканини кўрсатмоқда. Келишув битимлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектлари, умуман олганда, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро

қарамақаршиликларни бартараф этувчи мақбул воситалардан бири бўлиб, тарафлар низои келишув асосида, ўз манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро музокаралар орқали ҳал этадилар. Тарафлар ўртасида келишув битимларининг тузилишида асосий шартлардан бири фуқаролик процесси тарафларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсизлиги таъминланган ҳолда ўз хоҳиш-истагини эркин билдириш принципининг амал қилиши ҳисобланади.

Давлат бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисидаги Қонун бўйича шахсларнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш тартиби белгиланган, яъни шахснинг шахсига доир маълумотлар ошкор қилинмаслиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46-46<sup>1</sup>- моддаларига кўра фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш, шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш фуқаро ёки мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши қайд этилган бўлиб, ҳозирги кунда судлар томонидан олиб борилаётган сайёр суд мажлисларида қандай маълумотлар ошкор қилиниши мумкинлиги ва қайси тоифадги ишларни сайёр судларда кўриб чиқиш мумкинлиги ҳақида аниқ тартиб-таомил ишлаб чиқиши долзарб бўлиб турибди.

**Б.Т.БЕКМУРАТОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Нукус туманлараро судининг судьяси**

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини  
янги таҳрирда қабул қилиш зарурияти ва асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини кўлга киритиши мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисмлари бўлган инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари каби демократик қадриятни ривожлантириш имкониятини берди. Истиқлол йиллари давомида юртимизда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги исдоҳотлар инсон қадр-қимматини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, аҳоли учун муносиб турмуш тарзини яратишга қаратилган. Мустақил Ўзбекистоннинг Бош Қомуси - Конституциямизнинг 2-бўлимида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умум эътироф этилган стандартлари ўз ифодасини топди, давлатнинг фуқаро олдида маъсуллиги мустаҳкамланди.



Ўзбекистон Республикасида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш нафақат давлат доирасидаги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари билан чекланмасдан, фуқаролик муносабатларда инсон ҳуқуқларига доир бу борадаги олиб борилаётган амалий ишлар ислохотлар самарасини бермоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Бунинг ичида одил судловни амапга оширишда сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини ва ҳал этилишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони ва бошқа фармойиш, қарорлар асосида 2017 йил 29 март ва 12 апрель кунги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (80, 81, 83, 93, 107, 110, 112-моддаларига) ва бошқа бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига (285-<sup>3</sup>, 285-<sup>4</sup> моддалар шулар жумласидандир. Мазкур Кодекс янги инсонпарвар қоидалар, процессуал нормалар билан тўлдирилиб, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан тегишли қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш негизида такомиллашиб бормоқда. Хусусан суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суд орқали ҳимояланишга булган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш мақсадида апелляция ва кассация институтларининг

мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди, фуқаролик ишларини кўриб чиқишни соддалаштиришни назарда тутувчи буйруқ тартибида иш юритишга оид нормалар мустаҳкамланди, судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларнинг жорий этиш масалалари кўрилмоқда. Лекин жамият ривожланиб бориши билан қабул қилинган қонун ҳужжатлари тобора такомиллашиб, ўтган давр мобайнида фуқаролик ҳуқуқий низоларни кўриш амалиётида жуда кўп янгиликлар рўй бериши натижасида муқаддам суд амалиётида учрамаган, янги тоифадаги фуқаролик ишлари юзага келди. Бунинг натижасида амалдаги фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга, керак бўлса Кодексни янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарурати сезилмоқда. Айниқса бугунги ўтиш даврида бу борада юзага келаётган муаммолар юзасидан таклифлар киритилиб, процессуал эҳтиёжга қараб Кодекснинг айрим нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонунлар билан мустаҳкамланмоқда. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 1-моддасида суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи нафақат фуқаролар, балки юридик шахслар ҳам қонунда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги бўйича мазкур қоида модданинг иккинчи қисми сифатида киритиш бўйича таклифлар, ФПКнинг 151-моддаси иккинчи қисмида фуқаролик ишини қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажримини чиқариши белгилаб қўйилган, лекин ариза келиб тушгандан кейин суд ажримни чиқариш муддати кўрсатилмаганлиги сабабли ушбу модданинг иккинчи қисми, яъни фуқаролик ишини қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва ариза келган кундан беш кунлик муддатда суд ажрим чиқаради деган таҳрирда баён этилишига оид таклифлар ва суд процессида прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ФПКнинг 47-моддаси иккинчи қисмида агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақли эмаслиги белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисмини қуйидагича, яъни агар қонун ёки иш ҳолати талаб қилса, давогарнинг розилигидан қатъи назар, прокурор қонуний асосланган ҳолда ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли деб ўзгартириш ҳақидаги ва бошқа таклифлар киритиш бугунги кун талаб даражасида. Бундан маълумки, қонунчиликдаги янгиликлар фуқароларнинг шахсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда судларнинг таъсирини кучайтиришга йўналтирилган.

Келгусида бундай таклифларни киритиб бориш фуқаролик процесуал қонунчиликдаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш ва қонунчиликни такомиллаштириш фуқаролик ишлари бўйича қонуний ва асослантирилган қарорлар қабул қабул қилинишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**М.М.МАМАСИДДИҚОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги  
институту бўлим бошлиғи**

**С.И.ХАСАНОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институту  
етакчи илмий ходими**

### **Медиация тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурати ва аҳамияти**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигига асосланган ҳуқуқий тизим барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши эса ҳуқуқи бузилган шахсларга судга мурожаат қилиш борасида кенг имкониятлар яратди. Юртимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг босқичма-босқич ислоҳ этилиши, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилиши, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқаро ва ташкилотлардан судларга келиб тушаётган мурожаатларнинг сони ортиб бориши кузатилмоқда. Мисол учун, биргина фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман), шаҳар судларида кўрилган ишларнинг сони 2013 йилда 170901 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 275399 тани ташкил этган.

Дарҳақиқат, бутун дунёда фуқаролар ва ташкилотлар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни афзал кўрадилар. Бироқ афсуски, низоларни суд орқали ҳимоя қилиш муайян харажатларни ва муддатларни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Қолаверса, судларга келиб тушаётган ишлар ҳажмининг ортиб бориши судьялар иш юкламасининг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Судьялар иш ҳажмининг кўпайиб бориши эса суд томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш, шу орқали одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим усулларида бири – фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 8 февралида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 79-бандида фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланганлиги бежиз эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача, ўзаро ҳал этиш механизмини белгиловчи медиация, яъни махсус воситачи - медиатор иштирокида низолашувчи тарафларни суддан ташқари тартибда яраштириш усуллари ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида узоқ йиллардан бери қўлланиб келинмоқда. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳақида тўхталишдан аввал низодаги тарафларни яраштиришга қаратилган миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, мамлакатимиз ҳудудида муқаддам амалда бўлган тартиб-таомиллар тўғрисида сўз юритиш жоиз кўринади.

Маълумки, аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилувчи юртимизда томонлар ўртасида юзага келган турли келишмовчиликлар ва низоларни ўзаро муроаса йўли билан ҳал этишга асосий эътибор бериб келинган. Зеро, динимиз анъаналари инсон ҳаётининг барча жабҳаларига дахлдор бўлиб, оқилоналик ва бошқаларга яхшилик қилиш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни енгиллаштиришга хизмат қилган ва тарафларни юзага келган низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга даъват қилган. Айниқса, оилада, тижоратда инсонийлик муносабатларини сақлаб қолиш мақсадида кечиримли бўлиш ва шу орқали келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақирган.

Муқаддам келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш асосан қуйидаги учта восита орқали амалга оширилган:

- 1) муроасага келтириш (сулҳ);
- 2) ҳакамлик;
- 3) воситачилик (медиация).

Ўз навбатида муроасага келтириш, яъни сулҳ бу – тарафлар ўртасида ўзаро манфаатли шартлар асосида низони бартараф этишга қаратилган аҳдлашув ҳисобланган.

Ҳакамлик ёрдамида келишмовчиликларни ёки бошқа муаммоларни ҳал этиш деганда эса томонлар тайинлаган судья (қози) орқали ушбу масалаларнинг ҳал этилиши тушуниланган.

Воситачилик эса хайрихоҳлик ва номажбурий тартиб-таомил ҳисобланиб, ушбу усул орқали келишмовчиликлар ўз ечимини топиб келган. Воситачиликда низолашаётган томонларнинг ташаббуси билан ишга дахлдор бўлмаган бир ёки бир неча шахслар ушбу масалага жалб қилинган. Ўз навбатида низони ҳал қилиш юзасидан ушбу шахслар томонидан мустақил равишда таклиф этилган вариантлар асосида тарафлар ўртасида келишув битимини тузишга эришилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳам томонлар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни холис воситачилар орқали ҳал қилишга эришишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинган. Бироқ замон талабларидан келиб чиқиб, фуқаролик ва иқтисодий низоларини судгача ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари ва вазифалари, шунингдек медиацияни амалга оширувчи медиаторлар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, медиацияни ўтказиш тартиби ва механизмларини ўзида акс эттирувчи нормаларни назарда тутувчи махсус қонунни (“Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги) қабул қилиш тақозо этилмоқда.

Шу ўринда медиация тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у лотинча “mediare” сўзидан олинган бўлиб, “воситачилик қилиш” деган маънони англатади. Шу сабабли халқаро муомалада медиация “воситачилик”, “яраштириш мақсадида аралашув” маъноларида қўлланилади ва юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари бир хил маънога эга. БМТ Уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган. Европа парламенти ва Кенгашининг 2008 йилги 52-сонли директивасида фуқаролик ва тижорат низоларида медиация тушунчасига, жумладан, қуйидагича таъриф берилади: **“медиация - бу жараённи тарафлар бошлаб берган ёки суд томонидан тайинланган ёхуд миллий қонунчилик билан белгиланганидан қатъи назар икки ёки ундан ортиқ низолашувчи тарафларнинг низони ҳал этиш тўғрисида келишувга эришиш мақсадида учинчи шахсга мурожаат этиш жараёнидир”**.

Медиациянинг мақсади – низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий принципларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холис-лиги, махфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти тарафларнинг келишмовчиликларни ҳал этишга бўлган иродаси ва интилишидан ташқари медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқдир. Медиацияга нисбатан жамият-да вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб – медиаторларнинг шаклланишига олиб келди. Медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга

келган муаммо, келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиатор далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча медиаторнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, муаммони тарафлар учун мақбул шартларда ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир. Медиация жараёни, мажбурийлик кучига эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган конфиденциал жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро мурося - ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Бетараф учинчи шахс - медиатор аслида судья ҳам, арбитр ҳам эмас ва келиб чиққан низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ҳам қабул қилмайди. Ҳакамлик судидан у айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

Медиация кўплаб хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 70-80-йилларида янги атама сифатида пайдо бўлди. Европа мамлакатларидан Францияда биринчи медиатор – 1973 йилда тайинланган бўлиб, бу Швециядаги омбудсманга ўхшаш институт бўлган. Дастлаб Францияда медиацияга ишончсизлик билан қаралашган. Бироқ ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб низоларни ҳал этишнинг мазкур усули афзалликлари тушуниб етилган ва уни қўллаш кенг жорий қилина бошланган. Бугунги кунда Францияда медиация билан шуғулланувчи 200 дан ортиқ институтлар мавжуд бўлиб, шартнома шартларига мувофиқ тарафлар ўртасидаги низоларни медиация усулида ҳал этиш бўйича хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Австриянинг 2004 йил 1 майда қабул қилинган “Фуқаролик ишлари бўйича воситачилик тўғрисида”ги Федерал қонунида воситачилик тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган фаолият тури сифатида белгиланган. Унга кўра, махсус маълумотга эга бўлган воситачи (медиатор) ўзаро алоқаларнинг эътироф этилган усуллари ёрдамида тарафлар билан низони ҳал этиш мақсадида мунтазам равишда иш олиб боради. Мазкур Қонунда воситачилик бўйича Қўмита аъзолари ичидан сайланадиган Воситачилик масалалари бўйича Маслаҳат кенгашини ташкил этиш тартиби; воситачиларнинг рўйхатини юритиш таомиллари; воситачиларни ушбу рўйхатга киритиш шартлари; уларни тайинлаш шартлари ва тартиби, ушбу рўйхатдан уларни чиқариш шартлари; рўйхатга олинган воситачиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича воситачилик натижасида процессуал муддатларни тўхтатиш тартибига оид масалалар тартибга солинган.

Германиянинг 2012 йил 21 июлдаги “Низоларни суддан ташқари ҳал қилишнинг медиация ва бошқа таомилларини қўллаб-қувватлаш ҳақида”ги Қонунида (ушбу матнда бундан буён Медиация тўғрисидаги қонун деб юритилади) медиацияга таъриф берилган бўлиб, унга кўра

медиация – махфий ва тузилмавий жараён ҳисобланиб, тарафлар бир ёки бир нечта медиаторлар кўмагида келишмовчиликларни ихтиёрий равишда ва шахсий жавобгарликни зиммаларига олган ҳолда ўзаро манфаатли асосларда ҳал қилишга эришишлари тушунилади.

Шу ўринда медиатор – бу низони мазмунан ҳал қилиш ваколатига эга бўлмаган, томонларни медиация таомиллари орқали низони ҳал қилишга даъват қиладиган мустақил ва холис шахс ҳисобланади.

Германияда Медиация тўғрисидаги қонун қабул қилинганга қадар судга оид медиация билан амалдаги судьялар шуғулланган. Бироқ кўплаб хусусий медиаторларнинг фикрича, судья томонидан медиациянинг олиб борилиши суддан ташқари медиация жараёнлари суръати секинлашига сабаб бўлган. Судлар томонидан медиация жараёнларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ғоясини илгари сурган хусусий медиаторларнинг фикрича, судья томонидан қарийб икки соат ичида ва битта мажлисда ўтказиладиган таомил медиация ҳисобланмайди. Қисқа муддат ичида тарафлар ўртасида эришилган яраштириш ҳар доим ҳам тарафларнинг манфаатларига жавоб бермайди. Худди шу сабабли ҳам хусусий медиаторлар бирлашмаси ва адвокатлар Медиация тўғрисидаги қонунга судьялар томонидан медиация тартиб-таомилларини ўтказишни тақиқловчи нормаларни киритишни, суддан ташқари медиациянинг моделини қонунда мустаҳкамлаб қўйишни ҳамда медиация таомилдан ўтказиш учун тарафларни судья томонидан хусусий медиаторларга юбориш тартибини қонун билан белгилашни талаб қилганлар.

Шундан келиб чиқиб, Германиянинг “Медиация тўғрисида”ги қонуни 9-параграфида судьялар томонидан ўтказиладиган тарафларни келиштиришга қаратилган таомилни медиация деб номлаш тақиқланди ва 2013 йилнинг 1 августидан ушбу жараён қонунда яраштирув таомили (Guterverfahren) деб номланди. Мазкур Қонун (расмий қисқартирилган номи - Mediationsgesetz (MediationsG)) бор-йўғи тўққиз параграфдан иборат бўлиб, унда медиациянинг қўйидаги асосий жиҳатлари баён этилган: медиация тушунчаси (§ 1), медиацияда иш юритиш тартиби ва медиаторнинг вазифалари (§ 2), медиаторлик фаолиятида ахборотлар тақдим этиш бўйича мажбуриятлар ва чекловлар (§ 3), махфийлик (§ 4), медиаторни ўқитиш ва унинг малакасини ошириш, сертификатланган медиатор тушунчаси (§ 5), Адлия вазирлигининг медиаторларни ўқитишга оид дастурларни ишлаб чиқиш бўйича ваколатлари (§ 6), илмий-тадқиқот лойиҳалари ва медиацияни молиявий қўллаб-қувватлаш (§ 7), қонунни амалга оширилиши натижаларини баҳолаш (§ 8) ва якуний қоидалар (§ 9).

“Медиация тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Германиянинг амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган. Хусусан, ГФР Фуқаролик процессуал кодексига судьяларга низоларни медиация таомили орқали ҳал қилишни

тарафларга таклиф қилиш тартибини белгиловчи норма киритилди (Германия ФПКнинг 278а-параграфи).

Ундан ташқари, ГФР Фуқаролик процессуал кодексининг 15-а-параграфида судга ариза тақдим этгунга қадар албатта воситачига мурожаат қилиш шарт бўлган ишларнинг рўйхати белгилаб қўйилди. Хусусан, ушбу тоифадаги ишлар қаторига унча юқори бўлмаган мулкый тусдаги низолар киритилган. Даъвогар судга тақдим этаётган даъво аризасига воситачига мурожаат қилингани ва келишмовчиликни медиация йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши талаб этилган. Агар даъвонинг миқдори ГФР Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган ставкадан ошиб кетса, у ҳолда медиация таомили мажбурий ҳисобланмаган.

Маълумки, медиация таомилларида тарафлар ўртасидаги келишмовчиликлар бартараф этилса, иш судда кўрилганда тарафлар ўртасидаги низоли масала мазмунан ҳал этилади. Агар иш судда мазмунан кўриб ҳал этилгудек бўлса, у ҳолда тарафлардан бири айрим ҳолларда эса ҳар иккала тараф ҳам суд қароридан норози бўлиши, ушбу қарор устидан юқори инстанция судларига шикоят қилиши мумкин. Шу ўринда медиация принципининг афзаллиги шундаки, тарафлар воситачи (воситачилар) кўмагида ихтиёрий равишда, шахсий масъулиятни зиммаларига олган ҳолда келишмовчиликни ўзаро манфаатли асосларда ҳал қилишга эришадилар. Тарафлар ўртасида эришилган келишув ихтиёрий ва ўзаро манфаатли бўлганлиги боис, унинг устидан шикоят қилишга ёки ижросини пайсалга солишга ҳеч қандай зарурат қолмайди.

Шундай бўлса-да, мамлакатимизда медиация институтининг ҳамда анъанавий ўзбек медиация моделининг ривожлантирилиши фуқароларнинг ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги, низоларни суд тартибида кўриш ва ҳал этилишининг чекланишига олиб келмаслиги керак.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ривожлантириш баробарида воситачилик таомилларининг мустақиллигини сақлаб қолган ҳолатда медиация билан судда иш кўриш ўртасида ўзаро боғланиш чораларини кўриш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ёки судда иш кўриш жараёнида судья медиация усулининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тарафларга келишмовчиликларни медиация тартибида ўзаро ҳал этиш юзасидан келишувга эришиш ҳуқуқларини ва унинг оқибатларини тушунтириши лозим. Шунингдек, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига “Келиштириш таомиллари” деб номланган алоҳида боб киритиш ва унда тарафларни яраштириш тартиби ва асослари, келишув битими, унинг шакли ва мазмуни, унинг суд томонидан тасдиқланишининг оқибатлари, келишув битимининг ижроси, келишмовчиликларни медиация тартибида



бартаф этиш, медиация тартибида келишув тузиш ва унинг ижроси, судьянинг иштирокисиз тарафларнинг адвокатлари ўртасида музокара ўтказиш орқали келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби, шундай келишувларни тузиш тартиби ва унинг ижросига доир нормалар киритилиши таклиф қилинади.

Таъкидлаш керакки, Фуқаролик процессуал кодексида тарафлар ўртасида низони медиация таомиллари орқали ҳал этиш каби нормаларнинг батафсил белгиланиши моддий-ҳуқуқий, шунингдек, процессуал-ҳуқуқий масалаларни ҳам ҳал этиш имконини яратади, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатларини, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни ва унинг самарадорлигини таъминлайди

Суд жараёнида медиацияни қўллаш борасида дунё амалиётида турли нуқтаи назарлар мавжуд. Улар ўз навбатида воситачига мурожаат қилишнинг мажбурийлиги ва воситачи сифатида иштирок этадиган субъектлар таркиби бўйича фарқланади.

Масалан, 1999 йил 26 апрелда кучга кирган Англия Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларида агар ўринли бўлса, судьяга низоларни муқобил ҳал этишга, шу жумладан, воситачига мурожаат қилишга кўмаклашиш мажбурияти юклатилган. Бироқ Қонун тарафларга воситачига мурожаат қилиш мажбуриятини юкламайди. Шу билан бирга Апелляция суди томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинганки, унга кўра судда иш кўрилишида ютиб чиққан тараф, агар суднинг медиацияга мурожаат қилиш ҳақидаги талаби ёки тавсиясини рад этган бўлса, суд харажатларини ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Бу каби қарорлар тарафлар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаргани боис, ўз-ўзидан медиация мажбурий таомилга айланиб кетган.

Словенияда судга оид медиация тарафларнинг илтимосномаси ёки судьянинг таклифи билан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, 2010 йилнинг 15 июнида кучга кирган “Судда иш юритишда низоларни муқобил ҳал этиш ҳақида”ги Актда судья суд мажлисининг танишув жараёнида тарафларга медиация таомилидан ўтиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига эга. Агар тарафлар медиация таомилидан ўтишни исташмаса, у ҳолда суднинг қароридан норози бўлиб апелляция шикоятини тақдим этишлари мумкин ва суднинг қарори бекор қилинади. Бироқ шу билан бирга суд уларга ушбу ҳолатда суд харажатларини ундиришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишлари ҳақида тушунтириб ўтади.

Судга оид медиация мажбурий бўлган давлатлар қаторига Канадани (Оттава, Торонто шаҳри ва Эссекс графлиги) киритиш мумкин. Бироқ 1990 йилдаги Канада Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларининг 75.1-қоидасига кўра, мажбурий медиация мерос, кўчмас мол-мулк, ҳуқуққа лаёқатлилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, хайр-саховат ва оила низоларига оид ишларга нисбатан татбиқ этилмайди. Санаб

ўтилган ушбу ишлар бўйича медиация таомилининг қўлланилиши тарафларнинг муносабатлари асосида амлга оширилади.

Канада Адлия вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2008-2009 йилларда мажбурий медиация таомили қўлланган ишлар бўйича тарафлар ўртасида келишувга эришиш 40 % ни ташкил этган бўлса, мажбурий медиация назарда тутилмаган оилавий низолар бўйича тўлиқ ва қисман эришилган келишувлар 2004-2005 йилларда 79, 2008-2009 йилларда эса 81 фоизни ташкил этган.

Юқорида келтирилган мисоллар судгача бўлган ёки суддаги мажбурий медиациянинг ихтиёрий медиацияга қараганда самарасиз эканлигини кўрсатади.

МДҲга аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий низоларни воситачи (медиатор) иштирокида ҳал қилиш таомилларини назарда тутувчи махсус қонун қабул қилиш тамойили ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россияда 2011 йил 1 январдан “Низоларни воситачи иштирокида ҳал қилишнинг муқобил таомиллари (медиация таомили) тўғрисида”ги Қонун кучга кирди, Қозоғистонда 2011 йил 28 январда, Беларусда эса 2013 йилнинг 12 июлида “Медиация тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар таркибининг ўзига хослиги юзага келган келишмовчиликларни суддан ташқари бошқа ҳуқуқий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилишни тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётининг кенг кўламда ривожланиб бораётганлиги, инвестиция оқимининг кучайиб бораётганлиги, энг асосийси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб бораётганлиги вужудга келаётган низоларни судгача ҳал этиш имкониятларини яратишни ва кенгайтиришни тақозо этмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини сақлаб қолган ҳолда келажакда ўзаро манфаатли бизнес юритишлари учун замин яратишдан иборатдир.

**Г.Д.САТТАРОВА,**  
**Главный научный сотрудник Института**  
**мониторинга действующего законодательства при**  
**Президенте Республики Узбекистан, к.ю.н**

### **Органы, рассматривающие трудовые споры: обзор трудовых кодексов стран СНГ**

Задачи по обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан определены в разделе II. Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-

2021 годах «Приоритетные направления обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы». В частности, вопросы обеспечения гарантий надежной защиты прав и свобод граждан в деятельности судебных, правоохранительных и контролирующих органов предусматривают, в том числе и гарантии справедливого разрешения любого спора. Еще первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов, на заре независимости Республики Узбекистан, определяя задачи правоохранительных органов, отметил чрезвычайную важность обеспечения справедливости.<sup>96</sup> Необходимо отметить, что в силу значимости указанных вопросов в стране сформирована комплексная нормативно-правовая база, направленная на справедливое разрешение различных видов споров. В настоящее время коренным образом пересмотрена судебно-правовая система. Создан единый высший орган судебной власти – Верховный суд Республики Узбекистан, который объединил все суды различных направлений, а также новосозданные административные суды.<sup>97</sup> Трудовые споры в Республике Узбекистан регулируются Трудовым кодексом и Гражданским процессуальным законодательством, в силу особого склада трудовых отношений, предусматривающего дополнительные механизмы правовой защиты прав работников в процессе их трудовой деятельности в виде предварительного досудебного рассмотрения трудовых споров. При этом трудовое законодательство различает два вида трудовых споров – индивидуальный и коллективный. Необходимо отметить, что действующий Трудовой кодекс Республики Узбекистан содержит в себе большое количество норм, направленных на всемерную защиту прав и свобод работников. Так, рассмотрение трудовых споров по действующему Трудовому кодексу предполагает досудебное разрешение трудовых споров – в комиссиях по трудовым спорам. Однако, это никоим образом не ущемляет права работников обратиться в суд. Согласно ст. 280 Трудового кодекса Республики Узбекистан, трудовые споры ... рассматриваются по выбору работника в комиссии по трудовым спорам или в суде.

В свете поставленных в Стратегии действий задач по обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан, представляется полезным изучение международного и зарубежного опыта законодательного регулирования разрешения трудовых споров.

Разрешение индивидуальных и коллективных трудовых споров – это важнейшая форма защиты работниками своих трудовых прав, когда они, считая свои интересы нарушенными, обращаются в юрисдикционный орган.

---

<sup>96</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.2011.- с.430-431

<sup>97</sup> Распоряжение Президента Республики Узбекистан от 15.08.2017г. «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Для осуществления своих функций такие органы наделены определенными властными (юридическими) полномочиями, т.е. являются юрисдикционными. Следует отметить, что каждый юрисдикционный орган, рассматривающий трудовые споры, наделен определенной компетенцией, под которой понимаются его правомочия по осуществлению охраны (восстановлению) нарушенных субъективных прав работников (в ряде случаев — работодателей). Другими словами, компетенция есть совокупность прав и обязанностей соответствующих юрисдикционных органов по осуществлению возложенных на них задач и функций. Трудовые кодексы стран-участниц СНГ в качестве органов, полномочных рассматривать индивидуальные трудовые споры определяют комиссии по трудовым спорам и суды. Причем КТС в различных Трудовых кодексах именуется по-разному, в Трудовом кодексе Республики Казахстан – согласительные комиссии, в Республике Молдова – это примирительные комиссии (внесудебные органы).

Кроме того, трудовые споры рассматриваются и в административном порядке. В таких отношениях участвуют не только работник и работодатель (непосредственный начальник работника), но и вышестоящие органы. В таких случаях полномочия вышестоящего органа (руководителя непосредственного руководителя работника) утверждены специальными актами законодательства.

Как правило, это споры, связанные с государственной службой, выборными органами и т.п.<sup>98</sup>

Необходимо отметить, что такого принципа придерживаются практически все Трудовые кодексы стран-участниц СНГ.<sup>99</sup>

Исключением является Трудовой кодекс Республики Армения. Согласно статье 264 Трудового кодекса Республики Армения, органом по рассмотрению трудовых споров является гражданский суд.<sup>100</sup>

Следует отметить, что действующие Трудовые кодексы стран – участниц СНГ не содержат понятия комиссии по трудовым спорам, однако его определение дано некоторыми исследователями. Трудовой кодекс Республики Узбекистан не является исключением.<sup>101</sup> Но согласно определению В.Л.Гейхмана и И.К.Дмитриевой, комиссия по трудовым спорам является постоянно действующим самостоятельным юрисдикционным органом по рассмотрению индивидуальных трудовых споров, ее решения не нуждаются в чем-то утверждении. Другие авторы

---

<sup>98</sup> Например, законодательством Кыргызской Республики предусмотрены особенности рассмотрения индивидуальных трудовых споров отдельных категорий работников, например, установленный Кодексом порядок рассмотрения трудовых споров не распространяется на работников, занимающих выборные оплачиваемые должности в общественных организациях. (Статья 413)

<sup>99</sup> ст.412 ТК Кыргызской Республики, ст.233 ТК Республики Беларусь, ст.351 ТК Республики Молдова, ст.170 ТК Республики Казахстан, ст.190 ТК Республики Таджикистан, ст.352 ТК Российской Федерации

<sup>100</sup> Трудовой кодекс Республики Армения. [http://base.spinform.ru/show\\_doc](http://base.spinform.ru/show_doc).

<sup>101</sup> Гейхман В.Л., Дмитриева И.К. Трудовое право. Учебник для ВУЗов. –М. «ИД Юрайт». 2011. с.452; Н.Нургалиева, С.А.Бухарбаева Трудовые споры: принципы и порядок разрешения. Алма-аты. 2004. С.82;

определяют комиссии по трудовым спорам в качестве смешанного паритетного органа, который организуется на предприятиях из представителей работников и работодателя для разрешения индивидуальных трудовых споров, возникающих при применении нормативных актов о труде.<sup>102</sup> Учитывая, что действующие Трудовые кодексы ставят КТС в один ряд с судом в качестве органа по рассмотрению индивидуальных трудовых споров, можно сделать вывод, что КТС должна руководствоваться теми же принципами, которыми руководствуется суд в своей деятельности. А именно, при разрешении трудовых споров комиссия по трудовым спорам независима и руководствуется во всей своей деятельности законами о труде и иными нормативными актами.

Характерным является также то, что Трудовые кодексы отдельных стран-участниц СНГ конкретизируют количество работников, при наличии которых можно создавать комиссии по трудовым спорам. Например, не менее 10 работников, согласно ст. 415 ТК Кыргызской Республики. Но правило создания КТС во всех Трудовых кодексах одинаковое. По решению общего собрания комиссии по трудовым спорам могут быть образованы в структурных подразделениях организации. Эти комиссии образуются и действуют на тех же основаниях, что и комиссии по трудовым спорам организации. В комиссиях по трудовым спорам структурных подразделений могут рассматриваться индивидуальные трудовые споры в пределах полномочий этих подразделений. Деятельность комиссии по трудовым спорам организации регулируется положением, утверждаемым общим собранием или коллективно-договорными актами. Большинство трудовых кодексов содержат отдельные нормы, предусматривающие гарантии для членов КТС (например, недопущение снижения тарифного оклада, прекращения трудового договора и т.п.).<sup>103</sup>

Трудовой кодекс Кыргызской Республики определяет не два, а три органа, уполномоченных рассматривать трудовые споры. В соответствии со статьей 412 Трудового кодекса Республики Кыргызстан, индивидуальные трудовые споры рассматриваются комиссиями по трудовым спорам, уполномоченным государственным органом в области инспекции труда и судами. Работник по своему выбору может обратиться за разрешением трудового спора в комиссию по трудовым спорам или уполномоченный государственный орган в области инспекции труда либо непосредственно в суд. В тех случаях, когда комиссия по трудовым спорам не создана в организации, трудовой спор

---

<sup>102</sup> Смолярчук А.В. Законодательство о трудовых спорах. М. Издательство Московского Университета. 2004. С.66

<sup>103</sup> Трудовой кодекс Республики Беларусь // <http://xn----ctbfcfvic3abdqybq.xn--90ais/>;  
"Трудовой кодекс Российской Федерации" от 30.12.2001 N 197-ФЗ (ред. от 29.07.2017) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.10.2017) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34683/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/)

подлежит рассмотрению непосредственно уполномоченным государственным органом в области инспекции труда или в суде.<sup>104</sup>

Трудовой кодекс Республики Беларусь помимо КТС и судов в качестве органов, рассматривающих индивидуальные трудовые споры, признает также органы примирения, посредничества и арбитража для урегулирования индивидуальных трудовых споров. Так, согласно ТК РБ, наниматели по соглашению с профсоюзами могут создавать органы примирения, посредничества и арбитража для урегулирования индивидуальных трудовых споров. Порядок работы органов, определяется сторонами, их создавшими. При этом не должно ограничиваться право работника на судебную защиту.<sup>105</sup>

Трудовой кодекс Республики Таджикистан в статье 190 определяет, что индивидуальные трудовые споры рассматриваются судами. В то же время, соглашениями и коллективными договорами может быть установлен досудебный порядок рассмотрения индивидуальных трудовых споров в организациях комиссиями по трудовым спорам (статья 191), создаваемыми на паритетных началах работодателем и органами, представляющими интересы работников или избираемыми трудовыми коллективами, либо другими органами.<sup>106</sup>

Большинство Трудовых кодексов стран-участниц СНГ четко определяют список индивидуальных трудовых споров, рассматриваемых непосредственно в судах. Так в Трудовом кодексе Республики Таджикистан это споры:

- о восстановлении на работе, независимо от основания прекращения трудового договора (контракта) и занимаемой должности; об изменении даты и формулировки причин увольнения; об оплате за время вынужденного прогула или выполнения нижеоплачиваемой работы;

- о взыскании оплаты за время задержки исполнения решения суда о восстановлении на работе по вине работодателя;

- о перезаключении срочного трудового договора (контракта) на новый или неопределенный срок, если в законе или договоре закреплено преимущественное право на его продление;

- о защите трудовой чести, достоинстве и деловой репутации работника и о возмещении причиненного в связи с этим ему материального и морального ущерба;

- о возмещении ущерба, причиненного работникам повреждением здоровья, связанным с исполнением ими трудовых обязанностей;

- о возмещении работником материального ущерба, причиненного имуществу организации. Отдельно определены споры об отказе в приеме на работу:

- лиц, считающих, что они подверглись дискриминации;

<sup>104</sup> Трудовой кодекс Республики Кыргызстан. <http://online.adviser.kg/>

<sup>105</sup> Трудовой кодекс Республики Беларусь. [http://base.spininform.ru/show\\_doc](http://base.spininform.ru/show_doc).

<sup>106</sup> Трудовой кодекс Республики Таджикистан. [http://base.spininform.ru/show\\_doc](http://base.spininform.ru/show_doc).

-лиц, приглашенных в порядке перевода из другой организации;  
-других лиц, с которыми работодатель в соответствии с законодательством или соглашением о труде обязан заключить трудовой договор (контракт);

-лиц, об отказе работодателя в составлении акта о несчастном случае либо несогласии с его содержанием и в других случаях, предусмотренных законодательством.<sup>107</sup>

Российское трудовое законодательство также выделяет отдельные категории споров, рассматриваемых непосредственно в судах. При этом Трудовой кодекс определяет данный список с указанием стороны трудового спора. Так, непосредственно в судах рассматриваются споры по заявлениям:

работника - о восстановлении на работе независимо от оснований прекращения трудового договора, об изменении даты и формулировки причины увольнения, о переводе на другую работу, об оплате за время вынужденного прогула либо о выплате разницы в заработной плате за время выполнения нижеоплачиваемой работы, о неправомерных действиях (бездействии) работодателя при обработке и защите персональных данных работника;

работодателя - о возмещении работником ущерба, причиненного работодателю, если иное не предусмотрено федеральными законами.

Непосредственно в судах рассматриваются также индивидуальные трудовые споры:

об отказе в приеме на работу;

лиц, работающих по трудовому договору у работодателей - физических лиц, не являющихся индивидуальными предпринимателями, и работников религиозных организаций;

лиц, считающих, что они подверглись дискриминации.

Таким образом, можно согласиться с мнением О.Б.Буяновой, поскольку статья Трудового кодекса определяет компетенцию судов по рассмотрению трудовых споров, становится очевидным, что все остальные категории споров (кроме тех, по которым установлен в законе специальный порядок) рассматриваются комиссией по трудовым спо-рам. К таковым относятся, например, споры о признании недействительными условий трудового договора; рабочем времени; времени отдыха; об оплате труда; о гарантийных компенсационных выплатах; переводах, перемещениях, изменении существенных условий трудового договора; привлечении работника к дисциплинарной ответственности и т.д.<sup>108</sup>

Согласно ст.262 ТК РУз органами по рассмотрению индивидуальных трудовых споров являются комиссии по трудовым спорам и суды. Трудовые споры отдельных категорий государственных

<sup>107</sup> Трудовой кодекс Республики Таджикистан. [http://www.mehnat.tj/pdf\\_doc/1trud\\_kodeks.pdf](http://www.mehnat.tj/pdf_doc/1trud_kodeks.pdf)

<sup>108</sup> Буянова М.О. Трудовое право России. - "Перспектив", 2009 г. – 211 с.

служащих по вопросам прекращения трудового договора, перевода на другую работу, возмещения вреда, связанного с необоснованным переводом или прекращением трудовых отношений, и наложения дисциплинарных взысканий рассматриваются в порядке, установленном законом.(ст.276 ТК РУз)К ним относятся: вышестоящие в порядке подчиненности органы; иные органы, уполномоченные в соответствии с законами разрешать споры, возникающие с работниками, отнесенными к отдельной категории.<sup>109</sup>

Законодательство Республики Узбекистан, определив порядок организации КТС в коллективном договоре, в принципе, тоже намекает, что инициатором создания КТС может быть любая из сторон в силу ст. 31 ТК РУз, в соответствии с которой, инициатором переговоров по заключению и изменению коллективного договора, соглашения вправе выступить любая из сторон, а также ч.1ст. 262, предусматривающую, что создание КТС может быть предусмотрено в коллективном договоре, т.е. в зависимости от инициативы какой-либо из сторон, хотя прямого указания в Трудовом кодексе на это нет.

**Г.С.ИНАМДЖАНОВА,  
Юристар малакасини ошириш  
маркази катта ўқитувчиси,  
юридик фанлар номзоди**

### **Оилавий низоларда медиация институтини қўллаш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни ривожлантириш, давлат бошқарувини эркинлаштириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш билан бирга халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўз сўзи, қатъий хулосаси, умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда, ички ва ташқи сиёсатда ўзгармас, изчил позициясининг мавжудлиги билан алоҳида ажралиб туриши йўлидаги саъй-ҳаракатларга янги куч бағишлади.

---

<sup>109</sup> Например, пункт 25 Положения о прохождении службы в государственных налоговых органах Республики Узбекистан, утвержденного Постановлением КМ от 05.05.2000 г. N 180; пункт 41 Положения о прохождении службы в Департаменте по борьбе с налоговыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, утвержденного Постановлением КМ от 06.07.2001 г. N 291 в редакции утв. Постановлением Кабинета Министров РУз от 05.12.2013г. №318



Унда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли, амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишни ўз ичига олган бешта устувор йўналиш белгиланган.

Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Дастурнинг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари деб номланган бўлимнинг 79-бандида фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгилловчи **“Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилинишидан кутилаётган натижа маъмурий, жиноий, фуқаролик ва хўжалик процессида одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини янада оширишдан иборатдир.

Ушбу Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритишдан аввал биз медиация нима эканлиги ва унинг хорижий мамлакатлар тажрибасидаги ютуқларига тўхталишимиз лозим. Медиация (инг. Mediation –воситачилик) бу низоларни судгача, муқобил ҳал қилиш усули бўлиб воситачилик қилмоқ, ўртада турмоқ, орага тушмоқ деган маънони англатувчи латинча «mediare» сўзининг ҳосиласи ҳисобланади. Медиация шунингдек низолашувчи тарафлар ўртасидаги можаро ёки ихтилофга улар (тарафлар) учун имкон қадар фойдали йўсинда ечим топишдан бўлак манфаатни кўзламайдиган учинчи, холис тараф иштирокидаги музокара тушунчасини ҳам қамраб олади. Бунда бетараф медиатор низолашувчи тарафлар ўзаро мақбул келишувга эришишига ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Медиация институти қадимги Грецияда эрамиздан аввалги II асрнинг бошида қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Медиация низоларни муқобил, яъни судгача ҳал қилиш усули сифатида қўлланилиб, низолашаётган тарафлар медиатор (воситачи) ёрдамида ўзаро мақбул ва ҳар икки тараф учун фойдали бўлган қарорни ўзаро келишув асосида қабул қилишади. Албатта, бу жараёнда воситачининг ўрни бениҳоя катта ҳисобланади, воситачи қанчалик тажрибали ва нотик бўлса, тарафлар низоси шунчалик тез ва осон, ҳар иккаласи учун ҳам самарали тарзда ҳал қилинади. Ҳозирги кунда медиация институтидан Европа мамлакатлари, АҚШ ва Австралияда фаол равишда фойдаланишмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, хорижда оилавий медиация энг биринчи ва кенг тарқалган медиация турларига киради. Қоидага биноан, оилавий медиация эр-хотиннинг никоҳдан ажралиши натижасида юзага келувчи келишмовчиликларнинг олдини олиш учун ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида яшаш, болани тарбиялаш, у билан кўришиб туриш, алиментларни тўлаш, мулкни бўлиш ва қарзларни тақсимлаш, шунингдек оила аъзолари ўртасида моддий таъминот, қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қўлланилади.

Европа Иттифоқида оилавий медиация муаммоларига муҳим аҳамият қаратилгандир. 1998 йили оилавий медиациянинг асосий принциплари ва қоидалари тажассум топган Тавсиялар (Рекомендация Rec N (98)1) қабул қилинган. Оилавий низолар бўйича медиатор асосий эътиборни боланинг манфаатларига қаратиши лозимлиги ва ота-оналарга уларнинг умумий фарзандларининг фаровонлиги, истиқболи тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини эслатиб қўйиши зарурлиги тавсия этилади.

Тавсияларга (Рекомендация Rec N (98)1) мувофиқ, медиатор тарафларга ҳуқуқий ахборот тақдим этиш ҳуқуқига эга, лекин низо бўйича аниқ ечим ва юридик маслаҳатлар таклиф этмаслиги керак.

Европа Иттифоқи томонидан аъзо давлатларга оилавий медиация бўйича ахборотларни тарқатишга доир чора-тадбирларни қабул қилиш тавсия қилинади.

Таъкидлаш жоизки, Тавсияларни қабул қилишдан мақсад, Европа давлатларида оилавий медиация институтини татбиқ қилиш, тарқатиш ва бир хиллаштиришга эришишдир. Лекин оилавий медиация рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланишига қарамай, бу институт амалда кенг қўлланилаётир деб бўлмайди. Европанинг аксарият давлатларида оилавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида оилавий медиация миллий ҳуқуқий тизим ва мавжуд маданий анъаналар “жўравозлиги”да аста-секинлик билан ривожланмоқда.

Америка Қўшма Штатларидаги оилавий медиация институти тажрибаси ҳам қизиқиш уйғотади. АҚШнинг кўплаб штатларида оилавий медиацияни идора этувчи қонунлар қабул қилинган бўлиб, бунда никоҳдан ажралган ота-онанинг фарзандларини васийлик ва тарбияга олиш билан боғлиқ ишлар бўйича мажбурий медиация олиб бориш кўзда тутилган. Судлар қошида фаолият юритувчи кўплаб оилавий медиация хизматлари ташкил этилган.

Медиация бўйича ягона намунасифат ҳужжат АҚШда 2001 йилда қабул қилинган. Медиациянинг ривожланишига сабабчи бўлган омил бу низоларни Америка судлари томонидан ҳал этилишида бу усул самарадорлигининг тан олиниши бўлган. Америка суд иш юритуви тизими кўпгина низолар тарафлар ўртасида ихтиёрий равишда судгача ҳал этилишига ёрдам кўрсатади. Баъзи штатларда, судьялар масалага қуйидагича ёндашадилар: судья томонларнинг даъвосини медиация

тартибида ҳал этишни иложи бўлмаган тақдирда ўз иш юритувида қабул қилади. Одатда, судьялар тарафларга ишни кўришни бошлашдан олдин медиаторларга мурожаат қилишни таклиф этишади.

Мисол учун, 2008 йилда судьялар 300 000 та ишни медиация тартибида кўриб чиқиш учун юборишган.

Низоларни оилавий судларда ҳал этиш механизмини чуқурроқ тушуниб олиш учун, АҚШнинг Делавэр штати тажрибасига мурожаат қиламиз. Штатнинг оилавий суди давлатнинг маҳаллий суд тизимига киради, унинг юрисдикцияси ва кўраётган ишлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, оилавий судларнинг юрисдикциясига вояга етмаганларнинг фаолиятига тааллуқли ишлар, оила-никоҳ низолари, васийликка доир ишлар ва бошқа ишлар киради<sup>110</sup>.

Оилавий судда бош судьяни ҳам қўшганда ўн уч нафар судья бўлади. Штат губернатори томонидан тайинланадиган бош судья барча округ судларини бошқаради. Делавэр штати кодексига биноан, оилавий судларнинг мақсади, оиланинг имкон қадар кенгроқ истагидан келиб чиқиб, оилани сақлаб қолишни кўзлаб, оила аъзолари халққа ва бир-бирларига бўлган ҳуқуқлари ва моддий мажбуриятларини эътироф этган ва бажарган тақдирда, ўз юрисдикцияси доирасида ҳар кимга халқ ва оила манфаатларига энг яхши тарзда хизмат қиладиган назоратни таъминлаш, ғамхўрлик ва муомала қилишдан иборат<sup>111</sup>.

Оилавий судда кўриладиган ишларни қуйидаги учта асосий тоифага бўлиш мумкин:

- а) вояга етмаган ҳуқуқбузарларга тааллуқли ишлар;
- б) вояга етмаганларга тааллуқли жиноят ишлари;
- в) фуқаролик ишлари.

Ўз навбатида фуқаролик ишлари оила таъминотида тааллуқли ишлар ҳамда бошқа фуқаролик ишларига бўлинади. Бу ўринда бошқа фуқаролик ишлари дейилганда, никоҳнинг бекор бўлиши, васийлик ҳамда болани бориб кўриб туриш билан боғлиқ ишлар, яъни суд томонидан онада (отада) қолдирилган болани ота (она) бориб кўриб туриши билан боғлиқ ишлар назарда тутилади.

Фуқаролик ва жиноят ишларининг муайян тоифалари, шунингдек вояга етмаган ҳуқуқбузарларга тааллуқли ишларда низоларни тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида оилавий медиация (воситачилик) ва ҳакамлик (арбитраж) дастурлари белгиланган.

Агар низоларни ана шу дастурлар ёрдамида ҳал этишга муваффақ бўлинмаса, ишлар шундан кейин низоларнинг тоифасига қараб судьяларнинг магистри томонидан кўрилади. Қайси ишлар ана шу дастурларга юборилишини белгилашда (бу ўринда оилавий медиация (воситачилик) ва ҳакамлик (арбитраж) назарда тутилмоқда) ҳамда ишнинг қайси судда кўриб чиқилиши мажбурий ҳисобланишини

<sup>110</sup> Қаранг: Махмудов М.А. Семейный суд в США. - Душанбе: Издательство "Сино", 1996. - С.20.

<sup>111</sup> Қаранг: Family court of the state of Delaware. Final Report. - Delaware. 1990. - P.(0-16)

аниқлашда ўтказилиши шарт бўлган таомил, оилавий суд қоидаларида аниқ кўрсатиб қўйилган бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, оилавий медиация (воситачилик) алоҳида аҳамиятга эга. Бу- тарафларга ўз низоларини суднинг аралашувисиз ҳал этишга ёрдам беришга қаратилган процессдир. Худди шу мақсадда, медиаторларнинг (воситачиларнинг) тегишли таълим олган нуфузли таркиби, тарафларга низоларини ҳал этишда ёрдам беради. Васийликка, боланинг таъминоти ва у билан кўришиб туришга доир барча янги арз ва илтимослар, шунингдек таклифлар низони ҳал этишнинг дастлабки босқичида медиаторлик (воситачилик) усули орқали ўтади. Ҳозирги вақтда медиация (воситачилик) усулида кўриб чиқишга юборилаётган ишларнинг учдан икки қисми тарафларнинг ўзаро қаноатланишига олиб келган тарзда ҳал бўлаётир.

Агар фуқаролик ишини медиация (воситачилик) усули билан ҳал этишга муваффақ бўлинмаса, тарафлар ишни судда кўришнинг биринчи босқичи бўлмиш магистрлик эшитувига юборилади. Магистрлар, масалан, никоҳдан ажралишлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқадилар. Бундай иш кўришнинг тўғрилиги баҳс-низога сабаб бўлмайди, қолаверса мажбурлов чоралари ҳам таъминланади<sup>112</sup>.

Магистрнинг қарори, агар 15 кун ичида бу қарор судья томонидан ўзгартирилмаса ёки низолашаётган тарафлардан бу қарор хусусида эътироз бўлмаса, узил-кесил, яъни якуний қарор ҳисобланади. Магистрнинг қарори устидан оилавий суд судьяси апелляция бериши мумкин. Магистрлар оилавий ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли ишларни бошланғич тарзда эшитадилар. Шу йўсинда улар оилавий ҳуқуқбузарликларнинг қарийб 15 фоизи оилавий судга бормай туриб ҳал этилишини таъминлайдилар.

Австралияда оилавий низоларни ҳал этиш тизими 1975 йилда қабул қилинган Оила тўғрисидаги қонун билан тартибга солинган бўлиб, ушбу қонун оилавий низоларни ҳал этиш соҳасида амалиёт юритувчи мутахассислар бўйича тизим талабларига мувофиқ аккредитацияланган шахслар томонидан ўтказиладиган медиация ва яраштирув жараёнини олиб боришни ўз ичига олади.

Оилавий судлар ва магистрлар судлари иш ҳажмини, шунингдек суд харажатларини камайтириш ва собиқ эр-хотинлар ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этиш усулларини танлаш имкониятини яратиб бериш мақсадида Австралияда мамлакат федерал бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Оилавий муносабатлар марказлари тармоғи (Family Relationship Centers, FMCs) ташкил этилган.

2007 йилдан бошлаб никоҳдан ажрашган ота-оналарнинг фарзандларини тарбиялаш ишлари бўйича оилавий низолар соҳасида аккредитациядан ўтган амалиётчи мутахассисларга мурожаат этиш мажбурий қилиб белгиланди (Оилада зўрлик ишлатиш, болалар билан

<sup>112</sup>Қаранг: Philadelphia Court of common places, 1992. Annual report (family Court division).

шафқатсиз муносабатда бўлиш ёки болаларни ўғирлаш билан боғлиқ бўлган низолар бундан мустасно).

Австрияда 1990 йил ўрталарида давлат ҳокимияти федерал органлари базасида ҳуқуқий эксперимент ўтказилди, мазкур тадбир доирасида фуқароларга яраштирув чоралари масалалари борасида ахборот ва маслаҳатлар бериш амалга оширилди, оилавий низолар бўйича медиация олиб борилди, шунингдек никоҳдан ажралишган ота-оналарнинг фарзандларига ёрдам кўрсатиш дастурлари қабул қилинди. Эксперимент якунида фаолияти асосан давлат томонидан молиялаштирилувчи Вена шаҳридаги мутахассис медиаторларни бирлаштирувчи Маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Шуниси эътиборга молики, Австрияда оилавий медиациянинг икки медиатор (сомедиация) томонидан олиб борилиши кенг тарқалган бўлиб, улардан бири психология соҳасида мутахассис (психолог-руҳшунос, психотерапевт ёхуд оилавий низолар соҳасида тегишли маълумотга эга бўлган шахс), иккинчиси юриспруденция(ҳуқуқшунослик) соҳасида мутахассис (юрист, адвокат, нотариус) бўлиши назарда тутилган. Оилавий низолар бўйича медиация ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-руҳий (психологик) ҳамда алоҳида шахсий хусусиятларни ўз ичига олгани учун ҳам ушбу ёндашувни мақсадга мувофиқ дейишга ҳақлимиз.

Оилавий медиация Шимолий Европа давлатларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, масалан, Финляндиянинг Никоҳ тўғрисидаги қонунда медиация масалаларига махсус боб бағишланган. Қонуннинг 20-моддаси биринчи қисмига биноан, низоларни, шу жумладан ҳуқуқий мазмундаги келишмовчиликларни ҳал қилишнинг устувор усули оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни юмшатиш, тарафларни келиштиришдир.

Оилавий низо келиб чиққан ҳолларда тарафлар медиатор хизматига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, унинг асосий вазифаси оила барча иштирокчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зиддиятларни бартараф этиш мақсадида оила аъзолари ўртасида ўзаро муносабатларнинг махфийлиги ва ишончли бўлишини таъминлашдан иборат. Бунда медиатор вояга етмаган болалар манфаатларига алоҳида эътибор қаратиши шарт.

Оилавий медиацияни ўтказиш махсус ташкилотлар, ассоциациялар ва муассасалар, шунингдек маҳаллий ваколатли давлат органларидан олинган рухсат асосида хусусий амалиётчилар томонидан амалга оширилади. Ушбу ташкилотлар ва хусусий амалиётчиларнинг оилавий медиаторлик фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш Финляндиянинг Ижтимоий ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлиги остида маҳаллий давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Германияда оилавий медиация яраштирув чораларининг энг мақбул турларидан ҳисобланади. Бугунги кунда оилавий медиация хусусий амалиётчи медиаторлар томонидан олиб борилиши билан бирга

Германия ижтимоий ҳуқуқ кодексига мувофиқ болалар тарбияси билан боғлиқ низоларга доир медиация олиб боришни ташкил этиш ваколатларига эга бўлган ёшлар ишлари бўйича бошқармаларнинг давлат хизматчилари томонидан ҳам амалга оширилади.

Германияда оилавий медиация фаолияти бир оила аъзолари(масалан меросхўрлар) ўртасидаги низоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Миллий ҳуқуқ тизими ва маданий анъаналардаги фарққа қарамай, хориж давлатларида оилавий медиациянинг институциялашуви ва ушбу яраштириш жараёнини турли юрисдикция органлари фаолиятида интеграциялашуви кузатилмоқда.

Аксарият давлатларда оилавий медиация(бошқа медиация турлари ичида) алоҳида тармоқ ёки махсус қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларга нисбатан мажбурий босқич сифатида алоҳида жорий этилади ва кўриб чиқилади.

Хусусан, Англияда ва Уэльсда 1996 йилда қабул қилинган Оила тўғрисидаги қонунга кўра солиситор (солиситор –ҳужжатларни судгача тузиб тайёрлаб берувчи адвокат) оилавий низо бўйича юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган миждозларни давлат аккредитациясига эга бўлган медиаторга йўналтириши зарур.

Бундан кўзланган асосий мақсад тарафлардан бирига яраштирув жараёнининг(воситачилик) моҳияти, унинг афзаллик томонларини тушунтириш, шунингдек низонинг ижобий ҳал бўлишини чамалаб олишдир.

Агар яраштирув жараёнида низо ҳал қилинса ҳамда мурожаат қилган тараф яраштирув жараёнини олиб боришга розилик берса, медиатор (воситачи) бошқа тарафга бу ҳақда хабар юборади. Агар 14 кун мобайнида иккинчи тарафдан жавоб келмаса ёки иккинчи тараф ушбу медиация восиллигидаги ишда иштирок этишни рад этса, медиатор ишни судда кўришда беғараз юридик ёрдам кўрсатилиши учун асос бўладиган ёзма хулоса тайёрлайди. Тарафлар рози бўлса, яраштирув(медиация) жараёни олиб борилади. Қоидага кўра, моддий аҳволидан келиб чиқиб муайян тараф медиация яраштирув хизматларидан бепул фойдаланиши ҳам мумкин.

Ирландия Республикасида Оила ва ижтимоий масалалар департаменти қошида 1980 йилларнинг охирида оилавий медиация хизмати ташкил этилган бўлиб, ушбу хизмат раҳбарлиги остида бепул беғараз яраштирув жараёни олиб борилишини таъминловчи 16 минтақавий ҳудудий марказ фаолият юритади. Оилани қўллаб-қувватлаш ва мустақамлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш доирасида олиб бориладиган тадбирларнинг бири сифатида медиацияни ривожлантириш давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади.

Медиация Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва МДХнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг қўлланилади ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Хусусан, Россия Федерациясида 2010 йил 27 июлда “Воситачи иштирокида низоларни Муқобил ҳал қилиш тартиби (медиация тартиби) тўғрисида”ги Федерал қонун қабул қилинган. Ушбу Қонун фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлардан, меҳнат-ҳуқуқий ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиация таомилини қўллаш билан боғлиқ ишларни тартибга солади. Бугунги кунда қонунчиликка мувофиқ оилавий низолардан келиб чиқадиган фуқаролик ишлари Россия Федерациясида қуйидаги органлар ваколатига киради:

- а) васийлик ва ҳомийлик органлари;
- б) вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;
- в) ФХДЁ;
- г) нотариал идоралар;
- д) умумий юрисдикция судлари

Оилавий низоларнинг ҳал этилиши эса фақат судлар томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг 1-моддасига кўра, юқоридаги муносабатлардан келиб чиққан низолар, шунингдек жамоаларга доир меҳнат низолари медиацияда иштирок этмайдиган учинчи тарафларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ёки оммавий манфаатларга дахл қилса, медиация таомилини қўллаш мумкин эмас. Қонунда шунингдек, медиация принциплари ҳам қатъий белгиланган бўлиб, булар ихтиёрийлик, маҳфийлик, ҳамкорлик ва тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, холислик ва мустақиллик принципларидир.

Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасида воситачидан низо келиб чиқиши биланоқ, яъни низони ҳал қилишнинг дастлабки воситаси сифатида, шунингдек низони фуқаролик, хўжалик судларида ёки арбитраж судларида кўришда яраштирув институти сифатида қўллаш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундан келиб чиқадиги, медиация низони фақат судгача ҳал қилиш усули сифатида эмас, балки судда ҳал қилиш усули ҳам бўла олар экан.

Қозоғистон Республикасида ҳам низоларни медиация воситасида ҳал қилиш “Медиация тўғрисида”ги 2011 йил 28 январда қабул қилинган Қонун билан тартибга солинган бўлиб, Россия ва Беларусь Республикаларидан фарқли равишда жиноят ишларини судда кўришда ҳам медиатордан яраштирув воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлиги белгиланган.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ амалий муаммолар ва бошқа кўпгина омилларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида оилавий медиация институти ташкил этиш масаласини ҳаёт кун тартибига қўймоқда. Шу боис, оилавий низоларда медиация

усулини қўллаш борасидаги бошқа мамлакатларнинг тажрибаси Ўзбекистонда диққат билан ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида улкан вазифаларни амалга ошириш халқимиз олдида турган энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида таъкидланганидек, “Биринчи вазифа - биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-ҳотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур”.<sup>113</sup>

Оилани мустаҳкамлаш, оила асосини кўз қорачиғидай асраш оилавий низоларга вақтида ечим топиш билан таъмин этилади. Яраштирув чораларининг энг мақбул турларидан ҳисобланмиш оилавий медиация, жумладан ёшлар ишлари бўйича бошқармалар томонидан ҳам амалга оширилиш тажрибасини инобатга олиб, оилавий медиацияни Ўзбекистонда ёшларнинг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат ноижорат ташкилоти – асосий мақсади ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат бўлган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи имкониятлари билан ҳам ташкил этиш мумкин.

Ўзбекистонда оилавий низоларнинг олдини олиш учун оилавий медиацияни ташкил этишда Австрия давлатида кенг тарқалган усулни, хусусан оилавий медиациянинг икки медиатор (сомедиация), яъни психология соҳасидаги мутахассис - психолог-руҳшунос ҳамда юриспруденция-ҳуқуқшунослик соҳасидаги мутахассис - юрист, адвокат томонидан олиб борилиши усулини ҳам қўлласа бўлади. Фикримизча, ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-руҳий (психологик) ҳамда алоҳида шахсий хусусиятларни ўз ичига олгани учун ҳам ушбу ёндашув мақсадга мувофиқ кўринади.

Бу борада аслан миллий, жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ, чинакам ноёб, маҳалла институтига ҳам катта умид билан қараш мумкин. Бинобарин, маҳалла қадим-қадимдан турмушдаги кўпгина долзарб масалаларни, хусусан оилавий муаммолар ва бола тарбияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш маркази бўлиб келган, ҳозирги кунда ҳам кўпинча шу вазифаларни бажармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига

<sup>113</sup>Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.//Инсон ва қонун, 2016 йил 13 декабрь



асосан, фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштирув комиссияси тузиш киради, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) яраштирув комиссиясига раислик қилишга ваколатли эканлиги белгиланган. Мазкур яраштирув комиссиялари маҳаллада эр-хотин ўртасидаги оилавий низоларни судгача ҳал қилиш ваколатларини ўз ичига олган. Яраштирув комиссиялари эр-хотин никоҳдан ажралиб кетмаслигини, оиланинг бузилишига олиб келадиган сабабларни олдини олиш ҳамда ёш оилаларнинг фаровон, тинчлик-ҳотиржамликда яшаши учун зарур чораларни кўради.

Шу сабабли, эр-хотин никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги аризани судга беришдан олдин юқоридаги комиссияга мурожаат қилиб, улардан тегишли хулосани олиш мажбуриятини эр-хотинга юклаш лозим. Мазкур хулоса судга тақдим этилгандагина, суд никоҳни бекор қилиш ҳақидаги аризани қабул қилишини белгилаш таклиф этилади. Шунда, мазкур комиссиялар судгача бўлган босқичда медиация функциясини бажаради. Бу билан фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг иш юкламаси ва иш хажминини камайтириш, миллий қонунчилигимизга медиация институтини босқичма-босқич жорий этиш масаласини ҳал этиш мумкин.

Мамлакатимизда кейинги йигирма олти йилдан ортиқ вақт ичида амалга оширилган ўзгаришларнинг чуқур таҳлили ҳамда бўлғуси суд-ҳуқуқ тизими моделини барпо этиш муддаоси бизга медиация институтидек муҳим омил ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёш оилаларнинг никоҳдан ажралиш ҳолатлари кўплаб учраётганлиги, келин-куёвлар қатори айрим ота-оналарнинг масъулиятини ҳис қилмаётганлиги натижасида ёшлар тўғри йўлни танлашда адашаётганлигини инобатга олиб, хусусан, уй-жой, мол-мулк, алимент, болалар тарбиясига оид муаммоларнинг олдини олиш ва ушбу масалаларни тинч йўл билан ҳал этишда медиация (воситачилик) институтидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида кўзда тутилган “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, воситачининг оилавий низоларни кўришдаги ва ҳал қилишдаги ҳуқуқий мақомини белгилаб беришни тақозо этади. Бунда медиация (воситачилик) фақат судгача фуқаролик ва оилавий низоларини ҳал этиш воситаси сифатида эмас, балки оилавий низолар келиб чиққан тақдирда тарафларнинг келишувига эришиш воситаси сифатида ҳам кенг қўлланилиши оиланинг жамиятдаги нуфузи ва улкан ижтимоий аҳамиятини, ҳуқуқий мақомини янада юксалтиришга, оила институтини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

**Меҳнат низоларини ҳал қилишда яраштирув**  
**(медиация) институтининг аҳамияти**

Бугун мамлакатимизда меҳнат муносабатларининг иштирокчилари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда нормаларига асосан кенг қамровли ҳуқуқлар ва эркинликларга, шунингдек ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эгадирлар.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси) ҳуқуқининг кафолатланиши, фуқаролар ҳуқуқларини шахсан ўзи ҳимоя қилиши (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 13-моддаси), шу жумладан меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 8-моддаси) фуқароларга субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит тарзида намоён бўлишдан ташқари меҳнат муносабатларида юзага келадиган низоларни ҳал қилишнинг самарали усул ва воситаларини ҳам белгилайди.

Дарҳақиқат, бутун дунёда фуқаролар ва ташкилотлар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни афзал кўрадилар. Бироқ, низоларни суд орқали ҳал қилиш муайян харажат (шу жумладан, суд қарорларини ижроси билан боғлиқ) ва муддат (суд қарорларини қайтадан кўриш талаблари асосида) талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Қолаверса, судларга келиб тушадиган ишлар ҳажмининг ортиб бориши судьялар иш юкмасининг кўпайишига сабаб бўладиган омиллардан бири бўлиб, суд томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Судларнинг иш ҳажмини камайтириш, шу орқали одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири – фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришдир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ”Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 79-бандида судгача низоларни ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи **“Яраштирув**

**жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланганлиги бежиз эмас.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 495-I-сон Қарори билан ратификация қилинган “Жамоа музокаралари тўғрисида”ги 154-Конвенциясининг 5-моддаси меҳнат низоларини ҳал этувчи органлар ва тартиб-қоидалар жамоа музокаралари олиб боришга кўмаклашишини кўзлаган ҳолда таъсис этилган бўлишини, 4-моддаси ушбу Конвенция қоидаларининг қўлланилиши, агар жамоа шартномалари, арбитраж қарорлари ёки миллий амалиётга монанд бошқа усул орқали амалга оширилмаётган бўлса, миллий қонун ҳужжатлари ёки тартиблар билан таъминланиши зарурлигини белгилайди.<sup>114</sup>

Дунё амалиётида низоларни, хусусан меҳнат низоларини ҳал қилишда медиация энг самарали воситалардан бири сифатида тан олинган. Масалан, Канадада меҳнат низоларини махсус органларга мурожаат этиб, ҳал қилгунга қадар яраштирув таомили мажбурий ҳисобланади.<sup>115</sup> Айнан Канада ва АҚШда медиация институтларининг ривожланишига меҳнат муносабатлари орқали асос солинганлиги аҳамиятлидир. Германияда Иқтисодиёт ва меҳнат соҳасида медиация федерал иттифоқи фаол ишлайди.<sup>116</sup>

Жанубий Кореяда “Меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган келишмовчиликларни яраштирув, медиация, арбитраж ва ўзаро келишув асосида ҳал қилиш механизмлари яратилган.<sup>117</sup> МДҲ давлатлари қонунчилик тажрибасида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий низоларни воситачи (медиатор) иштирокида ҳал қилиш таомилларини назарда тутувчи махсус қонун қабул қилиш таомили ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Хосиатан, Россия Федерациясида 2010 йил 27 июлда “Низоларни воситачи иштирокида ҳал қилишнинг муқобил таомиллари (медиация таомили) тўғрисида”ги Федерал қонун, Қозоғистонда 2011 йил 28 январда, Беларусда эса 2013 йилнинг 12 июлида “Медиация тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларда меҳнат низоларини медиация орқали ҳал қилишга турлича ёндашилган. Масалан, Россия Федерациясининг махсус қонунда медиация қўлланиши мумкин бўлган меҳнат низоларининг тоифаси анча тор, жамоаларга доир меҳнат низоларига медиация таомилини қўллаш доираси ҳам чекланган. Қозоғистон ва Беларусь давлатлари

---

114Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари тўплами. –Т.: “Адолат”, 2014 й.

115 Цыпина Г.А. Коллективный договор в системе трудовых отношений в Канаде // Труд за рубежом. 1996. № 1.

116Аболонин В. Палата медиаторов.//ЭЖ-Юрист. 2010. №16.

117 Ким Д. Урегулирование коллективных трудовых споров по законодательству Южной Кореи.//Трудовое право в России и за рубежом 2010. № 2.

қонунларида эса меҳнат низоларида медиация таомилларини қўллаш борасида бу каби чекловлар кўзда тутилмаган ҳисоб.

Шу ўринда, назаримизда, медиация тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Медиация – бу ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, холислик, махфийлик принциплари асосида низолашувчи тарафларнинг низоларини ўзаро музокара ва келишиш йўли билан ҳал этиш таомили бўлиб, низони судга қадар етиб бормаслик имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат.

Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти тарафларнинг келишмовчиликларни ҳал этишга бўлган иродаси ва интилишига, шунингдек медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқдир. Медиацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб – медиаторларнинг шаклланишига олиб келди. Медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга келган муаммо, келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиатор далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, медиаторнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирини тушунишга, тарафлар учун мақбул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир. Медиация жараёни, мажбурийлик кучига эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган конфиденциал жараён бўлиб, букелиб чиққан низони низолашаётган тарафлар ўз ихтиёри билан танлаб олган, бетараф учинчи шахснинг воситачилигида, ўзаро муроаса – ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Ушбу жараён урф-одатларимиз ва миллий менталитетимизга хос бўлган ўзаро ҳурмат ҳамда кечиримлилик каби ҳислатлар қаторида уйғунлашиб кетиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Айнан мана шундай жараёнлар асносида меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни яратиш ниҳоятда муҳим ва долзарбдир. Бу хусусда тадқиқотчи М.М.Мамасиддиқов ҳам меҳнат низоларини ҳал қилишда янги такомиллашган демократик институтларни ташкил этишнинг долзарблиги тўғрисида фикр билдирган.<sup>118</sup>

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида меҳнат низоларини ҳал қилиш тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига қайд этиб ўтилганидек, меҳнат муносабатларидан келиб чиқувчи низолар - **якка ва жамоаларга доир меҳнат низолари** кўринишида намоён бўлади.

Меҳнат кодексининг 259-моддасида **якка меҳнат низолари** – бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиш юзасидан келиб чиққан келишмовчилик сифатида

---

118 Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография – Тошкент, АҚҲМИ, 2008. 261.

таърифланади. Мазкур кодекснинг 281-моддасида эса **жамоаларга доир меҳнат низолари** иш берувчи ва ходимлар жамоалари ўртасида меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ҳамда мавжуд шартларини ўзгартириш, жамоа шартномалари ва келишувлари юзасидан келиб чиққан келишмовчилик тарзида кўрсатилган.

Албатта, меҳнат муносабатлари тарафлари ўртасидаги мавжуд келишмовчилик ва низолар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда уларни ҳал этишга масъул давлат органлари томонидан кўриб чиқилади. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида яққа ва жамоавий меҳнат низоларини ушбу органларга мурожаат қилмасдан туриб ҳам ҳал қилишнинг муқобил усуллари мавжуд. Масалан, Меҳнат кодексининг 280-моддасига кўра меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартиришга оид низолар **судга тааллуқли бўлмасдан**, уларни иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги **музокаралар йўли** билан ҳал этиш мумкин. “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига кўра, касаба уюшмалари, биринчидан, яққа тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади; иккинчидан қонун ҳужжатларининг, жамоа шартномаси, келишуви шартларининг бузилганлиги, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар бўйича жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этади.

Агар ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларда ҳал эта олмаган бўлса, мавжуд келишмовчиликлар корхонада ташкил этиладиган **меҳнат низолари комиссиясида** кўриб чиқилиши имкониятлари Меҳнат кодексининг 263-моддасида белгилаб қўйилган.

Тадқиқотчи Й.Турсуновнинг таъкидлашича, меҳнат низолари комиссияси корхона (ташкilot) ходимлари билан иш берувчи ўртасида юзага келувчи меҳнат ихтилофларини кўриб, ҳал этадиган орган сифатида ходимларнинг ўзлари томонидан ўзаро келишувга кўра ташкил этилади ва низолашаётган тарафларни ўзаро келиштириш, бир-бирларига ён беришга ундаш орқали низони бартараф этиш мақсадини кўзлайди.<sup>119</sup>

Мазкур комиссиянинг ташкил этилиши, таркиби ва ишларни кўриб, ҳал қилиш тартиби ҳамда ваколатлари Меҳнат кодексига белгилаб қўйилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси (2015 йил 12 январдаги 20-66 “с” – сон) билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг (2015 йил 15 январдаги 01-СП-сон) қўшма қарори

119 Турсунов Й. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. “Адолат”. 2015. 805.

билан **“Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар”** тасдиқланган бўлиб, унда комиссияга мурожаат этишдан аввал ходим низони бартараф қилиш юзасидан иш берувчи билан музокара ўтказиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Юқоридаги мисоллардан меҳнат низоларини ҳал этишнинг қайд этилган ҳуқуқий механизмларида **қайсидир маънода яраштирув элементлари** мавжуд эканлигини илғаб олиш мумкин. Бироқ, амалиётда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари меҳнат низоларини кўриб чиқувчи асосий орган бўлиб қолмоқда ва меҳнатга оид келишмовчиликларнинг аксарият қисми судларда ҳал қилинмоқда. Бироқ, судларда меҳнат низолари бўйича ишларни кўришнинг турли босқичларида ФПКнинг 159, 180, 330-моддаларига асосланган ҳолда келишувга эришиш имкониятлари мавжуд бўлса-да, улардан ҳамма вақт ҳам бирдек самарали фойдаланилаёпти деб бўлмайди.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, фикримизча, **“Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- бошқа давлатларнинг масалага дахлдор қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, уларда айнан меҳнат муносабатлари билан боғлиқ низоларни медиация усули билан ҳал қилиш механизмлари нима сабабдан тўлақонли ишламаётганлиги сабаблари таҳлил қилиниши лозим. Масалан, якка меҳнат низолари бўйича яраштирув жараёнларига киришилиб, кейинчалик судга мурожаат қилинганида даъво муддати тўхтатилиши ёки тўхтатилмаслиги масалалари ва шунга ўхшаш бошқа айрим масалалар ҳозиргача қатор давлатлар қонунчилигида ҳал қилинмаган;

- меҳнатга оид низоларни медиация асосида ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунда алоҳида акс эттирилиши, бунда судгача ва бутун суд жараёни босқичларида яраштирув имкониятларидан фойдаланишнинг процессуал механизмлари янада такомиллаштирилиши лозим;

- қонунни қабул қилиш баробарида амалдаги Меҳнат кодексининг меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибларини белгиловчи бобига медиацияга тааллуқли нормаларни киритиш қонундан кўзланган мақсадга эришишга пухта замин яратади, деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, **“Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”**ги қонуннинг қабул қилиниши меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада самарали таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

### **Фуқаролик низоларини судгача ҳал этиш механизмларини белгилаш (медиация) истиқболлари**

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон ва мазкур Фармонга илова сифатида тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури<sup>120</sup> белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, жамиятимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларигаянада кенг кўлам бахш этишни, суд ишларини юритиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш жараёнларида вужудга келаётган муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан мунтазам равишда чуқур тадқиқ этиб боришни, юридик фанлар олдидабу борадакўндаланг турган муаммоларни ҳал қилишнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришни тақозо этди.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда вужудга келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни ўрганадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани олдида ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларда муҳим ўрин тутадиган суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштиришга қаратилган асосий йўналишларини чуқур илмий-назарий таҳлил ҳамда тадқиқ этишдан иборат устувор вазифалар белгиланган.

Шу боис одил судловни амалга оширишда судлар томонидан асосий манба сифатида татбиқ этиладиган фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганиш, қиёсий таҳлиллар асосида хорижий давлатлар қонунчилигини мақбул жиҳатларини аниқлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигига киритиш, суд статистикаси материалларини таққослаш ва таҳлил қилиш асосида мавжуд камчиликлар ва муаммоларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги кун, давр талаби бўлиб қолди. Ушбу мақоламизда фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган айрим масалалар тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги кунда ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий

---

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

вазифаларидан бири судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги судларнинг ролини юксалтириш борасида одил судловни амалга оширувчи судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, суд ишларини юритишда фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларининг асл моҳиятини теран англаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Принциплар фуқаролик процессуал қонунчилиги мазмунига сингдирилган асосий кўрсатмалар сифатида, одатда одил судловни сифатли, тартибли амалга ошириш, фуқаролик процесси иштирокчилари хатти-ҳаракатларини тўғри ўзанга йўналтириш, иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш, қонуний, адолатли ва асослангандир қарор чиқариш вазифаларига хизмат қилади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги шароитида фуқаролик низоларини судгача ҳал этиш тартиб таомилларини белгилаш, ва кенг кўламда қўлланиш замирида камайитириш муддаоси ётади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКда фуқаролик низоларини судгача ҳал этиш тартиблари белгиланмаган, аммо, Ўзбекистон Республикаси ХПКда низоларни судгача ҳал этиш тартиблари белгиланган. Хусусан ХПКнинг 6-моддасида “Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатиш тарафлар юқоридаги чораларни кўрган-кўрмаганликларидан қатъи назар амалга оширилади” деб белгиланган.

Бизнингча, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКга ҳам низоларни судгача ҳал қилиш тартибини киритиш фурсати келди.

Оилавий муносабатлар билан боғлиқ низоларни судгача ҳал қилиш тартиби ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 77-моддасида бобо, буви, ака-ука, опасингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда низони судгача ҳал этиш тартиби белгиланган.

Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қилади. Лекин ота-онанинг боласи билан



кўришиб туриш туртибини белгилашда бундай қоида белгиланмаган. Ушу қонун нормасига ҳам ўзгартириш киритиб ушбу масала юзасидан биринчи навбатда васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат этиш тартибини белгилаш, низони судгача ҳал этиш имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Амалдаги ФПКга Фуқаролик низоларини судгача ҳал этиш механизмларини белгилаш (медиация) киритиш ўз ўрнида судларда кўриладиган низоли ишлар камайишига, низолар юзасидан вақтида, қонуний ва адолатли қарорлар чиқаришга олиб келади.

**Н.А.МИРАХМЕДОВА,**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Олий ўқув курслари ўқитувчиси**

**Янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси:  
прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари**

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонга илова сифатида тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури<sup>121</sup> суд-ҳуқуқ соҳасига оид бошқа қонун ҳужжатлари қатори мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда муҳим омил бўлди.

Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг<sup>122</sup> ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва 2017 йилнинг 13 апрелида матбуотда эълон қилинган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-428-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 27 февраль, 8-сон, 109-модда.

муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш вазифаси белгиланган эди.<sup>123</sup>

Бу ишамалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида амалга ошириладиган бўлди.

Дарҳақиқат, фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишлари, судда фуқаролик ишларини мазмунан кўриш ва ҳал қилиш тартиблари янги таҳрирда қабул қилинадиган Фуқаролик процессуал кодексида батафсил тартибга солинади. Унда, шунингдек фуқаролик процессуал қонунчиликнинг замонавий институтлари, хусусан, иш юритишнинг соддалаштирилган тартиби, тарафлар ўртасида низоларни ўзаро ҳал этиш таомиллари, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорлик масалалари, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ ифода этиш, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг процессдаги ўрни кабиларга эътибор бериш кераклиги юзасидан кўплаб таклиф ва тавсиялар илгари суриб келинмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни тайёрлаш жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, айниқса прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда тутган ўрни ва ҳуқуқий ҳолатини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган мустақил давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига кўра, судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик суд ишларининг юритилишида прокурор ваколатлари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат, жамоат ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғида белгиланган ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор ваколатини самарали таъминлаш,

<sup>123</sup> “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-428-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи. 2017. 13 апрель.

прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар юзасидан суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, ғайриқонуний суд қарорларини шу босқичда қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш, қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлигини аризаларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонун бузилишларни бартараф этишга йўналтирилади.

Прокурорнинг судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш функцияси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 46-моддасида ҳам мустақамланган бўлиб, унга кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурор иштирокининг шакллари, асослари ва унинг ҳуқуқий ҳолатига доир нормаларни такомиллаштириш мақсадида бу борада хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизнинг амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорлар учун фуқаролик ишини қўзғатиш мақсадида судга ариза билан мурожаат этиш борасида чекловлар назарда тутилмаган. Бироқ хорижий давлатлар қонунчилигининг ривожланиш тамойиллари, миллий қонунчилик амалиёти ҳамда юридик адабиётларда олимлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар таҳлили шундан далолат берадики, фуқаролик процессида прокурорнинг ўрни ва унинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаб қўйиш тақозо этилмоқда. Айниқса, прокурор томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш жараёнида кўплаб баҳс-мунозаралар учрайди. Хусусан, айрим олимларнинг фикрича, прокурорнинг судда фуқаролик ишларини қўзғатиш бўйича ваколатлари доираси белгиланмаганлиги судда ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳолатларининг кўпайишига, суд процесларида тарафлар фойдаланадиган эркин ҳуқуқ принциплари у ёки бу даражада чекланишига олиб келиши мумкин.<sup>124</sup>

Аммо баъзи олимлар прокурор ҳар доим фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бу прокурор ваколатининг ажралмас элементи эканлигини таъкидлайдилар.<sup>125</sup> А.Ю.Рожков ўз асарида фуқаролик процессуал қонунчиликда прокурорнинг роли ва процессуал ҳуқуқий ҳолати етарлича аниқ белгилаб берилмаганлигини, ваҳоланки, ушбу муаммонинг ҳал этилиши назарий аҳамият касб этишидан ташқари фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий моҳиятини тўғри тушунишга,

<sup>124</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚҲМИ. - 2008. -16 б.

<sup>125</sup> Қаранг: Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. –М.: МГУ, 1991. -91 с.

унинг процесс бошқа иштирокчилари билан бўладиган ўзаро муносабатлари хусусиятини ҳамда процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мазмунини аниқлашга хизмат қилишини айтади.<sup>126</sup>

Прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судда иштирок этиш тамойилини континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар қонунчилигида кўплаб учратиш мумкин. Ушбу давлатлар қонунчилигида белгиланишича, прокурор оммавий манфаатларни, яъни “давлат, жамият манфаатлари, шунингдек алоҳида ижтимоий тоифадаги шахслар манфаатини”<sup>127</sup> ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларида иштирок этади.

Европа давлатлари аксариятида прокурорнинг фуқаролик процесидан четлатиш тамойили кузатилмоқда. Ғарбий Европанинг аксарият давлатларида ва АҚШда прокурорлар оммавий ва давлат манфаатларини, Франция ва Италияда эса бошқа шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадидагина судга даъво тақдим эта олади.

Сўнги йилларда континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар қонунчилигида прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги функциясини қисқартириш кузатилмоқда. Масалан, Германияда айрим тоифадаги фуқаролик ишларидагина прокурор иштирокига йўл қўйилади.<sup>128</sup> 1998 йилнинг 1 июлидан эътиборан Германияда прокуратура фуқаролик ишларининг, шу жумладан оилавий ишларнинг кўрилишида иштирок этмаяпти.

Хорижий давлатлар умумий ҳуқуқ тизимида прокуратура қонунийликни ёки одил судловни амалга ошириш жараёнида адолатлиликни таъминлашни кафолатловчи орган сифатида расман тан олинмайди. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги функцияси оммавий манфаатларни ҳимоя қилувчи вакиллик органларининг функцияси билан ўзаро мос келади. Мазкур тизимда прокурорнинг фуқаролик ишларини судда кўрилишида иштирок этиш шакли сифатида унинг давлат номидан даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этишини кўрсатиш мумкин. Масалан, АҚШда прокуратура хизмати атторней хизмати деб номланади ва давлат атторней хизматида федерация даражасида Бош атторней – Адлия вазири (U.S. Department of Justice) раҳбарлик қилади.<sup>129</sup> Унинг асосий вазифаси судларда АҚШ Ҳукуматининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.<sup>130</sup>

АҚШда атторнейлик хизмати судларда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жарима ундириш тўғрисидаги ишлар кўрилишида

<sup>126</sup> Қаранг: Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, №2, 2014. -58 с.

<sup>127</sup> Қаранг: Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учеб. пособие. –М., 2005.-108 с.

<sup>128</sup> Қаранг: Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. М., 2000. -89 с.

<sup>129</sup> Қаранг: Раевский П.А., Пархоменко С.А. Организация правоохранительной системы в некоторых федеративных странах мира // Информационно-справочные материалы. <https://komitetgi.ru/upload/iblock/538/538b9dcf40eca849375fa5f15da10d26.pdf>

<sup>130</sup> Қаранг: Карпова Е. Модели прокуратуры в зарубежных странах // Закон и жизнь, 2012. №3. -52 с. <http://www.legeasiviata.in.ua/archive/2012/3/09.pdf>

даъвогар сифатида иштирок этса-да, солиқ тўловчиларнинг берган даъвоси бўйича бошланган ишларга жавобгар сифатида жалб этилади.<sup>131</sup>

Атторнейлик хизмати АҚШда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахслари ва хатто оддий хизматчиларидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ушбу хизмат судларда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Хусусан, АҚШ қонунчилигига кўра атторнейлар судга ҳаво, сув ва сув сатҳининг ифлосланишидан муҳофаза қилиш, шовқинларни назорат қилиш, хавфли юкларни транспортда ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ даъволарни тақдим этиш (ёки махсус муассасалар ёки хусусий шахсларнинг бу тўғридаги талабларини қўллаб-қувватлаш) ҳуқуқига эга.<sup>132</sup>

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасида ҳам прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштироки, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий фаолият соҳасида прокурор ваколатларини чеклаш тамойили кузатилмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига кўра, агар фуқаро соғлиғи, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра судга ўзи шахсан мурожаат қила олмасагина ариза прокурор томонидан тақдим этилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>133</sup> Шу ўринда россиялик ҳуқуқшунос олимлар мазкур қонундан шарҳлаб, фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги прокурор аризасида фуқаронинг ўзи судга мурожаат қила олмаслигини асословчи ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Кодексда фуқаронинг судга шахсан ўзи мурожаат қила олмаслигининг узрли сабаблари белгиланган рўйхатнинг мавжуд эмаслиги прокурорнинг даъво аризани тайёрлаш жараёнида қонуннинг юқоридаги талабларини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди. Мазкур ҳолатларнинг узрли ёки узрсиз эканлигини баҳолаш ҳуқуқи судларга берилган бўлиб, прокурор томонидан қонуннинг ушбу талабига риоя қилмаслик унинг аризасини суд томонидан ҳаракатсиз қолдирилишига олиб келади деб таъкидлайдилар.<sup>134</sup>

Бироқ Россия Федерацияси ФПКни ривожлантиришнинг кейинги босқичларида ушбу чекловларга қайси ҳолатларда йўл қўйилмаслиги

<sup>131</sup> Қаранг: Томилов Ю.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве: проблемы определения границ участия. - 71 с.

<sup>132</sup> Қаранг: Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учеб. пособие. –М., 2005. –С. 110-111.

<sup>133</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 18.11.2002, №46, ст. 4532.

<sup>134</sup> Қаранг: Тихонова Ю.В. К вопросу о процессуальном положении прокурора как участника гражданского процесса // Юридический аналитический журнал. 2003. № 2. -84 с.; Садовщикова А.И. Участие прокурора в гражданском процессе, для защиты прав и интересов других лиц // Право: Теория и Практика. 2003, № 4.; Ярыгин А.Ю. К вопросу о правовых возможностях прокурора в гражданском судопроизводстве. //Право:Теория и Практика. 2003. №16.

ҳақида норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига 2009 йилнинг 5 апрелида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан юқоридаги чекловлар фуқаро ўзининг бузилган ёки низолашилаётган меҳнат (хизмат) муносабатлари ва бевосита у билан боғлиқ муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ҳуқуқларини; оилани, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳимоя, шу жумладан ижтимоий таъминот, давлат ва муниципал уй-жой фондларида турар-жойга нисбатан бўлган ҳуқуқларни таъминлаш; соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий ёрдам ҳуқуқи; қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқ; таълим олишга бўлган ҳуқуқни таъминлаш мақсадида қилинган мурожаатларга асосланиб киритилган прокурорнинг аризасига нисбатан татбиқ этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.<sup>135</sup>

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 54-моддасида прокурорнинг биринчи инстанция судида иштирок этишининг қуйидаги шакллари ўз ифодасини топган:

- прокурор процессда қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш мақсадида иш юзасидан хулоса бериш учун иштирок этади;

- прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ташкилотлар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси юзасидан судга даъво, ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Номуайян шахслар доирасининг меҳнат, уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, шунингдек муомалага лаёқатсиз фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъволар прокурор томонидан манфаатдор шахснинг илтимоси ва аризасидан қатъи назар берилиши мумкин.

Айрим тоифадаги ишларда прокурорнинг судда иштироки қонунчилик мажбурий қилиб белгилаган. Буларга давлат манфаат-ларига дахлдор ишлар, ўз ҳуқуқларини мустақил равишда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар, шунингдек прокурор иштироки суд ёки про-курор томонидан зарур деб топилган ҳоллар шулар жумласидандир.<sup>136</sup>

Хорижий давлатларнинг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият давлатлар қонунчилигида прокурорга номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи берилган. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати

<sup>135</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 18.11.2002, №46, ст. 4532.

<sup>136</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.02.2017 г.) Источник: ИС Параграф WWW <http://online.zakon.kz>

назарда тутилган бўлса-да, бироқ номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Шунингдек ҳозирги кунда мамлакатимиз юридик адабиётларида ва миллий қонунчилигимизда “номуайян шахслар доираси”, “номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари” тушунчаси хусусида аниқ таърифлар мавжуд эмас.

Миллий қонунчилигимизда, масалан, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Худди шундай ваколат мазкур Қонуннинг 24-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органларининг истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларида ҳам ўз ифодасини топган.<sup>137</sup> Бироқ мазкур Қонунда ҳам номуайян шахслар доираси деганда қандай шахслар тушунилишига аниқ таъриф берилмаган. Бу эса ўз навбатида ушбу идоралар томонидан судга даъво тақдим этиш жараёнида муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддасига кўра, судга тақдим этилаётган аризаларда (даъво аризаси ва шикоятларда) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги ва манзили билан боғлиқ маълумотлар бўлиши талаб этилади. Мазкур модданинг учинчи қисмида айтилишича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим. ФПКнинг 154-моддасида кўрсатилишича, судья ариза ушбу моддада баён этилган талабларга риоя қилинмай берилганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Бир сўз билан айтганда, прокурор томонидан номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш механизмлари, ишлаб чиқиладиган янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига батафсил тартибга солиниши лозим. Мазкур қонуннинг

---

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-1-сонли Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон, 59-модда.

қонунчиликка киритилиши ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашни кўшимча кафолатлаш вазифасини бажаради.

Қолаверса, янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексида прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ташкилотлар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси юзасидан судга даъво, ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги, номуайян шахслар доирасининг меҳнат, уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, шунингдек муомалага лаёқатсиз фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъволар прокурор томонидан манфаатдор шахснинг илтимоси ва аризасидан қатъи назар берилиши мумкинлиги ҳақидаги нормалар белгиланиши таклиф қилинади.

Судга даъво аризаси, ариза тақдим этган прокурор тарафларнинг айрим ҳуқуқларидан, хусусан, низоларни медиация тартибда ўзаро ҳал этиш бўйича келишув тузиш каби ҳуқуқларидан фойдаланмаслиги ҳақидаги нормалар ҳам янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексига киритилиши керак. Қолаверса, прокурорнинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган ўз аризасидан воз кечиши, бу шахсни суддан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси талабларидан келиб чиқиб давлат божи тўлаганидан кейин ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмаслиги ҳақидаги нормаларни киритиш лозим. Даъвогар прокурор томонидан тақдим этилган даъвони қўллаб-қувватламаса, бу ҳол, агар учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилмаса, суд даъво аризасини (аризани) кўрмасдан қолдириши назарда тутилиши таклиф қилинади.

**Х.ХАКИМОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти**  
**Фарғона туманлараро суди судьяси**

### **Фуқаролик процессида даъво ишларини соддалаштирилган тартибда ишларни кўриш**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган тарихан қисқа вақт ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик асослари яратилди.



Одил судлов самарадорлигини янада ошириш фуқаролик процесуал ҳуқуқининг бугунги долзарб масалаларидандир. Фуқаролик процесуал кодексининг 4-моддасида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ўз вақтида ҳимоя қилиш эса суд ишларини юритишни соддалаштиришга бевосита боғлиқдир.

Айни пайтда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш долзарб аҳамиятгаэга. Зеро, фуқаролик процессида судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш мақсадида суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процесуал шаклларини ишлаб чиқиш фуқаролик процесуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидандир.<sup>138</sup>

Мамлакатимизда фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш процесуал қонун ҳужжатлари ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг айрим институтларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизми самарадорлигини ошириш мақсадида айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқишнинг янги, бирмунча соддалаштирилган процесуал тартибларини босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида фуқаролик процессида тарафларни ўзаро муроасага келтирадиган, яраштирадиган, ишнинг хусусияти ва турига қараб, махсус соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомиллар кенг жорий этилмоқда. Хусусан, Германияда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш нафақат судьялар сонини кўпайтириш орқали, балки суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини кенг жорий этиш орқали ҳал этиш мақбул усуллардан саналади. Шу боис Германия қонунчилигида фуқаролик процессини соддалаштириш бўйича бир неча марта жиддий ислоҳ қилинган ва пировардида “Соддалаштириш, жадаллаштириш ва судьялар юкламалари бўйича қонунлар тўплами” деб номланган алоҳида қонун қабул қилинган. Германия фуқаролик ироцессида соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритиш қуйидагиларда намоён бўлади:

- суд буйруқлари, яъни "мажбур қиладиган" иш юритиш;
- ҳужжатли (докумантар) иш юритиш;

<sup>138</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Қўчқоров Х.А. Соддалаштирилган суд ишларини юритиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси // “Фуқаролик суд ишларини юритишга оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари тўплами // -Тошкент: “Adabiyot uchqunlari”. 2015. – Б. 144-160.

— келиштирувчи судларда иш юритиш.

Германия фуқаролик ироцессида ҳуқуқни самарали ҳимоя қилишнинг воситаси сифатида “мажбур қиладиган” қарорнинг чиқарилишига ёки бошқача айтганда, суд буйруғи чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Муқаддам мазкур қарор “тўлов ҳақида буйруқ” деб ҳам аталган. Мажбур қиладиган иш юритишнинг асосий вазифаси судда ишни кўрмасдан туриб, ижро ҳужжатини олиш ҳисобланади. Бундай тартибда иш юритишнинг асосий шarti қарздор томонидан ўз зиммасидаги мажбуриятнинг белгиланган муддатларда бажарилмаслигидир. Талабнинг суммасидан қатъи назар, аризалар ундирувчининг яшаш жойидаги судга тақдим этилади. Икки ҳафта муддат ичида қарздор қарзини тўлаши ёки бу масала бўйича ўз эътирозларини судга тақдим этиши шарт бўлади. Агар ушбу муддат ичида қарздордан эътироз келиб тушмаса, суд ундирувчи талабларининг асосли эканлигини текширмайди ва суд буйруғини чиқаради. Талабнинг низосиз эканлиги қарздор томонидан белгиланган муддатда ундирувчининг талабларига қарши эътироз билдирилмаганида ва ишни одатдаги жараёнда кўришни талаб қилмаслигида кўринади. Бу эса қарздор томонидан ортиқча суд харажатларини тўлаш мажбуриятини камайтиради. Бундан ташқари, қонунда қарздорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган, хусусан, қарздор ишни одатдаги тартиб-таомиллар асосида кўришни талаб қилиши ва ушбу жараёнда ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам мажбур қиладиган иш юритиш ишни судда кўришдан аввалги босқич деб юритилади. Шунингдек, Германия суд тизимида фуқаролик ишларини юритиш тамойиллари сирасига суд жараёнларини тезлаштириш ва соддалаштириш ҳам кириши белгиланган. Мазкур тамойил қонунда белгиланган судда фуқаролик ишларини кўриш вақтини қисқартиришни назарда тутадиган чоралар орқали таъминланади. Жумладан, фуқаролик иши судда тез ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, ҳал этилиши учун ушбу иш суд мажлисига қадар пухта тайёргарликдан ўтади. Зеро, Германия фуқаролик процессуал қонунчилигида суд муҳокамасини имкон қадар қисқа муддатда олиб бориш ҳақида меъёр мустаҳкамлаб қўйилган. Суд ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича талаб қилинадиган барча процессуал ҳаракатларни ўз вақтида ўтказиш ва тарафларга иш бўйича ўз позицияларини аниқлаб олиш ҳамда гувоҳлар, экспертларни жалб қилиш, шунингдек бошқа шахслардан ёзма далилларни талаб қилиб олиш юзасидан ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида, тарафлар ҳам процессуал воситаларни ўз вақтида судга тақдим этиши лозим, акс ҳолда, ушбу далиллар суд томонидан рад қилиниши мумкин. Айтиш керакки, XX асрнинг охирида инглиз фуқаролик процессига жорий этилган муҳим янгиликларидан бири — ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессгача бўлган ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратиш ҳисобланади. Шунингдек, Францияда ҳам фуқаролик суд

ишларини юритишни оптималлаштириш, аввало, судлар томонидан тарафларни ўзаро келиштириш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилаётганида кўринади. Жумладан, Франция судларида келишув бўлими ва судлов бўлими ташкил этилганини алоҳида қайд этиш керак. Судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва бу низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иш кўришнинг муҳим процессуал хусусиятлари сифатида ушбу босқичда иккала томондан сайланган судьяларнинг иштирок этишини эътироф этиш жоиз. Ушбу босқичда ҳар икки судья тарафларни ишни келишув асосида тугатишга даъват этади. Ўз навбатида, келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлар асосида келишув битими тузишида ўз ифодасини топади. Фуқаролик иши юзасидан тузилган келишув битимини расмийлаштиришда эса, соддалаштирилган усулнинг қўлланилиши алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб қилинмайди ҳамда ишдаги далиллар суд томонидан текширилиб, баҳоланмайди. Шунингдек, тарафлар тузган келишув битими суд ҳал қилув қарори сингари қонуний кучга эга бўлган баённома орқали расмийлаштирилади. Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирда иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади.

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш деганда, фуқаролик ишларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўриш ва ҳал этишнинг махсус шакли тушунилиши керак. Дарҳақиқат, соддалаштирилган таомиллар фуқаролик-процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлмоғи лозим. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, айрим фуқаролик ишларининг ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг янги процессуал тартибларини босқичма-босқич жорий қилиш тақозо этилмоқда. Бундай янги процессуал тартибнинг жорий этилиши суд амалиётида фуқаролик ишларининг йилдан-йилга ортиб бориши, судьялар иш юктамалари кўпайишининг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг суд орқали ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари таъминланишини кучайтириш заруратидан келиб чиқади.

Шу боисдан, мамлакатимизда амал қилаётган фуқаролик процессуал қонунчилигимизда даъво ишларини соддалаштирилган тартибда кўришни жорий этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Мисол тариқасида кўрадиган бўлсак, даъвогар томонидан судга кредит шартномаси бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво талаби билан мурожаат қилинган бўлса, жавобгар ушбу даъво аризани талабларини тан олган тақдирда тарафларга келишув битими тузиш таклиф қилинади. Мазкур келишув битими асосан даъво аризада

кўрсатилган қарздорликни ундириш масаласи юзасидан тарафларнинг ўзаро келишув шартлари келтирилиб, ушбу келишув битими асосида суд ижрочилар бўлимига ижро варақаси юборилади.

Шунингдек, даъвогар томонидан судга қарздорликни ундириш борасида даъво ариза берилган бўлса, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафлар ўртасидаги низо нотариал тартибда тасдиқланган қарз шартномаси бўйича даъво ариза берилишига сабабчи бўлган бўлса, бундай ҳолатда суд томонидан даъвогарга қарз шартномаси асосида алоҳида тартибда қарздорликни ундириш борасида суд буйруғи чиқариш юзасидан ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига доир қонунчилик асосларининг шаклланиши ва мунтазам такомиллаштириб борилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартаботни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам, аввало, фуқароларнинг Ўзбекистон Конституцияси ва шу асосда қабул қилинган қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдан иборатдир.

**Г.МАМАРАИМОВА,**

**ТДЮУ “Фуқаролик процессуал ва  
хўжалик процессуал ҳуқуқи” кафедраси  
ўқитувчиси**

### **Оталикка эътироз билан боғлиқ ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари**

Маълумки, инсон ҳаётида насл-насаб масаласи энг муҳим шахсий масалалардан ҳисобланади. Насл-насаб шахснинг жамиятдаги мавқеига, халқ орасидаги обрў-эътиборига, қолаверса оила ришталарини пухталаш масалаларига бевосита таъсир қилувчи омиллардан бири ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг учинчи бўлими қонқариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилашга бағишланган нормалардан иборатдир. Мазкур бўлимнинг болаларнинг насл-насабини белгилаш масалалари қамраб олинган ўнинчи боби боланинг насл-насабини белгиловчи асослар, шунингдек насл-насабни суд тартибида белгилаш масалаларига бағишланган. Мазкур бўлимнинг 63-моддасида оталик (оналик) тўғрисидаги эътирозга оид норма мужассам.

Мазкур нормада моҳиятан туғилишни қайд этиш дафтаридаги отаси ёки онаси деб ёзилган шахснинг ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдириш ҳуқуқи назарда тутилган. Мазкур норма шунчаки ёзувга эътироз билдириш тўғрисида эмас, балки инсоннинг насл-насаб тўғрисидаги эътирозга бағишлангандир. Чунки, туғилишни ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади<sup>139</sup>. Лекин, никоҳдан бўлмаган онадан бола туғилган тақдирда ота-онанинг биргалиқдаги аризаси ва оталикни белгилаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бўлмаса, туғилишни ёзув дафтарида отанинг фамилияси онанинг фамилияси бўйича, отага тегишли қисм, яъни отасининг исми ва миллати – она кўрсатмаси бўйича ёзилишига йўл қўйилади<sup>140</sup>. Туғилишни қайд этиш дафтаридаги оталикни белгиловчи юридик факт ҳисобланувчи ота устундаги ёзувларнинг мазкур усулда тўлдирилиши оталикни белгиламайди. Демак, мазкур ҳолатни истисно этганда, туғилишни қайд этиш дафтаридаги ота устунда кўрсатилган шахс юридик жиҳатдан мазкур шахснинг отаси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, туғилишни қайд этиш дафтаридаги ёзувга эътироз билдириш аслида оталик тўғрисида эътироз билдириш демақдир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 63-моддасини шарҳлайдиган бўлсак, боланинг отаси ёки онаси деб туғилиш дафтарида ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс ўн саккиз ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Шу ўринда мазкур нормани турли жиҳатлардан таҳлил қилиб кўрамиз. Биринчидан, миллий қонунчилигимиздаги мазкур норма бўйича оталикка эътирозни фақатгина боланинг туғилиши қайд этилган дафтарда ота ва она устунда кўрсатилган шахсларгина билдириши мумкин. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 62-моддаси учинчи қисмида агар никоҳ туганидан кейин бола уч юз кун ичида туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиши мумкинлиги белгилаб қўйилган, айтайлик, боланинг онаси олдинги никоҳи тугатилганидан кейин уч юз кун ичида янги никоҳга киришса ва бола ана шу муддат ичида туғилса, у янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бунда боланинг туғилишини қайд этишда ота-онаси никоҳда бўлган боланинг туғилишини қайд этиш тўғрисидаги қоидаларқўлланилиб, боланинг туғилишини қайд

<sup>139</sup>Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2016. 63-модда.

<sup>140</sup>Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2016. 207-модда.

этиш мумкин.<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 207-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ўзаро никоҳда бўлган ота ва онадан бирининг аризасига кўра туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида улар боланинг ота-онаси деб ёзилади. Мазкур ҳолатда боланинг юридик жиҳатдан отаси бола онасининг янги никоҳидаги эри ҳисобланади.

Бундай вазиятда бола онасининг тугатилган никоҳи бўйича собиқ эри ва унинг оила аъзолари боланинг насл-насаби тўғрисида низолашиши мумкинлиги қонунда назарда тутилганлигини юқорида таъкидлаб ўтгандик. Лекин қандай қилиб Оталикни белгилаш тўғрисида ариза бериш йўли биланми? Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандииккинчи хатбошисида боланинг отаси тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан амалга оширилган ёзув бола унда кўрсатилган шахсдан келиб чиққанлигини тасдиқловчи далил ҳисобланиши туфайли, туғилиш тўғрисидаги далолатнома ёзувида Оила кодекси 207-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ боланинг отаси сифатида бошқа шахс кўрсатилган таъдирда суд оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиши айтилган. Демак собиқ эр ва унинг оила аъзолари боланинг насл-насаби бўйича оталикни белгилаш тартибида низолашиша олмайди, шунингдек, оталликка эътироз билдирувчи субъектлар доирасига кирмагани сабабли, мазкур бола онасининг янги никоҳи бўйича белгиланган оталikka ҳам эътироз билдира олишмайди.

Хулоса шуки, никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Гарчи бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онасида боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқи бўлса—да, қонунда уни амалга ошириш тартиби аниқ белгиланган эмас.

Шу ўринда мазкур вазиятни бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Мисол учун Украина Оила кодексининг “Она, ота ва бола ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланган учинчи бўлимнинг 128-129-моддалари оталикни тан олишга бағишланган бўлиб, бунда ўзини боланинг отасиман деб ҳисоблаётган шахс (биологик ота) боланинг туғилиш тўғрисидаги қайдда кўрсатилган отаси (юридик жиҳатдан ота) билан низолашиши, бинобарин оталикни тан олиш даъвоси билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бунда, даъво муддати бир йил бўлиб, у муддатоталигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ўта бошлайди. Оталикни тан олиш Украина Оила кодексининг 128-моддасига асосан суд тартибида амалга оширилади.

---

<sup>141</sup>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг IV бўлими 1-параграфи // [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3064981](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3064981)

Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг “Оила ҳуқуқи” деб номланган тўртинчи китобда мазкур масала бир оз бошқача усулда ҳал қилинган. Мазкур китобнинг 2-сарлавҳаси(қисми) “Аждод” деб номланади ва бунда боланинг келиб чиқиши, унинг аждодларини белгилаш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган. Жумладан, ушбу қисм оналик<sup>142</sup>, оталик<sup>143</sup>, эрнинг ўлими ва никоҳнинг тугатилишидан кейин туғилган боланинг оталиги<sup>144</sup>, оталикни тан олиш<sup>145</sup>, оталикни тан олганликни тасдиқлаш, шунингдек, оталикка эътироз<sup>146</sup>, оталикка эътироз билдириш муддатлари ва бошқа масаларни қамраб олган. Мазкур нормаларни таҳлил қиладиган бўлсак, Германия қонунчилиги бўйича ота, она, ўзини боланинг отасиман деб ҳисоблаётган шахс, боланинг ўзи ва вакил оталикка эътироз билдириш ваколатига эга<sup>147</sup>. Юқоридагилар намунасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ҳам оталикни тан олиш тушунчасини аниқлаштириш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Украина Оила кодексига оталикни тан олиш боланинг онаси розилиги билан амалга оширилади. Миллий қонунчилигимизда ҳам бизда қадим-қадимдан оила муқаддас ҳисоблаб келинганлигини ҳам инобатга олган ҳолда ҳар қандан бола, жумладан инсон ўз насл-насабини билишга ҳақлилигидан келиб чиқиб, мазкур тушунчанинг юридик мақомини белгилаш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, миллий қонунчилигимизга мувофиқ, туғилиш дафтарига боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида суд тартибига оталикка эътироз билдиришга ҳақли<sup>148</sup>. Мазкур нормада ёзувни билганидан ва билиши лозим бўлган кундан эътиборан бир йил ичида оталикка эътироз билдириш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Ваҳоланки мазкур норма шунчаки қайдга эмас, балки насл-насбга эътирозни назарда тутаётганини юқорироқда таъкидлаб ўтгандик. Шундан келиб чиқиб, балки ёзувни билган кундан эмас, балки насл-насбга нисбатан шубҳа пайдо бўлганидан бошлаб муддатнинг ўта бошлашини белгилаш маъқулдир деб ҳисоблаймиз. Зеро, йиллар ўтиши давомида отада, онада ёхуд боланинг ўзида эътироз пайдо бўлиши мумкин ёхуд муайян масалалар ойдинлашиши мумкин.

---

<sup>142</sup>Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи деб номланган китоб1591-параграфи.

<sup>143</sup>Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи деб номланган китоб1592- параграфи.

<sup>144</sup>Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи деб номланган китоб1593- параграфи.

<sup>145</sup>Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи деб номланган китоб1594- параграфи.

<sup>146</sup>Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи деб номланган китоб1600- параграфи.

<sup>147</sup>Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг тўртинчи Оила ҳуқуқи деб номланган китоб1600- а-параграфи.

<sup>148</sup>Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 63-моддаси 2-қисми.

Шу ўринда бошқа мамлакатларнинг оталикка (оналикка) эътироз билдириш муддатлари ва уларнинг бошланиш марраларини таҳлил қиламиз. Мисол учун Украина Оила кодексининг 129-моддасига асосан болани отасиман деб ҳисоблаётган шахс боланинг отаси эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида, боланинг онаси боланинг оталигига эътирозни бола туғилиш қайд этилгандан бошлаб бир йил давомида бериши мукинлиги, Германия Фуқаролик кодексининг тўртинчи китоби 1600-б-параграфига мувофиқ, ўзини боланинг отасиман деб ҳисоблаётган шахс оталигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб икки йил давомида судга мурожаат қилиши мумкин. Туркманистон Оила кодексига эса оталикка эътироз билдириш муддати белгиланмаган. Демак, мазкур мамлакатларнинг оила қонунчилигидаги ижобий жиҳатлардан келиб чиқиб биз ҳам миллий қонунчилигимиздаги оталикка эътироз билдириш муддатларини қайта кўриб чиқмоғимиз лозим.

Учинчидан, оталикка (оналикка) эътироз фақат суд тартибида амалга оширилиши белгиланган<sup>149</sup>. Лекин, ҳаётда шундай вазиятлар ҳам бўладики, оталикка (оналикка) эътироз билдиришда тарафлар ўртасида умуман низо мавжуд бўлмайди. Мисол учун, 2016 йилда фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Касби туманлараро суди судьяси томонидан даъвогар А.нинг жавобгар Б.га нисбатан оталикка эътироз билдириб берган даъво аризаси бўйича фуқаролик суд иши кўриб, ҳал қилинган. Иш мазмунидан кўринишича А. билан Б. 1998 йил турмуш қуриб, қонуний никоҳдан ўтишган. Даъвогар А. жавобгар Б. билан характерлари келишмаслиги сабабли 2011 йилдан эътиборан бирга яшамаган, ўшанда буён ва ҳозиргача иккала тараф ҳам бошқа билан шаръий никоҳ асосида яшаб келишган. Жавобгар Б. шарий никоҳи бўйича эридан 2015 йил фарзанд кўрган. Даъвогар А. ва Б. нинг қонуний никоҳи шу пайтгача бекор қилинмаганлиги сабабли бу боланинг туғилиш гувоҳномасида отаси деган жойга даъвогар А.нинг исми, фамилияси ва ота исми қайд этилган. Жавобгар ҳам бу боланинг даъвогар А. отаси эмаслигини тан олган. Суддан иккила тараф ҳам даъвони қаноатлантиришни сўраган. Суд ҳам тарафларни эътирози бўлмаганлиги, даъво жавобгар томонидан тан олинганлиги сабабли мазкур фуқаролик ишини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган<sup>150</sup>.

Мазкур суд ишини таҳлил қилиш орқали шуни айтмоқчимизки, агар оталикка эътироз бўйича ўртада ҳеч қандай низо бўлмаса, боланинг туғилишини қайд этиш дафтарида кўрсатилган шахс боланинг отаси эмаслигини боланинг онаси ҳам тан олса, балки оталикка эътироз билдиришни суд тартибида эмас, балки ФХДЁ органларига мурожаат қилиш орқали амалга ошириш мумкинлиги масаласини ҳам қайта кўриб

<sup>149</sup>Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2016. 63-моддаси иккинчи қисми.

<sup>150</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Тошкент давлат юридик университетининг 2017 йил 20 январдаги 09/100-30-сонли хатига жавобан йўллаган суд амалиёти материаллари.



чиқсак, ёмон бўлмасди. Сабаби судларда иш юритишнинг ўзига яраша шартлари мавжуд, биринчидан, даъво ишларини кўриш муаяйн муддатни талаб қилади. Агар оталикка эътироз билдириш бўйича боланинг ота-онаси ўртасида низо бўлмаса, балкибунни соддалаштирилган тартибда, қисқа муддаларда ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилиши бир мунча қулайроқ деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, боланинг насл-насабини белгилаш билан боғлиқ оталикка (оналикка) эътироз билдириш тўғрисидаги низоларни фуқаролик суд ишлари тартибида кўришда инсоннинг, жумладан боланинг шахси, шаъни, қадр-қиммати билан боғлиқ, шунингдек махфийлик хусусиятидаги бошқа маълумотлар кўриб чиқилади. Судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришда шахснинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини, процесс иштирокчилари талаб қилмаса ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 10-моддаси, яъни ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотларнинг ошкор бўлишига йўл қўймаслик талабидан келиб чиқиб, мустақил равишда амалга оширишлари лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда, улар ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриш ташаббуси билан чиқиб, бу хусусида асослангирган ажрим чиқармоқлари лозим. Ёхуд амалдаги Фуқаролик процессуал кодексимизнинг 10-моддаси иккинчи қисмини қуйдагича янги таҳрирда қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз: “Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек фарзандликка олиш сири, ёзишмалар сири ва *оталикка эътироз сири* сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослангирлан ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади.

Қолаверса, ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида қонунчиликда аниқ кўрсатма мавжуд бўлмаганлиги сабабли, мазкур турдаги ишлар одатда амалиётда очиқ суд мажлисларида кўриб ҳал қилинмоқда<sup>151</sup>. Юқоридагилардан келиб чиқиб, боланинг насл-насабини белгилаш билан боғлиқ, жумладан оталикни белгилаш, оталик фактини белгилаш, оталикка эътироз билдириш тўғрисидаги фуқаролик суд ишлари ёпиқ суд мажлисида кўрилиши лозимлиги тўғрисидаги норма фуқаролик процессуал қонунчилигимизга киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

---

<sup>151</sup>Қаранг: Правосудие в отношении несовершеннолетних: анализ законодательства и судебной практики Республики Узбекистан. –Тошкент, UNISEF, 2016. 108-бет.

### **Фуқаролик процессида келишув битимитузиш тартиби ва уни такомиллаштириш масалалари**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра ҳар бир шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига ва суд томонидан ўз ҳуқуқларини суд тартибида тиклаш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик процессида келишув битими — тарафларнинг, учинчи шахсларнинг низолашилаётган маълум моддий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган эрқлари ифодаланган ва битим тузаётган шахсларнинг ихтиёрий розилиги билан боғлиқ, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлиб, шахсларнинг бир – бирларига билдирилиши лозим бўлган бундай эрк битимида ёзма изҳор қилинади.

Келишув битими тарафларни муросага келтириш ва низоларни самарали ҳал қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, суд мажлисида, шунингдек суддан ташқарида ҳам, ижро босқичида ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 180-моддаси талабига кўра, тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилиши ва тегишлича даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланиши лозим.

Агар тарафлар иш бўйича келишув битими тузишга рози бўлсалар, суд битимни тузиш сабабларини аниқлаши лозим. Сабаби, келишув битими ғайриқонуний бўлмаслиги, тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузишга қаратилмаслиги керак. Масалан, оталикни белгилаш ҳақидаги фуқаролик ишларида судлар оталикни белгилашга доир масалалар юзасидан тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашлари мумкин эмас. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги “Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларни татбиқ этилиши тўғрисида”ги қарорининг 10-бандида оталикни белгилаш ҳақидаги ишлар юзасидан судлар келишув битимини тасдиқлашлари мумкин эмаслиги таъкидланган, чунки оталикни белгилашнинг шартлари ва тартиблари қонун билан белгилаб қўйилган.

Келишув битими тузилганидан ва тасдиқланганидан кейин тарафлар иш қўзғатишга, суд эса худди шу ишни қайта кўришга ҳақли эмас. Тарафларнинг ўз хоҳишлари билан тузилган келишув битими суднинг ҳал қилув қарори кучига эга бўлади.

Битим низо бўйича ҳар қандай инстанцияда ҳал қилув қарори чиқарулгунга қадар, суд жараёнининг исталган босқичида тузилиши мумкин. Бунда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан қатъи назар, тарафлар апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида, шунингдек ижро ишини юритишда низони келишув билан тугатишлари мумкинлиги келиб чиқади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, тарафларнинг келишув битимига эришиши улар томонидан ёзма равишда расмийлаштирилади. Даъвогар ва жавобгар унинг тарафлари бўлишлари мумкин. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс (шахслар) ҳам келишув битимининг иштирокчиси бўлиши мумкин, чунки у (улар) даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Шунинг эътиборга олиш лозимки, ишончномада махсус назарда тутилган бўлсагина тарафларнинг вакиллари келишув битими тузишлари мумкин.

Меҳнат ишлари бўйича келишув битими тузилиши борасида шунинг айтиш мумкинки, даъвогар даъводан ҳар қачон воз кечишга ҳақли бўлгани тўғрисида меҳнат ишининг судда кўрилиши келишув битими билан тугатилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд келишув битими ходимнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ва корхонанинг манфаатларини бузишга қаратилмаганлигини диққат билан текширишга мажбур. Жумладан, ишдан нотўғри бўшатишга ёки бошқа ишга кўчирилган ходимларни ишга тиклаш ёки аввалги мансабига қўйиш тўғрисидаги келишув битимлари, агар бундай битимлар ходимнинг ғайриқонуний бўшатилишида айбли бўлган мансабдор шахсни ташкилотга етказилган зарарни тўлаш бурчидан озод қиладиган бўлса, тасдиқланмаслиги керак.

Шунингдек меҳнатга оид низоларни ҳал қилиш хусусида Меҳнаткодексининг 111-моддасида иш берувчининг ўзи ҳам ишга тиклаши мумкинлиги кўрсатилган, шунинг учун келишув битимини тузишда келишув битимини тузиш учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари доирасига таъсир қилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини текшириш лозим.

Келишув битими бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 40, 180-моддалари талабларига мувофиқ тарафлар даъво ишининг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлашга ҳақлидирлар, тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишлича, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб (тиркаб) қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Ушбу ҳолатда, суд ишни ФПКнинг 100-моддасининг тегишли бандларига асосан ушбу Кодекснинг 101-мод-

дасигамувофик иш юритишдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва тарафларга ушбу Кодекснинг 102-моддаси оқибатлари тушунтирилади.

Суд жараёнида фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларда тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишнинг тугатилишига эришиш муҳимдир. Бу жамиятда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф этишда, турли овозагарчиликлар ҳамда суд харажатлари кўпайишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафларни келиштириш чораларини кўриш манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини кафолатлайди ва тарафлар ўртасидаги ижтимоий кескинликни пасайтиришга хизмат қилади. Шу мақсадда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида махсус суд мажлислари ўтказилиши тартиби ва механизмини назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Келишув битимини тузиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш лозим. Чунки, келишув битимини тузиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган ҳолатлар доирасини аниқ ва равшан қилиб кўрсатиш, тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш мумкин бўлган ишлар бўйича келишув битимни тузиш эҳтимолини аниқлаш ишни судга тайёрлаш босқичида шартли бўлган процесс сифатида киритиш бўйича қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим. Шунингдек қонуности ҳужжатлари билан тавсиявий хусусиятга эга келишув битимининг намунасини тасдиқлаш лозим, бу эса судларда тарафлар томонидан келишув битимни тузишда ўз ижобий ифодасини кўрсатади.

**У.МАШАРИПОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти**  
**Урганч туманлараро суди судьяси**

### **Фуқаролик процессида келишув битими**

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 40-моддасида, Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлашга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу моддада “Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни, даъвони тан олишни қабул қилмайди ва келишув битимини тасдиқламайди” деб кўрсатилган.

Келишув битими тасдиқланган тақдирда суд иши юритишни тугатади.

ФПКда бундай белгиланган тартиб фуқаролик ишига жалб қилинган даъвогар, жавобгар ва бошқа шахсларга бир мунча енгиллик ва қулайликлар тақдим қилади.

Лекин, бугунги кунда ҳар қандай соҳа ва реал ҳаёт ривожланиши ФПКда белгиланган келишув битими тузиш ҳақидаги нормаларни ҳам енгиллиштириш ва фуқаролик иши қатнашчиларига бунданда қулайликлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бу борада, хорижий тажрибаларни ўрганиб чиқиш, фойдадан ҳоли бўлмаслиги аниқ.

Жумладан, Беларус Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 17-бобида яраштирув жараёни белгиланган бўлиб, унда яраштирувчи суд ходимининг ваколатлари кўрсатилган.

Шунингдек, Беларус Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 10- бобида келишув битими тузиш тартиби белгиланган.

Ўз навбатида мазкур Кодексларда тарафлар келишув битими тузишга эришганларида қонунчилик уларга бир қанча енгилликлар тақдим этиши белгиланганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини ҳам такомиллаштириши мақсадида кодекснинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини билдириш мумкин. Хусусан, фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш босқичида мулкый даъволар (қарз ундириш, зарар ундириш ва ҳоказо) бўйича судья ёрдамчиси даъво ариза билан жавобгарни таништириш ва тарафларга келишув битими тузиш таклифини билдириб, келишув битими тузиш ёки тузмаслик ҳақида уларнинг фикрларини олиши керак.

Келишув битими тузиш тарафларга енгиллик келтириб чиқариши учун фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафлар келишувга эришган тақдирда, тарафлар давлат божидан озод қилиниши лозим.

Тарафлар мазкур босқичда келишувга эришмасдан фуқаролик ишини кўриш давомида келишув битими тузишга эришган тақдирда тўланиши лозим бўлган давлат божидан қисман озод қилиниши лозим.

Тарафлар ўртасида келишув битими тузишни судгача ҳам ҳал қилиш мумкин. Бунда, даъвогар ҳуқуқий ёрдам олиш, даъво қўзғатиш учун биринчи бўлиб адвокатга мурожаат қилиши кўпгина ҳолларда мавжуд. Ушбу ҳолатда даъвогарнинг адвокатга даъво аризасидан нусхани жавобгарга етказиб, унинг билан келишув битими тузиш таклифини киритиши лозим.

Агар тарафлар келишув битими тузишга рози бўлиб, келишув битими тузишга эришсалар, келишув битимида кўрсатилган муддатда уни бажаришни ўз зиммасига олишлари лозим. Келишув битимида белгиланган муддатда тарафлар келишув битими шартларини

бажармаган тақдирда, келишув битими судга ижро варақа бериш учун тақдим қилиниши лозим.

Агарда тарафлар келишув битими тузишга эришмаган тақдирда даъво аризаси судга тақдим қилиниши лозим. Бунда тарафлар келишув битими тузишни рад қилганлиги ҳақидаги жавоблар даъво аризасига илова қилиниши лозим.

**Ш. МУЛЛАЖАНОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Янгиқўрғон туманлараро судининг**  
**раиси в.б.**

### **Буйруқ тартибида иш юритишни такомиллаштириш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба**

Судларнинг нуфузини кўтариш, фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қила олишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда шунга мутаносиб равишда судларнинг иш юритиш тартибини имкон даражада соддалаштиришмамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига зўр омил ва кўлам бахш этади.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар туфайли шаклланган ва фаолияти тобора мукамаллашиб бораётган фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилаётган ишларнинг сони ошиб бораётганлиги айтилиши бир вақтда судларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора сифатидаги нуфузи ва аҳамияти юксалиб бораётганлигидан далолат бериши билан бирга судлар олдида қатор масъулиятли вазифаларни ҳам қўймоқда.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган даъво аризалари, ариза ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни имкони борича соддалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг дастлабки жараёнларини соддалаштириш судьялар юритувидаги иш ҳажмларини камайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>3</sup>-моддаси биринчи қисми суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судга ушбу Кодекснинг 22-бобида белгиланган судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилишини белгилайди.

Маълумки, суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан

талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар амалдаги ФПКнинг 238<sup>2</sup>-моддасида мустаҳлаб қўйилган бўлиб, унга кўра суд буйруғи: агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса; агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса; вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса; агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса; агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса судья ундирувчининг аризасига кўра қарздорга нисбатан судда ишни кўрмасдан ариза судга келиб тушганидан бошлаб уч кун ичида чиқарилади.

Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади. Қарздор суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.

Юридик адабиётларда буйруқ тартибида юритиладиган ишларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тез ва соддалаштирилган усулда ҳимоя қилиш аҳамиятини эътиборга олган ҳолда фуқаролик ишларини кам харажат сарфлаб, соддалаштирилган тартибда кўриб, ҳал қилиш учун суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини хорижий мамлакатларининг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, имкон қадар кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинади.<sup>152</sup>

Фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган нуқтаи назардан таҳлил қилинса, Инглиз – Америка ва континентал ҳуқуқ тизими ва конструкцияси ўртасида бир қатор тафовут, фарқли жиҳатлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Масалан, Инглиз – Америка ҳуқуқида судга қадар ёки суддан ташқари музокаралар олиб бориш йўли билан иш тутиш соддалаштирилган процессга ҳос бўлса, континентал ҳуқуқда (энг аввало, немис ҳуқуқида) умумлаштирилган (документлар) процесс характерли ҳисобланади. Континентал ҳуқуқ амал қиладиган давлатларда суд орқали ҳимояни соддалаштиришга имкон берадиган институтларни (қонунчилик, реестрлар, нотариат) ташкил этишга кўп маблағлар ажратилади. Инглиз – Америка ҳуқуқи тизимида эса аксинча, суд фаолияти учун Европа қитъаси давлатларига қараганда 3–7 баравар кўп маблағ ажратилади.

<sup>152</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Мирзаев У.С. “Буйруқ тартибида иш юритиш // Илмий–амалий қўлланма. – Тошкент: “Adabiyot uchqunlari”. 2015. – 204 б.

Германия Федератив Республикаси ФПҚда суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш бир қатор шартларга асосланишини таъкидлаш ўринли бўлади. Мазкур шартларнинг дастлабкиси, талабнинг мазмунига (айниқса, пул мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ талабларга), иккинчиси эса тарафларнинг келишувига (ёки эътирознинг бўлмаслигига), шунингдек, ёзма далилларнинг асосланганлигига (кучига) таянади. Шу ўринда, Ғарбий Европа давлатлари фуқаролик процессида ёзма далиллар (айниқса, оммавий ҳужжатлар) бошқа исботлаш воситаларига нисбатан юқори исботлаш кучига эга эканлиги ҳақида умум эътироф этилган қоида амал қилади.

Хитой Халқ Республикаси ФПҚда ҳам суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриш масалалари баён этилган. Хусусан, мазкур давлатнинг ФПҚдаги “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган 13-бобда белгиланган қоидалар аниқ ҳуқуқий муносабатлар бўйича аниқ далиллар мавжуд бўлган оддий фуқаролик ишлари ва кам аҳамиятли ишлар бўйича халқ судлари томонидан кўриладиган ишлар учун татбиқ қилинади. Ушбу Кодекснинг 143-моддасига кўра, оддий фуқаролик ишлар бўйича даъвогар халқ судига ёки тарафлар томонидан тузилган суд палатасига даъвони оғзаки шаклда тақдим этиши мумкин. Ҳар иккала тараф халқ судига ёки тарафлар томонидан тузилган суд палатасига бир вақтда келишлари ва суд уларнинг низоларини дарҳол кўриб чиқиши ёки иш кўришни бошқа кунга тайинлаши мумкин.

Мамлакатимиз ФПҚда 5 та ҳолатда суд буйруғи чиқариш назарда тутилган бўлса, Қозоғистон ФПҚда (140-модда) 14 та, Россия ФПҚда (122-модда) ва Озарбайжон ФПҚда (276-модда) 8 та, Беларусь ФПҚда (394-модда) 3 та талаб бўйича суд буйруғи чиқариш мумкин.

Бу рўйхат йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, Қозоғистон ФПҚнинг 140-моддасига суд буйруғини чиқариш бўйича қуйидаги янги талаблар киритилди:

- агар кондоминиум объектларининг умумий мулкни сақлаш учун мажбурий чиқимлар тўлашдан бўйин товлаган жой (квартира) мулкдорлари қарздорлиги, шунингдек электр, газ, иссиқлик ва сув таъминоти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи хизмати, кабель телевидениеси, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматида оммавий шартнома асосидаги қарздорликни ундириш тўғрисидаги талаб арз қилинган бўлса;

- агар келиб тушган пулларни индексацияси бўйича талаб арз қилинган бўлса;

- агар шартнома бўйича ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчи томонидан узрли сабабларсиз шартнома бекор қилинган тақдирда ҳарбий хизматни ўташ бўйича шартномада кўрсатилган пул мукофотини ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;



- агар шартномада кўрсатилган муддатдан аввал курсантлар хизматни давом эттиришдан воз кечганлиги учун уларнинг ўқишига сарфланган пулларни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса;

- агар ота-она қарамоғидан маҳрум етим болаларни фарзандликка олиш бекор бўлганда фарзандликка олганлик учун тўланган пулни ундириш тўғрисида арз қилинган бўлса.

Беларусь ФПК 394-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида давлат таъминотида бўлган болаларни таъминлаш учун сарфланган харажатларни уни тўлаш мажбурияти юклатилган ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган ёки ишласа – да олти ой мобайнида тўлиқ миқдорда ундирилмаган шахслардан юқорида кўрсатилган харажатларни ихтиёрий равишда ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилиши назарда тутилган бўлиб, бу бошқа давлатлар фуқаролик процессуал конунчилигида учрамайди.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига қўйилган талаб Россия, Беларусь ва Озарбайжон ФПКда белгиланган қоидаларга Ўзбекистон Республикаси ФПКда белгиланган қоидалар ўхшаш бўлса-да, лекин Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 141-моддаси иккинчи қисмининг 2, 3-бандларида ундирувчи ва қарздор ҳақида нисбатан тўлиқ маълумотлар берилишини таъминлаш мақсадида уларнинг туғилган санаси, агар улар юридик шахс бўлса, юридик шахс реквизитлари кўрсатилиши талаблари, белгиланган. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмида агар ариза мол-мулкни талаб қилиш билан боғлиқ бўлса, унда ушбу мол-мулкнинг баҳоси ҳам кўрсатилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон ФПКнинг 238<sup>4</sup>-моддасида суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилиши айtilган. Бироқ Россия ва Озарбайжон ФПКда давлат божи миқдори аниқ кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Россия ФПКнинг 123-моддаси иккинчи қисмига кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризага даъво аризалари учун белгиланган давлат божининг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўланади. Озарбайжон ФПКнинг 277-моддасига мувофиқ, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризатақдим этганлик учун манат ҳисобида тегишли миқдорда давлат божи тўланади.

Ўз навбатида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалар учун қатъий ставкадаги давлат божининг белгиланиши манфаатдор шахсларга суд ҳимоясидан фойдаланишда қулайликлар келтириб чиқаради ва имтиёзлар беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ФПКнинг 238<sup>4</sup>-моддасидан фарқли равишда Ўзбекистон ХПКнинг 106-моддасида суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланиши

белгиланган. Бу эса қарздорга бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш юзасидан кенгроқ имконият яратади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида буйруқ тартибида иш юритиш институтининг жорий этилиши муносабати билан судда мазмунан кўриб ҳал этилаётган ишлар сонининг камайди, бу эса фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини вақтида, соддалаштирилган тартибда суд орқали ҳимоя қилиниши кўламини кенгайтирди – бу мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самараси ҳисобланади.

Лекин охириги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар амалдаги фуқаролик процессуал кодексини янги таҳрирда қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Мустақил давлатлархамдўстлигига аъзо давлатларнинг қонун ҳужжатларидаги буйруқ тартибида иш юритишга оид нормаларнинг ҳамда юртимиз амалиётида учраётган айрим муаммоларнинг қиёсий таҳлилларидан келиб чиқиб, биз амалдаги Ўзбекистон ФПКга муайян ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритилишини таклиф қилган бўлардик:

ФПК талабларига кўра, суд буйруғини аризачи томонидан судга топширилаётган пайтда суд буйруғининг нусхасини қарздорга топширилганлигини тасдиқловчи далилни илова қилиши мустаҳкамлаб қўйилмаган. Қарздор унга нисбатан судга суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза берилаётганлигини билиши лозим. Чунки, бу ҳолатда биз судлар қарздорнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва манфаатларига зид чиқариладиган суд ҳужжатларининг олдини оламиз.

Шунингдек, амалиётда судларга алоқа ташкилотлари томонидан ҳам суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризалар келиб тушмоқда. Лекин ФПКнинг талаблари бўйича алоқа хизматлари тўловлари бўйича қарздорликни ундириш юзасидан норма белгилаб қўйилмаган.

Шу сабабли, ФПК коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб қўйилса деган норма билан бойитиш таклифини илгари сурган бўлардик.

ФПКнинг 238<sup>10</sup>-моддасига кўра, агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга имзо қўйдириб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

ФПК қоидасига кўра, суд буйруғини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига фақат қарздор киритилган бўлиб, амалиётда суд буйруғини бекор қилиш қилиш ҳақидаги ариза судлар томонидан умумий

қоидаларга кўра, суд мажлиси муҳокамасида ёки тарафларга хабар берилмасдан туриб ўн кун ичида кўриб чиқилиб, ҳал қилинмоқда.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилик тажрибасида суд буйруғини бекор қилиш субъектларига қарздордан ташқари судлар ҳам киритилганлиги, яъни судья ўз ташаббусига кўра суд буйруғини бекор қилиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда агар юртимизнинг янги таҳрирда тайёрланаётган ФПКга суд буйруғини бекор қилишни “Судья суд мажлисида суд буйруғини қарздордан ташқари ундирувчининг ўзи ҳам ёки суднинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги аризани ўн кун ичида кўриб чиқиши мумкин”,-деган қоида киритиш билан, бизнингча, фуқаролардан тушаётган турли мурожаатларни олдини олган ва камайтирган бўлардик.

Шунингдек, мазкур буйруғини вақтида, яъни олинган кунидан бошлаб 10 кун ичида уни бекор қилишни сўрамаган аризачига, нима сабабдан вақтида эътироз билан чиқа олмаганлигини асослагани боис, суд буйруғини бекор қилишнинг 10 кун муддатини узрли деб топиб, бекор қилиш имкониятини ҳам таклиф сифатида киритган бўлар эдик.

Амалдаги ФПКнинг 238<sup>8</sup>-моддаси кўшимчалар билан тўлдирилиб, қуйидаги таҳрирда берилсин:

“Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) иш юритиш тартиб рақами ва буйруқ чиқарилган сана;
- 2) суднинг номи, буйруқ чиқарган судьянинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари;
- 3) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери, **агар бўлсаэлектрон почта манзили**;
- 4) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери, **агар бўлсаэлектрон почта манзили**;
- 5) талабни қондириш учун асос бўлган қонун;
- 6) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилган ҳолдаги белгиси;
- 7) агар қонунда ёки шартномада неустойка ундириш назарда тутилган бўлса, неустойка миқдори;
- 8) қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси;
- 9) арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида ушбу модданинг 1—5 ва 8-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар кўрсатилади: қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ва уларни ундириш муддати.

**Судья суд буйруғини имзолаб, суднинг муҳри билан тасдиқланган кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга почта орқали ёки электрон шаклда ахборот тизими орқали юборади.**

**Қарздор суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.”**

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ФПКнинг 238<sup>4</sup>-моддасида, суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилиши белгиланган.

Суд буйруғи даъво тартибида кўрилмаса, унга нисбатан даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божини қўллашимиз қанчалик тўғри бўлади. Ахир суд буйруғини қонунчилигимизда жорий қилинишидан асосий мақсад суд иш юритувини соддалаштириш эди—ку. Шу ўринда ФПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳасига суд буйруғи учун давлат божи тўловини даъво тартибида иш юритишдаги давлат божи ставкасини қўлламасдан, бу институтга ҳам, бизнингча, давлат божи тўлашнинг соддалаштирилган тартибини, яъни ХПКда белгиланганидек низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи жорий қилинса, айти муддао бўларди.

**А.БАХРОМОВ,  
Бухоро вилояти Қорақўл тумани  
1-сон ДНИ нотариуси**

### **Фуқаролик судларида буйруқ тартибида иш юритишнинг айрим процессуал хусусиятлари**

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрь куни “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади. Фармонга кўра мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича бир қанча вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган

тартибларини, яъни буйруқ тартибида иш юритишни янада такомиллаштириш вазифаси ҳам шулардан бири ҳисобланади.

Буйруқ тартибида иш юритиш фуқаролик судларида иш юритишнинг соддалаштирилган бир туридир. Суд буйруғини чиқариш учун судга мурожаат этилган талаб низосиз бўлиши лозим. Судья бундай тартибда иш юритишда фуқаролик процессуал қонунида белгиланган даъво тартибида иш юритиш билан боғлиқ қоидаларни татбиқ этмайди, ишни қўзғатмайди, гувоҳларнинг кўрсатувларидан фойдаланмайди, шунингдек, суд буйруғининг ўзи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, унга алоҳида ижро варақаси чиқариш талаб этилмайди.

Суд буйруғига таъриф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>1</sup>-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир. Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин, суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқоридаги норманинг мазмунидан кўришиб турибдики, буйруқ тартибида ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги, шунингдек кўчар мол-мулкни қарздордан талаб қилиш тўғрисидаги талаблар, бинобарин шахсий ва номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ талаблар кўрилади. Бу – ишюритув турида кўриб чиқилмайди. Низосиз талаблар бўйича суд буйруғи чиқаришни алоҳида тартибда кўриладиган ишлардан фарқлаш лозим. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар қонунда белгиланган, хусусан Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасига асосан, қуйидаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқарилади.

Биринчидан, талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлиши лозим, бунда нотариал тасдиқлаган битимлар бўйича пулундириш ва кўчар мол-мулкни талаб қилиб олиш бўйича масала ҳал қилинади. Бу ҳолатда талаб қўйишга асос бўлган шартноманинг предмети кўчмас мулк ҳам бўлиши мумкин. Суд буйруғини чиқариш бўйича талабларни суд буйруғини чиқариш бўйича талабга асос бўлаётган шартнома предметидан фарқлаш лозим.

Иккинчидан, агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлиши, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлиши лозим. Бунда битим ёзма тузилган бўлиши шарт, битимнинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳолда тузилиши қоидалари Фуқаролик кодексининг 107-моддасида белгиланган, унга кўра ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак. Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш

воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади. Икки тарафлама битимлар ҳар бири тараф ўзи имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин. Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади. Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб (муҳри бўлган тақдирда) тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши мумкин.

Учинчидан, агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган ҳолларда суд буйруғи чиқарилади. Эътиборлиси шундаки, алиментнинг қонунчилигимизга кўра бир неча тури мавжуд, яъни вояга етмаган фарзандлар таъминоти учун, вояга етган фарзандлар таъминоти учун таъминот, эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари, бобо ва бувиларнинг ўз набираларига таъминот бериши, набираларнинг ўз бобо ва бувиларига таъминот бериш мажбурияти, ака-ука ва опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ака-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти ва бошқа алимент турлари мавжудки, буйруқ тартибида фақат вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги талаблар кўриб чиқилади, бунда талаб оталикни белгилаш ва учинчи шахсларни жалб этиш зарурти билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

Тўртинчидан, агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинганда суд буйруғи чиқарилиши мумкин. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар доираси аниқлаб олинмоғи лозим. Амалдаги қонунчилигимиз мазмунидан маълумки, иш ҳақиға стипендия, нафақа ва бошқа тўловлар ҳам киради. Ушбу тўловлар ҳисобланган, лекин тўланмаган бўлса, буйруқ тартибида ишюритишда кўриб чиқилади.

Бешинчидан, агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган ҳолларда суд буйруғи чиқарилади.

Буйруқ тартибида иш юритиш бўйича хориж тажрибасини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки уларда айрим ютуқлар, ибратли жиҳатлар мавжуд. Жумладан Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 2-бўлим 17-бобида буйруқ тартибида иш юритиш қоидалари белгиланган. Унга кўра фақат пул билан боғлиқ талаблар бўйичагина эмас, балки қимматли қоғозлар бўйича талаблар ҳам буйруқ тартибида

иш юритишда кўриб чиқилади<sup>153</sup>. Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 688-моддасида суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар ифодаланган бўлиб, унда муқобил ижронинг бажарилмаганлиги бўйича талаб ҳам буйруқ тартибида иш юритиш тартибида кўриб чиқилади. Шунингдек, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 122-моддаси, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 276-моддасида суд буйруғи чиқариш бўйича талаблар доираси анча кенгайтирилган таркибга эга. Ундан ташқари, Беларусь, Украина қонунчилигида ҳам бир неча талаблар бўйича суд буйруғи чиқарилади. Хориж тажрибасининг ушбу ютуқларидан ижобий фойдаланган ҳолда, миллий қонунчилигимиздаги суд буйруғини чиқариш талаблари доирасини янада кенгайтирсак, судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриш янада соддалаштирилиб, фуқароларнинг мурожаатлари ҳам қисқа вақтларда ҳал қилинишига эришиш мумкин.

**Э.А.ИРГАШЕВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Қуйи Чирчиқ туманлараро суди судьяси**

### **Фуқаролик процессида судловга тегишлилик турлари ва уларни такомиллаштириш масалалари**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқаролик ишларининг судловга тегишлилиги қоидалари қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, қонун ҳужжатларида ва юридик адабиётларда уни баъзан судловлилик деб ҳам юритадилар.

Судловлилик деганда бизда фуқаролик судларига тааллуқли бўлган ишларнинг турлари ва жойлашган ҳудудига қараб, бир тизимдаги суд бўғинлари ўртасида тақсимланишини белгилаб берувчи фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари йиғиндиси тушунилади.<sup>154</sup>

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексидида судловга тегишлилик тушунчаси қўлланилмаган бўлсада, ушбу Кодексда белгиланган нормалардан фуқаролик ишларининг судловга тегишлилик масалалари ҳал этилганлигини кўриш мумкин.

Фуқаролик процессуал қонунчилик судловлилик икки турга, яъни турдош ва ҳудудий судловлиликка бўлинишини эътироф этади.

Турдош судловлилик - бу судларга тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва субъектлар

---

<sup>153</sup> Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 191-моддаси. [http://chinalawinfo.ru/procedural\\_law/law\\_civil\\_procedure/law\\_civil\\_procedure\\_p2\\_ch17](http://chinalawinfo.ru/procedural_law/law_civil_procedure/law_civil_procedure_p2_ch17)

<sup>154</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси: фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун ўқув қўлланма. –Тошкент: Baktria press, 2014. – 24 б.

таркибига қараб фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланишидир.<sup>155</sup>

Турдош судловлилик қоидаларини белгилашда кўриладиган ишнинг турига, низонинг предмети нимадан иборат бўлишига ва тарафларнинг кимлар бўлишига қаралади.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ФПКнинг 144-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунда ўз ваколатига берилган фуқаролик ишларини кўриб чиқиши, шунингдек алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўз иш юритувига қабул қилиб олиши белгиланган.

“Марказий сайлов комиссия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида кўрсатилишича, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин, шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса — дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида белгиланишича, сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан овоз бериш яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Ҳозирги вақтда фуқаролик муносабатларидаги жадал ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, фуқаролик процессуал қонунчилигидаги судловга тегишлилик билан боғлиқ нормаларга айрим ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келаётир.

Жумладан, меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларда, низодаги тараф бўлган юридик шахснинг фаолияти маҳаллий миқёсда ёки вилоят ёхуд республика миқёсида бўлганлигига қараб, бу турдаги низоларнинг судловга тегишлилик қоидаларига ўзгартириш киритиш зарурати пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида фуқаролик ишини кўриб чиқиш муддати ва сифатига бевосита таъсир қилиб, тарафларнинг сарсон бўлишларини олдини олади.

Мазкур соҳада хорижий давлатлар тажрибасига назар солинса, турдош судловлиликнинг бу хилдаги мезонлар билан белгиланиши уларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида кўплаб учратиш мумкин.

Европанинг бир қанча давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилигида даъво ундаги талабларнинг миқдорига қараб турдош судловга тааллуқли бўлиши айтилган.

Айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича турдош судловлилик қоидаларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаб

---

<sup>155</sup>Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишлари бўйича масалалар ва тест саволлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Адолат” нашриёти. 2016. -15 бет.



қўйилиши фуқаролар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтиришнинг муҳим усулларида биридир.

Ҳудудий судловлилик деганда тегишли бўғиндаги, тенг туман (шаҳар) судларининг қайси бири фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиши лозим бўлиши тушунилади.

Ҳудудий судловлиликка оид нормалар Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 145-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, аризалар, умумий қоида тариқасида, жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги, ташкилотларга нисбатан уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилади. Шундан келиб чиқиб, ушбу модда нормаларини ҳудудий судловга тааллуқлиликиннинг умумий қоидалари сифатида қабул қилиш лозим.

Ҳудудий судловлиликка оид қоидалар эса, ушбу Кодекснинг 22-бобидаги 241 – 245-моддаларида назарда тутилган бўлиб, даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилики (241-модда), судловга тааллуқлиликиннинг алоҳида ҳоллари (242-модда), келишилган судловга тааллуқлилики (243-модда), қарши даъвонинг судловга тааллуқлилиги (244-модда) ва жиноят туфайли етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги (245-модда) шулар жумласидандир.

ФПКнинг 242-моддасига кўра, қуйидаги тоифадаги фуқаролик ишлари судловга тааллуқлиликиннинг алоҳида ҳоллари сифатида белгиланган:

иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган ҳудуддаги суднинг;

мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос ворислар томонидан қабул қилингунига қадар қўзғатган даъволар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ҳудуддаги суднинг;

йўловчи, багаж ёки юк ташиш шартномаларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талаб қўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тегишлидир.

Шунингдек, ФПКнинг 243-моддасида тарафлар ўзаро келишиб, муайян иш учун ҳудудий судловга тааллуқлиликини ўзгартиришлари мумкинлиги белгиланган. Бу норма фуқаролик иши тарафларининг ўзаро келишган ҳолда, ўзларига мақбул бўлган судга мурожаат этишда ифодаланувчи ҳуқуқларини амалга оширишларининг қонуний асоси ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари судловлигининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, фуқаролик суд ишларини юритишда фақат жисмоний шахслар иштирок этибгина қолмасдан, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам даъвогар ёки жавобгар сифатида эътироф этилади. Мазкур субъектларнинг иштироки, ўз навбатида судловлилик қоидаларига ҳам

таъсир кўрсатади. Хусусан, ФПКнинг 31-моддасига мувофиқ, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар умумий юрисдикция судларига тегишли бўлади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида судловга тегишлилик масаласини такомиллаштириш мақсадида ФПКдаги судловлилик бўйича ҳаволаки нормалардан чекинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақолпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тааллуқли ишлар аниқ белгилаб берилиши лозим.

Даъвогар учун муайян судга мурожаат қилиш муҳим аҳамият касб этибгина қолмай, унинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқи тез ва тўғри ҳал қилиниши муҳим омил ҳисобланади, шунингдек процессуал вақтни тежайди, кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қонуний, асослантирилган ва адолатли суд ҳал қилув қарори чиқаришга хизмат қилади ва ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш борасидаги масала бўйича хатоликка йўл қўйишнинг олдини олади ва судловлилик масаласини ижобий, тўғри ҳал қилиш кафолатини беради.

Судловлилик қоидаларига риоя қилмаслик ўзига хос ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Агар ариза судловлилик қоидаларига риоя қилинмасдан берилган бўлса, судья ушбу аризани қабул қилишни ФПКнинг 152-моддасининг 5-бандига асосан, рад этади. Бироқ, судьянинг ушбу бандда назарда тутилган асос бўйича аризани қабул қилишни рад этиши, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича судловлилик ҳақидаги қоидаларга риоя қилмасликнинг яна бир оқибати ФПКнинг 146-моддасида назарда тутилган бўлиб, иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилик қоидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган тақдирда, мазкур фуқаролик иши бўйича иш кўриш бошқа судга ўтказилади.

Судловлилик қоидаларига риоя қилинмасдан чиқарилган ҳал қилув қарори судьяга нисбатан юқори суд томонидан хусусий ажрим чиқарилишига олиб келиши мумкин. Хусусан, ФПКнинг 316-моддасида апелляция, кассация, назорат инстанциялари ишни кўрган суд томонидан йўл қўйилган қонунни бузиш ҳоллари ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ўзгартиришга ёхуд янги ҳал қилув қарори чиқаришга асос бўлмайди деб топсалар, бу ҳақда ажримда, қарорда ёки махсус қабул қилинадиган хусусий ажримда кўрсатишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилиши таъкидланаётган ислохотларнинг барчаси фуқароларнинг муаммоларини қисқа фурсатларда тўғри ва адолатли ҳал этиш, фуқароларни сансалор қилишга йўл қўймаслик, уларнинг дардини тинглаш ва муаммоларини адолатли ҳал этишга

қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, фуқаролик процессуал қонунчилигидаги судловга тегишлилик бўйича юқоридаги муаммолар ижобий ўзанда кўриб чиқилади ва ечим топилади деб ишонамиз.

**З.А.ИБРАГИМОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Урганч туманлараро суди судьяси**

**Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий  
судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги  
чегарасини белгилаш муаммолари**

Тааллуқлилиқ суд ҳокимияти ваколатига берилган ишлар доирасини турли суд тизими бўйича белгилаб беришда, шунингдек ишларни кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган, айтишлиқ прокуратура, нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, меҳнат низолари комиссияси ва бошқа ваколатли органлар ўртасидаги ҳуқуқий ишларнинг чегарасини аниқлашда муҳим муносабат ҳисобланади.

Тааллуқлилиқ ҳуқуқий ишларни хусусияти ва бошқа хил белгилари орқали турли ваколатли органлар ўртасида ажратиб берадиган мустақил ҳуқуқий ва илмий тоифа сифатида ҳам эътироф этилади.<sup>156</sup>

Ҳуқуқий ишларни, хусусан ҳуқуқ тўғрисидаги низоли ишларни ва бошқа ҳуқуқий масалаларни (масалан, у ёки бу юридик аҳамиятга молик фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ турли органлар кўриб ҳал қилиш ваколатига эга. Булар, биринчидан суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари: фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар.

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳолларда – ижро ҳокимияти органлари.

Учинчидан, низо тарафларнинг ўзлари томонидан ташкил этилган, тайинланган ёки сайланган органлар, масалан, ҳакамлик судлари, меҳнат низолари комиссияси ва ҳоказолар.

Ишларнинг у ёки бу органларга тааллуқли бўлиши қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Мазкур қонун ҳужжатларида ишларнинг қайси органларга тааллуқли бўлишини

---

<sup>156</sup>Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишлари бўйича масалалар ва тест саволлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Адолат” нашриёти. 2016. -3 бет.

белгилловчи умумий қоидалар қатори истисно этувчи айрим қоидалар ҳам назарда тутилади. Айнан мана шу қоидалар ёрдамида ҳуқуқий ишларнинг фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга, ижро ҳоқимиятига, нотариат, ҳақамлик судлари ва бошқаларга тааллуқли бўлишини аниқлаш имкони яратилади.

Фуқаролик ва иқтисодий низолар бўйича ишларнинг тааллуқли-лигини белгилашда қуйидагилар мезон сифатида эътироф этилади:

- низоли ҳуқуқий муносабатнинг хусусияти;
- субъектлар таркиби (низода иштирок этувчи шахсларнинг таркиби);
- ҳуқуқнинг низоли ёки низосиз эканлиги;
- низо тарафлари ўртасида шартнома бор-йўқлиги;
- ҳуқуқий ҳужжатнинг хусусияти (унинг нормативлиги ёки норматив эмаслиги);
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг тури (шу ўринда, давлат бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши ва улар томонидан чиқарилган қарорларнинг устуворлиги ҳам назарда тутилади).

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги чегарасини белгилаш шартлари:

- низоли ҳуқуқий муносабатнинг хусусиятига қараб;
- субъектлар таркибига (низода иштирок этувчи шахсларнинг таркибига) кўра;
- низо тарафлари ўртасидаги шартномага қараб фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судларга қуйидаги ишлар тааллуқли бўлади:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш иқтисодий суд ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) ушбу Кодекснинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида иш юритиш тартибиде кўриладиган ишлар. Булар:

а) юридик аҳамиятга молик фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

б) болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар;

в) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;

г) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

д) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;

е) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш

тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;

ё) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

ж) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш).

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Маъмурий судларга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига мувофиқ иқтисодий судларга қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён ушбу модда матнида ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён ушбу модда матнида фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён ушбу модда матнида юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

4) ушбу Кодекснинг 155<sup>19</sup>-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно.

Иқтисодий судга шунингдек якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, тааллуқлидир.

Қонун билан иқтисодий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Иқтисодий суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

Шунингдек, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар иқтисодий судда кўрилиши керак.

Ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган ишлар низо вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ташкилотлар ёки жисмоний шахслар бўлишидан қатъи назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 32-моддасида бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилган тақдирда, бу талабларнинг ҳаммаси фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши кераклиги белгиланган.

Бироқ, ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар (ХПК 23-моддаси 3-банди), корхоналарни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар, давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, акциядорлар жамияти фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (ХПК 23-моддаси 4-банди), бундан меҳнатга оид низолар мустасно, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар қатъий тарзда иқтисодий судларнинг судловига тегишли ҳисобланади.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, ишларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлар билан иқтисодий судларга тааллуқлилиги чегарасини аниқ белгилаш низоларни судларда қонуний ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

**А.И.МИРХОДЖАЕВ,  
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти  
Қарши туманлараро суди судьяси**

**Иқтисодий судларда иш кўришни ФПК билан тартибга солиш:  
зарурат, истиқбол ва хорижий тажриба**

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бугунги кунда одил судлов сифатини ошириш ҳамда фуқароларнинг судларга бўлган ишончини орттиришга хизмат қилиш учун амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасига алоҳида тўхталиб, “мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлигини таъкидлаган эди”.<sup>157</sup>

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ислоҳ қилиш Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилди. Бундан кўзланган асосий вазифалардан бири бу борадаги ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, одил судловни амалга оширишда судлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларни ўрганиш, суд амалиётини мониторинг қилиш, хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этиш, ҳар қандай ҳуқуқ соҳасида қонунчиликни суд амалиётида тадбиқ этишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, қонунчиликдаги қарама-қаршиликлар, тафовутлар, такрорланишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг давр талабидир. Зотан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир” деб номланган маърузаларида “... қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорларга йўл қўйилганлиги, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим. Ва энг асосий қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий ниғилизимга, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни

---

<sup>157</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газ. 2010 йил 13 ноябрь.

қўллаш амалиёти самарадорлигини пасайишига олиб келади”,<sup>158</sup> деб таъкидланганди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг тадрижий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг устувор йўналишларидан бири сифатида “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”да одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асослари ҳамда ишларни кўриб чиқишни такомиллаштириш, бир бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартиришни жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Суд ҳокимиятининг икки олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишига, ягона суд амалиётининг таъминланмаслигига, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга мурожаат қилиб, сарсон-саргардон бўлишига сабаб бўлиб келган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февраль куни имзолаган “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари тегишли иқтисодий судлар этиб ўзгартирилди. Бунда, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлар тизими яратилмоқда. 2017 йил 1 июн кунига қадар, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилади, хўжалик судларининг амалдаги судьялари ваколат муддати тугагуйига қадар Олий суд ва тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг судьялари сифатида ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттиради.

Фармоннинг расмий шарҳида мазкур ўзгаришларга нима учун қўл урилганига изоҳ берилган. Маълум бўлишича, суд ҳокимияти икки олий органнинг параллел фаолият юритиши қонун ҳужжатлари талабларини бир хилда қўлланишини таъминлай олмади, бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келган. Шу боис ҳам Олий суд ва Олий хўжалик судининг фуқаролик, жиноий,

---

<sup>158</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаро-вонлигини янада юкслатиришдир. -Тошкент. “Ўзбекистон”, 2010. – 14 б.



маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилмоқда. Ушбу ўзгариш суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга олиб келишига умид билдирилган.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларини ташкил этиш зарурати хўжалик судларининг фақат вилоят даражасида фаолият кўрсатганлиги билан боғлиқдир. Айрим туманлар суд биносидан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли тадбиркорлар даъво аризасини берган пайтдан низо судда кўриб чиқилгунига қадар вилоят марказига бир неча маротаба қатнашга мажбур бўлаётган эди. Бу эса уларнинг моддий харажат ва ортиқча вақт сарфлашларига сабаб бўлаётган эди. Умуман олганда, ташкил этиладиган маъмурий ва иқтисодий судлар жойлашуви узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширади.

Хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, МДҲ давлатлари ичида Россия Федерацияси биринчилардан бўлиб, суднинг икки олий органи - Олий суд ва Олий Арбитраж судини бирлаштириб, ягона суд амалиётини вужудга келтиришга эришди. Ҳозирда мазкур ислохотнинг нақадар тўғри эканлигини вақт ҳамда амалиёт исботламоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда 2017 йил 1 июндан бошлаб фаолият юритишни бошловчи иқтисодий судлар фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, уларни сарсон-саргардонлигини олишга хизмат қилиши муқаррар.

**Ф.Ж.ҚАРШИЕВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти**  
**Дўстлик туманлараро судининг судьяси**

### **Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва маъмурий судлар ўртасида ишларнинг таллуқлигини чегарасини белгилаш**

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Аҳолини одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармон қабул қилинди. Фармонга мувофиқ 2017 йил 1 июлга қадар фуқаролик, жиноят ишлар бўйича судлар ва

хўжалик судлар ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш белгиланди.

2017 йил Президентимиз ташаббуси билан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланди ва ушбу йилда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармоннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари аниқ белгиланди. Фармонга мувофиқ судларни янада ихтисослаштириш, одил судловни амалга оширишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлов ишларини юритиш тартибини назарда тутувчи процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш белгиланди.

Ислохотларнинг давоми сифатида 2017 йилнинг 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолиятини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Унда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этиш белгиланди.<sup>159</sup>

2017 йилнинг 12 апрелидаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-428-сонли Қонуни қабул қилинди.<sup>160</sup> Қонунга киритилган ўзгартиришга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик прадессуал кодекси 2-<sup>1</sup> модда билан тўлдирилди. Унга кўра, маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади деб белгиланди. Маъмурий судларга давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари-

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966 сонли Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 27 февраль, 8-сон, 109-модда //

<sup>160</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилнинг 12 апрелидаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-428-сонли Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 17 апрель, 15-сон, 242-модда.

нинг шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоятлар ва аризалар бўйича ишлар тааллуқли деб белгиланди. Бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судлар базилари маъмурий судларга тааллуқли бўлган бирқанча талаблар бирлаштирилганида, бу талабларнинг ҳаммаси фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши кераклиги қонунда белгиланди.

Шу муносабат билан ФПКнинг 264-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра давлат органларининг ва бошқа органларининг шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қуйидагилар киради:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузувчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар;

- сайлов комиссиясининг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлар) устидан берилган шикоятлар;

- нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ҳаракатларини бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарилганлиги устидан берилган шикоятлар;

- прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатнинг ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси;

- ваколатли органнинг жисмоний ва юридик шахсларни манфаатларини кўзлаб берилган аризаси;

- давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишлар.

Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқаролик ишлари бўйича судлар ва маъмурий ишлар бўйича судлар ўртасида ишларни тааллуқлилиқ чегарасини белгилаб берди.

Шу ўринда ишларнинг тааллуқлилиқ чегарасини белгилашда қуйидагиларни эътиборга олишни таклиф қилган бўлар эдик:

ФПКдан буйруқ тартибида юритиладиган айрим ишларни янги ташкил этилган маъмурий судларнинг иш юритувига ўтказиш керак. Шунингдек қонунда буйруқ тартибида юритиладиган ишлар сонини ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан ижара ҳақларини ваалоқа тўловларини ундириш, низосиз лизинг тўловларини ундириш, фуқаролар ўртасидаги қарз мажбуриятларини, суғурта пулларини ундириш, ички ишлар органлари ва суд ижрочиларнинг қарздорнинг мол-мулкни қидириш билан боғлиқ харажатларни қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги талаблар буйруқ тартибидаги ишлар тоифасига ўтказилиши керак.

Олиб борилаётган ислохотларнинг бош омили авваломбор жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширилишига қаратилганлиги эътиборга олишимиз керак.

## Фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигини белгилашга оид айрим қоидалар

Фуқаролик процессида судловлилик - бу фуқаролик иши муайян фуқаролик судига тегишлилигини билдиради. Бу судловлиликнинг объектив томонини ташкил қилади. Судловлиликнинг субъектив томони эса, бу суднинг муайян фуқаролик ишини ўз иш юритувига қабул қилиш ва қарор чиқаришга бўлган ваколатидир. Шундай экан, судловлилик муайян фуқаролик иши бўйича қарор чиқариш ваколатини ҳамда мазкур иш бўйича манфаатдор бўлган шахсларни ушбу судга бўйсунтириш мажбуриятини белгилашни ўз ичига олади.

Фуқаролик процессида судловлилик қоидаларини чуқур тадқиқ этиш ушбу институтнинг тарихига назар ташлашга ундайди.

Тарихий манбаларга қараганда, Рим ҳуқуқига кўра қуйидагилар судловлиликнинг умумий принципларини ташкил қилган:

- суд бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлмаган ишни қабул қилиши мумкин эмас;

- судловлилик қоидаларига зид равишда қабул қилинган иш юзасидан чиқарилган қарор ҳақиқий эмас деб топилади (*sententia non suo iudice lata obtinet nullam firmitatem*);

- жавобгар иш кўришга ваколати бўлмаган судга нисбатан ушбу ишни кўришдан четлатиш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлиб, судни рад қилиши мумкин бўлган (*exceptio iudicis incompetentis*);

- даъвогар жавобгар яшайдиган жойдаги судга тақдим қилиниб (*actor sequitur forum rei*), бунда судловлилик жавобгарнинг туғилиши ёки зотидан келиб чиққан ҳолда белгиланган (*origo, forum originis*).

Ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши ва иқтисодий кучларнинг фаоллашуви билан судловлилик тушунчаси ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан тарафларнинг яшаш жойи (*domicilium*) билан боғлиқ бўлган. Рим ҳуқуқида яна бир қоида шаклланган, у ҳам бўлса, ҳар бир фуқаро (*civis*) шаҳар ҳамда вилоят магистрати юрисдикциясига бўйсунган. Кейинчалик, Германияда бу қоида ўзгача тус олиб, зодагонлар ва қишлоқ аҳолиси ишлари уезд судлари томонидан, шаҳар аҳолисининг ишлари магистратлар ва ратушалар томонидан кўриладиган бўлган. Суд уставлари ушбу қўш ёндашув қоидасини бекор қилиб, шахсий судловлилик қоидасини жорий этган. Бунга кўра ҳар бир шахс ўзининг доимий яшаш жойидаги суд олдида жавоб бериш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга бўлган. Агарда жавобгарнинг доимий яшаш жойи бўлмаса, судловлилик унинг вақтинча яшаш жойи бўйича белгиланган. Умумий судловлилик қоидасидан ташқари, судловлиликнинг махсус

қоидалари (*forum speciale*) ҳам амалқилган, бинобарин айрим тоифадаги ишлар бўйича умумий қоидадан чекинилган. Судловлилик-нинг бу тури бўйича даъвогарга умумий ёки махсус судловлиликни танлаш ҳуқуқи берилган. Кўчмас мулк жойлашган жой бўйича судловлилик (*forum rei sitae*) шартсиз ва мажбурий тусга эга бўлган. Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ даъволар, сервитутлар, ер низолари ва шу каби даъволар мулк жойлашган жойдаги суд томонидан кўрилган. Мулк муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни мулк жойлашган жойда кўриб ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлган (масалан, жойни кўздан кечириш, чегараларни текшириш, тарафларни сўроқлаш ва ҳ.к.).

Рим ҳуқуқи мулк жойлашган жой бўйича судловлиликни белгилашда кўчар ва кўчмас мол-мулкни ажратмасдан даъвогарга танлаш ҳуқуқини берган. Кўчар мол-мулкнинг жойлашуви судловлиликка умуман дахл қилмаган, чунки бу тоифадаги мулк доим эгасига ҳамроҳ бўлган (*mobilia ossibus inhaerent*). Агар кўчар ва кўчмас мол-мулкларга нисбатан биргаликда даъво тақдим этиладиган бўлса, бунда даъвогарнинг танлаши бўйича ёки кўчмас мол-мулк жойлашган жойдаги, ёки жавобгарнинг яшаш жойидаги судга даъво тақдим қилинган.

Бундан ташқари, Рим ҳуқуқи бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган даъволар (*forum solutionis contractus*) шартнома бажарилиши белгиланган жойдаги судда, жиноят оқибатида келиб чиқадиган даъволар (*forum delicti commissi*) жиноят иши билан бирга жиноят содир этилган жойдаги судда, борди-юфуқаролик даъвоси алоҳида берилган бўлса, умумий тартибда кўрилган.

Рим ҳуқуқи бўйича алоҳида (махсус) судловлиликка қуйидаги яна бир неча ҳолатларда ҳам йўл қўйилган. Масалан, жавобгар юридик шахсга нисбатан даъволар унинг бошқарув органи жойлашган жойдаги судга берилган. Қарши даъволар эса мабодо дастлабки даъвони қабул қилишда судловлилик қоидаларига риоя этилган бўлса, дастлабки даъво тақдим этилган жойда берилган (*forum reconventionis*), меросга нисбатан ёки вафот этган шахсга нисбатан даъволар (*hereditas iasens*) унинг охириги яшаш жойи бўйича тақдим этилган.

Умумий судловлилик алоҳида (махсус) судловлилик билан ёнма-ён ривожланиб борганки, бу ҳол даъвогарга танлаш ҳуқуқини берган. Қонуний судловлилик (*forum legale*)нинг бу турларидан ташқари, ихтиёрий судловлилик (*forum conventionale*) ҳам бўлганки, бунга кўра судловлиликнинг юқоридаги барча қоидаларидан чекинган ҳолда (бундан кўчмас мулк жойлашган жойдаги судга тақдим қилинадиган даъволар мустасно) тарафлар олдиндан ўзларининг шартномаси билан келгусида низо юзага келса, қайси судга мурожаат қилинишини белгилаб олишган.

Судловга тегишлилик қоидаларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва тамойилларидан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам фуқаролик

ишининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва ишда иштирок этаётган шахсларнинг таркибига қараб судловлилик қоидаларини ривожлантириш ва шу йўсин билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликка жорий этиш тақозо этилади. Бу эса ўз-ўзидан жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг суд орқали ҳимоя қилинишини янада кучайтиришга олиб келади.

**Ш.БОЗОРОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Қўқон туманлараро суди судьяси**

### **Фуқаролик ишлари бўйича сиртдан иш юритиш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба**

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти фуқаролик процессуал қонунчилигига Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан киритилган ва 1998 йил 1 январдан амал қилиб келмоқда.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 224 – 236-моддалардан иборат “Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш” деб номланган 19-боб билан бойиди.

Сиртдан иш юритиш институтининг киритилишидан мақсад, фуқаролик процессида тортишув принципининг қўшимча равишда кафолатланишини мустаҳкамлаш, тарафларнинг ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) учун жавобгарлик даражасини ошириш, низоли масала ҳал этилишини тезлаштириш, шунингдек судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларни улар мазмун-моҳиятини йўқотмасидан, белгиланган вақтда кўриб ҳал этиш билан манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.<sup>161</sup>

Маълумки, суд мажлисига жавобгар тарафнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш жараёнини узайтирувчи ва даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қайта тиклашга тўсқинлик қилувчи, даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган шакли сифатида эътироф этилади.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш бизнинг фуқаролик процессуал қонунчилигимиз учун янгилик бўлса-да, кўплаб давлатлар ҳуқуқ тизимларида, жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқида ушбу институт – сиртданиш кўриш тартиби мавжуд.

---

<sup>161</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси: фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун ўқув қўлланма. –Тошкент: Baktria press, 2014. – 343 б.

Сиртдан иш юритиш деганда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгарнинг узрли сабабларсиз суд мажлисига келмаслиги ва даъвогар розилиги асосида ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб ҳал қилиш тушунилади. Бундай суд жараёнларида ҳеч кимнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилмайди. Бунда, биринчидан, тегишли процессуал тартиб ва қоидалар бузилмайди, иккинчидан, даъвогарнинг розилиги асосида иш кўришга йўл қўйилади, учинчидан, жавобгарнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги таъминланади.

Юридик адабиётларда, хусусан, суд амалиётида ҳам бу борада “сиртдан иш кўриш”, “сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш”, “сиртдан иш юритиш” тушунчалари қўлланилади, лекин асосий мазмун-моҳият ишни сиртдан кўриб ҳал қилишга бориб тақалади. Аслида бу тушунча иш кўришнинг бир шакли бўлиб, умумий процессуал тартиб-қоидаларга (айрим истиснолар билан) асосланади.

Сиртдан иш юритишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари:

биринчидан, жавобгар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинганлигига қарамай, суд жараёнида иштирок этмаслигида;

иккинчидан, жавобгар иштирокисиз иш кўришга даъвогарнинг розилиги олиниши шартлигида;

учинчидан, иш материалларида жавобгарнинг хабардор қилинганлигига оид ҳужжатларнинг бўлиши шартлигида;

тўртинчидан, сиртдан иш кўришга сиртдан иш юритиш ҳақидаги ажрим асосида йўл қўйилишида;

бешинчидан, сиртдан иш юритишда суд мавжуд далиллар доирасида ишни кўриши шартлигида;

олтинчидан, иш сиртдан кўрилганда даъвонинг предмети ёки асоси ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмаслигида;

еттинчидан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини уни чиқарган суд томонидан жавобгарнинг аризаси асосида қайта кўриб чиқилиши мумкинлигида;

саккизинчидан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида шу судга ариза берганлик учун давлат божи тўланмаслигида;

тўққизинчидан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан тарафлар апелляция, кассация шикоят ва прокурор протести келтирилиши мумкинлигида кўринади.

Сиртдан иш юритишнинг аҳамияти шундаки, у:

Биринчидан, тарафлар суд олдидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўғри англашларига имконият яратиб беради.

Иккинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг мавжуд процессуал тартибга риоя қилишларини таъминлайди.

Учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловни амалга оширишга бўлган масъулиятини кучайтиради.

Тўртинчидан, вақтни тежаш, процессуал муддатларга риоя қилишни таъминлашга қаратилган бўлади.

Фуқаролик ишини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида уларга риоя қилиниши иш юзасидан чиқарилажак ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кафолати ҳисобланади. Жавобгар суд жараёнида иштирок этмаган тақдирда, ишни сиртдан кўриб ҳал қилиш мумкин бўлади ва бу сиртдан иш юритишнинг биринчи шarti ҳисобланади. Жавобгарнинг суд мажлисига келмаслик сабабларини, жумладан қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин бўлади:

-агар ишда жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлиги тўғрисида тегишли маълумотлар бўлмаса;

-агар суд жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлиги сабабини узрли деб топмаса;

-агар жавобгарнинг қасддан иш кўриш муддатини чўзаётганлиги маълум бўлса ва бошқалар.

Шу ўринда суд ишда жавобгарга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаса ёки чақирув қоғозида жавобгарнинг суд мажлисига қатнашмаслиги сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга олиб келиши тўғрисида тегишли таъкидлар ёзилмаган бўлса, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин эмаслигига судлар эътибор беришлари лозим.

Даъвогарнинг жавобгар иштирокисиз сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга берган розилиги сиртдан иш юритишнинг иккинчи асосий шarti ҳисобланади. Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга судда такрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайта хабар юборади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, агар тарафлар (даъвогар ва жавобгар) узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса ёхуд уларнинг бирортаси ҳам ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза бермаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 671-II-сон Қонуни таҳриридаги ўзгартишларга асосан суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланган.

Сиртдан иш юритишнинг асослари қуйидагича таснифланади:

Биринчидан, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлиги.

Иккинчидан, жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот мавжудлиги.

Учинчидан, ишни сиртдан жавобгарсиз кўришга даъвогар эътироз билдирмаганлиги.

Тўртинчидан, ишни сиртдан кўриш ҳақида суд ажрим чиқарганлиги.



Сиртдан иш кўриш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ФПКнинг 226-моддасида иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ваз ва илтимосларини эътиборга олиб, сиртдан ҳал қилув қарори чиқаради. Бундай тартибда иш юритишда даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёхуд даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўришнинг хос хусусиятлари бор. Бунда ҳам даъвогарнинг, ҳам жавобгарнинг манфаатлари эътиборга олиниб, шикоят беришнинг (протест келтиришнинг турли шаклларида фойдаланиш ҳуқуқи кафолатган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 229-моддасига асосан, жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин 15 кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;

2) ариза бераётган тарафнинг номи;

3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати;

4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;

5) аризага илова қилинган материалларнинг рўйхати.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Ана шу ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди (ФПКнинг 230-м.).

Суд ишда иштирок этувчи шахсларни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади, уларга шу ариза ва унга илова қилинган материалларнинг нусхаларини юборади (ФПКнинг 231-м.).

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани ариза тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида суд мажлисида кўради. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Суд аризани кўрганидан кейин ажрим чиқаради. Суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақида чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши мумкин (ФПКнинг 232-м.).

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, ўзининг ажрими билан:

1) аризани қаноатлантирмай қолдиришга;

2) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклашга ҳақли (ФПКнинг 233-м.).

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим (ФПКнинг 234-м.).

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори шу қарорни чиқарган суд томонидан бекор қилинса, ишни мазмунан кўриш тикланади ва ФПКда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилади. Агар ФПКнинг 132 – 139-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса ҳам, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган ҳисобланмайди. Жавобгар бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган қарор сифатида қайта кўрилишини сўраб, ариза беришга ҳақли эмас (ФПКнинг 235-м.).

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари ва тартиби умумий ва махсус хусусиятга эга. Жумладан, тарафларнинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация шикоят бериш (протест келтириш) асослари ва тартиби Фуқаролик процессуал кодексида берилган умумий қоидаларга асосан амалга оширилади ҳамда мазкур Кодекснинг 312 – 314-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳам сиртдан ҳал қилув қарори бекор қилиниши мумкин.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилишнинг махсус хусусияти шундаки, мазкур қарор фақат жавобгарнинг аризасига кўра, Фуқаролик процессуал кодексининг 234-моддасида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши мумкин, бинобарин яъни суд, биринчидан, тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини, иккинчидан, тараф сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни мазмунан кўради.

Сиртдан иш юритиш институтининг ўзига хос процессуал хусусиятларидан бири сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза берганлик учун давлат божи тўланмаслигидир.

Жавобгар узрли сабабларга кўра, суд мажлисига кела олмаганлигини исботлаш учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни кўрсатиши керак. Бундай ҳолатларга, масалан, табиий офатлар,

урушлар, узоқ муддатли хизмат сафарлари, касаллик ҳолатлари ва суд мажлисига келишга имкон бермайдиган бошқа ҳолатлар киради.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгарнинг муносабати одатда қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1) жавобгар сиртдан чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг нусхасини олганидан сўнг, кўпинча унда кўрсатилган қарорга рози бўлади;

2) жавобгар суд чиқарган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида ариза бериш ҳуқуқини яхши англаб етмаган бўлади;

3) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қароридан нусха ўз вақтида жавобгарга етиб бормади ва натижада сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ўтиб кетади;

4) жавобгар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори чиқарилганлиги ҳақида ижро чоралари қўлланилгандагина хабардор бўлади.

Ҳар қандай фуқаролик низосининг яқуни унинг ижроси билан белгиланади. Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан жавобгар 15 кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза билан шу судга мурожаат қилмаган ёки 20 кун муддат ичида тарафлар шу суд орқали юқори судга апелляция шикояти бермаган, прокурор эса протест келтирмаган бўлса, ушбу сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган ҳисобланади. Шунингдек, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан олти ой ичида тарафлар кассация шикояти беришлари, прокурор кассация протести келтириши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 217-моддасига асосан, суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради.

Умумий қоидага кўра, ФПКнинг 218-моддасига асосан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ҳам қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар қандай суд қарорининг яқуний натижаси унинг ижроси таъминлангандагина ўз вазифасини амалга оширган саналади. Ана шундагина фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояси самарали яқунланган деб ҳисобланиши мумкин.

Сиртдан иш юритиш тартибини янада такомиллаштириш учун янги таҳрирдаги ФПК га қуйидаги таклифлар билдирилади:

1. ФПКнинг 229-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш:

“Жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида

ариза беришга сиртдан ҳал қилув қарори мазмунига таъсир кўрсатувчи далиллар тақдим қилгандагина ҳақли”.

2. ФПКнинг 231-моддасининг матнини қуйидаги таҳрирда баён қилиш:

“Суд жавобгар ёки қўшимча жавобгарни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани якка тартибда кўриб чиқиб, уни мазмунига таъсир кўрсатувчи далиллар бўлгандагина қаноатлантириш, акс ҳолда рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради”.

3. ФПК 232-моддасининг матнини қуйидаги таҳрирда баён қилиш:

“Суднинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани рад қилиш ёки қаноатлантириш ҳақидаги ажрими устидан шикоят беришга йўл қўйилмайди, қарор устидан апелляция ёки кассация шикояти берилиши мумкин”.

**Л.Б.ШЕРБЕКОВА,  
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё  
туманлараро судининг судьяси**

### **Фуқаролик процессида даъво ишларини соддалаштирилган тартибда кўриш хусусиятлари**

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳар бир инсоннинг бахтли, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлашга қаратилган бўлиб, буни хусусан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган бўлиб, унда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш борасида судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорликка, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик асосий вазифалардан этиб белгиланганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, бизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Жорий йилда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, давлатимиз раҳбари томонидан қатор қонун ҳужжатлари, 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 6 апрелда

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонун хусусан тасдиқланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизимига оид моддалари бандларига ўзгартиришлар киритилди, судьялик лавозимига номзод танлаш ҳамда тайинлаш, уларни ўқитиш принциплари тубдан янгиланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида фуқароларнинг муурожаатларини, вақтида, сансалорликка йўл қўймасдан, белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлашга, чиқарилаётган қарорлар қонуний ҳамда адолатли бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиришлар, айтайлик ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанциясида кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддатларига ўзгартиришлар киритилди. Бу, ўз навбатида, суд қарорларининг қонунийлигини, ишлар (низолар) қисқа муддатларда адолатли кўриб чиқилишини таъминлашда муҳим омилдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида 20<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилганлиги ҳам суд ишларини соддалаштириш борасида муҳим қадам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу бобга киритилган қоидаларнинг аҳамияти шундан иборатки, мазкур Қонун қабул қилинган, судья маълум низосиз тоифадаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди.

Буйруқ тартибида иш юритиш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибаси қиёсий ўрганиб чиқилганида, юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш ишлари тўғри, тез фурсатларда ҳал этилиши, кўп жиҳатдан судларда ишларни соддалаштирилган тартиб-таомилларининг амал қилиши орқали таъмин этилаётганлиги аниқланган.

Буйруқ тартибида иш юритишнинг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тез, соддалаштирилган усулда ҳимоя қилишдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда фуқаролик ишларини кам харажат сарфлаб, соддалаштирилган тартибда кўриб, ҳал қилиш учун суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини, Ҳамдўстлик мамлакатларининг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мумкин қадар кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.<sup>162</sup>

Фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этишнинг процессуал тартибини белгиловчи миллий қонунчилигимизда иш юритишни соддалаштириш, ихчамлаштириш, кам харажатлилиқ йўналиши бўйича ривожлантириш, иш кўриш муддатларини қисқартириш лозим деган хулосага келиш мумкин. Бунинг учун фуқаролик ишларида тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишнинг тугатилишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар тарафларни муурожага

<sup>162</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Мирзаев У.С. “Буйруқ тартибида иш юритиш // Илмий–амалий қўлланма. –Тошкент: “Adabiyot uchqunlari”. 2015. – 204 б.

келтириш ва низоларни самарали ҳал қилишнинг муҳим воситаларидан бири келишув битими эканини кўрсатмоқда. Келишув битимлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектларининг, умуман олганда жамият аъзоларининг ўзаро қарама-қаршиликларини бартараф этувчи мақбул воситалардан бири бўлиб, тарафлар низони келишув асосида, ўз манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро музокаралар орқали ҳал этадилар. Тарафлар ўртасида келишув битими тузишдаги асосий шартлардан бири фуқаролик процесси тарафларининг ҳуқуқлари ва хоҳиш-истаклари эркин билдириш принципининг амал қилишидир. Судьялар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, тарафларни келиштириш чораларини кўриш ишни судда кўришга тайёрлаш вазифаси сифатида ФПКнинг 158-моддасида мустаҳкамлаб қўйилиши ҳақидаги таклиф судьялар томонидан қўллаб-қувватланган.

Судларнинг фаолиятига замонавий ахборот–коммуникация технологияларни, фуқаролик ишларини юритишнинг замонавий шаклларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2014 йил 17 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган “Е-суд” электрон судлов ахборот тизимининг тақдими бўлиб ўтди.

Электрон судлов-ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги 4459-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Электрон ахборот-судлов тизими фуқароларнинг судларга мурожаат қилишини соддалаштириш билан бирга, судлар фаолияти ошкоралигини таъминлайди, судлар фаолиятига электрон ҳужжат алмашинувини кенг жорий қилиш, судлар фаолиятининг айрим жиҳатларини автоматлаштириш орқали низо тарафлари - фуқароларга ҳамда судья ва суд ходимларига қулайликлар яратиб беради.

Хусусан, фуқаро қатнашиш учун бевосита суд биносига ва мажлисига бормасдан туриб ҳам процессуал ҳужжатларини, хусусан даъво аризаларини, илтимосномаларини ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларини судларга электрон шаклда ахборот коммуникация тизими воситалари орқали жўнатиши, фуқаролик иши бўйича судлар томонидан амалга оширилган процессуал ҳаракатлар ҳақида ахборот тизими орқали, судга бевосита мурожаат қилмасдан хабардор бўлиши мумкинлигини, суд чақирувлари ҳамда суд томонидан чиқарилган қарорлари билан ахборот тизими орқали танишиш имкониятлари мавжудлиги судлар фаолиятининг ошкоралигини янада кенгайтиришга ҳисса қўшишига ишонч билдирамыз.

**М.САИДМУРОДОВ,  
фуқаролик ишлари бўйича  
Тойлоқ туманлараро судининг судьяси**

**Фуқаролик процессида ишни кўришни кейинга қолдириш,  
аризани кўрмасдан қолдириш асослари ва тартибини  
такомиллаштириш**

Истиқлол йилларидаги кенг қамровли ислохотлар мажмуасида суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида амалга ошириб келинаётган ишлар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, жамият фаровонлиги ва демократия устуворлиги аввало, жамиятда тартиб-қоидалик ҳукмронлиги билан боғлиқ. Ушбу жараёнда жамиятдаги мавжуд қонунларнинг мукамаллиги, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўламини, фуқароларнинг мавжуд тартиб-қоидалар, қонунларга, онгли равишда риоя қилиши, бўйсунуши, ижросининг фаол иштирокчиси бўлиши муҳим омиллардан ҳисобланади. Суд-ҳуқуқ ислохотларидан кўзланган мақсадларга эришиш ва унинг самарадорлигини таъминлашда икки узвий омил – фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги ҳамда амалдаги қонунларнинг мукамаллиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қонунларнинг мукамаллиги эса уларнинг мавжуд эҳтиёж ва ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда такомиллашуви орқали таъминланади.

Суд-ҳуқуқ ислохотларидан кўзланган мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанг равишда, жумладан фуқаролик процессуал қонунчилиги ҳам мунтазам равишда такомиллаштирилиб, тўлдириб борилмоқда.

Фуқаролик тартибида судда иш юритишни такомиллаштиришнинг энг эътиборли жиҳатларидан бири ишларнинг ўз муддатида кўрилиши ва сансалорлик ҳолатларининг олдини олишдир.

Шу билан бирга, процессуал қонунчиликдаги ўзига хос хусусиятлар ишни кўришни ҳар доим ҳам суднинг ихтиёрига ҳавола қила олмайди.

Зеро, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилишшахснинг ўз ҳуқуқи бўлиб, ушбу мурожаатнинг натижаси аризачининг манфаатларига дахлдор бўлганлиги сабабли қонун ишнинг судда кўрилиши жараёнида аризачининг иштирок этиш-этмаслиги билан боғлиқ масалани унинг ихтиёрига ҳавола қилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддаси тўртинчи қисмига кўра, тарафлар ишни ўзларининг иштирокларисиз кўришни ва ўзларига

суднинг ҳал қилув қароридан нусха юборишни илтимос қилишга ҳақли. Агар ишнинг ҳолатлари бўйича зарур бўлса, суд тарафларнинг суд мажлисида иштирок этишини шарт деб топиши мумкин.

Суд тарафларнинг суд мажлисида иштирок этишини шарт деб топиши кўрилатган ишнинг моҳиятига боғлиқ бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарорининг 12-банди биринчи қисмига кўра, иш ҳолатларини, ота-онанинг болаларига муносабатлари хусусиятларини ҳар тарафлама аниқлаш мақсадида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар, суд мажлисида жавобгарлар иштирокида кўрилиши лозимлиги белгиланган.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш мажбурия-тини тарафларнинг зиммасига юклаши сабабли, тарафларнинг судда иштирок этишлари аввало, уларнинг манфаатларига мос ҳисобланади.

Суд амалиётида эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг айрим ҳолатларда узрли сабабларга кўра, баъзи ҳолатларда эса узрсиз сабабларга кўра, баъзида атайлаб ишни чўзишни кўзлаган ҳолда судга келмаслиги ҳолатлари кузатилади.

Қонунга мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни ҳам шу зайлда бажаришлари шарт.

Қонун ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатларини бунга асос бўлган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда белгилаган.

Унга кўра агар ишда иштирок этувчи шахслар тегишли тартибда суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинган бўлиб, суд узрли деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаган бўлсалар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Тарафлар судга келмаслик сабаблари ҳақида маълумот беришлари ва бу сабабларнинг узрлилигига далиллар тақдим этишлари шарт. Башарти жавобгарнинг келмаганлик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, агар тарафлар (даъвогар ва жавобгар) узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса ёхуд уларнинг бирортасидан ҳам ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Агар тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра келмасалар, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.



Даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра судга келмаса, аризани кўрмасдан қолдириши учун судга жавобгарнинг розилиги талаб қилинади. Жавобгар суддан ишни кўришни талаб қилса, суд даъвогарнинг келмаганлигига қарамасдан ишни мазмунан кўриб чиқиши лозим.

Ишда иштирок этувчи шахслар узрсиз сабабларга кўра ишни кўришни қасдан чўзиш мақсадида судга келмасликка ҳақли эмаслар, зеро қонун уларнинг ўз процессуал ҳуқуқларидан инсофли равишда фойдаланишлари лозимлигини назарда тутади.

Суд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига мунтазам равишда инсофсизлик билан қаршилик қилиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Қайд этилганидек, аризачининг ёки тарафларнинг судга келмаслиги аризани кўрмасдан қолдириш билан боғлиқ оқибатни келтириб чиқаради.

Шу билан бирга процессуал қонунчиликда аризани кўрмасдан қолдиришнинг қуйидаги асослари белгиланган:

- аризанинг муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги;
- манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилганлиги;
- суд айтиб берилган тарафлар ўртасидаги, айтиб берилган предмет тўғрисидаги ва айтиб берилган асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги қарорига кўра, аризани қолдириш борасида Фуқаролик процессуал кодесининг 97-моддасида назарда тутилган асослар тугал ҳисобланади.

Лекин амалдаги қонунчиликнинг таҳлили аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўладиган, процессуал қонунда кўрсатилмаган бошқа асосларни ҳам назарда тутиш жоиз эканлигини кўрсатади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 282-моддасига кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилиши белгиланган.

Шунингдек қатор қонун нормаларида тўғридан-тўғри белгиланган ҳолатларда аризалар юзасидан иш қўзғатишнинг истисно қилиниши белгиланган бўлиб, бундай ҳолатда процессуал тартибда иш юритишнинг умумий қоидаларига кўра аризалар кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Жумладан, Оила кодексининг 39-моддасига кўра, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас. Мазкур кодекснинг 81-моддаси олтинчи қисмига кўра, ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани

фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 18-бандида эса, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтганидан сўнг қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 384-моддаси иккинчи қисмида белгиланишича, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат назарда тутилмаган тақдир эса - ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Бироқ юқоридаги асослар аризани кўрмасдан қолдириш асослари белгиланган ФПКнинг 97-моддасида келтирилмаган.

Қонун нормаси ихчам ва тушунарли бўлишини, юқоридаги асосларнинг барчасини ФПКнинг 97-моддасида алоҳида банд сифатида кўрсатиш амалий жиҳатдан мумкин эмаслигини эътиборга олиб, уларни (асосларни) ФПКнинг мазкур моддасини “аризани кўрмасдан қолдириш қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бошқа ҳолатларда” деган алоҳида банд билан тўлдириш воситасида кўрсатиш мумкин.

**Н.ҲАМРОЕВ,  
фуқаролик ишлари бўйича  
Чироқчи туман суди судьяси**

### **Минск конвенциясида фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар**

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск конвенцияси минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжат 1993 йил 22 январда қабул қилинган 1994 йил 25 март кунда кучга кирган. Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси, Грузия Конвенциянинг аъзо давлатлари ҳисобланади. Мазкур Конвенцияга 1997 йил 28 мартдаги

Протокол билан ўзгартиш киритилган. Ушбу Протоколни Ўзбекистон Республикаси имзолаган, лекин ратификация қилмаган.

Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги 1993 йил 6 майдаги 825-XII-сонли Қарори билан ратификация қилинган.

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги (Минск, 1993 йил 22 январь) ва Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги (Гаага, 1980 йил 25 октябрь) Конвенцияларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича марказий орган этиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган, даъво шахсининг фуқаролигидан қатъи назар, шартнома билан аҳдлашилган давлатлардан бирида доимий яшаш жойидаги судга, юридик шахслар устидан даъволар юридик шахсининг бошқарув органи жойлашган жойдаги судга юборилади. Агар ишда бир нечта жавобгар бўлиб, улар турли жойларда бўлса, қайси давлат судига мурожаат этиш даъвогар талаби билан ҳал қилинади. Мулк ҳуқуқ ва бошқа ашёвий ҳуқуқларга бўлган даъво мулк (кўчмас мулк) жойлашган жойдаги судга мурожаат қилинади.

*Шартномавий судловлилик.* Шартнома билан аҳдлашилган давлатлар судлари томонларнинг ишни бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги ёзма келишувига биноан ҳам низоларни кўриб чиқишлари мумкин. Агар битта иш бўйича иккита давлатда ҳам иш қўзғатилган бўлса, даъво предмети ҳам, даъвогар тарафлари ҳам битта бўлса, бир ҳил асосларда иш кўрилади бўлса, ишни кўриб чиқишни кечроқ бошлаган суд ўз ишини тугатади.

*Шахсий мақом. Ҳуқуқ ва муомала лаёқати.* Жисмоний шахсининг муомала лаёқати шахс қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ушбу давлат қонунчилиги билан белгиланади. Фуқаролиги бўлмаган шахсининг муомала лаёқати шахс қайси давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, шу давлат қонунчилиги билан белгиланади. Юридик шахсининг ҳуқуқий лаёқати қайси давлатда ташкил этилганлигига қараб белгиланади.

*Шахсни бедарак йўқолган ва ўлган деб топиш.* Шахсни бедарак йўқолган ва ўлган деб топиш ваколати шахс қайси давлат фуқароси бўлса, ушбу давлатнинг адлия органлари томонидан амалга оширилади. Томонларнинг адлия органлари бошқа давлат фуқаросини ўз давлат ҳудудидаги манфаатдор шахсларнинг илтимосномасига биноан, бедарак йўқолган ва ўлган деб топиши мумкин.

*Никоҳ тузиш.* Никоҳ шартлари бу келажак эр-хотинлар қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилиги билан, фуқаролиги бўлмаган шахслар эса доимий яшаш жойига эга бўлган давлатнинг қонунчилиги

билан белгиланади. Бундан ташқари, никоҳ тузилаётганда никоҳ рўйхатдан ўтказилаётган давлатнинг қонунларига ҳам риоя қилиниши шарт.

*Эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари.* Шахсий ва мулкӣ ҳуқуқий муносабатлар эр-хотиннинг биргалиқдаги яшаш жойи давлат қонунчилиги билан белгиланади. Агар эр-хотиндан бири шартнома билан аҳдлашилган давлатлардан бирида, иккинчиси бошқа давлат ҳудудида яшаса-ю, иккаласи бир давлат фуқароси бўлса, улар қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Агар эр-хотиндан бири бир давлат фуқароси, иккинчиси бошқа давлат фуқароси бўлса, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари улар охириги биргалиқда яшаган давлат қонунчилигига қараб белгиланади. Агар охириги биргалиқда яшаган жойлари номаълум бўлса, ишни кўриб чиқувчи муассаса жойлашган давлат қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

*Никоҳни бекор қилиш.* Никоҳни бекор қилиш эр-хотин қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилигига асосан ҳал қилинади. Агар эр-хотиндан бири бир давлат фуқароси, иккинчиси бошқа давлат фуқароси бўлса, никоҳни бекор қилишда муассаса жойлашган давлат қонунчилиги қўлланилади.

*Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш.* Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда шахс қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилиги қўлланилади.

*Фарзандликка олиш ва оталик ёки оналикни белгилаш.* Оталик ёки оналикни белгилаш ва бекор қилиш масаласи бола туғилиши бўйича қайси давлат фуқаро бўлса, шу давлат қонунчилиги билан белгиланади.

*Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқий муносабати.* Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқий муносабатлари уларнинг доимий биргалиқда яшаш жойларидаги давлат қонунчилиги билан, агар доимий биргалиқда яшаш жойлари бўлмаса, фарзанд қайси давлат фуқароси эканлигига қараб белгиланади. Даъвогарнинг талаби бўйича алимент мажбуриятлари масаласини ҳал этишда фарзанднинг доимий яшаш жойи жойлашган давлат қонунчилиги қўлланилади. Вояга етган фарзандлардан ота-оналар фойдасига ундириладиган, шунингдек оилани бошқа аъзоларининг алимент мажбуриятлари борасида уларнинг охириги биргалиқдаги доимий яшаш жойлари давлат қонунчилиги қўлланилади. Агар биргалиқдаги уй-жой бўлмаса, даъвогар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат қонунчилиги қўлланилади. Бола тарбияси билан боғлиқ суд қарорларининг ижроси бола яшаб турган жой қонунчилиги билан белгиланади. Шартнома билан аҳдлашилган давлатлар бир-бирига алимент тўловчини излаб топишда ёрдам кўрсатадилар.

*Васийлик ва ҳомийлик.* Васийлик ва ҳомийлик васийлик ва ҳомийлик ўрнатилаётган ёки бекор қилинаётган шахс қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат қонунчилиги билан белгиланади. Васий ёки ҳомий билан васийлик ёхуд ҳомийликка олинган шахс ўртасидаги ҳуқуқий

муносабатлари васийлик ва ҳомийликни тайинлаган муассаса жойлашган давлат қонунчилиги билан белгиланади. Бир давлат фуқаросига нисбатан васийлик ва ҳомийлик бошқа давлатнинг ваколатли органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

*Фарзандликка олиш.* Фарзандликка олишда фарзандликка олувчи қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилиги қўлланилади. Агар фарзанд бошқа давлат фуқароси бўлса, фарзандликка олинаётганда боланинг қонуний вакили ва ваколатли давлат органи, шунингдек фарзанднинг розилиги керак бўлади. Агар фарзанд ҳар хил фуқароликдаги эр-хотинлар томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, фарзандликка олиш ёки уни бекор қилиш шартлари иккала фуқаронинг давлат қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Мулк ҳуқуқи.* Кўчмас мулкларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлар кўчмас мулк жойлашган давлат қонунчилиги билан белгиланади. Мулкнинг кўчмас мулк эканлиги мулкнинг қайси давлатда жойлашганлигига қараб белгиланади. Транспорт воситаларига нисбатан мулк ҳуқуқи транспорт қайси давлатнинг махсус органи томонидан рўйхатдан ўтганлиги билан белгиланади. Мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва тугатилиши вақтида мазкур мулк қаерда жойлашган бўлса, шу давлат қонуни қўлланилади.

*Битим шакли.* Битим қайси давлатда тузилаётган бўлса, унинг (битимнинг) шакли шу давлат қонунчилиги билан белгиланади.

*Ишончнома.* Ишончнома шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган давлат қонунчилиги билан тартибга солинади.

*Битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.* Битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, агар битимда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, битим тузилган давлат қонунчилигига асосан аниқланади.

*Зарарни қоплаш.* Зарарни қоплаш мажбурияти зарар етказилган ҳаракат ёки бошқача ҳолат амалга оширилган жой қонунчилиги билан белгиланади.

*Даъво муддати.* Даъво муддати масаласи тегишли ҳуқуқӣ муносабат учун қўлланиладиган давлат қонунчилиги билан тартибга солинади.

*Мерос. Тенглик ҳуқуқи.* Конвенцияга барча аъзо давлатларнинг фуқаролари бошқа давлат ҳудудида ўша давлат фуқаролари билан тенг ҳуқуқларда мерос олиш ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

*Мерос ҳуқуқи.* Мулкка бўлган мерос ҳуқуқи мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи қонунчилиги билан тартибга солинади. Кўчмас мулкларга нисбатан мерос ҳуқуқи борасида мулк жойлашган давлат қонунчилиги қўлланилади.

*Мероснинг давлатга ўтиши.* Кўчар мулк мерос қолдирувчи вафоти пайтида қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлатга, кўчмас мулк эса кўчмас мулк жойлашган давлатнинг мулкига айланади.

*Васият.* Васиятномани тузиш ва бекор қилиш ҳамда васиятноманинг шакли васият қолдирувчи васиятнома тузилаётган вақтда яшаган жойи қонунчилиги қўлланилади.

*Мерос масаласини кўришга ваколат.* Кўчар мулкка нисбатан мерос ҳуқуқини кўриш масаласи мерос қолдирувчи вафот этаётган вақтда яшаган жойи қонунчилиги асосида ҳал қиланади. Кўчмас мулкларга кўчмас мулк жойлашган давлат муассасаси ваколатлидир.

*Мерос ҳуқуқи масаласида дипломатик вакил ва ваколатхона муассасалари ваколатлари.* Мерос ҳуқуқи масаласида (меросдан воз кечишдан ташқари) дипломатик вакил ва ваколатхона муассасалари ўз давлатининг бошқа давлатлардаги фуқароларини меросга оид ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар.

*Меросни ҳимоя қилиш чоралари.* Меросни ҳимоя қилиш чоралари мерос қолдирувчи фуқаро давлатининг дипломатик муассасаси ва ваколатхонаси томонидан амалга оширилади. Адлия органларининг илтимосномасига биноан қабул қилинган қарорлар ўзгартирилиши, бекор қилиниши ва кечиктирилиши мумкин.

Оилавий ва мулкӣ ҳолат тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим қилишда шартнома билан аҳдлашилган давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тақдим этилади. Бунда тақдим этувчи тегишли давлат ҳудудида яшаш жойига эга бўлиши керак. Агар у доимий яшаш жойига эга бўлмаса, тегишли дипломатик ваколатхона томонидан берилган ҳужжатни тақдим қилиш етарли. Имтиёзлар бериш учун ваколатли муассаса тегишли муассасадан қўшимча маълумотлар ва тушунтиришлар талаб қилиши мумкин.

Конвенцияни қўллашда юзага келувчи масалалар томонларнинг ваколатли органларининг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади.

Ҳозирги кунда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиб бориши ушбу Конвенцияга ўзгартишлар вақўшимчалар киритишни ёки ушбу масалаларда давлатлараро янги Конвенцияни қабул қилишни давр талаб қилмоқда.

**Ф.КАРАБАЕВ,  
ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси**

### **Фуқаролик суд ишларини юритишда процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйишнинг айрим хусусиятлари**

Фуқаролик процессида тарафларнинг ва учинчи шахслар таркибининг ўзгариши ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш орқали ҳам, процессуал ҳуқуқий вориснинг процессга киришиши орқали ҳам амалга оширилади.

Процессуал ҳуқуқий ворислик деганда, низоли ёки суд қарори билан белгиланган ҳуқуқий муносабатдан тарафлардан бирининг процессдан

чиқиб кетиши сабабли тараф ёки учинчи шахсни бошқа шахс (ҳуқуқий ворис) билан алмаштириш тушунилади. Бошқача айтганда, процессуал ҳуқуқий ворислик институти низоли ҳуқуқий муносабатдан тарафлардан бирининг ёки учинчи шахсининг процессдан чиқиб кетиши боис тараф ёки учинчи шахсни бошқа шахс (ҳуқуқий ворис) билан алмаштиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 43-моддасида белгиланишича, низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахсининг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳ.к.) суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди.

Фуқаролик процессида ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиш асослари моддий ҳуқуқий муносабатдаги ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиш асослари билан бир хил ҳисоб. Моддий ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқий ворисликда ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтади, бу ҳолат процессуал ҳуқуқий ворисликда ҳам учрайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 50-моддасига кўра, юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқлари ва бурчлари (мажбуриятлари) топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади. Шунингдек, юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқлари ва бурчлари (мажбуриятлари) тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиқганида қайта ташкил этилган юридик шахсининг ҳуқуқлари ва бурчлари (мажбуриятлари) тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади. Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахсининг ҳуқуқлари ва бурчлари (мажбуриятлари) топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади. Мазкур Кодекснинг 82-моддасига кўра эса, фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибидан ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Ундан ташқари, ушбу Кодекснинг 318-моддасида кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтиш ҳолатлари белгиланган бўлиб, унга кўра бу иш, яъни кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши:

- 1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;

5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардасодир бўлади.

Фуқаролик кодекси ушбу моддасининг 1-бандида универсал ҳуқуқий ворислик масаласи кўрсатилган бўлиб, унга кўра, кредитор ҳисобланган шахснинг барча ҳуқуқлари ҳуқуқий ворисларга ўтказилади. Бу ҳолат жисмоний шахснинг вафоти ёки юридик шахснинг қайта ташкил этилиши натижасида рўй беради. Инсон вафот этганда унинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари, баайни мулкӣ ҳуқуқлари каби меросхўрларга ўтади. Мазкур Кодекснинг 184-моддасига биноанбунда меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятлари ҳам ўтади.

Фуқаролик ҳуқуқида талабнинг(ҳуқуқнинг)бошқа шахсга ўтказилиши ва қарзни бошқа шахсга ўтказиш институти (ФКнинг 313-325-моддалари) моддий-ҳуқуқий маънодаги ҳуқуқнинг қабул қилинишига ва шунинг ўзи билан процессуал ҳуқуқнинг ҳам қабул қилинишига олиб келади. Масалан, бировга қарз берган шахс (кредитор) вафот этса, қарздордан тегишли ҳақни талаб қилиш ҳуқуқи (моддий ҳуқуқ) билан бирга жавобгарга нисбатан даъво ишини қўзғатиш, судда иш юритилишида иштирок этиш ҳуқуқи (процессуал ҳуқуқ) ҳам талаб қилиш ҳуқуқи олувчиларга (ворисларга) ўтади.

Шундай қилиб, процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиш асослари асосан моддий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилганлигини эътиборга олган ҳолда судлардан фуқаролик ишларини юритиш жараёнида процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилишини моддий ҳуқуқ нормалари асосида текшириш ва қабул қиладиган суд ажримда унинг асосларини кўрсатиш талаб этилади.

Процессуал ҳуқуқий ворислик қайси тоифадаги ишларга нисбатан татбиқ этилмаслиги масаласига келганда шуни айтиш керакки, манбаларда процессуал ҳуқуқни қабул қилиш фуқаролар ўртасида фақат тегишли шахснинг иштироки билан боғлиқ бўлиши, масалан, алимент ундириш ишларида талаб алимент тўловчига боғлиқ бўлиб, иш кўришда процессуал ворисликка йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Айрим манбаларда процессуал ҳуқуқий ворислик фақатгина мулкӣ тусдаги низоларда қўлланилиши мумкин деган фикрлар илгари сурилади. Масалан, қарзни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгар вафот этган бўлса, унинг қарз мажбурияти бўйича жавоб беришга ҳуқуқий вориси жалб этилади. Агар шахсга нисбатан оталикни белгилаш тўғрисида талаб илгари сурилган бўлса, оталик вафот этган шахснинг шахси билан боғлиқ бўлганлиги боис, процессуал ҳуқуқий



ворисликка йўл қўйилмайди. Шунингдек, агар даъвогарнинг маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаби суд томонидан қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса-ю, даъвогар ушбу суммани олгунга қадар вафот этган бўлса, у ҳолда суд томонидан ундирилган сумма мерос мол-мулк таркибига киради ва ушбу сумма процессга ҳуқуқий ворис сифатида жалб этилган шахслар томонидан олиниши мумкин.

Юқоридагиларга қўшимча қилган ҳолда таъкидлаш керакки, процессуал ҳуқуқий ворисликка, агар моддий ҳуқуқда ҳуқуқни қабул қилиш назарда тутилмаган бўлса, яъни талаб бевосита даъвогар ёки жавобгарнинг шахси билан боғлиқ бўлса (никоҳдан ажратиш тўғрисидаги, алимент ундириш ҳақидаги, ишга тиклаш тўғрисидаги ва ҳ.к.) йўл қўйилмайди.

Процессуал ҳуқуқий ворислик асосан мулкий тусдаги талабларга нисбатан татбиқ этилиши, шахсий муносабатлардан келиб чиқадиган муносабатларда эса қўлланилмаслиги лозим.

Процессуал ҳуқуқий ворисликнинг ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш билан ўзаро ўхшашлик жиҳатлари мавжуд. Масалан, бунда ҳам даъвогар ёки жавобгарнинг ўрнини процессда аввал иштирок этмаган шахс эгаллайди. Бироқ ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришда процессга ундан олдинги шахслар олдида моддий-ҳуқуқий мажбуриятга эга бўлмаган бутунлай янги тараф кириб келади. Процессуал ҳуқуқий ворислик эса моддий ҳуқуқни қабул қилишга асосланади. Моддий ҳуқуқни қабул қилиш турли кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, ворислик ҳуқуқининг вужудга келиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳоказо. Бироқ талаб даъвогар ёки жавобгарнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлган тақдирда (никоҳдан ажратиш, алимент ундириш, ишга тиклаш каби даъволар бўйича) процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди. Масалан, агар ишга тиклаш ҳақидаги даъво берилганидан сўнг жавобгар - юридик шахс қайта ташкил этилган бўлса, жавобгар сифатида ҳуқуқий ворис бўлган ташкилот жалб этилади. Борди-ю даъвогар вафот этгудек бўлса, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймайди ва иш юритиш тугатилади. Чунки ишга тиклаш ҳақидаги талаб жавобгарнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди. Бироқ ойлик иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаб илгари сурилган бўлса, даъвонинг мазкур қисми бўйича ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилади.

Процессуал ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Бироқ суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур қоида айрим судлар томонидан тўғри қўлланилмаслиги ёки унга амал қилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Масалан, даъвогар **Б. В.** судга жавобгарлар **С.З.** ҳамда туман давлат нотариал идорасига нисбатан умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво билан мурожаат этиб, мазкур шартнома 2000 йил 11

апрелда тузилганлигини, лекин жавобгар шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни бажармаганлигини кўрсатиб ўтган. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. Апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Иш назорат тартибида кўрилиб, янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Олий суд раисининг ўринбосари томонидан киритилган протестқуйидаги асосларга кўра Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан қаноатлантирилиб, суд Раёсати қарорининг биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун шу инстанция судига юбориш қисми қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган. Олий суд Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли қарорида, ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ва шу ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда чиқарилгандагина қонуний бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Ишни назорат инстанция тартибида кўрган суд раёсати ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан биринчи инстанция судига кўриш учун юбориш ҳақидаги ўз хулосасига асос қилиб, даъвогар **Б.В.** иш апелляция инстанциясида кўрилгунга қадар вафот этганлигини, суд эса ҳуқуқий ворисни ишга жалб этмаган ҳолда низони ҳал этганлигини, шунингдек иш ҳужжатларида даъвогар томонидан ишончли вакилга берилган ишончноманинг асл нусхаси мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 43-моддасига кўра, низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди. Ишни назорат тартибида кўрган суд раёсати процессуал ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилишини, мазкур ҳолатда эса апелляция инстанцияси процессуал ҳуқуқий ворислик масаласини ҳал этмаганлигини инobatга олган ҳолда фақат шу инстанция ажримини бекор қилиш масаласини муҳокама этиши лозим эди.

Маълумки, ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида суд ажрим чиқаради ва мазкур ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришини рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки унга нисбатан хусусий протест келтириш мумкин. Чунки ФПКнинг 346-моддасига мувофиқ, суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят беришлари, прокурор эса, протест келтириши мумкинлиги белгиланган. Процессуал ҳуқуқнинг қабул қилиниши ҳолларида ишда иштирок этиш учун янги даъвогар ёки

жавобгар жалб этилишига қадар фуқаролик ишининг кўрилиши вақтинча тўхтатилади. Процессга кираётган ҳуқуқий ворис ўз ворислигини асослаб бериши талаб этилади. Масалан, мерос ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома, юридик шахснинг қайта ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилганлиги ёки бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир (ФПКнинг 42-моддаси иккинчи қисми). Мисол учун, етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги иш бўйича жавобгар вафот этган бўлиб, ҳаётлик чоғида суд процессида даъвони тан олган ва тан олиш тегишлича судда расмийлаштирилган бўлса, унинг ҳуқуқий вориси мазкур даъвони тан олиш юзасидан низолашишга ҳақли бўлмайди, чунки вафот этган шахс томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворис учун мажбурийдир.

Процессуал ҳуқуқий ворисликнинг ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш билан қуйидаги фарқли жиҳатлари мавжуд:

*биринчидан*, процессуал ҳуқуқий ворислик процесс давомида юзага келадиган асосларга кўра вужудга келса, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш эса фуқаролик процессини кўзғатишга қадар юзага келган асосларга кўра вужудга келади;

*иккинчидан*, процессуал ҳуқуқий ворисликда ҳуқуқни қабул қилувчи процессдан чиқиб кетган шахснинг барча процессуал ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришда эса бундай ҳолат юз бермайди;

*учинчидан*, агар жараёнда тарафлардан бири, масалан, тегишсиз, дахлсиз тараф тегишли тараф билан алмаштирилган фуқаролик ишининг кўрилиши янгидан бошланса, процессуал ҳуқуқнинг бошқа шахс томонидан қабул қилинганда унга иш материаллари билан танишиш учун вақт ва имконият берилиб, ишни кўриш давом эттирилаверади, янгитдан бошланмайди.

## **5-БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**О.ОКЮЛОВ,**  
**ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи”**  
**кафедраси профессор,**  
**ю.ф.д.,Ўзбекистонда хизмат**  
**кўрсатган юрист,**

### **Уюшмаган ёшлар бандлигига кўмаклашиш - улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг асосий ташкилий- ҳуқуқий воситаси**

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлардан бири сифатида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинаккам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини жорий қилиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш белгилаб қўйилган. Бу ғоят кенг қамровли, бир-бири билан узвий боғлиқ улкан вазифалар мажмуидан иборат. Ушбу вазифалар замирида ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик чораларини белгилаш ётади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ёшлар билан ишлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, ёшлар катта ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлиги, қизиққонлиги сабабли турли таъсирларга тез берувчан бўлади. Шу сабабли ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг тегишли бандларида ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик, бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билими ва саводхонлигини янада ошириш, уюшмаган ёшлар билан алоҳида иш олиб бориш усуллари жорий этишга бежиз урғу берилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 30 июнда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган нутқида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларга муносабат масаласи юзасидан долзарб вазифаларни асослаб берди ва илгари сурди. Жумладан, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни жамиятда ўз

ўрнини топишга ёрдам бериш масаласини қўйди. “Уюшмаган ёшлар қатлами ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчан ёшлар қатлами” ҳисобланади. Айниқса, улар қишлоқларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун, маҳалла учун баъзи ҳолларда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқдалар. Бундай ёшлар ўртасида “жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб кетиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилмоқда.”<sup>163</sup>

Ана шундай ёшлар билан ишлашда мутасадди идоралар биринчи галда улар орасидан меҳнатга лаёқатли, ишлашга хоҳиши ва рағбати бўлганларнинг бандлигини таъминлашлари лозим бўлади. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан олганда бандликни таъминлашнинг уч хил шаклидан кенг фойдаланиш мумкин. Биринчидан, меҳнат шартномаси асосида ишга жойлашишга кўмаклашиш. Иккинчидан, зарур иш ўринлари бўлмаган ҳолатда фуқаролик шартномалари орқали мавсумий ёки даврий ёхуд бир марталик ишларга, хизматларга жалб этиш ва ниҳоят тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишга кўмаклашиш.

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, уюшмаган ёшларни дафъатан тадбиркорликга йўналтириш масаласи жиддий ёндашув талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328 сонли Қонунининг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятига таъриф берилган. Унга кўра тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Бундан кўриниб турибдики, таваккалчилик ва ташаббускорлик тадбиркорлик фаолиятининг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Ташаббускорлик кишидан муайян мустақилликни, пухталиликни, ўз саъй-ҳаракатларига таянишни талаб этади. Таваккалчилик эса амалга ошираётган фаолияти йўлида келиб чиқиши мумкин бўлган барча тўсиқларни, салбий таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни олдиндан кўра билиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш лаёқатини англатади. Ва ниҳоят яна бир масала - тадбиркорлик фаолияти кўп ҳолатларда муайян сармоя талаб этади. Албатта, тадбиркорнинг ўзида бўлмаса, банк кредитларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ, банк кредит ажратишда тадбиркор бизнес режасининг пухталигига, реаллигига, кредит қайтарилишини таъминлаш масаласига (гаров, кафиллик, кафолат) эътибор беради. Уюшмаган ёшлар ушбу талабга жавоб бермаслиги мумкин. Бундан уюшмаган ёшлар орасидан тадбиркор чиқмайди деган хулоса чиқармаслик лозим.

<sup>163</sup> Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва ишончимиздир // Халқ сўзи. 2017. 1 июль.

Уюлмаган ёшлар орасида ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, баъзан умидсизликка берилган, ташаббускорлиги сўнган, ўз муаммоларини оқилона ҳал эта олмаган шахслар кўп учрайди. Албатта, улар орасидан ҳам агар йўналтирилса, кўмаклашилса тадбиркорликни тез уддалаб кетадиганлари чиқади. Бироқ, буни ёшларнинг ўзини ўрганиб чиққандагина буни аниқлаш мумкин. Шу сабабли ҳам уюлмаган ёшлар бандлигини таъминлашда уларни шошма-шошарлик билан, ёппасига тадбиркорликка йўналтириш оқилона ечим бўлмайди. Зотан уларнинг иши юрилмаган тақдирда, иккинчи марта руҳан синиши, моддий жиҳатдан ночорликка мубтало бўлиши, банкрот бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам бу соҳада эҳтиёткорлик билан, жиддий муносабатда бўлиш, ҳар бир ёшнинг имкониятларини, қобилиятларини, саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама ўрганиш, баҳолаш ва шундан кейингина уларга нисбатан конкрет ёрдам бериш лозим бўлади.

Албатта ёшларни меҳнат шартномаси асосида ишга жойлаштириш энг мақбул шакл ҳисобланади. Бироқ, қишлоқ жойларда иш ўринларини яратиш муаммолари ҳамма ерда ҳам осонликчаҳал этилмайди. Тўғри, фермер хўжалиklarини мақбуллаштириш асосида уларнинг сони нисбатан ортди. Бироқ, замонавий қишлоқ хўжалиги фақат қўл меҳнатига асосланишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг устига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мавсумий хусусиятга эга, кўпроқ ҳосил йиғим-терими вақтидагина қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезилади. Албатта, кўп тармоқли фермер хўжалиklари ҳам ҳаракат қилмоқда. Улар пахтачилик, чорвачилик қатори асаларичилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хатто хизмат кўрсатиш соҳалари билан ҳам шуғулланмоқдалар. Лекин, бундай кўп тармоқли фермер хўжалиklари тармоғини кенг доирада деб бўлмайди. Бунда асосий муаммо қишлоқда инвестициялар оқими нисбатан чекланганлигида.

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фермер хўжалиklarининг рентабеллик даражаси нисбатан юқори эмас. Натижада олинган фойданинг, даромаднинг реинвестиция қилиш ҳолатлари чекланган. Уларнинг бизнес режалари ҳар доим ҳам тижорат банklarини қаноатлантиравермайди. Натижада кредитдан фойдаланиш соҳасига ҳам катта умид боғлаш қийин. Муаммонинг ечимларидан бири сифатида кўп тармоқли фермер хўжалиklарида қўшимча фаолиятни амалга оширишни фермер хўжалиги иштирокидаги масъулияти чекланган жамиятлар тузиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ кўринади. Амалдаги қонунчилик фермер хўжалиklари устав фондини, иштирокчилар доирасини фермер хўжалиги раҳбарининг мол-мулки ва унинг оила аъзолари билан биргаликдаги умумий мулки ёки хиссали умумий мулки доирасида чеклайди. Демак, ташқаридан устав фондига инвестиция киритиш орқали устав фондини кўпайтириш мумкин эмас. Агар фермер хўжалиги, масалан, 51 фоиз устав капиталига иштирок этадиган маъсулияти чекланган жамият тузса ва қолган улушлар

бўйичаунда қишлоқдаги бошқа мулкдорлар иштирок этсалар, бу қишлоқдаги маҳаллий инвесторлар имкониятларини ҳам, янги иш ўринларини ҳам кенгайтирган бўлур эди. Бу эса уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлашнинг ўзига хос ҳуқуқий-иқтисодий ечимларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Уюшмаган ёшлар меҳнат шартномасидан ташқари фуқаролик шартномалари орқали ҳам иш бажаришлари, хизмат кўрсатишлари мумкин. Баъзи жойларда ним пинҳона, ним очиқ мардикорлар бозорлари борлиги ҳеч кимга сир эмас. Уюшмаган ёшларнинг кўпчилиги ушбу бозорларорқали муайян тирикчилик манбаига эга. Бундай мардикорлар бозорларини ҳуфёна иқтисодиёт сегментларидан бири деб ҳисоблаш мумкин, албатта. Уни легал иқтисодиётга айлантириш, меҳнат биржаси мақоми берилишига уринишлар ҳам бўлмоқда, бироқ бу ишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ зарур. Мардикор бозорларини дафъатан меҳнат биржалари ёки биржа филиаллари сифатида қайта ташкил этиш уюшмаган ёшларни чўчитиб қўйиши мумкин. Чунки меҳнат биржасида биржа ходимлари ҳар хил расмиятчиликлар, бюрократик баҳоналар, қўшимча тўловларни жорий этмайди деб ким ҳам кафолат берар ди дейсиз?!. Маҳаллалар ва ёшлар иттифоқи вакиллари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда стихияли равишда ташкил топадиган бундай мардикор бозорларини назардан қочирмасликлари, у ерда одам савдоси ёки шафқатсиз эксплуатация келиб чиқишига йўл қўймасликлари, у ердаги санитария, маиший ҳолатни назорат қилишлари, ҳар хил майда ҳуқуқбузарликлар, безориликлар ёхуд криминал ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишлари лозим. Уюшмаган ёшларни чўчитмайдиган, қочириб юбормайдиган вазият яратиш асосида мардикор бозорларини аста-секин легаллаштириш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнат стандартларини жорий этиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим. Уюшмаган ёшлар меҳнатидан фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари уларнинг шаҳарларда, айниқса Тошкент шаҳрида ишлашига йўл қўйиб бериш ҳисобланади. Афсуски, паспорт режимида риоя қилиш деган баҳоналар билан бу соҳада уларга ҳуқуқбузар сифатида қарашади. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида, бозорларда, вилоятларда, бошқа шаҳарларда ҳам уюшмаган ёшлар меҳнатидан фойдаланишда оқилона тизимни яратиш лозим. Айни пайтда шаҳар бедарвоза эмас, ҳар хил бузғунчи кучлар ёхуд криминал элементлар уюшмаган ёшлар меҳнатини йирик шаҳарларда ташкил этиш тизимидан фойдаланишига имкон қолдирмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги 510-XII-сонли Қонунининг 3-моддасида ишсизларга қуйидагича таъриф берилади: “Ишсизлар – 16 ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган манбага эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр ёхуд касбга

тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр, меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно), бундай шахслар ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва улар томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ишсиз ҳисобланадилар. Тегишли ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Таассуфки уюшмаган ёшларни қонунда белгилаб қўйилган бундай имкониятни рўёбга чиқариши амалда ўз ифодасини топмаяпти. Бу эса моҳиятан уюшмаган ёшлар ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдалана олмаётганларини ҳам англатади. Айни пайтда бу ҳол мутасадди ташкилотлар мазкур муаммога бепарволик билан қараётганига ҳам яққол далилдир. Уюшмаган ёшлар ишсиз сифатида рўйхатга олинганидан кейин тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан улар учун жамоат ишлари ташкил этилиши ҳам ўринли бўлур эди.

Уюшмаган ёшларнинг тўлақонли бандлигини таъминлаш чоралари билан биргаликда тизимли равишда уларнинг жисмоний, маданий савиясини ошириш чораларини ҳам кўриш лозим. Ёшлар иттифоқи уюшмаган ёшлар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этиши, хусусан қишлоқ жойларида ишлар нисбатан камайган қиш пайтларида улар учун компьютер саводхонлиги бепул курслари ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бугунги кунда электрон ҳукумат тизими ишлаб турибди, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик субъектларига интерактив хизматлар кўрсатиш, Президент виртуал қабулхонаси ва ҳатто одил судловни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш халқимизнинг ёппасига компьютер саводхонлигини таъминлаш вазифасини ўртага кўндаланг қўймоқда. Шу сабабли ҳам ҳеч бир истисносиз мамлакатимизнинг олис-яқин барча ҳудудларида уюшмаган ёшлар учун доимий фаолият юритувчи компьютер саводхонлиги таълим тизимини жорий этиш биринчи галда амалга ошириш лозим бўлган вазифадир. Бундай курслар, ҳар хил тўғараклар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюшмаган ёшлар жисмоний, маънавий ривожланишига кўмаклашибгина қолмасдан, уларни бекорчиликдан қўли бўшамаслик ҳолатлари тўрига илиниши олдини олган бўлур эди. Маълумки, бекорчилик-уюшмаган ёшлар учун энг ёмон иллат. Уларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этиши учун шарт-шароит кони ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган тадбирлар шунчаки, ўз-ўзидан, стихияли тарзда ўтказилмасдан, балки муайян тизим, режа, низомлар асосида амалга оширилмоғи лозим. Бугунги кунда уюшмаган ёшлар билан ишлаш шакллари, усуллари, тартиби, ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш фурсати келди. Зотан уюшмаган ёшлар билан ишлаш муайян ҳуқуқий майдонда ва муайян ҳуқуқий асосларга таянгандагина кутилган самара беришини унутмаслигимиз лозим.



**Б.Н.ТОШЕВ,**  
**Юристар малакасини ошириш**  
**маркази кафедра муdiri,**  
**юридик фанлар доктори, доцент**

### **Суд ҳужжатлари очиқ-ошкоралигини таъминлаш – суд ҳокимиятини амалда таъминлашнинг гарови**

Миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш, мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадида кейинги йилларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"**ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ҳаракатлар стратегиясини 2017 йил - «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид **Давлат дастури тасдиқланди.** Давлат дастурида **320 та тадбир** белгиланди. Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш мазкур Дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди.

Давлат дастурининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари" деб номланганикинчи йўналиши қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақил-лигини таъминлашнинг 2017 йилги чора-тадбирларини назарда тутди. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу йўналишда 62 та тадбирни (54-116 бандлар) амалга ошириш белгиланган.

Уларнинг моҳияти замирида суднинг мустақиллиги ҳамда очиқлигини таъминлаш, судьянинг мустақиллигини, суд ҳужжатларининг очиқлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш муддаоси мужассам.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдан кучга киритилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасидаги "давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги", 14-моддасидаги "давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва

қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши”, 29-моддасидаги “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги”, 30-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”лиги, 32-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишлари, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришлари” каби муҳим нормаларни ривожлантириш, умуман олганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқининг конституциявий асосларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Шунинг учун ҳам Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш, ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш, давлат органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш асосий вазифалар сифатида кўрсатилди.

Бундай муҳим ҳуқуқларни амалда таъминлашга йўналтирилган мазкур Қонун ўз-ўзидан давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг очиқлигини таъминлаш орқали давлатнинг яхлитлигича ҳам, ўзининг органлари тимсолида ҳам, мансабдор шахслари орқали ҳам давлат ҳокимиятчилигининг манбаи бўлган халқ, яъни ўз фуқаролари олдида доимий мажбуриятлари борлигини англатади.

Шундай экан, жамият давлат органлари, хусусан суд фаолияти ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиши учун холис ва ишончли ахборот олиши муҳим ҳисобланади. Бинобарин ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи ўз навбатида суд фаолияти билан боғлиқ ахборотлардан ҳам хабардор бўлишга дахлдор.

Суд фаолияти судда тўпланган маълумотлар ва ахборотлар орқали намоён бўлади. Суд фаолиятига доир ахборотлар сирасига барча инстанция судлари ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, судлар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар, норматив ва бошқа ҳужжатларга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар, ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар, судлар томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар, судлар томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар,

суд иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар, очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, мажлисларнинг кун тартиби (лойиҳалари), ўтказиладиган санаси, жойи ва вақти, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби каби кўплаб ахборотлар киради. Бу органлар ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотлар рўйхатини қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ ўзлари тасдиқлайди.

Суднинг фаолияти қонунда белгиланган доирада суд жараёнларининг очиқлигини таъминлаш қонунларнинг тўғри талқин қилиниши, суд ҳужжатларининг вақтида қабул қилиниши, уларни жамиятга тақдим этиб бориш билан боғлиқ жараён ва ҳаракатларда ҳамда суд ҳужжатлари, яъни маълумотлар ва ахборотларни ўз вақтида тарқатишда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, суд ҳужжатлари, яъни ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш бу суднинг очиқлигини таъминлашни англатади.

Мазкур қонун давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлмиш судлар фаолиятини ҳам тўғри ташкил этиш, улар фаолияти тўғрисида вақтида, ҳаққоний ва холис ахборот олиш орқали суд фаолияти устидан тегишли жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган. Шу маънода “тўртинчи ҳокимият” сифатида ОАВ давлат ҳокимиятининг ҳар учала тармоқлари фаолиятига қатъий муносабат билдира оладиган, омма ўртасида ижтимоий фикрни шакллантирадиган, давлат органлари, хусусан, суд ва судьялар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадиган катта куч ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ОАВнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга киришилди ва у тобора ривожлантириб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда, ОАВ зиммасига юклатилган вазифаларни ҳар қандай ташқи таъсирларсиз бажаришига кенг имкониятлар яратилмоқда. Тўғри ва ҳаққоний ахборот етказиш, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, жамиятдаги салбий кўриниш ва иллатларни очиб ташлаш, айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиши, жамоат назоратини ўрнатиши асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Суд ҳокимиятининг бошқа давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш принципи суднинг қонунларда белгиланган ваколатларини тўғри амалга ошириши, суднинг мустақиллигини таъминлаш, судьянинг қарор қабул қилишда фақат қонунга бўйсунуши, суд қарорларини процессуал муддатларда манфаатдор томонларга тақдим этиш, суд муҳокамасини турли босқичларда ҳам ошкоралик, тортишув ва очиқлик асосида давом эттиришда намоён бўлади.

Суднинг бошқа давлат органларидан фарқи, суд тизими, унинг ихтисослашуви, ваколоти ва иш юритиш тартиби ҳамда фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ва жараёнлар ҳақида жамият ўз вақтида хабардор

бўлса, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалда қўлланиш механизмларини яхши билса, ҳуқуқлари бузилганда ўзида ва атрофдагиларда судга мурожаат қилиш ҳиссини уйғота олса, ўшанда қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашган бўлади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш мақсадида кенг жамоатчиликка хабар бериш, салбий ҳодиса ва воқеаларга муносабат билдириш, давлат ва жамият муносабатлари ҳақида холис материаллар тайёрлаш ва унинг натижаларини эълон қилиш журналистларнинг бурчи саналади.

Мамлакат ҳаётида юз бераётган демократик ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суднинг жамият олдидаги обрўсини янада ошириш, суднинг ОАВ билан манфаатли ва айна вақтда қонун доирасидаги муносабатларини ўрнатишда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва хусусан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

**Биринчидан**, давлат ҳокимияти органи сифатида суд фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун қонунда унинг манбалари кўрсатиб ўтилган. Бу манбаларда ахборотлар жамланади, қайта ишланади, сақланади ва ахборотдан фойдаланувчиларга белгиланган тартибда турли шакллларда тақдим этилади. Судлов органларида катта ҳажмдаги ахборот жамланади. Бу ахборотларни тегишли манбаларда жойлаштириш тартибига ўзига хос ёндашув талаб этилади.

Суд ҳужжатларининг очиқлиги, қонунчиликда белгиланганидек, ОАВда, Интернет тармоғида, суд ҳужжатлари тўпламида, электрон ҳужжатлар базасида (Lex.uz, НОРМА, ЮРИДА ва бошқалар) жойлаштириш орқали таъминланади. Лекин, суднинг биринчи инстанцияда қабул қилган қарори (ажрим, қарор, ҳал қилув қарори ёки ҳукм) ахборот манбалари орқали қачон, қайси муддатларда ва қандай ҳажмда эълон қилиниши керак, деган масалада баҳскелиб чиқиши мумкин.

Суднинг биринчи инстанцияда қабул қилган қарори манфаатдор тарафлар томонидан турли босқичларда ва узоқ муҳокама қилиниши, муҳокама жараёнлари давомли бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Қарорлар апелляция, кассация, назорат тартибида Олий суд Раёсатида кўриб чиқилиши керак.

Қабул қилинган суд ҳужжатларидан жамиятни тезкорлик билан, вақтида хабардор қилиш механизмини соддалаштириш учун амалдаги процессуал қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади. Айна вақтда суд ҳужжатларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишни йўлга қўйиш ва унинг аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрь куни “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги УП-4486-сонли Фармони ҳам қабул қилинган.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунининг

бир қатор нормалари “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларнинг қатор нормалари билан тўқинади. Очқлик тўғрисидаги қонун жисмоний шахсларнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш тартибига, ариза, таклиф ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш тартибига, давлат органлари ўз ваколатларини амалга ошириши муносабати билан улар томонидан бошқа давлат органларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибига ва давлат органларининг фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Очқлик тўғрисидаги қонунда “Оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш” деган 17-модда ахборотдан энг фаол фойдаланувчи бўлган оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳаракатларига бағишланган. Ушбу моддада оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат органларида аккредитация қилиш тартиби ва ахборотдан фойдаланишга оид қатор ҳуқуқлари белгиланган. Бизнингча, ОАВ вакилларини суд органларида аккредитация қилиш тартибини бекор қилиш керак. 200 дан ортиқ туман, шаҳар, вилоят судларида 15 мингдан ортиқ журналистга қўшимча ваколат бериш жараёни қанча вақт талаб қилишини тасаввур этиш қийин эмас. Журналистларнинг ваколатлари шундай ҳам улар фаолиятига дахлдор бўлган соҳавий қонунлар ва халқаро ҳужжатлар нормаларида мустақкамлаб қўйилган.

**Учинчидан,** очқлик тўғрисидаги қонун бошқа давлат органлари қатори суд фаолиятининг ҳам имкон қадар очқлигини талаб этади. Айни вақтда бу фаолият бошқа қонунлар билан хусусан шунингдек, процессуал қонунчиликда чегаралаб қўйилган. Масалан, 2007 йил 15 январда янги таҳрирда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг “Оммавий ахборот воситалари эркинлигини суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги” деб номланган 6-моддасида “Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатсиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади”, дейилган. Бизнингча, ушбу нормани мазкур қонун таркибидан чиқариш мақсадга мувофиқ кўринади.

Айни вақтда, ушбу ОАВ тўғрисидаги ушбу қонуннинг “Ахборот манбаини ошкор этмаслик” деб номланган 33-моддасида “Таҳририят ўз номини ошкор этмаслик шарти билан берилган ахборот, маълумотлар, фактлар ёки далиллар манбаининг номини, шунингдек тахаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга

ҳақли эмас”лиги белгиланган. Бу дегани, ОАВнинг ходими (ёки муаллиф)ОАВ тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасида кўрсатилган субъектлар фаолияти ҳақида, тергов жараёнлари ёки суд кетаётган вақтда ўзининг ахборотини таҳаллус остида мустақил равишда тарқатиш ҳуқуқига эга, айна вақтда унинг бу ҳуқуқлари чегараланган. Қонунчиликдаги бу икки талқинни мувофиқлаштиришга тўғри келади.

**Тўртинчидан,** қонунчиликка кўра журналист судга сўровлар бериши ва уларга тегишли жавоб олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ОАВ суд жараёнларидан лавҳалар тайёрлаш, жинойтларнинг содир этилишига олиб келган шарт-шароитлардан жамоатчиликни хабардор қилиш, суд ходимларидан интервьюлар олиш каби шаклларда ахборотлар тайёрлайди ва уларни эълон қилиб боради. Мана шу жойда ОАВ суднинг ички ишига аралаша ёки бирор томоннинг манфаатини кўзлаб қарор қабул қилиш мақсадида судга босим ўтказишига йўл қўйилмаслиги керак. Бунинг учун ОАВ фаолияти билан боғлиқ қонунчилик танқидий кўриб чиқилиши, журналистнинг бу борадаги ваколати доираси аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

**Бешинчидан,**мансабдор шахслар, хусусан суд ходимлари журналистнинг текширув олиб бориши ёки материал тайёрлашига етарли имконият яратиб бериши, амалий ёрдам кўрсатиши, тегишли ахборот ва материаллар билан таъминлаши воқеа-ҳодисаларнинг ёки суд жараёнларининг холисона баҳоланишига олиб келади.

**Олтинчидан,** мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришларни турли материаллар ва бошқа манбалардан фойдаланиш ҳисобига тайёрлаш ва эълон қилиш одат тусига кириб бормоқда. Бунда журналист мавжуд муаммони ўрганишда имкон даражасида қонун меъёрларини қўллаш олмаётгани, бошқача айтганда, масалага бир томонлама ёндашаётгани, холислик ва танқидий руҳ етишмаётгани кўзга ташланади. Журналистларнинг соҳалар бўйича ихтисослашиш жараёни секин кечаётгани ҳам улар фаолияти самарадорлигига таъсир қилмоқда, деб ўйлаймиз. Шунга кўра ҳуқуқий соҳада фаолият олиб бораётган ҳуқуқшунослар орасидан журналистлар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

**Еттинчидан,** ОАВ жамият аъзолари ўртасида суднинг ўрни ва таъсири тўғрисида ҳаққоний хулосалар чиқариш учун тизимли ва манзилли ижтимоий сўровлар ўтказиб туриши, соҳадаги ислохотлар мазмуни ва қонунлар ижросининг таҳлилини бериб бориши уларнинг суд ҳокимияти билан муносабатларини янада кенгайтириб боришига хизмат қилади.

**Давлат тузилмаларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги – аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва узлуксиз демократик ислохотлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларида суд-ҳуқуқ тизимини изчил либераллаштириш алоҳида муҳим ўрин тутди. Зотан, ушбу ислохотлар қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, одамларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилгандир.

Бинобарин жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Бевосита оммавий ахборот воситаларининг ушбу соҳадаги фаолияти давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилади.

Айни вақтда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва аҳолида ҳуқуқий онгини шакллантиришда телевидения, радио ва турли нашрларда ҳамда интернет тармоқларида аҳолини жамиятда амалга оширилаётган ва халқ вакиллари томонидан қабул қилинган қонунлар ва уларга ҳуқуқшунос экспертлар томонидан берилаётган ҳуқуқий шарҳларни аҳолига ўз вақтида ва мунтазам етказилиб борилаётгани оммавий-ахборот воситаларнинг ушбу соҳадаги фаолияти самарали йўлга қўйилганини кўришимиз мумкин.

Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаларида ҳам “марказда ва жойлардаги телеканаллар парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини, хусусан, қонун лойиҳалари бўйича муҳокама жараёнларини, парламент назоратига оид тадбирларни, фракциялар ўртасида бўлаётган баҳс-мунозараларни “жонли” тарзда, керак бўлса, тўғридан-тўғри халқимизга етказиши лозим”<sup>164</sup>, деб такидлашлари ҳам бежиз бўлмай, оммавий ахборот воситалари зиммасига бир қатор вазифаларни юклаш билан бир қаторда уланинг жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги ўрнини янада мустаҳкамлашда, бу борадаги фаолиятини тубдан жонлантиришда муҳим йўлчи юлдуз вазифасини бажаради.

<sup>164</sup> Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак// Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси//www.xs.uz

Бугунги кунда аҳолини ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уларда сиёсий онгини юксалтириш вазифасини янада устувор вазифа сифатида намоён бўлишининг сабаб аввало жамиятнинг ҳар бир аъзоси амалга оширилаётган ислохотлар ва бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ва уларнинг сиёсий фоллигани ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил фикрлаш бугунги ахборотлар маконида таҳлил қила олиш ва уларга ҳуқуқий ёндашиш, аҳоли орасида ҳуқуқбузарликлар ва қонунбузарликларни бартараф этиш билан бирга ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган устувор вазифаларни қамраб олишида кўришимиз мумкин. Бинобарин бугунги кунда қабул қилинаётган ҳар бир қарор, қонун ва дастурларнинг туб мазмунини шулар ифодалайди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий-ахборот воситаларининг иштироки юқорида такидланганидек телевидения, радио, оммавий нашрлар, яъни газета ва журналлар, интернет тармоқлари орқали намоён бўлади. Жумладан, телевидения орқали Ўзбекистон Президентининг, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда жамиятдаги муҳим ижтимоий масалалар бўйича мутахассисларнинг иштирокидаги турли кўрсатувлар ва ток шоулар учун эфир саотлар мунтазам ажратилаётганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Бу борада айниқса, жорий йилда Президентимиз ташаббуслари билан янги ташкил этилган “O‘zbekiston 24” телеканали ҳамда радиоси орқали бутун кун давомида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий янгиликлар билан хабардор қилиб бориш тизими жорий этилди. Турли жамоат нашрларида сўнгги вақтда қабул қилинаётган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлар ҳамда ҳукумат қарорлари мунтазам чоп этиб борилмоқда. Қолаверса, ижтимоий журналларда ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчи ва бошқа мутахассисларни илмий асосланган мақолалари мунтазам бериб борилаётганлиги ҳам оммавий ахборот воситаларининг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилувчи ишончли маълумолар билан таъминлашдаги устувор вазифаларни амалга ошираётганлигидан далолат беради.

Оммавий ахборот воситаларининг аҳолини ҳуқуқий онгини оширишда давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган устувор вазифалар асосида жорий йилда ташкил этилган “Ҳақаро пресс-клуб” ва унинг жойлардаги ҳукумат вакиллари билан амалга ошираётган мулоқотлари ва ушбу мулоқотлар жонли онлайн тарзда кенг жамоатчиликга ҳавола этилаётганлигида ҳам намоён бўлади.



Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва сиёсий онгини юксалтириш соҳасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1997 йилдаги “Ҳуқуқий тарбиятни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, шу билан бирга шу йилнинг ўзида қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” муҳим аҳамият касб этган.

2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Биринчи Президентимиз И.Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам “мамлакатимизда таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур”лиги алоҳида қайд этилган эди.

Қайд этиш лозимки, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш ва бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш ва илохотларни бугунги замон талабларидан келиб чиқиб амалга ошириш ва тартибга солиш масаласи Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи – **“Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”**да ҳам ўз аксини топган. Унда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш каби устувор вазифалар бегиланган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб жорий йил август ойида **“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг амалий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ҳуқуқий ахборотни тарқатишга масъул бўлган давлат органлари ва уларнинг ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг уларнинг фойдаланувчигача етказиш босқичлари, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг концепциялари, тушунтириш хатларини эълон қилиш тартиби каби масалалар тартибга солинди. Шу ўринда ушбу қонунда бевосита ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги оммавий ахборот воситаларининг вазифаси ва ваколатларини тартибга солувчи нормаларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари Ҳаракатлар стратегиясида **Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури** лойиҳасини тайёрлаш

белгиланган бўлиб, ушбу дастурда фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини беради. Фикримизча, ушбу давлат дастурида аҳолини ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситалари амалга ошириши талаб этиладиган васифаларни белгилаб қўйилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу билан бирга Ҳаркатлар стратегиясига мувофиқ аҳолининг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада юксалтириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий ахборотни ўз вақтида ҳамда сифатли етказишнинг мазкур вазифа юклатилган давлат органлари ахборот хизматларининг ҳамкорликда фаолият юритишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли мазкур фаолиятни режа асосида, мувофиқлаштирилган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилиши давлат тузилмаларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлашда ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлади.

## **6-БОБ. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ**

**М.М. МИРАКУЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти  
бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори**

### **Конституция устунлигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори**

Маълумки, Конституциявий суд инсоният тарихида инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини барпо этиш, Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда уни махсус муҳофаза қилиш мақсадида ташкил топган.

Миллий ва хорижий экспертларнинг фикрича, конституциявий одил судлов – демократик давлатчиликнинг муҳим сифат белгисидир. Конституциявий одил судлов конституциявий назоратнинг олий шакли, замонавий демократик давлатнинг алоҳида талаби, зарурий институти бўлиб, Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда мамлакатда қонунийлик муҳитини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини яратишнинг ишончли гаровидир.

Шундан келиб чиқиб, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус орган – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатларини Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган Конституциявий судни ташкил этиш ва фаолият юритиши назарда тутилди.

1995 йилда Конституциявий суд ва судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, конституциявий ишларни кўриб чиқиш асосларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида” алоҳида Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суднинг фаолияти Конституцияни ҳимоя қилиш, унинг нормалари ва принципларини ҳамда унда қатъий мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Конституциявий суднинг мавжудлиги Асосий қонуннинг махсус тарзда муҳофаза қилинишидан далолатдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайти-

ришга оид вазифалар, шунингдек давлат ҳокимиятинг тизимини изчиллик билан такомиллаштириш ва мазкур ҳокимиятни мунтазам ўзгариётган ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиб бориши Конституциявий суд фаолиятини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилди.

Шу маънода жорий йил 1 июнда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунлар Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, ваколатларини кенгайтиришга, шакллантириш тартибини янада демократлаш-тиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга қаратилгандир.

Мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, улар аввалги нормалардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: **энг аввало**, олдинги қонун мажозий қилиб айтганда оддий қонун бўлган бўлса, янги қонун “Конституциявий қонун” мақомига эга бўлди. Албатта, Конституцияни махсус муҳофаза қилувчи орган фаолиятини тартибга соладиган қонун конституциявий бўлиши ҳар томонлама оқилона қарордир. Бу унинг фаолиятини турли эҳтимолий таъсирлардан муҳофаза қилишга кафолат бўлиб хизмат қилади. Юридик адабиётларда конституциявий қонун оддий қонундан устун туриши, Асосий қонунга яқинлиги ва унинг қабул қилиниши Конституцияда алоҳида белгиланганлиги, баъзи давлатларда бундай қонун конституциянинг таркибий қисми мақомига эгаллиги, қабул қилиниш тартиб-таомиллари конституцияга тузатиш киритиш тартиби билан ўхшашлиги, қабул қилиниш жараёни мураккаблиги, яъни оддий қонунларга кўпчилик овоз талаб қилинса, конституциявий қонунга учдан икки қисм овоз талаб қилиниши билан фарқланади. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, бу қонун қабул қилингунга қадар давлат ҳокимияти органларидан фақатгина Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги қонунлар конституциявий мақомга эга эди.

Бундан ташқари “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонун ўз ҳажмига кўра аввалги қонундан 12 та моддага кўпдир.

**Иккинчи муҳим жиҳат** бу Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларида мужассам бўлиб, унда Конституциянинг устунлиги, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби янги принциплар ўз ифодасини топди ҳамда ҳар бир принципнинг мазмун-моҳияти алоҳида моддаларда очиб берилди.

Масалан, Конституциянинг устунлиги принципи сифатида Конституциявий суд ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлигини, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир

конституциявий принципнинг ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилишини таъминлашга даъват этилгандир деб белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад - инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда<sup>165</sup> деган эдилар. Шу маънода қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокими-ятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир конституциявий принципнинг рўёбга чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани айниқса муҳим ҳисобланади.

**Учинчи муҳим жиҳат**, бу Конституциявий суд судьяларига нисбатан минимал ёш чегараси оширилганлиги ва юқори ёш чегараси белгилаб қўйилганлиги, судьяларнинг сайланиши, қасамёд қилиши кабиларда намоён бўлади.

Жаҳон конституциявий судлари тарихидан маълумки, мазкур судларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлашдаги роли, амалга оширадиган ваколатларининг сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг аъзоларига бошқа судлар судьяларига нисбатан ёш ва малака борасида талаблари юқорироқ қўйилади.

Шу маънода ёш цензининг 30 ёшдан 35 ёшга ўзгартирилиши аҳамияти шундаки, мутахассисларнинг таъкидлашича инсон организми шахсининг жисмоний ва маънавий имкониятлари муаян ҳажм ва сифатдаги ишларни 35 ёшдан бошлаб мукамалроқ амалга оширишга имкон беради.

Худди шу каби судьяларга лавозимда бўлишнинг юқори ёш чегарасини белгилашда одатда шахсининг жисмоний ва маънавий имкониятлари муаян даражада чекланишига сабаб бўлиши мумкинлиги, ёш ўтиши билан меҳнатга қобилиятлилиқ даражаси пасайиб бориши асос қилиб келтирилади. Албатта, дунёнинг турли давлатларида бу турлича қайд қилинган. Европа Кенгашининг Венеция комиссияси маълумотларига кўра, Арманистон, Австрия, Бельгия, Босния ва Герцеговина, Дания, Венгрия, Исландия, Ирландия, Латвия, Норвегия, Россия, Украина каби мамлакатларда Конституциявий суд судьяларининг (ёки конституциявий судлов вазифасини бажарадиган орган аъзосининг) лавозимда бўлишининг энг юқори ёши 70 этиб белгиланган. Ўзбекистон ушбу энг кенг тарқалган ёш бўйича тажрибани ўзига асос қилиб олди. Таққослаш учун келтирадиган бўлсак, Бу кўрсаткич, жумладан, Мальта, Туркияда 65, Финляндия, Швецияда 67,

---

<sup>165</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. 2016. 8 декабрь

Германия, Швейцарияда 68, Аргентина ва Канадада 75 ёш этиб белгиланган. Айти вақтда қайд этиш жоизки, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси экспертлари айнан 70 ёшни кўп давлатлар амалий тажрибасида ўзини оқлаган, конституциявий судлар судьяларининг лавозимда бўлишининг энг юқори ёши сифатида баҳолаган. Мамлакатимизда Олий суднинг судьялари учун ҳам судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшни ташкил этади.

Қонунда айти бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бу хорижий тажрибада кўп учрайдиган ҳолат. Бошқа суд судьяларига нисбатан конституциявий суд судьяларининг қайта сайланмаслиги ёки бир мартадан ортиқ қайта сайланмаслиги бир қатор ривожланган демократик давлатлар қонунчилигида мустаҳкамланган.

Ўзгаришлардан яна бири бу – Конституциявий суд судьяларининг сайланиши билан боғлиқ бўлиб, агар аввал судьялар Президентнинг тақдимига биноан Сенат томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Конституциявий суднинг аъзоларидан иборат таркибда сайланган бўлса, эндиликда Конституциявий суд Президентнинг тақдимига биноан Сенат томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан сайланади.

Бунда муҳим жиҳатлардан бири бу - Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланиши тартиби белгиланганидир, яъни эндиликда Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари Сенат томонидан сайланмайди. Раис ва унинг ўринбосарини судьяларнинг ўзи ўз ораларидан сайлашлари янада демократик моҳият касб этади. Бундай ҳолат халқаро стандартларда юксак эътироф этилади. Ана шундай тартибни ўз амалиётига жорий этган давлатлар қаторига, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси маълумотларига кўра, Албания, Аргентина, Бельгия, Болгария, Хорватия, Дания, Грузия, Венгрия, Исландия, Италия, Латвия, Португалия, Руминия, Россия, Словения, Македония, Туркия, Украина киради.

Агар аввал Конституциявий суднинг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилдиради деб белгиланган бўлса, эндиликда қасамёд Конституциявий суднинг судьяси томонидан Сенатнинг мазкур судья сайланган мажлисида қилинадидеб мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ҳам мантиқий аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, қайси орган сайласа, шу органда амалга оширилади, иккинчидан, вақт нуқтаи назаридан оқилона ечим бўлиб, сайланган мажлисининг ўзида қасамёд қилинади. Чунки аввалги таҳрирда давлат бошлиғи қачон судьяларни қасамёд қилдириши аниқ белгилаб қўйилмаган эди.

Шунингдек, агар аввал Конституциявий суд судьясига Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайдиган намунадаги гувоҳнома

берилади деган қоида белгиланган бўлса, эндиликда уни имзолловчи мансабдор шахс аниқлаштирилиб, Конституциявий суд судьясига Сенатнинг Раиси томонидан имзоланадиган гувоҳнома берилади деб белгиланди. Бунда ҳам ўзига хос мантиқ бўлиб, мазкур судьялар юқори палатада сайланишлари, қасамёд қилишлари билан узвий боғлиқ.

Аввалги қонунда Конституциявий суд раисининг ваколатлари мустақамлаб қўйилмаган эди. Янги қонунда раиснинг ваколатлари алоҳида моддада қайд этилди. Бунда алоҳида таъкидлаш жоизки, раис ваколатлари “*primus inter pares*”, яъни тенглар ичида биринчи тусида берилган бўлиб, бошқа судьялардан раиснинг устунлик томони мавжуд эмас. Фақатгина овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

**Тўртинчи муҳим жиҳат** бу ваколатларда акс этган бўлиб, Асосий қомусимизнинг 109-моддасига Конституциявий суднинг Президент қарорлари ва фармойишларини (аввал фақат фармонлар назарда тутилган эди) Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзоланганига қадар Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш каби янги ваколатлари киритилди.

Қарорлар ва фармойишларнинг конституциявий назорат объектига киришига 2012 йил янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда фармонлар қаторида қарор ва фармойишлар ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиши белгиланганлиги сабаб бўлди.

Жаҳон конституциявий судлари ўз амалиётида “*ex-ante*”, яъни ҳужжат имзоланмасидан аввалги, яъни дастлабки ва “*ex-post*”, яъни ҳужжат кучга кирганидан кейинги назоратни амалга оширадilar. Ўзбекистонда Конституциявий суд “*ex-post*”, яъни ҳужжат кучга кирганидан кейинги назоратни амалга ошириб келаётган эди.

Шу маънода Қонун билан киритилган жуда катта қўшимча, бу – мамлакатимиз Конституциявий суди эндиликда конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзоланмасидан аввал дастлабки назорат ўрнатиш ваколатига эга бўлгани ҳисобланади. Бу жаҳондаги кўплаб конституциявий судлар тажрибасида (Франция, Польша, Португалия, Руминия, Хорватия, Беларусь) ҳали имзоланмаган, кучга кирмаган ҳужжатлар устидан қўлланиладиган “*ex-ante*”, яъни дастлабки назоратни мамлакатимиз Конституциявий суди амалиётига татбиқ этилганлигидан

далолатдир. Европа Кенгашининг Венеция комиссияси давлатларга бундай амалиётни тавсия қилиб, у Конституцияга номувофиқликнинг олдини олиш имконини беришини қайд этади.

Маълумки, умумий юрисдикция судлари амалиётида муайян ишни кўриб чиқиш жараёнида мазкур муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигига шубҳа туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг бир қатор давлатларида умумий юрисдикция судларининг бундай ҳолатларда Конституциявий судга мурожаат қилиш ваколатлари мустаҳкамланган. Мамлакатимизда Олий суд фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи бўлиб, қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга ҳамда Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига киради. Шундан келиб чиқиб, умумий юрисдикция судларида бундай эҳтиёж туғилганида Олий суд орқали Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти қонунан мустаҳкамланди.

Маълумки, Конституциямизнинг 10-моддасига асосан Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Асосий Қонунимизнинг 76-моддасига асосан Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. 93-моддага асосан эса Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Конституциявий суд эса 108-моддага асосан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради, яъни ҳар икки орган ваколатлари ўртасида ҳамкорлик учун ўзаро туташ ваколатлар мавжуддир. Шунинг учун айрим давлатларда (Россия, Беларусь) Конституциявий суд томонидан ҳар йили “мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида” ахборот тайёрлаш ҳамда уни парламент ва Президентга тақдим этиш қонунан белгилаб қўйилган. Бундай ахборотларда мамлакатдаги конституциявийликнинг ҳолати, муаммолар ҳамда суд уларнинг ечимини топиш учун таклиф қилган йўллар ўз ифодасини топиб, хорижий мамлакатларда бундай ахборот парламент ва давлат бошлиғи томонидан тегишли қарорларни қабул қилишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода Конституциявий судга ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш ваколатининг киритилиши ҳар томонлама тўғри бўлди.

Мазкур ахборот Олий Мажлисга қонунларнинг сифатини оширишда ҳамда уларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга



оширишда, давлат бошлиғига эса кафиллик функциясини бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Бешинчи муҳим жиҳат** бу Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига ўзгартириш киритилиб, эндиликда Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам бундай ҳуқуққа эга бўлганлигидадир.

Олий Мажлис палаталари коллегиял орган эканлиги ҳамда палаталар масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъект сифатида қайд этилганлиги, бундан ташқари Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ҳам муайян миқдордаги (камида тўртдан бир қисми) депутатлар гуруҳи, сенаторлар гуруҳи билан масала киритиш ҳуқуқига эга эканликларини ҳисобга олиб Қонунчилик палатасининг Спикери, Сенатнинг Раиси масала киритувчи субъектлар қаторидан чиқарилди. Агар аввал Олий суд раиси масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, мазкур органнинг коллегиял идора эканлигидан келиб чиқиб, эндиликда бундай ҳуқуққа Олий суд эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Ҳукумат ва Омбудсманнинг бундай ҳуқуққа эга бўлиши уларнинг фаолият доираси билан бевосита боғлиқ бўлиб, дунёнинг аксар давлатларида мазкур органлар бундай имкониятга эга. Айниқса, Омбудсман ҳар йили фуқароларнинг минглаб шикоятларини кўриб чиқиш жараёнида давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонунлар нормаларига шарҳ берилишига эҳтиёж туғилади. Агар Конституциявий судинсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир конституциявий принципнинг рўёбга чиқарилишини таъминлашга даъват этилганлиги билан Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатини ўзаро уйғунликда кўрадиган бўлсак, мазкур киритилган ваколатни, таъбир жоиз бўлса, “узукка кўз қўйгандек” деб баҳолашимиз мумкин.

**Олтинчи муҳим жиҳат**, бу Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш Давлат бюджетига алоҳида сатрда назарда тутилиши белгиланганлигидадир. Бу ҳам Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрнидан далолат бўлиб, суднинг молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунда юқоридагилардан ташқари Конституциявий суд судьясининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари “Судлар тўғрисида”ги Қонундаги умумий юрисдикция судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари билан бирхиллаштирилди, Конституциявий суд девони, Конституциявий суд ҳузурида тузиладиган илмий-маслаҳат кенгаши ҳуқуқий мақоми, Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа ҳужжатлари мазкур суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

Конституциявий суднинг ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбага кириши, Конституциявий суд судьялари кийим-бошининг тавсифи ва намунаси Сенат томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда қабул қилинган қонунлар Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, ваколатларини кенгайтиришга, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, мазкур суднинг конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга конституциянинг устунлигини таъминлашга оид фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишига имкон яратади.

**С.АЛИМУХАМЕДОВ,  
Ведущий научный сотрудник Института  
мониторинга действующего законодательства  
при Президенте Республики Узбекистан**

**Система оценки деятельности судей и судебной системы:  
важный институт обеспечения верховенства  
закона и интересов человека**

За последние годы в республике проведена огромная работа по последовательной демократизации и либерализации судебной системы. Проведена специализация судов, реформирован институт кассации, введен апелляционный порядок пересмотра дел и институт примирения, обеспечено равенство сторон на всех стадиях судопроизводства. Судам передано право выдачи санкции на заключение под стражу.

В своем докладе, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан Глава государства отметил, что «Вопрос обеспечения прав человека, закрепленных в нашей Конституции в качестве высшей ценности, и впредь будет находиться в центре нашего внимания. Все мы хорошо понимаем, что для этого чрезвычайно важное значение имеет достижение подлинной независимости судебной власти».

Также в данном докладе были обозначены задачи в сфере судебно-правовых реформ как повышение качества рассмотрения дел в судах.

Исходя из этого были осуществлены ряд важных реформ в сфере коренного совершенствования судебной власти как надежного гаранта обеспечения прав и свобод человека.

В частности был принят Указ Президента «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению

гарантий надежной защиты прав и свобод граждан” от 21 октября 2016 года где было установлено, что основными приоритетами государственной политики в сфере дальнейшего реформирования судебно-правовой системы является обеспечение подлинной независимости судебной власти, надежной защиты прав и свобод граждан, а также повышение уровня доступа к правосудию.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, одним из важных направлений реформирования судебно-правовой системы предусмотрено укрепление законности в судебно-правовой системе.

Далее Указом Президента Республики Узбекистан “О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан” от 21 февраля 2017 года предусмотрено коренное совершенствования структуры судов и системы отбора и назначения на должности судей.

Вместе с тем в свете происходящих судебно-правовых реформ в стране, требования к качеству работы судебной системы и ее эффективности становятся как никогда высокими.

Исходя из этого, изучение института оценки деятельности судей и судебной системы является наиболее актуальной задачей на сегодняшний день.

Важность института оценки деятельности судов и судебной системы в целом обуславливается тем, что система оценки позволяет судебным органам и их представителям быть в курсе того, как они выполняют свои обязанности, как их деятельность оценивается и воспринимается, и чтобы быть лучше информированными о каких-либо недостатках в своей работе. Это может помочь исправить те или иные ошибки и сделать правильный выбор по пути профессионального развития или карьерного роста.

Фактически понятие и сущность оценки деятельности судебной системы не сформировано учеными и юристами. Причина этого заключается в том, что для каждого государства существует своя система оценки основанная, как и на международных стандартах, так и на внутренних.

Существуют различные подходы к оценке эффективности и качества функционирования судебной системы, отличающиеся, в первую очередь, концептуальными положениями, выбранными как базовые, для оценки рассматриваемого объекта.

Система оценки судебной системы должна базироваться на объективных критериях, и направлена на улучшение качества и эффективности работы судей и судов.

Исходя из этого, важным элементом системы оценки деятельности судей и судебной системы являются критерии оценки, то есть показатели, на основании которых делается вывод об эффективности судебной системы.

К примерному перечню общих критериев эффективности судебной власти можно отнести:

- объем судебной юрисдикции (количество субъектов, которые потенциально вправе обратиться в конкретный суд или судебную систему, количество правовых актов и действий, которые можно обжаловать в суд, в процентном отношении к числу населения, числу субъектов предпринимательской деятельности и т.п.);

- наличие методологических, методических и иных научных разработок по судопроизводству, внедрение их в практику рассмотрения судебных дел;

- показатель доверия к судебной системе (количество субъектов, обратившихся за конкретный временный период за судебной защитой в данный суд или судебную систему (количество обращений);

- количество заявленных и удовлетворенных отводов судьям;

- количество судей, привлеченных к ответственности; количество и показатели проведенных опросов (мониторинг);

- коэффициент доступности к судебной защите и судебной информации (количество дел, принятых к производству суда (судебной системы) в соотношении к числу отказанных к принятию, возвращенных заявлений; количество судебных постановлений, к которым имеется свободный информационный доступ).

- показатель оперативности правосудия (количество дел, рассмотренных с вынесением окончательного судебного постановления (решения, определения о прекращении и т.д.) в установленные законом сроки);

- показатель справедливости (гуманности) или альтернативности правосудия (количество дел, оконченных с помощью примирительных, посреднических и иных альтернативных процедур, способствующих продолжению нормальных отношений между сторонами);

- коэффициент технологичности (количество дел, рассмотренных с использованием современных информационных технологий, приведших к экономии времени и материальных затрат суда (судов) и сторон);

- показатель качества правосудия (число необжалованных судебных постановлений и оставленных без изменения после обжалования; количество отмененных и измененных судебных постановлений из-за нарушения процессуальных норм);

- показатель упреждения и диалога с обществом (количество частных определений, информации о выявленных нарушениях, число лекций, семинаров, внесенных предложений по совершенствованию

законодательства, участие представителей общества в органах судейского самоуправления и т.п.);

- коэффициент оптимальности процедур по обжалованию и пересмотру судебных постановлений (количество судебных инстанций для обжалования, сроки обжалования и возможность их восстановления, компетенция судебных инстанций по пересмотру судебных постановлений, исключительность надзорной судебной инстанции и т.д.)<sup>166</sup>.

Другим не менее важным элементом системы оценки деятельности судей и судебной системы являются методы оценки, то есть «инструменты» осуществления оценки.

Предусматривается 4 вида категорий методов оценки:<sup>167</sup>

- (1) самооценка;
- (2) опросы;
- (3) оценка группой экспертов;
- (4) статистические данные;
- (5) заявление самого суда.

Один из методов оценки деятельности судей является самооценка. Самооценка означает, в сущности, что судьи сами оценивают собственные действия и действия своего суда в свете рассматриваемого критерия. Самооценка является одним из наиболее важных методов, предложенных в настоящих критериях. Сведения, полученные с помощью этого метода, безусловно, во многом субъективны; тем не менее, в целом эти сведения послужат хорошими обоснованным базисом для дальнейшей оценки эффективных и качественных критериев.<sup>168</sup>

Другим важным методом оценки является опрос или «опросный метод», который бывает нескольких видов: существуют расширенные опросы, ограниченные опросы, направленные опросы судебных заседателей, судей, работников суда. Респондентами расширенных опросов являются также адвокаты, прокуроры и стороны. В случаях, когда расширенного опроса не требуется, учитывая сущность критерия, опрос ограничивается, что означает, что стороны исключаются из числа респондентов. Опрос также предоставляет в основном субъективные данные. В частности, следует отметить, что информация, полученная от сторон, имеет тенденцию к сильной искаженности в зависимости от исхода дела, т.е. в зависимости от того, выиграла сторона дело или проиграла.

---

<sup>166</sup> Каменков В.С. Важнейшие критерии оценки результативности деятельности судебной системы. Правосудие и правоохранительная деятельность в евразийском пространстве. С.87-88.

<sup>167</sup> Оценка качества разрешения дел в судах. Проект судов округа апелляционного суда Рованиеми, Финляндия. Перевод магистра права (LLM, Манчестер), аспиранта кафедры гражданского процесса УрГЮАА.Г.Котельникова и соискателя кафедры гражданского права УрГЮА М.Ю. Котельниковой.2006г. С.50.

<sup>168</sup>Тот же источник.

Существует много критериев, для которых предпочтительным методом исследования является статистический метод. Статистические данные – это объективные сведения о достижении оценки критерия качества и эффективности деятельности судей. Вместе с тем, они тоже нуждаются в интерпретации и сравнении с иными данными. Ряд необходимых данных может быть извлечен из уже существующих в настоящее время систем статистического наблюдения, в то время как другие потребуют проведения отдельного сбора информации.

По отдельным критериям оценки наиболее полезным методом оценки будет являться проведение ее группой экспертов. Экспертная группа обычно состоит из судьи, адвоката, прокурора, профессора университета (ученого-правоведа). Результат оценки, представленный экспертной группой, будет субъективным, но, с учетом сбалансированного состава группы, все же вероятно, что их оценка будет приближена к действительному стандарту качества деятельности суда.

Выбор того или иного метода осуществляется в зависимости от целей и задач, а также от специфики и категории оцениваемых специалистов.

В заключение следует отметить, что оценка деятельности судебной системы - это тяжелый труд, и не только в плане объема проводимой работы. Для того, чтобы объективно оценить, насколько судебные работники выполняют свои обязанности, необходимо осознать их общую рабочую нагрузку и ее распределение. Сравнения и оценка между судьями тогда становятся возможным и осмысленным.

В целом определение критериев оценки деятельности судебной системы способствует совершенствованию судебной системы страны. Поэтому в настоящее время оценка деятельности судебной системы является важным вопросом во всех государствах мира, что требует проведения исследовательских работ в данном направлении.

**Х.С. ФАЙЗИЕВ,**  
**Юристлар малакасини ошириш**  
**маркази катта ўқитувчиси**

### **Конституция ва қонун устуворлиги юридик хизмат фаолиятининг ажралмас қисмидир**

Мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чоратadbирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, шу жумладан давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга оид вазифалар белгиланган.

Мазкур Фармон ижроси доирасида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридикхизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида жорий йил 19 январь куни давлатимиз раҳбари имзолаган “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор<sup>169</sup> бу борада муҳим қадам бўлди. Президент қарори билан юридик хизматнинг нуфузи оширилиб, фаолият йўналишлари мутлақо янги вазифалар ҳисобига тўлдирилди, юридик хизмат ходимларининг функциялари аниқ белгилаб қўйилди ҳамда уларнинг иш натижалари самарадорлиги бўйича масъулияти оширилди.

Энди давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари (юрисконсултлари) мазкур органлар ва ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган ҳар қандай низоларни судгача бўлган босқичлардаёқ ҳал қилишнинг зарур чораларини кўриши мажбурий таомил этиб белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси ПрезидентиКонституция-миз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлангантантанали маросимдаги маърузасида“Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади”<sup>170</sup> дебтаъкидлаган эди. Албатта салбий оқибат билан курашишдан кўра, унинг олдини олиш афзалроқ ва мақсадга мувофиқдир. Айни дамда, ушбу жараёнда юридик хизматнинг ўрни ҳам ўта муҳимлиги исбот талаб қилмайдиган аксиомадир, зеро уларнинг асосий функцияси жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунийликни таъминлашдан иборат.

Бундан буён корхона, ташкилотдаги буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш учун масъул шахслар томонидан мажбурий тартибда юридик хизматга тақдим этиладиган бўлди.Бу эса ўз навбатида қабул қилинадиган барча турдаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 16-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгиловчи ҳуқуқий норма ижросини таъминлашга

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 30 январь, 4-сон, 50-модда.

<sup>170</sup> Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. //Халқ сўзи. 2016. 8 декабрь, // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/2>

қаратилган муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида Конституциямизнинг 43- моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши эътироф этилган. Мана шу кафолатнинг таъминлаб берилишида юридик хизматлар ходимларига ҳам қўшимча равишда муҳим талаблар қўйилди. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишига таъсир этадиган қарорлари юзасидан мажбурий тартибда юридик хизматнинг хулосаси олиниши лозимлиги қатъий белгиланди.

Маълумки, 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган муносабати билан ҳамда барча даражадаги давлат органлари фаолиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган принципни қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони<sup>171</sup> асосида мамлакатимизда тамомила янги тизим –Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тизим бугунги кунда ниҳоятда самарали ишлаётганлиги ва фуқароларнинг мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини сўзсиз амалга оширилиши учун барча зарур чораларни кўраётганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Юридик хизмат соҳаси ҳам бу жараёндан четда қолган эмас. Жорий қилинган янги тартибга кўра давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ёинки, улар фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятлар мажбурий тартибда юридик хизматлар томонидан ҳам кўриб чиқилиши қонунан мустаҳкамланиб берилди.

Бугунги кунда барча бўғиндаги давлат органлари масъулларининг халқ олдида фаолияти натижадорлиги юзасидан ҳисоботлар бериши одат тусига кирди. Бу аввало улар фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини белгиловчи мезонлардан бири бўлса, қолаверса давлат хизматчиларининг ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишга бўлган масъулиятини оширишга ундайди. Шу билан бирга давлат органлари ва ташкилотларида ҳар йили юридик хизматларнинг ўз фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаши аҳволи

---

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017.9 январь, 1-сон, 5-модда.



тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш тартибининг амалиётга киритилганлиги соҳавий ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Буларнинг ҳаммаси давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини тизимли равишда такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини ошириш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ жараёнларни юридик хизматдан айро тасаввур этиб бўлмаслигини аниқламоқда.

Ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан ислоҳотлар талаби ва мазмун-моҳиятига монанд тарзда таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришишда юридик хизмат соҳасининг мақбул ва самарали тизим сифатидаги ўрни ва аҳамиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу соҳа вакиллари иш жараёнининг бевоситалиги, меҳнат жамоаси билан узвий алоқадорлиги, кундалик идоравий тартиботлар ва муаммолардан хабардорлиги ҳамда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини вақтида, ҳуқуқий воситалар ёрдамида олиш имкониятлари анча кенгроқлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Юрисконсультлар амалиётга конституциявий қонунийликни рўйбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида қўшимча ҳуқуқий механизмлар яратилиб, уларнинг ҳуқуқдорлик меъёрлари кенгайтирилди.

Давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг ҳудудий тузилмаларида белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда юридик хизмат ташкил этилиши, улар зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмаслиги, юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалаларини мажбурий тартибда адлия органлари билан келишишни белгиловчи, адлия органларига юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига, шунингдек юридик хизмат белгиловчи ходимларига нисбатан интизомий иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқини берувчи янги тартиб ва механизмларнинг жорий этилганлиги албатта Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**М.М.МАМАСИДДИҚОВ,**  
**Юристлар малакасини ошириш**  
**марказикафедра мудири,**  
**С.А.МАРИПОВА,**  
**Юристлар малакасини ошириш**  
**марказидоценти**

### **Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш**

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, судларнинг одил судловга қаратилган фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда судда ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари жорий этишда судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш тартибининг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 65-бандида ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи муҳим чора-тадбирлардан бири сифатида судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш назарда тутилгани бежиз эмас.<sup>172</sup> Чуқур ва пухта ўйланган, узоқни кўзлаган муҳим стратегик ҳужжат бўлмиш Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосида қабул қилинган Давлат дастурида назарда тутилган мазкур чора муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бир қарашда судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш ташкилий масаладек кўринса-да, бироқ бу жараён судларнинг мустақиллиги ва холислиги принципига риоя қилишни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Судьялар ўртасида ишларни объектив тақсимлаш механизмнинг жорий қилиниши суд тизимида юз бериши мумкин бўлган коррупция аломатларининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро даражадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг объектив бўлиши судьяларнинг мустақиллигини кафолатловчи муҳим принциплардан бири эканлиги эътироф этилади. 1985 йилда БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан мулоқот қилиш бўйича еттинчи Конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 40/32 ва 40/146-

<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

резолуцияси билан тасдиқланган “БМТнинг суд органлари мустақиллигига дахлдор бўлган асосий принциплари”да судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш ташқи таъсирдан холи бўлиши ва бу суд маъмуриятининг ички иши ҳисобланиши баён этилган.<sup>173</sup>

Судларда ишларни холисона (объектив), ишнинг якунидан манфаатдор шахсларнинг аралашувисиз тақсимланиши билан боғлиқ масала Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 октябрдаги “Судларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисида”ги R 94 (12)-сонли тавсиясида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, мазкур Тавсиянинг “e”-бандида белгиланишича, ишларни тақсимлаш масаласига ишдаги у ёки бу тарафнинг ёки ишнинг якунидан манфаатдор бўлган ҳар қандай шахснинг хоҳиш-истаги таъсир қилмаслиги шарт. Бу каби тақсимлаш, масалан, қуръа ташлаш ёки алифбо тартибида автоматик тақсимлаш тизими ёрдамида, ёки шунга ўхшаш бошқа тартибда амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, мазкур Тавсиянинг “f” бандида иш у ёки бу судьядан аниқ асослар, масалан, судьянинг жиддий касаллиги ёки манфаатлар тўқнашуви каби асослар бўлмаган тақдирда, қайтариб олиниши мумкин эмаслиги айтилган. Унда белгиланишича, ишни қайтариб олиш асослари ва тартиби қонун билан мустаҳкамланиши, ҳукумат ёки маъмуриятнинг манфаатларига боғлиқ бўлмаслиги, ишни қайтариб олиш ҳақидаги қарор судья каби мустақил бўлган орган томонидан қабул қилиниши шарт.<sup>174</sup>

Шу ўринда одил судлов масалалари бўйича Европа тармоғи Кенгашлари томонидан ишларни тақсимлаш бўйича бир қатор стандартлар ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур стандартлар жумласига барча ишлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясининг 6-моддасида назарда тутилган принциплардан келиб чиқишини, ишларни тақсимлашда муайян услубдан фойдаланиш ва мазкур услуб жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинишини, ушбу услуб, шунингдек қонун ёки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд суд ёки маъмурий амалиёт билан тартибга солинишини, ишларни тақсимлаш услуби адолатлилик ва одил судловни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаши лозимлигини, шунингдек жамоатчиликнинг ишончини мустаҳкамлаши, ишларни тақсимлаш услуби муайян мезонларга асосланиши кабиларни кўрсатиш мумкин.<sup>175</sup>

<sup>173</sup>Қаранг: Права человека и судопроизводство / Собрание международных документов. Варшава; Вена, 1996. С. 150.

<sup>174</sup>Қаранг: Макарова О.В. Некоторые проблемы укрепления гарантий независимости судей // Российское право. 2008. N 5. С. 109.

<sup>175</sup>Одил судлов бўйича кенгашлар Европа тармоғининг “IV Минимал суд стандартлари. Ишларни тақсимлаш” (2013-2014 йиллар) номли маърузаси // [https://www.encj.eu/index.php?option=com\\_content&view=article&id=179:allocationofcases&catid=11&Itemid=229](https://www.encj.eu/index.php?option=com_content&view=article&id=179:allocationofcases&catid=11&Itemid=229).

Дарҳақиқат, судьялар ўртасида ишлар объектив, аввалдан белгиланган мезонлар асосида тақсимланиши Европа судлари Маслаҳат кенгашининг хулосаларида ҳам илгари сурилган.<sup>176</sup>

ЕХҲТнинг Киев конференцияси Тавсияларида суд раисларининг судьялар ўртасида ишларни тўғридан-тўғри тақсимлашини, ушбу ваколат уларнинг мутлоқ ваколатига берилишини тақиқлаш лозимлиги айtilган. Шунингдек, ушбу Тавсияларда ишларни тақсимлаш судьялар томонидан суд мажлисида белгиланган қуръа ташлаш йўли билан ёки аввалдан белгилаб қўйилган объектив мезонлар асосида амалга оширилиши кераклиги баён этилади.

Халқаро ҳуқуқда ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш тизимини қўллаш юзасидан ягона стандарт мавжуд бўлмаса-да, бироқ судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш тизими ишни кўраётган суд ва судьяларнинг мустақиллигига раҳна солмаслиги ҳақидаги қоида талабларига қатъий амал қилиши талаб этилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият давлатларда суднинг раҳбарлари судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш масалаларига умуман аралашмайдилар. Мазкур масала автоматлашган тизим орқали махсус ишлаб чиқилган техник дастурлар орқали бажарилди, бу билан суд маъмуриятида фаолият кўрсатадиган техник ходим шуғулланади.<sup>177</sup>

Европа Иттифоқига аъзо бўлган айрим давлатлар тажрибасида, масалан, Австрия ва Латвияда суд ишларини тақсимлаш компьютер орқали амалга оширилса, Германияда суд ишларини алифбо асосида тақсимлаш амал қилар экан.<sup>178</sup> Австрияда судга келиб тушган иш махсус компьютер дастури билан бошқариладиган тасодифий рўйхат принципи орқали танланган судьянинг иш юритувига берилади. Агар судьянинг қандай ишни кўришга ихтисослашганлиги олдиндан белгилаб қўйилган бўлса, компьютер дастури ушбу ҳолатни ҳам ҳисобга олади, ва агар судга муайян тоифадаги иш келиб тушса, иш мазкур дастур орқали ушбу тоифадаги ишни кўрувчи судьяга берилади. Мазкур компьютер дастури қонунга хилоф равишда фойдаланишлардан ёки турли зарар етказишлардан махсус ҳимояланган бўлиб, Адлия вазирлиги томонидан марказлаштирилган тарзда бошқарилади ва Австриянинг бутун ҳудудида амал қилади. Худди шунга ўхшаш тартиб Латвияда ҳам мавжуд.

Ўрганиб чиқилган айрим давлатлар процессуал қонунчилигида **судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими** ҳақида алоҳида нормалар белгиланган бўлиб, ушбу тизим судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш вазифасини ҳам бажариб

<sup>176</sup>Қаранг:Консультативный совет европейских судей, Заключение № 19 (2016), Роль председателей судов, ССЈЕ(2016)2, п. 21.

<sup>177</sup>Қаранг:Макарова О.В. Некоторые проблемы укрепления гарантий независимости судей // "Российское право", 2008, N 5.

<sup>178</sup>Қаранг:Рекомендации по более широкому применению международных стандартов в области прав человека в процессе отправления правосудия в Республике Беларусь / ПРООН. –Минск: 2009. -14 с.

келади. Хусусан, 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Украина хўжалик судларида ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими амал қилиб келади. Ушбу давлатнинг Хўжалик процессуал кодекси 2<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилишича, ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими:

- ҳар бир судьяга бир хил миқдорда ва кетма-кетлик принципига риоя қилган ҳолда ишларни объектив ва холис тақсимлашга;
- хўжалик процесси иштирокчиларига ўзлари иштирок этаётган ишлар юзасидан ишнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этишга;
- суд ҳал қилув қарорлари ва бошқа процессуал ҳужжатларнинг матнларини марказлашган ҳолда сақланишини таъминлашга;
- статистика маълумотларини тайёрлашга;
- судга келувчи ва чиқувчи ёзишмаларни ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини рўйхатга олишга;
- ушбу тизимдаги мавжуд хўжалик судининг суд ҳал қилув қарорлари ва суд буйруқларини беришга;
- ишларни электрон архивга топширишга хизмат қилади.<sup>179</sup>

Айрим давлатларнинг қонун ҳужжатларида, масалан, Россия Федерацияси ФПКда муайян ишни кўриш ва ҳал этиш учун суд таркиби судьяларнинг иш юкламаси ва ихтисослигидан келиб чиқиб, суд муҳокамасининг якунидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсиридан ҳоли, шунингдек **автоматлаштирилган ахборот тизимидан** фойдаланган ҳолда шакллантирилиши белгилаб қўйилган. Мазкур Кодексда судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг аниқ механизми белгиланмаган. Бироқ судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш бу ҳақда судлар томонидан тасдиқланган регламентлар билан тартибга солиб келинаётир.

Германияда судьялар ўртасида ишларни алифбо тартибида (уларнинг ихтисослигини инобатга олган ҳолда) тақсимлаш ишдаги жавобгар ёки айбланувчи фамилиясининг биринчи ҳарфи билан боғлиқ бўлади. Ишларни тақсимлаш режаси суд раёсати томонидан навбатдаги тақвим йили учун тасдиқланади ва ушбу суд томонидан кўрилган ишларнинг статистикасини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. Масалан, Бонн шаҳрининг участка судида бу каби статистиканинг сўнгги икки йиллиги олинади. Агар ишларни тақсимлаш қонунга тўғри келмайдиган бўлса, суд Раёсати йил давомида иш юкламаси юқори бўлган судьяга бириктирилган рақамни олиб, уни бошқа судьяга бериши ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг ҳар иккала воситаси ҳам ушбу жараённи турли ноқонуний аралашувлардан юқори даражадаги ҳимоясини таъминлаб беради. Шу билан бирга ишларни тақсимлашнинг компьютер орқали амалга оширилиши муайян харажатларни, масалан, юқори технологияларни сотиб олиш, электр

<sup>179</sup>Қаранг: Господарський процесуальний кодекс України // (Відомості Верховної Ради України (ВВР), 1992, № 6, ст.56)<http://zakon0.rada.gov.ua/laws/show/1798-12>

энергиясини сарфлаш, мутахассисларга иш ҳақи тўлаш кабиларни талаб этади. Шу маънода айрим мутахассислар Германия тажрибасини, яъни судьялар ўртасида ишларни алифбо тартибида тақсимлаш омилини маъқул кўрадilar. Уларнинг фикрича, суд ишини тақсимлашнинг ушбу воситасидан асосан ишларни биринчи инстанция судида кўришда ва янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайта кўриш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.<sup>180</sup>

Бироқ бошқа бир гуруҳ мутахассислар суд ишларини тақсимлашнинг компьютер орқали амалга оширилишини маъқул кўрадilar. Хусусан, россиялик судьяларнинг таъкидлашича, ишларни тақсимлашда модул тизимидан фойдаланиш, **биринчидан**, ишларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги ахборотлар киритиб бориладиган “Судда иш юритиш” дастурига масъул бўлган суд ходимларини интизомга чақиради, чунки бу каби ахборотларнинг ўз вақтида киритиб борилиши судьялар ўртасида ишларнинг тенг тақсимлаш имконини беради. **Иккинчидан**, ишларни автоматик равишда тақсимланиши уларни тақсимлашда субъектив омилларнинг олдини олади. **Учинчидан**, келиб тушган ишни расмийлаштиришдан то уни судьяга беришгача бўлган вақтни жиддий қисқартиради. Бу эса суд ходимларининг тезкорлигини оширади ва ишларни ўз вақтида кўрилишини таъминлайди. **Тўртинчидан**, дастур судьянинг юритувида бўлган ишнинг қайси босқичда эканлигини, ишни кўриш муддатларига риоя қилинаётганлигини осонгина назорат қилиш имконини беради. **Бешинчидан**, суд раисининг ишларни тақсимлаш ва уни тегишли журналига расмийлаштиришга кетадиган талайгина вақти тежалишига олиб келади.<sup>181</sup>

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 38-моддасида судьялар ўртасида ишларни тақсимлаши фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раислари-нинг ваколатларидан бири сифатида назарда тутилган.<sup>182</sup> Бироқ мазкур Қонунда ҳам, мамлакатимизда амалда бўлган процессуал қонунчиликда ҳам судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг аниқ механизми ва тартиб-таомиллари мавжуд эмас. Мазкур масала ҳатто Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада ҳам ўз ифодасини топмаган.

Шундай бўлса-да, мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида суд раислари томонидан судьялар ўртасида ишларни тақсимлашда асосан қуйидаги мезонлар қўлланилиб келинмоқда:

<sup>180</sup> Қаранг: Рекомендации по более широкому применению международных стандартов в области прав человека в процессе отправления правосудия в Республике Беларусь / ПРООН. – Минск: 2009. - С. 14-15.

<sup>181</sup> Қаранг: Автоматическое распределение дел: компьютер в роли председателя. [http://usd.krd.sudrf.ru/modules.php?name=press\\_dep&op=4&did=16](http://usd.krd.sudrf.ru/modules.php?name=press_dep&op=4&did=16)

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001. 1-2-сон, 10-модда.

- 1) ишни кўраётган судьянинг кўп йиллик иш тажрибаси ва малакасининг юқорилиги;
- 2) судьянинг муайян тоифадаги, айниқса бирмунча мураккаб бўлган турар-жой, меҳнат, меросга оид низоларни кўришга ихтисослашганлиги;
- 3) судья иш юкламасининг кўплиги;
- 4) судьянинг иш унумдорлиги ва иш сифатининг юқорилиги;
- 5) судьянинг тил билиши;
- 6) меҳнат таътилига чиқиш навбати келганлиги;
- 7) судьянинг беморлиги ва ҳ.к.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги шароитида суд раислари томонидан ишларни тақсимлаш тартибини такомиллаштиришга зарурат юзага келмоқда. Бинобарин, судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг амалдаги тартиби (агар уни тартиб деб аташ мумкин бўлса) судьялар томонидан ишларни ҳаққоний ва холис кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлашга қодир эмас, судьяларнинг мустақиллигига раҳна солиши мумкин. Шунинг учун судьялар ўртасида ишларни тақсимлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш, хусусан ишларни тақсимлашнинг автоматик тартибини жорий қилиш Ҳаракатлар стратегиясида бежиз тилга олинмаган.

Ҳаракатлар стратегиясида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг қуйидаги шакллари, хусусан: судларда электрон тарзда ахборот алмашинувини таъминловчи корпоратив алоқани вақтида жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш; суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш ҳам назарда тутилди.

Шу ўринда судьялар ўртасида ишларни **автоматик равишда тақсимлаш дегандасудга** келиб тушган дастлабки ҳужжатларни: даъво аризаси, ариза, шикоят, бир сўз билан айтганда аризаларни, шунингдек судга келиб тушган ва автоматлашган ахборот тизими орқали расмийлаштирилган бошқа ишларни автоматлашган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда судьялар ўртасида бир хил миқдорда ва кетма-кетлик принципи бўйича тақсимлаш тушунилади. Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига алоҳида “Судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими” деб номланувчи модда киритиш ва унда туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари ўртасида ишларни тақсимлаш ҳар бир судьяга бир хил миқдорда ва кетма-кетлик принципига риоя қилган ҳолда фақатгина ҳужжат

айланишининг автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган тарзда амалга оширилишини назарда тутиш таклиф қилинади.

Ундан ташқари, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимининг яратилиши судларда ахборот алмашувини вақтида, электрон тарзда таъминловчи корпоратив алоқани йўлга қўйилишига, процесс иштирокчиларига ўзлари иштирок этаётган фуқаролик ишининг ҳолати тўғрисида ахборот олишга, суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасининг яратилишига, айрим суд қарорларини чоп этилишини таъминлашга, судга келаётган ва чиқиб кетаётган ёзишма-ларни ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини қайд этиб боришга имкон яратади.

Шунингдек, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш асослари, тартиби, механизмлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тасдиқланган низом билан тартибга солинишини белгилаш ва ушбу низом лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Ўз навбатида судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлашни дастурлаш жараёнида қуйидаги мезонларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- судьянинг иш календари;

- судьянинг иш юкламаси;

- мавжуд статистикага асосланган ҳолда судьянинг қайси ишга ихтисослашганлиги;

- ишнинг мураккаблиги, яъни ишда иштирок этувчи шахсларнинг сони ва таркиби, даъво миқдори, қарши даъвонинг мавжудлиги, ишнинг қайси туркумга муносиблиги;

- манфаатлар тўқиниши мавжуд эмаслиги.

Таъкидлаш керакки, судьялар ўртасида ишларнинг автоматик равишда тақсимланиши суд органларида ишларни бир хилда, оқилона ва мақбул тарзда тақсимланишига, суд тизимида коррупциянинг олдини олишга, унинг аломатлари билан самарали курашишга замин яратади. Зеро судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тизимининг жорий этилиши суд раисларининг муайян судьяга нисбатан таъсир ўтказишига барҳам беради, суд интизомини таъминлайди, ҳал этилаётган ишнинг сифатига ва иш кўриш муддатларига ижобий таъсир кўрсатади. Ундан ташқари, жорий этилаётган янги тизим ишни кўраётган судьянинг ишнинг сифати учун ҳамда иш кўриш муддатларига амал қилиши юзасидан шахсий масъуллигини ҳам оширади. Бу эса пировардида судья томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига хизмат қилади.

**З.УСМОНОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича**  
**Қоракўл туманлараро суди судьяси**



## **Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартиби ва уни жорий этиш истиқболлари**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи муҳим чора-тадбирлардан бири сифатида судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш назарда тутилган.

Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш судларнинг мустақиллиги ва холислиги принципига риоя қилишни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Судьялар ўртасида ишларни объектив тақсимлаш механизмнинг жорий қилиниши суд тизимида юз бериши эътимоли бўлган коррупция аломатларининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Судларда ишларни тақсимлаш масаласига ишдаги у ёки бу тарафнинг ёки ишнинг якунидан манфаатдор бўлган ҳар қандай шахснинг хоҳиш-истаги таъсир қилмаслиги шарт. Судларда ишларни тақсимлашда қонун ёки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд суд амалиёти ёки маъмурий амалиёт билан тартибга солинадиган муайян услубдан фойдаланиш лозим. Ишларни тақсимлаш услуги адолатлилик ва одил судловни вақтида амалга оширишни таъминлаши, шунингдек жамоатчиликнинг ишончини мустаҳкамлаши ҳамда муайян мезонларга асосланиши лозим.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги шароитида суд раислари томонидан ишларни тақсимлаш тартибини такомиллаштиришга зарурат юзага келмоқда. Шунинг учун судьялар ўртасида ишларни тақсимлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш, хусусан ишларни тақсимлашнинг автоматик тартибини жорий қилиш моҳиятан Ҳаракатлар стратегияси тақозосидир.

Ўзбекистон Республикасида суд раислари судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш масалаларига аралашмаслиги, ишлар хусусиятига, мураккаблигига ва судьянинг иш юкмасига қараб судьялар ўртасида бир хилда бўлиниши учун автоматлашган тизим орқали махсус ишлаб чиқилган техник дастурлар воситасида бажарилиши, техник дастур орқали бажариладиган ишларни суд маъмуриятида фаолият кўрсатадиган техник ходим назорат қилиб бориши лозим.

Автоматлаштирилган тизим:

- ишларни ҳар бир судьяга бир хил миқдорда ва кетма-кетлик принципига риоя қилинган ҳолда объектив ва холис тақсимлашга;

- суд процесси иштирокчиларига ўзлари иштирок этаётган ишлар юзасидан ишнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этишга;

- суд ҳукми, ҳал қилув қарорлари, қарорлари, ажримларининг матнларини марказлашган ҳолда сақланишини таъминлашга;
- статистика маълумотларини тайёрлашга;
- суд ихтиёрига келаётган ва суддан чиқаётган ёзишмаларни ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини рўйхатга олишга;
- ишларни электрон архивга топширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш ушбу жараённи турли ноқонуний аралашувлардан юқори даражадаги ҳимоясини таъминлаб беради ҳамда келиб тушган ишни расмийлаштиришдан то уни судьяга беришгача бўлган вақтни анчагина қисқартиради. Бу эса суд ходимларининг тезкорлигини оширади ва ишлар вақтида кўрилишини таъминлайди, шунингдек дастур судьянинг юритувида бўлган иш қайси босқичда эканлигини, ишни кўриш муддатларига риоя қилинаётганлигини назорат этиш имконини беради ва суд раисининг ишларни тақсимлаш ва уни расмийлаштиришга кетадиган вақти тежалишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, судьялар ўртасида ишларнинг автоматик равишда тақсимланиши судлов органларида ишларни бир хилда, оқилона ва мақбул тарзда тақсимланишига, суд тизимида коррупциянинг олдини олишга, унинг аломатлари билан самарали курашишга замин яратади. Шунингдек жорий этиладиган янги тизим ишни кўраётган судьянинг ишнинг сифати учун ҳамда иш кўриш муддатларига амал қилиши юзасидан шахсий масъулиятини оширади, бу эса пировард натижада судья томонидан қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига хизмат қилади.

**И.Ж.ТОШТЕМИРОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти**  
**Шеробод туманлараро суди судьяси**

### **Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш**

Миллий қонунчилигимизда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари сифатида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги қайд этиб ўтилган.

Фуқаролик суд ишларини юритишда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибнинг мустаҳкамланиши, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчилик ва миллий тотувликнинг таъминланиши учун

фуқаролик ишларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозимлиги одил судловни амалга оширишдаги соҳада янги процессуал инструментларнинг жорий қилинишига зарурат туғилади.

Ҳозирги ахборот асри даврида, ўз навбатида ахборот-телекоммуникация технологиялари кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми сифатида ўрин эгаллаётган бир пайтда суд ишларини юритишда мазкур янги процессуал восита, яъни судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлашга эҳтиёж сезила бошлади.

Ўз ўрнида, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу масаланинг не чоғлик муҳим аҳамият касб этиши унинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да муҳим чора-тадбир сифатида жой эгаллаши билан изоҳланади.

Мазкур масаланинг яна долзарблилик жиҳати яна шундан иборатки, ҳамамизга маълумки, амалдаги фуқаролик-процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар оқибатида тарафларнинг ахборот-телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда судларга мурожаат қилиш имкониятлари яратилди, натижада маълумотлар айирбошланишининг, жумладан, “Е-суд” миллий электрон ахборот-хуқуқий тизимининг автоматлаштирилган механизми жорий этилди ва ҳозирги вақтда амалиётга тадбиқ этила бошланди.

Судьялар ўртасида ишларнинг тақсимланиши ташқи таъсирдан холи бўлиши ва бу суд аппаратининг ички иши ҳисобланиши лозим. Юқоридаги масала хорижий мамлакатлар қонунчилигида қандай акс этганлигини таҳлил қилиш учун чет эл тажрибасига назар ташлаш лозим бўлади.

Мисол учун, 2004 йил 18 март кундаги Украина Фуқаролик процесуал кодексининг 11-<sup>1</sup>-моддаси судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимига бағишланган. Унга кўра, Украина суд тизимида судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими фаолият кўрсатади, мазкур тизим ҳар бир судья учун ишларнинг тенг миқдорда ва навбатма-навбат тамойилларига амал қилган ҳолда судьялар ўртасида ишларнинг объектив ва холис тақсимланишини, ишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга ишларнинг кўрилиши ҳолати ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни, суд қарорлари, ажримлари ва бошқа процессуал ҳужжатлар матнларининг марказлашган сақланишини, статистик маълумотларнинг тайёрланишини, кирувчи ва чиқувчи хат-хабарлар ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини қайд қилишни, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимида мавжуд суд қарорлари асосида суд қарорлари ва ижро варақаларини беришни ва фойдасига суд қарори чиққан ишда иштирок этувчи шахснинг аризасини қайд қилишни, ишларнинг электрон архивга топширилишини таъминлайди.

Судга такдим этилаётган ва суд муҳокамасининг предмета бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай даъво аризаси, шикоят ва қонунда назарда тутиб ўтилган бошқа процессуал ҳужжатлар уларнинг келиб тушиш тартиби бўйича тегишли суд аппарати ходими томонидан мурожаат келиб тушган куни судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимида мажбурий тарзда қайд этиб борилади.

Шунингдек, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимига: ҳужжатларнинг келиб тушган санаси, ишда иштирок этувчи тарафлар ва низо предмети ҳақидаги маълумотлар, қайд қилишни амалга оширган суд аппарати ходимининг фамилияси, суд ҳужжатларининг ҳаракати ҳақида маълумотлар, ишни кўриб чиққан судья ҳақида маълумотлар ва Украина Судьялар кенгаши томонидан Украина Давлат суд маъмурияти билан келишган ҳолда тасдиқланган Судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими ҳақидаги Низомда назарда тутиб ўтилган бошқа маълумотлар.

Судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимига кириш учун рухсат фақатгина судья ва суд аппарати ходимига уларнинг мансаб йўриқномаларига асосан берилади.

Шу билан бир қаторда, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими фаолиятига қонунга зид тарзда аралашиб қонунда белгиланган тартибда жавобгарликни келтариб чиқаради.

Судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимининг фаолият кўрсатиш тартиби, шу жумладан, ишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга ишларнинг кўрилиши ҳолати ҳақидаги маълумотларни такдим этиш, суд қарорлари, ажримлари ва бошқа процессуал ҳужжатлар матнларининг марказлашган сақланиши, статистик маълумотларнинг тайёрланиши, кирувчи ва чиқувчи хат-хабарлар ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини қайд қилиш, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимида мавжуд суд қарорлари асосида суд қарорлари ва ижро варақаларини бериш ва фойдасига суд қарори чиққан ишда иштирок этувчи шахснинг аризасини қайд қилиш, ишларнинг электрон архивга топширилиши “Судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади.

Ўз навбатида, 2003 йил 30 майдаги Молдова Фуқаролик-процессуал кодексининг 168-моддасига кўра, суд инстанциясига келиб тушган даъво аризаси 24 соат ичида Ишларни бошқаришнинг интеграциялашган дастурий таъминоти воситасида арашлаштирилган ҳолда судьяга, баъзи ҳолатларда эса суд таркибига тақсимланиши белгилаб ўтилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида, жумладан фуқаролик-процессуал қонунчилигида судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартиб-таомиллари назарда тутилмаган бўлиб, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 38-моддасида фуқаролик ишлари бўйича

туман (шаҳар) суди раисларининг ваколатларидан бири сифатида судьялар ўртасида ишларни тақсимлаши умумий қоида тариқасида белгилаб қўйилган. Мазкур масала ҳатто фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномада ҳам ўз ифодасини топмаган.

Ҳозирги вақтда судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш амалиётдан келиб чиққан ҳолда, яъни судларда ишларнинг қай даражада ташкил-лаштирилганлигидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича амалиётлардан фойдаланиб келинмоқда:

- суд раиси ва судьялар томонидан ўзларининг қабул кунлари давомида қабул қилиб олинган муурожаатларини ўзларининг иш юритувларига қабул қилиб олишлари;

- суд раиси ва судьялар ўртасида ҳудудлар, яъни бу ўринда туманлар, шаҳарлар ҳудудларининг бўлиб олиниши натижасида ўзларига бириктирилган ҳудудлардан тушган муурожаатларини ўзларининг иш юритувларига қабул қилиб олишлари;

- катта билим ва тажриба эга бўлган судьялар томонидан мураккаб тоифадаги ишларни ўзларининг иш юритувларига қабул қилиб олишлари;

- илк бор тайинланган судьяларга улар тайинланган муддат давомида билим ва кўникма ҳосил қилишлари учун босқичма-босқич, яъни аввалига енгилроқ, маълум бир вақтдан сўнг, айтилик бир йилдан сўнг мураккаброқ тоифадаги ишларининг берилиши;

- сайёр суд мажлислари ўтказилаётган вақтда жисмоний шахс ва юридик шахс вакиллари томонидан тақдим этилган муурожаатларни ўзларининг иш юритувларига қабул қилиб олишлари;

- суд раиси ва судьялар томонидан ишларнинг тоифа-тоифа бўлиб-бўлиб олиниши;

- суд раиси ва судьялар томонидан уларнинг иш юкчаси, иш унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда ишларнинг бўлиб олиниши;

- суд раиси суд аппарати фаолиятининг умумий масалалари билан машғул бўлганлиги ҳамда суднинг ташкилий масалаларига оид жабҳаларига масъул бўлганлиги боис улар томонидан фуқаролик ишларининг кам кўрилиши;

- суд раиси ва судьяларнинг бир қатор чет тилларини билиши натижасида улар томонидан судга келиб тушган муурожаатлар ичидан процесс иштирокчилари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ишларнинг кўриб чиқилиши ва бошқалар.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги шароитида суд раислари томонидан ишларни тақсимлаш тартибини такомиллаштиришга зарурат юзага келмоқда. Чунки, судда мазкур тартибда ишларни тақсимлашнинг амалдаги амалиёти судьялар томонидан ишларни ҳаққоний ва ҳолис кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлашга қодир эмас, судьяларнинг мустақиллигига раҳна солиши мумкин. Шунинг учун,

судда иш юритишда ишларни тақисмлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш, хусусан, ишларни тақисмлашнинг автоматик тартибини жорий қилиш Ҳаракатлар стратегиясида бежиз илгари сурилгани йўқ.

Ўз ўрнида, Ҳаракатлар стратегиясида, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг яна қуйидаги шакллари: судларда ўз вақтида электрон ахборот тарзда ахборот алмашинувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш; суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш назарда тутилди.

Шу ўринда, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш деганда автоматлашган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда судга келиб тушган дастлабки ҳужжатларни: даъво аризаси, ариза, шикоят, бир сўз билан айтганда, аризаларни, шунингдек, судга келиб тушган ва автоматлашган ахборот тизими орқали расмийлаштирилган бошқа ишларни судьялар ўртасида бир хил миқдорда ва кетма-кетлик тамойили бўйича тақсимлаш тушунилади. Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.<sup>183</sup>

Чет эл давлатлари тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда, шуни айтиш керакки, янги таҳрирда қабул қилиниши режалаштирилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқароликпроцессуал кодексига судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизими билан боғлиқ бўлган меъёр ёки меъёрлар мажмуи киритилиши ва унда ҳар бир судья учун ишларнинг тенг миқдорда ва навбатма-навбат тамойилларига амал қилган ҳолда судьялар ўртасида ишларнинг объектив ва холис тақсимланишини назарда тутиш таклиф қилинади.

Ундан ташқари, мазкур тизимда ишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга ишларнинг кўрилиши ҳолати ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни, суд қарорлари, ажримлари ва бошқа процессуал ҳужжатлар матнларининг марказлашган сақланишини, статистик маълумотларнинг тайёрланишини, кирувчи ва чиқувчи хат-хабарлар ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини қайд қилишни, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимида мавжуд суд қарорлари асосида суд қарорлари ва ижро варақаларини беришни ва фойдасига суд қарори чиққан ишда иштирок этувчи

<sup>183</sup> Мамасиддиқов М. Суд ишларини тақсимлаш: судьялар мустақиллигини таъминлаш йўлидаги муҳим кафолат // Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2017 й., 3-сон. -Б. 15-19. Мамасиддиқов М. Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш // Ж. Иқтисод ва ҳуқуқ. 2017 й., № 5. -Б. 40-45.

шахсининг аризасини қайд қилишни, ишларнинг электрон архивга топширилишини таъминлашга қаратилган жараёнлар, босқичлар акс этишини қайд этиб ўтиш лозим бўлади.

Бу эса ўз ўрнида, судда ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимининг яратилиши судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашинувини таъминловчи корпоратив алоқанинг йўлга қўйилишига, процесс иштирокчиларига ўзлари иштирок этаётган фуқаролик ишининг ҳолати тўғрисида ахборот олишга, суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасининг яратилишига, айрим суд қарорларини чоп этилишини таъминлашга, судга келаётган ва чиқиб кетаётган ёзишмаларни ва уларнинг ҳаракатланиш босқичларини қайд этиб боришга имкон яратади.

Шунингдек, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш асослари, тартиби, механизмлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши билан биргаликда тасдиқланган Низом, Йўриқнома билан тартибга солинишини белгилаш ва ушбу Низом, Йўриқнома лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб шуни қайд этиб ўтиш жоизки, судьялар ўртасида ишларнинг автоматик равишда тақсимланиши фуқаролик суд ишларини юритишда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланиши, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчилик ва миллий тотувликнинг таъминланиши учун фуқаролик ишларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига ҳамда суд органларида ишларнинг бир хилда, оқилона ва мақбул тарзда тақсимланишига асос бўлади.

Бу эса, судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тизимининг жорий этилиши ҳалоллик, адолатлилик, бир хилда иш юкламанинг бўлишини, суд интизомини таъминлайди, ҳал этилаётган ишнинг сифатига ва иш кўриш муддатларига ижобий таъсирини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, жорий этилаётган янги тизим ишни кўраётган судьянинг ишнинг сифати учун ҳамда иш кўриш муддатларига амал қилиш юзасидан шахсий маъсулиятини ҳам оширади.

Пировардида судья томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига хизмат қилади.

## **7-БОБ. ЮРИДИК ЁРДАМ ВА ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Х.С. ФАЙЗИЕВ,  
Юристар малакасини ошириш  
маркази катта ўқитувчиси**

### **Юридик хизматнинг иқтисодий низоларни судгача муқобил ҳал қилишдаги ўрни**

Мустақил давлатимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормоқда. Жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишлар жадал давом эттирилмоқда, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, хусусан, ўз фаолиятида салбий оқибат билан курашишдан кўра, унинг олдини олиш принципига таянадиган юридик хизматнинг ўрни ўта муҳим, зеро асосий вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунийликни таъминлашдан иборатдир.

Ислохотлар кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда мукамал қонунчиликни яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим йўналишлар ҳисобланади. Бу жараёнда давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларда фуқаролар ва ташкилотлар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судгача муқобил таомиллар орқали ҳимоя қилишни афзал кўрмоқдалар. Сабаби шундаки, аввало, низоларни суд орқали ҳал қилиш муайян харажат (шу жумладан, суд қарорларининг ижроси билан боғлиқ харажатлар) ва муддат (суд қарорларини қайтадан кўриш талаблари асосида) талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Қолаверса, судларга келиб тушадиган ишлар ҳажмининг ортиб бориши судьялар иш юкламасининг кўпайишига сабаб бўлаётган омилларидан бири бўлиб, суд томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифатига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Ўзбекистонда судларнинг иш ҳажмини камайтириш, шу орқали одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири – иқтисодий ва фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон



Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ”Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 79-бандида низоларни судгача ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси айтилган ва ушбу вақтида белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу муқобил таомиллар, шу жумладан медиация тартиб-таомилларининг амалиётда қўлланилишида ҳуқуқий билимга эга, хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қонун доирасида малакали ёрдам (маслаҳат) бера оладиган, шу жумладан мазкур муқобил таомилларнинг энг самарали ва мақбул усулларида хабардор шахслар – ҳуқуқшунослардан фаоллик талаб этилади.

Афсуски, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашда юридик хизмат органларига бир қатор вазифалар юклатилганига қарамасдан, етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабаблиуларнинг фаолияти кутилган самарани бермади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли қарорининг қабул қилиниши мазкур салбий ҳолатни бартараф этиш, юридик хизмат ходимларининг жамиятда ўзига муносиб юқори ўринни эгаллашига, қонунийликни таъминлашдаги муҳим аҳамияти талаб даражасида бўлишига, энг асосийси, ҳуқуқшуносларнинг жамиятдаги фаоллигини тубдан оширишга ҳуқуқий замин яратди.

Юридик хизматлар фаоллигини ошириш йўналишларидан бири – бу юқорида қайд этилганидек, иқтисодий низоларни судга қадар муқобил усуллар ёрдамида ҳал этишда бевосита ташаббус кўрсатиш, вакил ёки бетараф воситачи сифатида иштирок этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан, жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ўзлари мансуб бўлган органлар ва ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чораларни кўриши зарурлиги қатъиян белгилаб қўйилди.

Дунё амалиётида иқтисодий низоларни ҳал қилишда медиацияга энг самарали воситалардан бири сифатида қаралади. Масалан, Германияда иқтисодиёт ва меҳнат соҳасида медиация федерал иттифоқи фаол ишлайди. МДҲ давлатлари қонунчилик тажрибасида ҳам низоларни воситачи (медиатор) иштирокида ҳал қилиш таомилларини назарда

тутувчи махсус қонунлар қабул қилиш тамойили ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Россия Федерациясида 2010 йил 27 июлда “Низоларни воситачи иштирокида ҳал қилишнинг муқобил таомиллари (медиация таомили) тўғрисида”ги Федерал қонун қабул қилинган бўлса, Қозоғистонда 2011 йил 28 январда, Беларусда эса 2013 йилнинг 12 июлида “Медиация тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган.

Маълумки, ҳар қандай муносабатларни мавжуд қонун ҳужжатларига асосан ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси билан баҳоланади, зеро қонун устуворлигига эришиш, низоларни ҳуқуқ доирасида ҳал этиш принципларига қатъий риоя этиш орқали ҳал қилиш ҳуқуқ маданиятининг устувор шаклига айланмоғи керак. Шу билан бирга, ушбу омил бир вақтнинг ўзида юридик хизмат вакилларига (бу ерда гап нафақат ҳуқуқшунослар, балки адвокатлар хусусида ҳам бормоқда) нисбатан юқори эҳтиёжни юзага келтиради, шунга яраша уларнинг жамиятдаги мавқеини ҳам оширади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган қарорида давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини улар эътиборига етказиш ҳамда аҳоли ўртасида қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш юридик хизматлар фаолиятининг асосий йўналишларидан этиб белгиланган.

Айтиш жоизки, миллий ҳуқуқшуносларимиз ҳам ушбу масалада ижобий фикрда. Хусусан, Ф.Отахоновнинг асосли фикрига кўра, истиқболда медиацияни тадбиркорлик субъектлари учун айрим тоифадаги низоларни соддалаштирилган тартибда ҳал қилишда ҳуқуқий майдоннинг самарали элементи сифатида қабул қилиш мумкин бўлади.

Назаримизда, корхона ва ташкилотлар фаолиятида юзага келадиган иқтисодий низоларни буткул яраштирув воситалари орқали ёки фақатгина юридик хизмат ходимлари иштироки билан ҳал қилишнинг имконияти ва ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмас, аслида бунга эришиб ҳам бўлмайди. Юридик хизматлар ишида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ва мулкӣ манфаатлар билан боғлиқ бошқа жараёнларда иқтисодий низоларни муқобил усулларни қўллаб ҳал қилиш анча самаралироқ бўлиши мумкин.

Шу маънода ҳуқуқни қўллаш тизимида юридик хизматнинг ўрни ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш, юридик хизмат ходимлари томонидан корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашда судга қадар ёки шунга муқобил таомилларни қўллашда янгича мақомга эга бўлиш, ўзига хос вазифаларни бажариш масалаларини хорижий амалиётни чуқур

ўрганган ва таҳлил қилган ҳолда, тубдан такомиллаштириш тақозо этилади.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари юридик хизматлар томонидан тизимли равишда қўлланаётганда жараён иштирокчиларини рағбатлантирувчи омилларни миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш ҳам самара беради. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қилайлик-чи. 1999 йил 26 апрелда кучга кирган Англия Фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларига кўра, судда иш кўрилишида ютиб чиққан тараф, агар суднинг медиацияга мурожаат қилиш ҳақидаги талаби ёки тавсиясини рад этган бўлса, суд харажатларини ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Словенияда 2010 йилнинг 15 июнида кучга кирган “Судда иш юритишда низоларни муқобил ҳал этиш ҳақида”ги Актда судья суд мажлисининг танишув жараёнида тарафларга медиация таомилидан ўтиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига эга. Агар тарафлар медиация таомилидан ўтишни исташмаса, у ҳолда суднинг қароридан норози бўлиб апелляция шикоятини тақдим этишлари мумкин ва суднинг қарори бекор қилинади. Бироқ шу билан бирга суд уларга ушбу ҳолатда суд харажатларини ундиришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишларини ҳам тушунтириб ўтади. Шундай қилиб, низоларни судга қадар ҳал этишда, шунингдек низоларни судда ҳал этиш жараёнларида медиация институтининг самарали қўлланилишида миллий қонунчиликда рағбатлантирувчи омилларни мустаҳкамлаб қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида айтилганларга асосланиладиган бўлса, жамият турмушидаги барча жараёнларида, жумладан иқтисодий низоларни ҳал этишда юридик хизматнинг фаоллигини ошириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқиладиган “Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида”ги Қонунида фуқаролик ва иқтисодий судловни процессуал жиҳатдан тартибга солувчи янги кодекслар нормаларида низоларни судга қадар муқобил ҳал этиш таомилларини қўллашда юридик хизмат вакилларининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, бу борада уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, воситачи сифатида ҳуқуқшуносларга аниқ талаблар қўйиш ҳамда медиациянинг самарали қўлланилишини таъминлашга қаратилган рағбатлантирувчи омилларни миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## МУНДАРИЖА

### **1-БОБ. “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” - МАМЛАКАТИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

#### **М.М.МАМАСИДДИҚОВ**

“Ҳаракатлар стратегияси”: қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларини такомиллаштиришдаги туб бурилиш

#### **М.А. ТИЛЛАБАЕВ,**

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития в 2017–2021 годах – «дорожная карта» по модернизации и обновлению страны

#### **М.М.МИРАКУЛОВ**

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари

### **2-БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СУДНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ, СУД ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **Х.Т. МАМАТОВ**

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги конституциявий ислохотларнинг янги босқичи

#### **А.Р.АКИЛОВ**

Суть и значение судебно-правовых реформ, заложенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

#### **Ш.АБДУҚОДИРОВ**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳуқуқий мақоми

#### **М.М.МАМАСИДДИҚОВ**

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс: у қандай бўлиши керак?

#### **3.ХЎЖАМУРОТОВ**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва маъмурий судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги чегарасини белгилаш муаммолари

### **И.М.САЛИМОВА**

Судларнинг ваколатини белгилашда тааллуқлилик институтининг аҳамияти

### **Дж.И.САФАРОВ**

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш – қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши

### **А.ИБРАГИМОВ**

Судларда ахборот технологияларнинг жорий қилиш қулайликлари

### **О.НИШОНОВ**

Судда фуқаролик ишларини кўришда видеоконферендалоқа тизимини жорий этиш масалалари

## **3-БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ**

### **Д.Ю.ХАБИБУЛЛАЕВ**

Фуқаролик процессуал қонунчилиги: эришилган ютуқлар ва такомиллашув сари

### **Ш.С.ЮСУПОВ**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилик тизимини такомиллаштириш

### **М.М. МАМАСИДДИҚОВ**

### **С.Дж.ДЖОЛДАSOBA**

Корпоратив низоларни судда кўриш ва ҳал этиш тартибини такомиллаштириш масалалари

### **Ф.ТУРАХОДЖАЕВ**

### **С.МАШАРИПОВ**

Дифференциация уголовного наказания по признакам повторности и опасного рецидива, как важный элемент справедливости назначаемого наказания

### **М.М.МИРАКУЛОВ**

Законодательное закрепление административных процедур, как механизм обеспечения верховенства закона

## **У.РАУПОВ**

Фуқаролик процессида суд харажатлари:  
муоммо ва унинг ечимлари

## **Ж.КАРИМОВ**

Фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат  
қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи  
миқдорини камайтириш: аҳамияти, омили ва тартиби

## **4-БОБ. МАЪМУРИЙ, ЖИНОЯТ, ФУҚАРОЛИК ВА ХЎЖАЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **М.М.МАМАСИДДИҚОВ**

#### **Х.А.КУЧҚАРОВ**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал  
кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш:  
зарурати, омиллари ва асосий йўналишлари

### **Д.Ю.ХАБИБУЛЛАЕВ**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик  
процессуал кодексини такомиллаштириш  
юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар

### **Ш.Н.АҲАДОВ**

Фуқаролик процессуал кодекси тузилишини  
такомиллаштириш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба

### **Б.Т.БЕКМУРАТОВ**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал  
кодексини янги таҳрирда қабул қилиш  
зарурияти ва асосий йўналишлари

### **М.М.МАМАСИДДИҚОВ**

#### **С.И.ХАСАНОВ**

Медиация тўғрисидаги қонунни қабул қилиш  
зарурати ва аҳамияти

### **Г.Д.САТТАРОВА**

Органы, рассматривающие трудовые споры:  
обзор трудовых кодексов стран СНГ

### **Г.С.ИНАМДЖАНОВА**

Оилавий низоларда медиация институтини қўллаш:  
қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

**Х.С. ФАЙЗИЕВ**

Меҳнат низоларини ҳал қилишда яраштирув  
(медиация) институтининг аҳамияти

**А.КАРИМОВ**

Фуқаролик низоларини судгача ҳал этиш  
механизмларини белгилаш (медиация) истиқболлари

**Н.А.МИРАХМЕДОВА**

Янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси:  
прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари

**Х.ХАКИМОВ**

Фуқаролик процессида даъво ишларини  
соддалаштирилган тартибда ишларни кўриш

**Г.МАМАРАИМОВА**

Оталикка эътироз билан боғлиқ ишларни  
судда кўришнинг процессуал хусусиятлари

**С.Б.НИЯЗОВ**

Фуқаролик процессида келишув битими: тузиш тартиби  
ва уни такомиллаштириш масалалари

**У.МАШАРИПОВ**

Фуқаролик процессида келишув битими

**Ш. МУЛЛАЖАНОВ**

Буйруқ тартибида иш юритишни такомиллаштириш:  
миллий амалиёт ва хорижий тажриба

**А.БАХРОМОВ**

Фуқаролик судларида буйруқ тартибида иш  
юретишнинг процессуал хусусиятлари

**Э.А.ИРГАШЕВ**

Фуқаролик процессида судловга тегишлилик турлари  
ва уларни такомиллаштириш масалалари

**З.А.ИБРАГИМОВ**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий  
судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги  
чегарасини белгилаш муаммолари

### **А.И.МИРХОДЖАЕВ**

Иқтисодий судларда иш кўришни  
ФПК билан тартибга солиш: зарурат,  
истиқбол ва хорижий тажриба

### **Ф.Ж.ҚАРШИЕВ**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва  
маъмурий судлар ўртасида ишларнинг  
таллуқлигини чегарасини белгилаш

### **Э.САБИРОВ**

Фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигини  
белгилашга оид айрим қоидалар

### **Ш.БОЗОРОВ**

Фуқаролик ишлари бўйича сиртдан иш юритиш:  
миллий амалиёт ва хорижий тажриба

### **Л.Б.ШЕРБЕКОВА**

Фуқаролик процессида даъво ишларини  
соддалаштирилган тартибда кўриш хусусиятлари

### **М.САИДМУРОДОВ**

Фуқаролик процессида ишни кўришни  
кейинга қолдириш, аризани кўрмасдан  
қолдириш асослари ва тартибини такомиллаштириш

### **Н.ҲАМРОЕВ**

Минск конвенциясида фуқаролик ва оилавий ишлар  
бўйича ҳуқуқий муносабатлар

### **Ф.КАРАБАЕВ**

Фуқаролик суд ишларини юритишда  
процессуал ҳуқуқий ворисликка  
йўл қўйишнинг айрим хусусиятлари

## **5-БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК- ЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **О.ОКЮЛОВ**

Уюлмаган ёшлар бандлигига кўмаклашиш –  
улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини  
олишнинг энг асосий ташкилий-ҳуқуқий воситаси



## **Б.Н. ТОШЕВ**

Суд ҳужжатлари очиқлигини таъминлаш – суд ҳоқимиятини амалда таъминлашнинг гарови

## **Ш.ШУКУРОВ**

Давлат тузилмаларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги – аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили

## **6-БОБ. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ**

### **М.М. МИРАКУЛОВ**

Конституция устунлигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори

### **С.А.АЛИМУХАМЕДОВ**

Система оценки деятельности судей и судебной системы: важный институт обеспечения верховенства закона и интересов человека

### **Х.С. ФАЙЗИЕВ**

Конституция ва қонун устуворлиги юридик хизмат фаолиятининг ажралмас қисмидир

### **М.М.МАМАСИДДИҚОВ**

#### **С.А.МАРИПОВА**

Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш

### **З.УСМОНОВ**

Судьялар ўртасида ишларни автоматик тақсимлаш тартиби ва уни жорий этиш истиқболлари

### **И.Ж.ТОШТЕМИРОВ**

Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш

## **7-БОБ. ЮРИДИК ЁРДАМ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **Х.С. ФАЙЗИЕВ**

Юридик хизматнинг иқтисодий низоларни судгача муқобил ҳал қилишда тутган ўрни

## **МУНДАРИЖА**

**ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ  
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

***МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ***

Техник муҳаррир: .....  
Компьютерда саҳифаловчи: .....  
Дизайнер: .....

Босишга рухсат этилди: 10.09.2017 й.

Босма табоғи: 16. Адади: 500 нусха. Буюртма: №

Нархи шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Юристар малакасини ошириш маркази  
босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 15 уй.